



Адхамжон Аширов

Ўзбек
маданиятида
СУВ

**ЎЗБЕК
МАДАНИЯТИДА
СУВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ



АДҲАМЖОН АШИРОВ

**ЎЗБЕК
МАДАНИЯТИДА
СУВ**

Тошкент
Akademnashr
2020

УЎК: 556(575.12)
КБК: 26.22(5Ў)
А 93

А 93 Аширов, Адҳамжон.

Ўзбек маданиятида сув [Матн] / Адҳамжон Аширов. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – 240 б.

ISBN 978-9943-6498-2-8

УЎК: 556(575.12)
КБК: 26.22(5Ў)

Ушбу китобда Фарғона водийсида яшовчи ўзбекларнинг сув билан боғлиқ маданияти ёритилган. Муаллиф жамиятда сувнинг аҳамиятини тарихий, ижтимоий ва маданий соҳалар туташуви асносида тарихий-этнографик материаллар асосида таҳлил қилган. Асарда турли мафкуралар ва сиёсий тузумларнинг таъсири натижасида сувга бўлган муносабатнинг ўзгариши ва бугунги кунда сувга эҳтиёжнинг ошганлиги, ушбу неъматнинг қадри беқиёс эканлигига эътибор қаратилган. Монография экологик маданият ва сув илми билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Такризчилар:

Т.ф.д, проф. Д.А. Алимова, т.ф.д., проф. У.С. Абдуллаев,
т.ф.д, проф. Д.Ҳ. Зияева, т.ф.д. Н.А. Аллаева, т.ф.н., доц. Б. Р. Исоқов,
т.ф.н. М. Пайзиева, т.ф.н. Ҳ. Мамадалиев.

Китоб Volkswagen фондининг «Coexistence of man and river: environmental history, social worlds and conflict management along the Naryn-Syr Darya» («Дарёнинг ижтимоий ҳаёти: Норин-Сирдарёнинг экологик тарихи, ижтимоий дунёқараш ва низоларни бошқариш») номли халқаро илмий лойиҳаси доирасида нашрга тайёрланган.

Монография ЎзР ФА Тарих институти Илмий кенгашида муҳокама этилди ва нашрга тавсия қилинди. 2020 йил 4 июлдаги 5-сонли баённома.

ISBN 978-9943-6498-2-8

© Адҳамжон Аширов
«Ўзбек маданиятида сув»
© «Akademnashr», 2020

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....	6
----------------	---

I БОБ. ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

I.1. Географик тавсифи.....	16
I.2. Фарғона тарихидан лавҳалар.....	24
I.3. Водий гидронимлари тавсифи ва таҳлили.....	38

II БОБ. СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ МИФОЛОГИК ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР

II.1. Сув билан боғлиқ мифологик қарашлар.....	62
II.2. Зардуштийликда сув илоҳлари.....	88
II.3. Ислом динида сувга муносабат.....	107
II.4. Ўзбек фольклорида сув талқини.....	120

III БОБ. ОИЛА ВА КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИДА СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАЛАР

III.1. Оилада сув билан боғлиқ маданият ва тарбия.....	138
III.2. Оилавий маросимларда сув покланиш манбаи ёки инициация рамзи.....	152
III.3. Мироб – сув беги.....	166
III.4. Сувнинг тиббий хусусиятлари.....	180

IV БОБ. ЗАМОНАВИЙ ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ТИЗИМИДА СУВ

IV.1. Сув билан боғлиқ давлат сиёсатидаги ўзгаришлар....	194
IV.2. Ҳозирги даврда сув муаммолари ва уларнинг ечимлари.....	211

ХОТИМА.....	222
-------------	-----

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР.....	228
--	-----

*Сув – табиатнинг барча элементларини
ҳаракатлантирувчи кучдир!*

Леонардо да Винчи

МУҚАДДИМА

Кишилиқ жамияти тарихида сув энг зарур эҳтиёж манбаи сифатида қадрлаб келинган. Сув ердаги энг оддий ва дастлабки суюқлиқ бўлиши билан бирга барча тирик организмлар, мавжудотлар ва инсонлар учун энг муҳим ҳаётий унсур ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, сув табиат ва инсон мавжудлиги ҳамда тирикликни белгиловчи мўъжиза, бекиёс неъматдир.

Ҳозирги кунда ҳам сув ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳалари учун энг муҳим ҳаётий аҳамиятга эга табиатнинг ноёб унсури бўлиб, одамларнинг кундалиқ эҳтиёжидан тортиб иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари, шунингдек, экологик мувозанатни сақлашда ҳаётий ресурс ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инсоният ҳаётидаги табиий офатлар, сув тошқинлари, сув етишмовчилиги, сув ресурсларининг ифлосланиши ва трансчегаравий дарёлар муаммолари дунё халқларини яна бир бор ушбу неъматга жиддий эътибор беришга ундамоқда.

Жаҳоннинг турли минтақалари ва маданиятларида сув универсал рамзий вазифаларни бажариб келмоқда. У суюқ, қаттиқ ва буғ кўринишида доимо ҳаракатда бўлиб, уммон, денгиз ва дарёларни пайдо қилади, юлдузлар нури остида ўз тусини ўзгартиради, иссиқлик таъсирида буғга айланади ёки кўзгу сингари предметлар ва жонли мав-

жудотларни ўзида акс эттиради. Сув ўсимликларга жон бағишлаб, кишилар ва ҳайвонларнинг ташналигини қондиради, инсонларнинг сабр-матонатини синайди, уларга соғлиқ-саломатлик, шифо беради.

Тарихга назар солинса, ўтмишда сув масаласи мураккаб муаммо бўлганлиги боис катта баҳс-тортишувлар, ҳатто урушларга сабаб бўлганлиги ҳақида манбалар гувоҳлик беради. Қолаверса, кўплаб олимлар, шоиру адиблар табиатнинг ушбу бебаҳо неъматига бағишлаб кўплаб асарлар ёзган. Буюк шоир Алишер Навоийнинг қарашларига кўра, инсон вужуди табиат жисмлари сингари ўт, сув ҳаво ва тупроқдан ташкил топган. Шу билан бирга, унда ҳиссиёт, руҳ ва ақл мужассам бўлиб, руҳий ҳаёт ўша тўрт унсурдан иборат бўлган жисмлар томонидан ҳаракатга келади¹.

Мавлоно Жалолоiddин Румий сувнинг барча тирик организмлар, наботот (ўсимликлар) ва инсонлар учун беҳад муҳимлигига алоҳида эътибор қаратиб:

*Сув садоси бонги Исрофил эрур,
Тиргизур ҳатто ўлик жонларни ул², –*

деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, сувсиз ҳаёт бўлмайди. Жазирама саратонда ташналик азобини чекаётган одам бир қултумгина сув учун бор бойлигини бериб юборишга ҳам рози бўлиши билан боғлиқ кўплаб ҳаётий мисолларни келтириш мумкин.

Маълумки, ер шаридаги барча тирик организм истеъмол қиладиган озуканинг 80 – 90 фоизи сувдан иборат бўлиб, инсон ҳаёти давомида тахминан 35 тонна сув ичади. Ўз навбатида, инсон танасининг 70 – 75 фоизи, унинг ҳаёт

¹ Алишер Навоий. Танланган асарлар. 6-жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент, 1965. – Б. 218.

² Жалолоiddин Румий. Ҳикматлар / Форсийдан Жамол Камол таржима-си. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 18.

фаолиятини бошқарадиган миянинг 90 фоизи, қоннинг 95 фоизи сувдан ташкил топган¹.

Сув – бу обихаёт, сув – бу борлиқ. Сайёрамиздаги чексиз ва турфа хилма-хиллик ҳам айнан сув туфайлидир. Афсуски, мана шундай буюк табиат неъматининг ўзбек халқи маданиятидаги ўрни этнографик материаллар асосида чуқур ўрганилмаган.

Хўш, сув башарият учун беқиёс бир неъмат экан, бугун биз уни қай даражада биламиз, одамзоднинг иқтисодий имкониятлари ва яшаш шароитлари яхшиланиб боргани саринима сабабдан сувга бўлган муносабати ёмонлашиб бормоқда? Сув маданият ва анъаналарда қандай ўрин тутди? Нега бугунги замонда сув билан боғлиқ қадрият ва қарашлар таназзулга учрамоқда? Бундай ҳолатлар келажакда қандай оқибатларга олиб келади, қандай муаммоларни пайдо қилади? Ушбу масалаларга келгуси авлодларимиз қай тарзда ечим топади ёки топа олмайдами? Бундай мураккаб саволларга амалий жавоб топиш вазифаси бугун инсоният олдида долзарб масалалардан биридир.

Аслида, инсониятнинг сув ҳақидаги билимлари ҳам кўп нарсани англатмайди. Чунки сайёрамиз ўтмиши қанчалик қадимий бўлмасин, сув ундан-да узоқ тарихга эга. Шу боис билганимиз сари ҳали кўп унсурлар ва турли табиий жараёнларнинг асл моҳиятини чуқур англаб етмаслигимиз ҳам тобора равшанлашиб бораверади.

Биз сув ҳақидаги маҳаллий қарашлар, бу борадаги билим ва маданиятни ўрганиш мақсадида Фарғона водийсида этнографик тадқиқотлар олиб бордик. Тадқиқот ишлари 2015–2019 йилларда Volkswagen фондининг «Дарёнинг ижтимоий ҳаёти: Норин-Сирдарёнинг экологик тарихи, ижтимоий дунёқараш ва низоларни бошқариш» номли халқаро илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Лойиҳада Тюбинген университети (Германия), Ўзбекис-

¹ Андреев Ю. А. Вода заместника Бога на Земле. – Санкт-Петербург: Питер, 2008. – С. 7.

тон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Американинг Марказий Осиё университети олимлари – Dr. Жанн Фэо де ла Кроа (Jeanne Féaux de la Croix), профессор Моҳира Суяркулова, докторантлар Гульзат Баялиева ва Айбек Самаковлар ҳамда ушбу китоб муаллифи иштирок этди. Лойиҳа муаллифлари – антрополог, тарихчи ва сиёсатшунос мутахассислар томонидан Сирдарёнинг турли оқимларида жойлашган бир қатор шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳлари, жумладан, Норин ва Шамолдисой (Қирғизистон), Наманган ва Фарғона вилоятлари (Ўзбекистон), Хўжанд шаҳри (Тожикистон) ҳамда Қазали (Қозоғистон) худудларида олиб борилди. Тадқиқотлар жараёнида сув ҳақида жуда хилма-хил, қизиқарли маълумотлар қайд қилинганига қарамай, унинг инсоният учун номаълум ва ҳали ўрганилмаган кўплаб хусусиятлари мавжуд эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Илмий изланишлар жараёнида Фарғона водийси аҳолиси орасидаги сувга оид этнографик маълумотларни тўплашга ҳаракат қилинди.

Тарихдан маълумки, Фарғона водийси энг қадимги даврлардан инсоният шаклланиш жараёнлари юз берган муҳим минтақалардан бири ҳисобланиб, ушбу макон қадимги суғорма деҳқончилик маданияти тараққий этган худудлардан бири бўлган¹. Шу боис маҳаллий аҳоли асрлар

¹ Фарғона водийсида қадимги деҳқончилик маданиятининг ривожланиш тарихи ҳақида батафсилроқ қаранг: Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. – Москва, 1962. – С. 48–55.; Андрианов Б. В. Земледелие наших предков. – Москва, 1978. – С. 31–56.; Антонова Е. В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. Опыт реконструкции мировосприятия. – Москва, 1984. – С. 82–93; Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончилигининг шаклланиши ва антропоген ландшафтнинг ташкил топиши // Ўзбекистон худудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2006. – Б. 3–16; Ўша муаллиф: Ахсикент – столица древней Ферганы. – Ташкент, 2013; Ўша муаллиф ва Максудов Ф. А. Древний Маргилан (Из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Ташкент: Фан, 2007. – С. 12–44.

давомида суғорма деҳқончилик фаолиятида сувни исроф қилмай фойдаланишга оид билимларни ўзлаштириб, такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Қадимдан фарғоналиклар сувдан ичимлик манбаи сифатида фойдаланиш билан бирга уни шаҳар ва қишлоқларини бало-қазолардан ҳимоя қилувчи восита сифатида ҳам бениҳоя қадрлаганлар. Сув заҳматкаш деҳқонлар учун «буюк устоз» вазифасини бажариб, уларнинг сабр-тоқати ва матонатини доимий равишда синовдан ҳам ўтказиб турган.

Улкан ўзгаришлар даври ҳисобланган XX асрда сув ва у билан боғлиқ гидротехник имкониятларнинг такомиллашуви натижасида Фарғона водийсида ҳам сув захираларидан фойдаланиш амалиёти кенг ривожланди. Лекин сув билан боғлиқ анъанавий билим ҳамда тушунчалар инқирозга учради ёки буткул унутилди. Шу ўринда «Нима учун айнан XX асрда сувга оид минг йиллар мобайнида ўзлаштирилган билимлар унутилди, бунинг асосий сабаблари нима эди? Ушбу ҳолат тарихий, ижтимоий, сиёсий, маданий жараёнлар билан боғлиқми ёки бошқа воқеликнинг таъсирими?» деган қатор саволлар пайдо бўлади.

Шу боис этнографик тадқиқотлар жараёнида маҳаллий аҳолига «Сув сиз учун нима?» деган савол билан мурожаат қилинганда улар табиатнинг ушбу неъматини ҳақида ҳаётнинг манбаи, оламнинг асоси, ернинг жони, *наботот* (ўсимликлар дунёси) ва *хайвонот олами* ҳамда *инсонлар учун ичимлик* бўлиши билан бирга одамлар учун *этиқод, покланиш, куч-қудрат, қувват, энергия, бойлик, тозалик, ёруғлик*, дори-дармон, касб ва мансаб (мироблик, сувчи) эканлигини, шунингдек, у баъзан салбий маънода, яъни турли офат ва фалокатларга сабаб бўлувчи бало-қазолар манбаи эканлиги ҳақида фикр билдиришди. Хуллас, башариятнинг бир бўлаги бўлмиш Фарғона водийси аҳли томонидан сувга оид узоқ даврлар мобайнида эгалланган билимларни қуйидаги шаклда кенг китобхонлар эътиборига етказишга ҳаракат қилдик.

Монографиянинг дастлабки қисмида Фарғона водийсининг географик тавсифи, яъни иқлими, гидрографияси, эр захираси, тупроқлари, шўрланиш даражаси, ўсимлик дунёсига оид муҳим маълумотлар тақдим қилинди. Ушбу 50бнинг кейинги қисмларида эса водий тарихидан лавҳалар, қадимги деҳқончилик маданияти ва сувдан фойдаланиш технологиялари тарихи билан бирга ушбу минтақада шаҳарсозлик анъаналарининг қадимдан ривожланиши жараёнига бағишланган маълумотлар берилди. Шунингдек, водий гидронимлари – дарё, канал, сой, ариқ ва булоқ (чашма)ларнинг тавсифи ҳамда улар билан боғлиқ кенг омма учун ҳам қизиқарли этнографик материаллар ҳавола қилинди.

Хусусан, Фарғона водийсининг ўзига хос артерияси ҳисобланган Сирдарёнинг топонимик тарихи, унинг турли даврлар ва манбаларда Яхартес, Яксарт, Танаис, Дану, Ҳашарт, Инжуўғуз, Енчуўғуз, Гулзарриюн, Қанқар, Қасарт, Ҳасарт, Оби Фарғона, Ўзган дарёси, Хўжанд суви, Наҳр аш-Шош, Банокат, Силис, Сайхун деб номланиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар таҳлил қилинди. Шунингдек, Норин, Қорадарё, Косонсой, Исфайрамсой дарёлари ҳамда кўплаб канал ва булоқлар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар ўқувчилар диққат-эътиборига тақдим қилинди.

Китобнинг иккинчи бобида Марказий Осиёдаги сув билан боғлиқ энг қадимги миф ва ривоятлар келтирилди. Жумладан, зардуштийлик дини билан боғлиқ Апам Напат, Анаҳита ва Ҳубби, қадимги туркийларнинг *Экин ара*, *Умай культлари*га доир ривоятлар, *ислом динига тааллуқли равишда Хизр, Ҳазрат Али ҳақидаги сув билан боғлиқ бўлган ривоятлар ҳамда улар ҳақидаги маҳаллий аҳоли тасаввурида сақланиб қолган қарашлар* таҳлил қилинди.

Халқнинг сув билан боғлиқ билимларини ўрганиш қадимги Ҳубби культининг локал кўринишлари, жумладан, *Эр Ҳубби, Ҳуббон, Ҳуббихўжа, Султон Ҳубби, Ҳубби бобо, Ҳўб бува, Об бува* номлари билан боғлиқ эканлиги ҳамда улар номидаги булоқ, кўл, муқаддас мозорлар ва зиёрат-

гоҳларнинг мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, ислом динида қайд этилган сув ва унга бўлган муносабат ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида айнан ушбу билимлар Фарғона водийси аҳолиси маданияти ва турмуш тарзи асосини ташкил этганлигига эътибор қаратилди.

Монографиянинг учинчи қисмида Фарғона водийси аҳолисининг сув билан боғлиқ маданияти ва анъаналари этнографик материаллар асосида таҳлил қилинди. Жумладан, оилада экологик маданият ва тарбия жараёнида сувнинг тутган ўрнига катта эътибор қаратилди. Хусусан, оилада бола тафаккурида сувга муносабат борасидаги билим ва кўникмаларнинг шаклланишида она ва бувилар асосий ролни бажариши, лекин кейинги йилларда ушбу вазифаларда ҳам айрим ўзгаришлар юз бергани, бу эса бола тарбияси ва унинг сувга муносабатида ҳам ўзгаришлар содир бўлаётганлиги кузатилди.

Ўрганишлар ва таҳлиллар давомида водий аҳолисида сув ҳақидаги турли-туман қарашлар «инсон-ер-сув» кўринишидаги учлик асосидаги ахлоқий меъёрлар ва одатлар тарзида намоён бўлиши аниқланди. Қолаверса, маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётда сув билан боғлиқ равишда кенг тарқалган тушунчалар, хусусан, «тирик сув» ва «ўлик сув» ҳақидаги тушунчалар батафсил таҳлил қилинди. Водий аҳолисининг оилавий маросимлари циклида сувнинг покланиш манбаи ёки инициация вазифасини бажариши ҳақида ҳамда унга доир турли рамзлар ва тимсолларга оид қизиқарли маълумотлар қайд қилинди.

Хуллас, мазкур қисмда фарзанд туғилиши ва тарбияси, никоҳ ва мотам сингари оилавий маросимлар тизимида сув умумий бир вазифа, яъни покланиш функциясини бажариши турли урф-одат ва анъаналар мисолида ўрганилди. Шу билан бирга, ушбу бобда бир неча асрлик тарихга эга бўлган мироблик, унинг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий тараққиёт босқичлари ҳақида хулосалар берилди. Шунингдек, халқ оғзаки ижодининг сув мавзусига доир турфа жавоҳирлари, маънавий дурдоналари бўлган эртактлар,

мақоллар ва маталлар, кўшиқ ва ривоятлар тақдим этилди. Жумладан, монографияда жами 300 дан ортиқроқ халқ мақоллари билан бирга турли топишмоқлар ва кўшиқлар ҳам кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола қилинди.

Монографиянинг якунловчи тўртинчи бобида Фарғона водийси аҳолисининг замонавий ҳаёти ва маданиятида сувнинг ўрнига оид бир қатор муҳим материаллар жой олди. Шунингдек, китобда сув билан боғлиқ долзарб муаммолар ва уларнинг оқилона ечимлари борасидаги фикр-мулоҳазалар илгари сурилди.

Ушбу китобнинг нашр қилинишида кўплаб инсонларнинг хизматлари сингган бўлиб, бу ўринда, аввало, бир неча йиллар давомида ўз вақтини аямасдан каминага ёрдам берган водийлик фидойи инсонлар, жумладан, маҳалла раиси, оқсоқол, мироб ва сувчилар, ишчи ва ўқитувчиларга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман. Айнан улар тақдим қилган маълумотлар ва беғараз ёрдам туфайли бугун ушбу китоб дунё юзини кўрмоқда.

Шунингдек, нашр ишларигача бўлган вақтда муҳим илмий маслаҳатларини аямаган ҳамкасбларим – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти жамоаси, ушбу институтнинг «Этнология ва антропология» маркази илмий ходимлари ҳамда Наманган давлат университети профессор-ўқитувчилари: тарих фанлари номзодлари Бахтиёр Исоқов, Абдулатиф Саримсоқов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Бахтиёр Халмуратов, Адҳамжон Мавлонов, Беҳзод Исҳоқов, турли йилларда Фарғона водийсида ўтказилган этнографик экспедициялар ва тадқиқот ишлари натижасида нашрга тайёрланган ушбу монографияга ҳомий бўлган «Volkswagen» фонди ва этилган лойиҳа раҳбари Dr. Жанн Фэо де ла Круа ҳамда грантнинг бошқа иштирокчиларига самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман. Айнан юқорида номлари зикр этилган инсонларнинг доимий илмий-ташкилий кўмаклари туфайли ушбу китоб кенг ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Азиз ўқувчи, китобни ўқиб, сув ҳақидаги билимларингиз кенгайиб, келгусида обиҳаётни асраб-авайлашга хизмат қилса, ташналиқдан сўнг қониб-қониб, оби замзам ичган инсондек мамнун ва шукроналик ҳиссини туйган бўлардим.

*«Фарғона водийси Турон ўлкасида тоғлар
орасидан униб чиққан, барқ уриб очилиб,
қизил ёноқларини офтобга тутган
лолага ўхшайди».*

Муҳаммад ал-Марғиноний

I БОБ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ
ТАБИЙ-ГЕОГРАФИК
ТАВСИФИ**

I.1. ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

Фарғона водийси Марказий Осиёдаги тоғлар орасидаги ботиқ бўлиб, унинг теварак-атрофи жанубдан Помир–Олой ва Туркистон, шарқдан Фарғона, шимолдан Чотқол, шимоли-ғарбдан Қурама тизмалари ўраб туради, ғарбдан эса Турон пастекислиги билан туташган. Водийнинг умумий ер майдони тоғларни қўшиб ҳисоблаганда 22,2 минг км² ни ташкил қилади. Бодомсимон шаклдаги водийнинг узунлиги деярли 300 километр ва энининг энг кенг жойи 170 километрга тенг бўлиб, ғарбдан тор (9–40 км) «Хўжанд» ёки «Фарғона» дарвозаси орқали Далварзин ва Мирзачўл текисликлари билан туташган. Денгиз сатҳидан водийнинг марказий қисми ғарбдан шарққа қараб 320 метрдан 500–1000 метргача юқорида жойлашган¹.

Фарғона ботиғи водийнинг текислик қисми ҳисобланади. Фарғона ботиғининг узунлиги ғарбдан шарққа тахминан 300 километр, шимолдан жанубга 60 – 120 километрни ташкил этади. Ботиқнинг марказий қисми Марказий Фарғонанинг шимол тарафидан баъзан сокин, айрим ҳолларда шиддат, ҳайбат билан оқиб ўтувчи Сирдарёнинг террасаларида ҳосил бўлган текисликлардан иборат². Улар аллювиал ётқизиклардан ташкил топган. Сирдарёнинг учинчи қайир усти террасаси Қурама ва Чотқол тизма тоғларидан оқиб тушадиган Подшоотасой, Ғовасой, Чодаксой, Косонсой Олой ва Туркистон тоғ тизмаларидан сув оладиган Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам ҳамда бошқа кичикроқ дарёларнинг қуйилма конуслари билан қўшилиб кетган. Ушбу ёйилма конуслар қадимдан деҳқончилик тараққиёти учун хизмат қилиб келмоқда³.

¹ Ҳасанов И. А., Фуломов П. Н., Қаюмов А. А. Ўзбекистон табиий географияси. 2-қисм. – Тошкент, 2010. – Б. 144.

² Баратов П. Х., Маматқулов М., Рафиқов А. А. Ўрта Осиё табиий географияси. – Тошкент, 2002. – Б. 34.

³ Солиев Э. Фарғона водийси дарёлари суви оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш. – Наманган, 2017. – Б. 12.

Водий ҳудуди текислик, тоғолди ва тоғ зоналарига бўлинади. Унинг иқлимий хусусиятлари табиий-географик жойлашув ҳолатидан келиб чиқади. Водийнинг бундай ўзига хос географик ўрни ва унинг табиий шароитининг қулайлиги қадим-қадим замонлардан ушбу ҳудудда одамларнинг истиқомат қилиши, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришига имкон берган.

Иқлими. Фарғона водийси агроиқлимий районлаштиришда Турон иқлимий провинциясининг «тоғости – тоғли провинция» гуруҳига киради. Айнан мазкур иқлим минтақасида «Фарғона иқлимий округи» каби кичик иқлим районларига ажратилади¹. Қолаверса, ушбу ҳудуднинг орографик жиҳатдан берк ҳавза эканлиги унинг ўзига хос ўзгарувчан иқлим шароитини вужудга келтирган. Шу боис атрофдаги тоғлар Шимолий Арктика совуқ иқлими ва ғарбдан келувчи Атлантика иқлими ҳаво массалари ёки шарқий нам ҳаво массаларининг кириб келишига тўсқинлик қилади. Бу ерда қурғоқчил давр узоқроқ давом этади.

Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати Марказий Фарғонада 13–14° С, баланд тоғ ҳудудларида –7° С гача бўлиши мумкин. Ҳарорат июль ойида энг баланд – водий тубида 26–27° С иссиқ, баланд тоғларда эса 9° С, баъзи жойларда 3–4° С илиқни ташкил этади. Минимал ойлик ҳарорат январда кузатилиб, Марказий Фарғонада 2 ÷ –3° С, баланд тоғларда эса –19° С гача бўлади. Ҳароратнинг 0° С дан юқорига ўтиши водийнинг марказида февраль ойи бошларида, 2000–2500 метр баландликда март ойининг охири – апрелнинг бошида, 3500 метр баландликда май ойи ўрталарида кузатилади. Баландлик ҳар 500 метрга кўтарилганида ёзнинг бошланиши ўрта ҳисобда ўн кунга кечикади².

Хуллас, водийнинг жуда нотекис рельефи ва жойлар баландлиги, тоғ тизмаларининг жойлашиши, қияликлар-

¹ Назаров Р. С., Абдуллаев А. Қ., Холбоев Г. Х. Ўзбекистонда гўза агротехникаси, агроиқлимий шароитлари ва ресурслари. – Тошкент, 2009. – Б. 34.

² Солиев Э. Фарғона водийси дарёлари суви оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш.... – Б. 20.

ўтади¹. Ушбу ҳавза сувларининг катта улуши Норин (45 фоиз) ва Қорадарё (16 фоиз)га, ўнг ва чап қирғоқ ирмоқларига 39 фоизи тўғри келади. Дарё сув оқимининг асосий миқдори (қарийб 70 фоизи) ҳавзанинг юқори қисмида Фарғона водийсидан чиққунча шаклланади. Водийнинг шарқий қисмида Сирдарёга ўнг томондан кўплаб ирмоқлар, чап тарафдан эса бир қатор сойлар келиб қуйилади.



Катта Фарғона канали.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Фарғона тоғ қияликларидан умумий узунлиги 2800 километрга тенг бўлган 6,5 мингтагача дарё ирмоқларини санаш мумкин². Фарғона водийсида 60 та кўл ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони – 8,2 км². Ушбу кўллардан 30 таси 2500 метрдан мутлақ баландликдан юқорида жойлашган. Водийда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида сув омборлари (Қайроққум, Учқўрғон, Андижон, Бозорқўрғон, Каркидон ва бошқалар), каналлар (Катта Фарғона, Катта Андижон, Ши-

¹ Ҳасанов И. А., Фуломов П. Н., Қаюмов А. А. Ўзбекистон табиий географияси. 2-қисм... – Б. 144.

² http://wash.earthforever.org/lib/uz/water_critical%20resource_Uzbekistan_en_ru_uz/Uzbek/Water_uz.pdf.

молий Фарғона, Катта Наманган, Жанубий Фарғона, Охунбобоев номидаги каналлар ва бошқалар) бунёд этилган¹.

Минтақа нафақат оқар сувлар, балки ерости сувларининг захирасига ҳам ниҳоятда бой ҳисобланади. Фарғона водийси нодир геологик яратма бўлиб, уни «табиий класик лаборатория» деб аташ мумкин. Чунки мазкур ҳудудда ерости сувларининг барча типлари шаклланган².

Ҳозирги вақтда водийда суғорма деҳқончилик асосий хўжалик тармоғи ҳисобланади. Шу боисдан ҳам асосий сув захиралари бўлган дарё, сой ва каналлар суви билан бирга ерости сувларининг каттагина қисми аграр сектор, хусусан, деҳқончилик учун сарфланади. Айни пайтда, баъзи бир жойларда суғориш сувлари катта қисмининг ер остига сингиб кетиши, грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши ва уларни минераллашув даражасининг ортишига ҳам олиб келмоқда³. Бу эса, ўз навбатида, «олтин водий» деб таърифланган ушбу ҳудуддаги бебаҳо ерлар шўрланишининг кучайиши ва деҳқончилик учун ер захираларининг тобора қисқариб кетишига сабаб бўлмоқда.

Тупроқлар ва шўрланиш. Фарғона водийсида⁴, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган ерлар экин майдонлари ҳисобланиб, унинг майдони 643,8 минг гектарни ёки водийдаги жами қишлоқ хўжалик ер турларининг 66,5 фоизини ташкил этади. Мазкур ерлар тоғолди ва чўл минтақаларида жойлашган бўлиб, тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолати, агрокимёвий ва агрофизикавий биологик хоссалари, шу билан бирга, унумдорлик даражаси билан фарқланади⁵. Табиий ҳолатдаги тупроқларни Марказий Фарғонадаги Қорақалпоқ дашти, адир минтақаси ва тоғларда учратиш мумкин. Водий тупроқла-

¹ Ҳасанов И. А., Ғуломов П. Н., Қаюмов А. А. Ўзбекистон табиий географияси. 2-қисм.... – Б. 144.

² Султонходжаев А. Н. Ферганский артезианский бассейн. – Ташкент, 1972. – С. 45.

³ Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари... – Б. 67.

⁴ Бу ўринда водийнинг Ўзбекистондаги ҳудуди назарда тутилган – А. А.

⁵ Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари... – Б. 67.

ри баландлик минтақаларини ҳосил қилиб, асосан, унинг текислик қисмидан сув айирғичларга томон қуйидаги тартибда алмашилиб боради: Сирдарё ва бошқа дарёлар қайирларида сур қўнғир, чўл-қумли, шўртоб, аллювиал-ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар; адир ва адирорти текисликларида бўз тупроқлар; ўртача баландликдаги тоғларда жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари; баланд ўтлоқ даштларда эса оч тусли қўнғир тупроқлардан таркиб топган¹.

Минтақада деҳқончилик мақсадида фойдаланиладиган ер майдонлари иккига бўлинган. Жумладан, суғориладиган ер майдонлари, суғорилмайдиган ер майдонлари: суғориладиган ер майдонлари «сувли ер», суғорилмайдиган ер майдонлари эса «лалми», «баҳорикор ер» ё «қайроқи ер» деб номланади².

Бу ерда азалдан баҳорги деҳқончилик машғулотлари, асосан, Наврўз айёми арафасида, яъни март ойида авжга чиққан. Айнан шу кунларда экин экиш, дала, боғ юмушларига киришилган. Миришкор деҳқонлар, боғбонлар ва чорвадорлар аёзли кунлардан эсон-омон чиқиб, баҳорнинг илиқ кунларини интиқлик билан кутиб, катта деҳқончилик ишларига жиддий тайёргарлик кўрганлар.

Қишки чилла вақтида тажрибали боғбонлар ўз боғларидаги барча мевали дарахтларга «чилла суви»ни беришга ҳаракат қилганлар. Чилла сувини ичган дарахт баҳорги совуқ уришдан омон қолади, турли хилдаги зарарли ҳашаротлар йўқолади, ҳосили яхши ушлаб қолинади ҳамда йилнинг охирида қилинган меҳнатга яраша кутилган мўлкўл ҳосил беради³.

Ерга ишлов бериш ҳосил йиғиб олингандан кейиноқ бошланган ва маълум вақтгача давом этган. Ҳосил йиғиб

¹ Ҳасанов И. А., Ғуломов П. Н., Қаюмов А. А. Ўзбекистон табиий географияси. 2-қисм... – Б. 145.

² Исоқов З. С. Фарғона водийси деҳқончилик маданияти. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б. 26.

³ Саримсоқов А. А. Ўзбек халқи тақвимий маросимлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – Б. 14.

олингач, ерлар шудгорланган, йирик марзалар олиниб, кеч кузга қадар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шамсий тақвимга кўра, қавс (ноябрь) ойига бориб марзаларга сув тўлдирилиб, ушбу усул «яхоб» ёки «қовсоб» деб аталган. «Яхоб» форс-тожикча сўз бўлиб, «совуқ сув» маъносини, «қавс – об» эса «қавс ойида бериладиган сув» деган маънони англатган. Шу боис халқ орасида «қавс суви дардга, қуёш, ҳаво танага даво» деган мақол ҳам бежиз тарқалмаган.

Ерга бундай ишлов бериш Фарғона водийсида кенг тарқалган анъана ҳисобланиб, ушбу усул орқали, биринчи навбатда, ерларнинг шўри ювилган, иккинчидан, тупроқдаги турли ҳашарот ва қурт-қумурсқалар йўқ қилиниб, кейинги йил ҳосили учун замин яратилган¹. Наманган вилояти Чуст туманида деҳқонлар шўр босган ерларнинг шўрини чилла суви билан ювган. Айнан шўр босган ерларни уч йил давомида яхоб суви бериб ювиш одати водийнинг айрим ҳудудларида ҳозирга қадар ҳам қўлланилади.

Табиий ландшафт ва экосистеманинг инсон омили таъсирида ўзгариб кетиши натижасида пайдо бўлган шўр ерларда барча турдаги экин турларини етиштиришнинг имкони бўлмаганлиги боис маҳаллий деҳқонлар айнан шўрли ерларда етиштириладиган ўсимликларни экишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Наманган вилояти Мингбулоқ тумани деҳқонлари ҳам шўр босган ерларга шоли экадилар. Айнан шоли шўрхок ерда етиштирилиши билан бирга ушбу экинни етиштириш орқали ернинг шўри ювилган.

Қолаверса, шўр босган ер атрофига махсус тарзда турли хил дарахтларни экиш орқали ҳам ернинг шўрини кетказишга ҳаракат қилинган. Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Косонсой туманлари деҳқонлари шўр босган ерларни нафақат суғориш, балки бундай ерларга мос дарахтлар-

¹ Ерга ишлов беришнинг бундай усули деҳқончилик билан шугулланувчи озарбайжонларда ҳам учрайди. Ушбу усул «чилла суви» деб аталади. Қаранг: Джавадова Ю. Народный земледельческий календарь и метрология азербайджанцев в XIX – нач. XX в. // Советская этнография. – 1984. – №3. – С. 113–130.

ни экиш орқали ҳам ернинг шўрини ювганлар. Масалан, маҳаллий деҳқонлар шўр тупроқли экин майдонлари атрофига тол, тут ва жийда дарахтларини экишган. Чунки айнан ушбу дарахтлар шўрхок ерларда ўсиши билан бирга шўр ернинг тузини ўзига тортиб олар экан. Шунингдек, айнан шўр босган ерда барча экинлар ҳам ўсавермайди. Шу сабабли бундай ерларда кўпроқ сувли экинлар, масалан, Мингбулоқ ва Косонсой туманларида шўр ерларга шоли экилган. Айнан шолени шўр ерга экиш орқали маҳаллий деҳқонлар, аввало, бу ердан ҳам ҳосил олиш имконига эга бўлса, яна бир томони, шолига берилган сув орқали ернинг шўри ҳам ювилади. Ўз навбатида, камҳосил ерга маҳаллий ўғитлар чиқарилган ва ариқлар лойқадан доимо тозалаб турилган.

Ўсимлик дунёси. Фарғона водийсида Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларига нисбатан аҳоли зич жойлашганлиги сабабли табиий ер ресурсларидан фойдаланиш ҳудуди ҳам кам. Шу боис минтақада табиий ўсимликлар қоплами бирмунча оз ҳисобланади.

Водийнинг чўл, текислик, тоғолди ва тоғли зоналарида тарқалган ўсимликлар олами горизонтал ва вертикал зоналар қонунияти асосида тарқалган ҳамда шу шароитга мослашган. Табиий ҳолда ўсимликлар 1200 метрдан баланд ҳудудларда кўпроқ ўзгармасдан сақланиб қолган. Марказий Фарғона чўл ва текислик ҳудудларида табиий ўсимликлар қоплами одамлар фаолияти, яъни инсон омили таъсирида нисбатан камайиб кетган. Фақат дала зовурлари ва сув йўллари ёқаларида табиий ўсимликлар қоплами ҳисобланган ажриқ, қамиш, янтоқ, оқбош, шўра, балиққўз, қўнғирбош ва бошқа ўсимликлар тарқалган. Ерости сувлари яқин ерларда қамишларни учратиш мумкин. Шунингдек, тоғли ҳудудлар (400 – 1000 метр)да қурғоқчиликка чидамли эфемер ва эфереоид ўсимликлар (адирлар минтақасида) кенг тарқалган.

1.2. ФАРҒОНА ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

*Битиб қўймасайди доно қалами,
Қоронғи қоларди мозий олами.
Юсуф Хос Ҳожиб*

Фарғона водийси тектоник бўшлиқ сифатида палеозой даврида (570 миллион йил муқаддам бошланиб, 335 миллион йил давом этган) шаклланган. Мезозой (бундан 230 миллион йил илгари бошланиб, қарийб 163 миллион йил давом этган) эраси ўрталарида водий ҳудудида Тетис денгизи бўлган. Палеоген даврининг якунидаги тектоник кўтаришлар оқибатида Фарғона водийсидан сув чекинган бўлса, неоген (бундан 25 миллион йил олдин бошланиб, 22 – 23 миллион йил давом этган) даврининг бошларига келиб тоғ тизмалари шаклланган. Фарғона чегарасида бўлган Тянь-Шань ва Помир тоғ тизмаларидаги музликларнинг эриши натижасида Сирдарё пайдо бўлган.

«Фарғона» топоними. Фарғона водийси тарихи ҳақида мулоҳазалар билдиришдан аввал «Фарғона» номининг келиб чиқиши тарихига тўхталиб ўтсак. Н. Г. Маллицкий ва М. С. Андреев «Фарғона» атамасининг этимологиясини тадқиқ этиб, маҳаллий аҳоли томонидан «Парғона» деб талаффуз қилинишига эътибор қаратган. Водийни жануб томондан ўраб турувчи Тоғли Бадахшон вилоятидаги рўшон шевасида «Парғона» «текислик жой ёки фақат бир томони очик, қолган томони тоғ билан ўралган водий» деган маънони, Язғулом лаҳжасидаги «барғона» сўзи ҳам худди шундай, яъни «атрофи ўралган водий» маъносини беришини қайд этган¹.

¹ Маллицкий Н. Г. О некоторых географических терминах, имеющих отношение с Средней Азии // ИВГО. Вып. 5. – СПб., 1845. – С. 283; Андреев М. С. Новые данные по установлению значения слова «Фергана» // Сообщения Таджикского ФАН СССР. Вып. 24. – Сталинабад, 1950. – С. 35–37.

Марказий Осиё халқларининг тилларида «ф» билан «п» товушини алмаштириб ишлатиш оддий ҳол саналади. Масалан, Ўзбекистоннинг баъзи диалектлари (шева, лаҳжалари)да «Фарғона» топоними «Парғона» деб талаффуз қилинади. Шунингдек, «г», «к» ва «қ» товушларини алмаштириб талаффуз қилиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради.

Топонимист С. Қораев суғдшунос М. Исҳоқов фикрларига асосланган ҳолда қадимий суғд тилида «пар» сўзи девор ёки айланма шаклидаги баландлик, «кан» сўзи эса жамланиш, биронта бойликнинг йиғилган жойи сингари маъноларни англатишига ишора қилиб «Фарғона» топонимининг маъноси мана шу икки сўз бирикмасидан ҳосил бўлганини асосли деб қайд этган¹.

Сўнгги йилларда синолог (хитойшунос) олим А. Хўжаев томонидан Фарғона тарихига оид қатор янги мулоҳазалар илгари сурилди. Жумладан, унинг фикрларига кўра, милодий VI асргача ёзилган хитой манбаларидаги маълумотларни чуқур ўрганиш натижасида қадимий Фарғона мамлакати билан унинг илк пойтахт шаҳрининг номи бир хил бўлганлиги ва улар хитойча «атрофи тоғлар билан ўралган текислик» маъносини билдирувчи битта Юан (宛 замонавий ўқилиши Ван) иероглифи билан ифодаланиши аниқланди². Демак, хитойча «Юан» атамаси маҳаллий аҳоли тилидаги «Паркона» топонимининг хитой тилига таржимасини англатган. Ўз навбатида, «Даван» атамаси Хитойнинг расмий тарихига илк бор милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида кириб келганини қайд этиш мумкин. Уни қадимги Фарғона давлатининг номи деб ҳисоблаб бўлмайди.

А. Хўжаевнинг фикрига кўра, Н. Я. Бичурин «Даван» Фарғона эканлигини яхши билган, бироқ у ушбу атамадаги

¹ Караев С. К. Топонимия Узбекистана. – Ташкент, 1991. – С. 90.

² Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. – Фарғона, 2013. – Б. 13.

«ван»нинг ўзи Помир халқлари тилида «атрофи тепалик ёки тоғлар билан ўралган текислик» маъносини англатувчи «Паркона» сўзининг таржимаси эканлигини қайд этмаган¹. Демак, юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, қадимги суғд ва Помир тилларидаги «Паркона» ва «Паргана» билан хитой тилидаги «Юан» бир хил маънога эга бўлган. Фарғона «атрофи тоғлар билан ўралган водий» эканини англатган.

Милоддан аввалги 136–125 ва 115 йилларда император У-Ди томонидан Фарғонага элчи қилиб юборилган Чжанг Цянь Фарғона тўғрисида: «Даванлик (Фарғона қадимги хитой манбаларида – Дай-юан (Даван – Буюк Паркона ёки Катта Паркона)лар ўтроқ ҳаёт кечирадилар, деҳқончилик билан шуғулланадилар, шоли ва буғдой етиштирадилар. Уларда узум шарбати бор... Бой-бадавлат кишилар ўн минг дангача (бир дань 100 кг га тенг) вино сақлайдилар. Даванда 70 та катта кичик-шаҳар бор», – деб ёзган.

Милодий V асрдан кейин битилган хитой манбаларида қадимги Фарғона водийси ва бу ердаги давлатнинг номи Полуона (破洛那), Фаханна (拔汗那) деб аталган. Масалан, Вэй Шоу (506–572) қаламига мансуб бўлган «Вэйшу (Вэй [сулоласи] тарихи)» ва VII асрнинг биринчи ярмида ёзилган «Бэйши» (Шимолий [сулолалар] тарихи)да Фарғона водийсининг номи «Луона» (Luona 洛那), «Ду Хуан» «Жингшинг жи» номли сафарномада эса «Фаханна» (Fahanna 拔汗那) сифатида ёзилган².

Антропогенез ва деҳқончилик маданияти. Евроосиё ҳудудларидаги сингари Фарғона водийсида ҳам қадимдан одамлар яшаши учун қулай табиий ландшафтлар бўлганлиги боис Сўх дарёси водийсида, Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Ҳайдаркон қишлоғи чеккасида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган Селунгур ғоридан 5000 га яқин тош буюмлар билан бирга энг қадимги одам (homo-erectus)нинг маҳаллий

¹ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар.... – Б. 129.

² Ўша жойда.... – Б. 126.

Осиёга хос типига тегишли одам тишлари, бош суяги парчаси ва елка суягининг бир бўлаги топилган¹.

Ёдгорликни бевосита ўрганган тадқиқотчилар манзилгоҳнинг санасини 1,5 миллион йиллар билан белгилаган². Бироқ бир қатор хорижий адабиётларида унинг анчайин ёшартирилган хронологик даврларга хослиги тўғрисидаги фикрлар мавжуд³. Тадқиқотчилар Селунгур ёдгорлиги қатламларининг санасини 300–250 минг йиллар билан даврлаштирганлар. Ёдгорликдан топилган антропологик материалларнинг ўрганилиши ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин⁴.

Фарғона водийсида суғорма деҳқончилик милоддан аввалги уч мингинчи йилликнинг иккинчи ярмида Ғовасой-

¹ Исламов У. И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур // ИМКУ. Вып. 19. – Ташкент, 1984. – С. 5.; Исламов У. И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. – Ташкент, 1988. – С. 12.

² Исламов У. И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур... – С. 12.; Исламов У. И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур... – С. 24.; Исламов У. И., Зубов А. А., Харитонов В. М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгур в Ферганской долине // Вестник археология. – Вып. 80. – Москва, 1988. – С. 66.; Величко А. А., Кременецкий К. В., Маркова А. К., Ударцев В. П. Палеозология ашельской стоянки Сель-Унгур (предварительное сообщение) // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. – Ташкент, 1988. – С. 72.; Величко А. А., Арсланов Х. А., Герасимова С. А., Исламов У. И., Кременецкий К. В., Маркова А. К., Ударцев В. П., Чиколини Н. И. Советская Средняя Азия. Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии и Америки. – Новосибирск, 1990. – С. 166.; Исламов У. И., Крахмаль К. А. Некоторые проблемы палеозоологической реконструкции ашельской стоянки Сель-Унгур // ОНУ. – 1990. – №12. – С. 11.; Исламов У. И., Крахмаль К. А. Комплексные исследования древнепалеолитической пещерной стоянки Сель-Унгур. Раннепалеолитические комплексы Евразии. – Новосибирск, 1992. – С. 32.

³ Ranov V. A. Dictionnaire de la Prehistoire. Universitaires de France. – Paris, 1988. – P. 1001.; Ўша муаллиф: Decouverte des civilisations d'Asie Centrale. Les dossiers d'Archeologie. No185 / Septembre Paris, 1993. – P. 6; Вишняцкий Л. Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. – Санкт-Петербург, 1996. – С. 107.; Исламов У. И., Зубов А. А., Харитонов В. М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгур в Ферганской долине... – С. 122.

⁴ Исомиддинов М., Мирсоатова С. «Фарғона одами» ва антропогенез жараёни // Водийнома. – 2016. – №1. – Б. 26.

нинг адирорти воҳасида шаклланиб, милоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг ўрталарига келиб водийнинг қолган дарё ва сойлари адирорти воҳаларига кенг тарқалган. Худди шу даврда илк шаҳарлар пайдо бўлган. Милоддан аввалги X–IX асрларда Косонсой, Оқбўйра ва Аравонсойнинг қуйи ҳавзалари, шунингдек, уларнинг эски ирмоқлари ўрнида дастлабки каналлар пайдо бўлган. Бу, ўз навбатида, водийнинг текислик қисмидаги бир неча юзлаб гектар ерларни ўзлаштириш учун янги имкониятлар яратиб берган¹.

Шаҳарсозлик маданияти. Фарғона водийси ўзининг сўлим гўшалари, бетакрор табиати, катта-кичик шаҳарлари билан ҳам машҳурдир. Водийдаги Андижон, Наманган, Марғилон, Қува, Чуст, Қўқон, Косонсой шаҳарларининг узоқ ўтмиш тарихи ва бой шаҳарсозлик анъаналари бўлган.

Буюк ипак йўлининг шимоли-ғарбий тармоғи айнан Фарғона водийсидан (Қашғар – Тошкўрғон орқали Ўзган – Ўш – Қува – Ахсикент – Поп – Ашт – Хўжанд йўналиши бўйлаб) ўтиши ушбу ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган.

Муаллифи номаълум бўлган «Худуд ул-олам» (X аср) асарига: «Фарғона улуғ, обод ва жуда кўркам вилоятдир. Унинг тоғлари, текис жойлари, оқар сувлари ва шаҳарлари кўп. Бу – Туркистоннинг дарвозасидир. Тоғларида мис, симоб каби дори тошлар кўп», – деб қайд қилинган. Шунингдек, ушбу китобда: «Ахсикат – Фарғонанинг пойтахти, амирнинг қароргоҳи. Бу катта шаҳардир. Қасарт (Сир) дарёси лабида»; «Сўх – тоғлар орасида, Буттамон билан Фарғона чегарасидаги жой, 60 та қишлоғи бор»², – деб қайд қилинган.

¹ Анарбаев А. Қадимги Фарғона давлати ва унинг пойтахти тарихидан лавҳалар // Водийнома. – 2016. – № 1. – Б. 41.

² Худуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи) / Таржимон О. Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 15.

X–XII асрлар Фарғонада шаҳар маданиятининг ривожланган даври бўлган. X асрда яшаб ижод этган араб географлари ал-Истахрий ва ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Мовароуннаҳрда катталиги жиҳатидан Фарғона қишлоқларига етадигани бўлмаган. Баъзан аҳолининг зич жойлашганлиги, шунингдек, чорва ва яйловларнинг кўплигидан қишлоқлар ҳудуди бир кунлик йўлни ташкил этган¹.

Шарқшунос олим В. Бартольд ҳам Муқаддасий томонидан 40 та шаҳар ва жомеъ масжидига эга яшаш манзилгоҳларининг номини қайд этганлиги тўғрисида маълумот келтиради². Шаҳарлар жойлашувига кўра уч гуруҳга бўлинган. Бир гуруҳ шаҳарлар Норин ва Қорадарё оралиғида Миён Рудон тумани, яна бир гуруҳ шаҳарлар Сирдарёнинг ўнг қирғидаги Варғизий туманида, учинчи гуруҳ шаҳарлар эса водийнинг жанубий қисми, яъни Туркистон тоғларининг шимолий ёнбағирларида жойлашган. Манбаларда йирик шаҳарлар «мадина», ўртача катталиқдаги шаҳарлар эса «балда» деб аталган³.

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган яна бир араб тарихчиси Ат-Табарий Фарғонада 5 та йирик шаҳар – Хўжанд,



Ахсикентдаги X–XIII аср бошлариларига оид ер ости сув иншоати. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани. 2018 йил.

¹ BGA. 1 par. Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. *Viae regnorum descriptionis moslemicae* / Edidit M.J. de Goeje. – Leiden: E. J. Brill, 1967. – P. 262.; BGA. 2 pars. Ibn Haukal Abu-I-Kasim an-Nasibi. *Opus geographicum* / Ed. M. J. de Goeje. – Leiden: E. J. Brill, 1873. – P. 393–394.

² Бартольд В. В. Сочинения. Т. 1. – Москва: Восточная литература, 1963. – С. 212–221.

³ Шамсиддин Камолiddин. Фарғона қадимда ва ўрта асрларда / Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2014. – Б. 37.

Косон, Боб, Қува ва Фарғона шаҳарлари жойлашган деб қайд этган эди.

IX–X асрларда Фарғона иқтисодий жиҳатдан Косон, Жидгил, Миёнруд ва бошқа шу каби туманларга бўлинган. Ушбу туманларнинг ҳудудида бир қанча шаҳар ва қишлоқлар мавжудлиги манбаларда қайд этилган. Мазкур шаҳарларнинг аҳолиси деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдотчилик билан шуғулланган.

Ёзма манбаларда келтирилган тарихий маълумотларни археологик материаллар ҳам тасдиқлайди. Фарғона водийсида сўнгги йилларда амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ўрта асрларда водий шаҳарлари обод бўлиб, кўча ва майдонларга тош ётқизилган. Кўчалар бўйлаб ҳунармандчилик устахоналари ва савдо иншоотлари жойлашган¹.

Шаҳарларда сув таъминоти яхши йўлга қўйилган. Ибн Ҳавқал ва ал-Истахрийнинг ёзишича, шаҳарларда оқар сувлар кўп бўлган². Шаҳарлар ва уларнинг манзилгоҳлари харобаларида сув узатиш иншоотлари қолдиқлари топилган. Аҳоли уйларига сопол қувурлар орқали сув узатилган. Кўп километрлик қувур иншоотлари ер остидан ўтказилган. Хусусан, Ахсикентда Косонсойдан олиб келинган махсус водопровод тизими мавжуд бўлган. Ушбу иншоот пишиқ гиштдан галерея (туннель) шаклида қурилган бўлиб, унинг ичида 24 – 26 см диаметрли катта сопол қувурлар ётқизилган. Иншоотнинг марказида 0,96 х 0,68 м ўлчамида ва 0,40 м чуқурликда сув тиндиргич жойи бўлган. Сув мазкур тиндиргич орқали сопол қувурлар бўйлаб шимол тарафдан жануб томонга қараб оққан. Шунга ўхшаш ерости сув иншоотлари шахристоннинг яна иккита пунктидан ҳам топилган. Ушбу ноёб гидротехник иншоот X асрнинг иккинчи ярмида қурилган ва икки юз йилдан зиёдроқ фаолият кўр-

¹ Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. – Ташкент, 2013. – С. 122.

² Шамсиддин Камолитдин. Фарғона қадимда ва ўрта асрларда... – Б. 38.

сатган¹. Бунга ўхшаш махсус қурилма Шохрухия шаҳар харобасида ҳам қисман қазилган ва у қорахонийлар даврига мансубдир².

Бу сингари сув йўллари шаҳристоннинг ички ва ташқи ҳудудларида аниқланган бўлиб, сув шаҳарга 14–15 километр масофадан Косонсойдан ерости сув қувири тизими орқали олиб келинган. Ёштдан барпо этилган ушбу сув қувири қолдиқлари 1960 йилларда Тўрақўрғон тумани ҳудудидан топилган. Мазкур қурилманинг ичидаги пишиқ ёшт-ли ариқдан сув шаҳарнинг муҳим қисмлари сари оққан³.

Ахсикентда юқорида тавсифланган ерости сув иншоотлари билан биргаликда ҳовузлар ҳам бўлган. Ахсикент шаҳристонидида шаҳарликлар учун умумий ҳовуз вазифасини ўтаган 10 та чуқурлик (котлован) ҳам аниқланган. Уларнинг барчаси атрофига дарахтлар экилган бўлиб, бу ҳақда ўрта аср географлари томонидан маълумотлар берилган. Хусусан, ибн Ҳавқалнинг қайд этишича, Рабодда кўп сонли боғ-роғлар мавжуд бўлган⁴.

Шаҳар аҳолисининг кундалик ҳаётида ҳаммомлар ғоятда муҳим роль ўйнаган. Ўрта асрларда яратилган турли асарларда ҳаммомлар билан боғлиқ кўплаб маълумотлар мавжуд бўлиб, IX–XII асрлар шаҳарларини ҳаммомсиз тасаввур қилиш қийин эди. Ушбу даврда ҳаммомлар шаҳар ижтимоий ҳаётини белгиловчи асосий ўлчовлардан бири бўлган. Ҳаммом фақат одамлар ювиниб, покланадиган жойгина эмас, балки ҳордиқ чиқариб, дам оладиган ва зарур бўлганда даволанадиган муассаса вазифасини ҳам бажарган.

¹ Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы... – С. 121–127.

² Анарбаев А. А., Буряков Ю. Ф., Галиева З. С., Тихонин М. Р., Усова Е. С. Раскопки на городищах Канка и Шахрухия // Археологические обозрения. – Москва, 1978. – №1. – С. 519.

³ Саидов М. XI–XII асрларда Ахсикентнинг тарихий топографияси / Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Наманган, 2012. – Б. 47.

⁴ Ибн Хавқал. Пути и страны. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касима ибн Хавкала // Труды САГУ. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1957. – С. 26.

Умуман олганда, ҳаммомлар анча даромадли жой бўлганлиги сабабли ҳатто ҳукмдорлар ҳам уларни сотиб олишга ва ўзлари қуришга интиланган. Масалан, Самарқандда қорахонийлар ҳукмдори Иброҳим Тамғачхонга тегишли иккита ҳаммом мавжуд бўлган. Ахсикентнинг рабодидан эса тўртта архитектура мажмуасини ўз ичига олган классик усулдаги ҳаммом топилган¹. Шаҳарда пишиқ ғиштдан туннель кўринишида қурилган ерости қувурлари орқали ортиқча сувлар шаҳар ташқарисига чиқариб юборилган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, баҳор ва куз ойларидаги сув тошқинлари шаҳарга унчалик хавф-хатар туғдирмаган².

IX–X асрларда Фарғона водийси Сомонийлар давлатининг иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳудудларидан бирига айланган. IX–XII асрларда эса турли минтақалар ўртасида тинчлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик вужудга келдики, бунинг ортидан ўлкада моддий ишлаб чиқариш, маданий ривожланиш жараёни тезлашди, шаҳарлар ҳаёти юксалди, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ўсди, аҳоли фаровонлиги кўтарилди. Халқ орасидан етишиб чиққан маҳаллий усталар, меъмор, наққош, кулол, заргар ҳамда мисгарлар томонидан юртнинг довуғини бутун оламга танитган ажойиб меъморчилик обидалари, тасвирий ва бадиий санъатнинг юксак намуналари яратилган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, X асрнинг охирида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Тянь-Шань олди ҳудудларида турли туркий уруғлардан ташкил топган Қорахонийлар давлати вужудга келган ва Фарғона водийси ҳам унинг таркибига кирган. Айнан бу даврда яшаган машҳур тилшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатиттурк» (1072–1074 йилларда ёзилган) асарида қайд қилинган харитада Сирдарё, гарчи номи ёзилмаган бўлса ҳам,

¹ Анарбаев А. А. Фарғонанинг антик ва ўрта асрлар даври шаҳар маданияти. Маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси. – Тошкент, 2017. – Б. 43.

² Анарбаев А. А. Қадимги Фарғона давлати ва унинг пойтахти тарихидан лавҳалар // Водийнома. – 2016. – №1. – Б. 40.

ниҳоятда аниқ чизилган. У икки тоғдан сув олади, бир ирмоғи – «Ябақу суви» Қошғар тоғларидан чиқиб, Фарғона билан Ўзганд орасидан оқади, бу – ҳозирги Қорадарё; иккинчи ирмоғи шимолдаги Қўчқорбоши ёнидаги тоғлардан бошланиб, Косон ёнидан ўтади; сўнгра улар бирлашиб, Фарғона водийсининг Марғилон ва Хўжанд шаҳарлари орасидан оқиб ўтиб, шимолга бурилади. Тошкент шарқ томонда қолади, қуйи оқимида Жанд шаҳридан ўтади. Ўз ўрнида шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу асарда 1200 дан ортиқ гидрология атамалари қайд қилинган¹.

«Девону луғатит-турк» асарида келтирилган илк ўрта асрларга доир гидрология иборалари туркий қўшиқ (шеър) лар тарзида берилган. Масалан, «қум» (сув тўлқини) атамаси шеърда қуйидагича ишлатилган:

*Кўлим қуми қопса қали тамиг утар,
Кўрса ани билка киши сўзга бўтар.*

Мазмуни: агарда кўлим тўлқинланса, уйларимни уриб, жойидан қўзғатиб, йиқитиб юборади, ўз кўзи билан кўрган эсли одамлар сўзимга ишонади².

1212 йилда Фарғона водийсининг жанубий қисми Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан босиб олинган бўлса, шимолий қисми найманлар ҳукмдори Кучлукнинг қўл остига ўтган эди. Найманлар кейинчалик мўғул ҳукмдори Чингизхон (1220–1221)га ўз ихтиёри билан қўшилишга мажбур бўлганлар ва Чигатой улуси таркибига кирганлар.

1230 йилда Олмалиқ шаҳрида туғилган, туркий халқлардан чиққан машҳур тарихчи ҳамда шоир Жамол Қаршийнинг «Мулҳакат ас-сурах» асарида: «Фарғона мамлақати ҳосилдор ва кенг диёр, боғлари неъматга тўла,

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит-турк. – Тошкент: Фафур Фулом, 2017; Ҳикматов Ф. Ҳ., Айтбаев Д. П. Ўрта Осиё сув илми тарихига оид маълумотлар. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 49.

² Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит-турк. 3-жилд. – Тошкент: Фан, 1963. – Б. 151.

қишлоқлари соз, ҳавоси тоза, мевалари баракали, мазорлари муқаддас бўлиб, унда тоғлар бисёр», – деб ёзилган эди.

Амир Темури ва темурийлар даври ҳамда ўрта асрларда ҳам Фарғона водийси шаҳарлари ўзига хос ижтимоий, иқтисодий ва маданий марказлар бўлган. Соҳибқирон Амир Темури вафоти (1405)дан кейин унинг ворислари ўртасида салтанат тахтини эгаллаш ва вилоятларга бўлинган мулкларга эгалик қилиш учун кураш кучайиб кетиши темурийларнинг ҳукмронлик мавқеига путур етказган. Фарғона водийсини темурийлардан Умаршайх ва унинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 – 1530) бошқарган. 1504 йилда Бобур Шайбонийхон таъқибидан чекинган ҳолда дастлаб Кобулга, кейинчалик, яъни 1526 йилда Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлган ва у заминда буюк Бобурийлар давлати ҳамда сулоласига асос солиб бутун дунёга довуқ таратганлиги тарихдан маълум.

«Бобурнома»да Фарғона ва Сирдарё ҳақида шундай ёзилган эди: «Фарғона вилояти бешинчи иқлимдадир. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг чегараси – тоғлар, шимолида илгарилар Олмолиқ, Олмоту ва Янги сингари шаҳарлар бўлган экан... Етти қасабаси (шаҳарчаси) бор: беши Сайхун (Сирдарё) сувининг жануб тарафида, иккитаси шимол томонида. Жанубий тарафидаги шаҳарлардан бири – Андижон, ўртада жойлашган, Фарғона вилоятининг пойтахтидир...»¹

Асарда яна қатор сув ҳавзаларининг маънолари тўғрисида эътиборга сазовор фикрлар билдирилган: «Андижоннинг шимол тарафида Сайхун дарёсининг ёқасида Такасекретку деган ерда, бу жиҳатдин ул мавзеъ бу исмға мавсумдурким, тоғ доманаси жиҳатидин бу дарё андоқ тор оқарким, ривоят қилурларким, ул ердин така секригандир, мағлуб бўлиб иликка тушти»².

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 29.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома... – Б. 32–33.

Такасекретку «дарёнинг тор, қисик жойи, така сакраши мумкин бўлган ери» маъносидадир. Такасекретку Андижондан 60 – 70 километр шимолда, ҳозирги Норин дарёси (Сирдарёнинг энг катта ирмоғи)нинг Учқўрғондан юқоридаги қирғоқларида бўлган. Ҳақиқатан ҳам, бу томонларда дарё тоғнинг анчагина тор оралиғидан оқиб ўтади. Жойнинг номи ҳозирда истеъмождан чиқиб кетган.

Қўқон хонлиги даври. XVI асрда Марказий Осиёда иккита – Бухоро ва Хива хонликлари ташкил топган. 1620 йилда Фарғона водийсида жуда қаттиқ zilзила бўлган, натижада Ахсикент, Андижон ва Марғилон шаҳарлари жиддий талафот кўрган. Айнан мазкур ер қимирлашидан кейин шаҳар аҳолисининг бир қисми бошқа ерларга кўчиб кетган. Лекин орадан маълум вақт ўтиши билан шаҳардаги аҳвол яхшиланиб, шаҳар қайта тикланган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоизки, мазкур zilзиладан кейин Ахсикент ва Косоннинг аҳолиси ҳисобига Наманган шаҳри аҳолиси сонининг кўпайиши кузатилди¹.

XVIII асрнинг бошларида Фарғона Бухоро амирлигидан ажралиб, мустақил давлатга айланган. Унинг биринчи ҳукмдори ўзбекларнинг минг қавмидан Шоҳрухбий бўлиб, мазкур давлат Қўқон хонлиги номини олган².

XVIII–XIX асрларда Фарғона водийсида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ўзгаришлар, хусусан, Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва фаолияти, бир қатор суғориш иншоотлари барпо этилиши билан боғлиқ ҳолда деҳқончилик учун янги ерларнинг ўзлаштирилиши, азалий чорвадор этнослар (қирғиз, турк, қипчоқ ва бошқалар)нинг жадал ўтроқлашиб, деҳқончиликка ўта бошлаши натижа-сида водий аҳолисининг деҳқончилик хўжалиги ва мада-

¹ Ҳомидий Ҳ., Аширов А., Умаралиев М. Косонсой тарихи. – Тошкент: EXTREMUM PRESS, 2010. – Б. 35– 36.

² Қаранг: Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Араб ёзувидан табдил қилувчилар: Ш. Воҳидов ва Р. Холиқова, кўрсаткичларни тузувчилар: Ш. Воҳидов ва Д. Сангирова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.; Бабаджанов Б. Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Ташкент, 2010.

нияти ўз ривожланиш жараёнининг янги бир палласига кирди. Ушбу даврнинг хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, айнан сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик иқтисодий қонуниятларга биноан водий аҳолисини айрим қишлоқлар ёки жамоаларга уюштириб қўйган эди. Ушбу қишлоқлар, асосан, сув манбалари ёки суғориш каналларининг теваарагига тўпланган эди.

Россия империяси мустамлакачилиги даври. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия империяси томонидан ўзбек хонликлари босиб олинди. 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги тугатилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилояти ташкил этилганлиги расман эълон қилинди. Фарғона вилояти ҳудудий жиҳатдан 5 та уезд (Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон ва Ўш)дан иборат бўлиб, унинг маркази Янги Марғилон (1907 йилдан Скобелев) шаҳри эди.

Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги ҳукмронлиги даврида мустамлакачилар ўлкани бутунлай колония қилиш мақсадида турли тармоқлар, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва бошқарувни ўз қўлларига олишни кўзлаган эдилар. Ҳатто ушбу мақсадлари йўлида ер ва сувга оид махсус қонунларни ишлаб чиқиб, уларни амалиётга татбиқ эта бошлаган эдилар. Аммо мазкур жараён рус сиёсатдонлари ўйлаганчалик осон иш эмас эди. В. И. Кушелевский водийдаги мураккаб сунъий суғориш тизимини таърифлаб: «Техника билими жиҳатидан саводли бўлмаган кишилар тик адирли жойлардан қандай қилиб ўз далаларига сув етказиб бора олганларига таажжубланмай бўлмайди, бу ишларнинг барчаси нивелировка билимисиз, асбобсиз бажарилгани кишини ғоятда ҳайратда қолдиради», – деган бўлса¹, тадқиқотчи А. Аминов: «Ўрта Осиёда ер ва сув қонунларини яратиш билан боғлиқ масалалар Россия империясининг иқтисодий сиёсатидаги муҳим муаммоларидан бири бўлган эди. Қонун-

¹ Кушелевский В. И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. – Новый Маргелан, 1890. – С. 67.

ларни яратишда эса Россия империяси бутунлай нотўғри йўлдан кетди»¹, – деб таъкидлаган эди.

Туркистон Мухторияти. 1917 йил 26 – 28 ноябрда Қўқонда Бутун Туркистон мусулмонларининг фавкулудда IV курултойи чақирилиб, унда Туркистон Мухторияти тузилганлиги эълон қилинди. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг фаолияти халқ оммаси ва демократик жамоатчилик томонидан маъқулланди. Қўқондан ташқари Тошкент, Наманган, Самарқанд, Андижон ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтган кўп минглаб кишилиқ намоишларда мухторият ҳукуматининг фаолияти қўллаб-қувватланди. 1918 йил 30 январда Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) Туркистон Мухторияти ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. 1918 йил 14 февралда Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилинди, Қўқон шаҳрида тузилган мухтор ҳукумат 1918 йил февралда қонга ботирилди². Натижада туркистонликлар тинч йўл (парламент) билан қадимий миллий давлатчиликни қайта тиклаш мумкин эмаслигини теран тушуниб, 1918 йил февраль ойининг охирида Туркистон ўлкасида қурол кучи билан ўрнатилган совет режими ва унинг сиёсатига қарши қуролли ҳаракатларни бошлаб юбордилар.

Кейинчалик Фарғона водийсида ҳам советларнинг тузуми ўрнатилди ва минтақа уч миллий республика – Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон таркибига киритилди. Бу ўринда Ўзбекистон таркибида Андижон, Наманган ҳамда Фарғона, Тожикистоннинг Ленинобод ҳамда Қирғизистоннинг Ўш вилоятлари ташкил этилди.

Ҳозирги даврда Фарғона водийсида Ўзбекистон Республикасининг учта (Андижон, Наманган ва Фарғона), Қирғизистоннинг ҳам учта (Ўш, Жалолобод ва Боткент) ҳамда Тожикистоннинг битта (Сўғд) маъмурий вилоятлари жойлашган.

¹ Аминов А. М. Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX века до первой мировой войны). – Ташкент, 1959. Кн. 2. – С. 112.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 149.

1.3. ВОДИЙ ГИДРОНИМЛАРИ ТАВСИФИ ВА ТАҲЛИЛИ

Ер – хазина, сув- гавҳар
Ўзбек халқ мақоли

Фарғона водийсида кўплаб сув ҳавзалари мавжуд бўлиб, уларнинг бошланиши минтақани ўраб турган баланд тоғлардаги қор ва музликларга бориб тақалади. Шунингдек, айрим сув ҳавзалари ўз сувини булоқ ва кўллар, баъзилари эса атмосфера ёғинларидан олади.

«Худуд ул-олам» асарида Сайхун (Сирдарё), Хатлом (Норин), Ўзганд (Қорадарё), Қуршоб, Ўш (Оқбўйра) сингари дарёлар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ушбу асарда дарёларнинг тўйиниши хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилиб, улар, асосан, баланд тоғлардаги қор ва музнинг эришидан ҳосил бўлиши, булоқлар ва чашмалардан бошланиши қайд этилган¹.

Буюк давлат арбоби, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида сув ҳавзалари мавзусида сўз борганида Айламиш дарёси, Андижон суви, Хоқон ариғи, Хўжанд суйи, Сайхун/Сирдарё, Арс суйи, Санг суйи, Косон суйи, Хоқон ариғи каби гидронимлар ҳақида маълумот берган².

Шунингдек, мазкур китобда Сирдарё хусусида ҳам алоҳида диққатга сазовор мулоҳазалар қайд қилинган. Жумладан, Бобур дарё ҳақида: «Сайхун дарёси «Хўжанд суви» номида машҳур, у шарқу шимол тарафдан келиб, вилоятнинг ичи билан ўтиб, ғарб сари оқади; Хўжанднинг шимоли ва Фанокат (ҳозир Шоҳрухия сифатида машҳур – А. А.) нинг жанубий тарафидан ўтиб, яна шимолга бурилиб, Туркистон сари боради. Туркистондан анча қуйироқда бу дарё

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 262.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 29, 30, 31, 32, 38, 39.

бутунлай қумга сингиб кетади, биронта дарёга қўшилмайди»¹, – деб ёзган эди.

Фарғона водийси тарихига назар ташлар эканмиз, жуда кўп асрлар мобайнида маҳаллий аҳоли сувга муҳтожлик сезганлигини, шу боисдан сув доимий равишда қадрланганлигини кўришимиз мумкин. Халқнинг ўтмиши бевосита сув учун кураш тарихи, канал ва ариқлар қазиб, чўл ва даштларга сув чиқариш тарихи бўлган. Бу ўринда биргина Катта Фарғона каналининг қазилишини мисол сифатида келтиришимиз ҳам мумкин.

Ўз даври учун йирик гидротехник иншоот ҳисобланган Катта Фарғона канали умумхалқ ҳашари йўли билан 45 кун ичида, яъни 1939 йил 1 августдан 17 сентябргача қурилган. Каналнинг қурилишида 160 минг киши қатнашган, унинг узунлиги 270 километрни ташкил қилган. Катта Фарғона канали қурилиши натижасида 500000 гектардан кўпроқ суғориладиган ерни сувга қондириш яхшиланди ва 60000 гектар янги ер ўзлаштирилди². Ушбу канал Фарғона водийсининг ўзига хос «ҳаёт томири» бўлиб, учта республика, яъни Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонни чамбарчас боғлаб турувчи йирик ирригация иншооти ҳисобланади. Кейинчалик каналнинг узунлиги 350 километрга етказилган ҳамда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда канал анча кенгайтирилиб, реконструкция қилинган³. Шунингдек, Қорадарёдан чиқарилган Шаҳрихонсой, Катта Фарғона каналидан сўнг ишга туширилган Жанубий Фарғона ва Шимолий Фарғона каналларини ҳам қайд этиш жоиз.

Фарғона водийсидаги асосий сув ҳавзалари тоғлардаги қордан сув олган ва уларнинг тўлиб оқиши май ойига,

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома... – Б. 29.

² Ўзбекистон тарихи. Иккинчи китоб (1917–1991 йиллар). – Тошкент, 2019. – Б. 5–6.

³ Фарғона водийсидаги каналлар тарихи ҳақида батафсил қаранг: Насриддинов Қ. Фарғона водийсининг суғорилиши тарихи (XIX аср – XX асрнинг биринчи ярми). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.

сув сарфининг камая бошлаши эса ёзнинг тугаши – кузнинг бошларига тўғри келади. Айрим дарёларни сув режимида ерости сувларининг ўрни ниҳоятда катта бўлиб, қиш фаслида тоғлардаги қор ва музликлар эрмаган пайтда грунт сувлари ҳисобига тўйинади. Бундай ҳолатда, асосан, дарё ёйилмаларининг чекка қисмларидаги грунт сувлари юзага яқинлашади ва у ерлардан дарёларнинг сувига қўшилади.

Хуллас, сув ҳавзаларини водийнинг асосий артерия «қон томири» деб айтиш мумкин. Республика ҳудудида жами 17777 та табиий сув манбалари, шу жумладан, Сирдарё ҳавзасида 4926 та табиий сув оқимлари мавжудлиги мутахассислар томонидан аниқланган¹. Бошқа бир адабиётда эса водийда умумий ҳисобда жами 6500 га яқин дарё, сой, жилғалар борлиги қайд қилинган². Биз қуйида уларнинг энг асосийларини таъриф-тавсифига эътибор қаратамиз.

Сирдарё. Марказий Осиёдаги энг узун дарё бўлиб, умумий узунлиги 2212 километр, Норин дарёсининг бошланиш жойидан 3019 километрни ташкил этади. Дарё серсувлиги жиҳатидан Марказий Осиёда Амударёдан кейин иккинчи ўринда туради. Сирдарё ҳавзасининг майдони тахминан 462000 квадрат километр, унинг асосий сув ҳосил бўладиган қисми эса 219000 квадрат километрдан иборат³.

Сирдарё Тяньшань тоғ тизмасининг Оқшироқ тоғидаги Петров музлигидан бошланадиган Қорасарой ҳамда Қарағай дарёларининг ўзаро қўшилишидан вужудга келган Норин ва Фарғона тизмасидан сувини йиғувчи Қорадарёнинг шарқий чеккасида бирлашишидан шаклланади⁴. Сирдарё трансчегаравий дарё бўлиб, Қирғизистон ҳудудидан бошла-

¹ Соколов В. И. Водное хозяйство Узбекистана: прошлое, настоящее и будущее. – Ташкент, 2015. – С. 2.

² Саидов А. Тоғ сойлари – суғориш манбаи. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 14.

³ Соколов В. И. Водное хозяйство Узбекистана... – С. 3.

⁴ Баратов Н. Ўзбекистоннинг табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 85.



Норин ва Қорадарёнинг қўшилиши ҳамда Сирдарёнинг бошланиши.
Норин тумани Наманган вилояти. 2017 йил.

нади ва Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятлари орқали Тожикистоннинг Сўғд ва Қозоғистоннинг Туркистон ҳамда Қизилўрда вилоятлари бўйлаб аввал ғарб, жануби-ғарб томон, сўнгра шимол-ғарб тарафга оқиб бориб, Орол денгизига қуйилади.

Фарғона водийси Сирдарёнинг кўпгина ирмоқлари жойлашган. Уларнинг энг катта ўнг томондан қуйилувчи ирмоқлари Подшоотасой, Косонсой, Ғовасой, Чодаксой, чапдан қуйилувчи ирмоқлари Исфайрамсой, Шоҳимардон, Сўх, Исфара, Хўжабақирғон ва Оқсув дарёларидир. Аммо улардан бирортаси ҳам Сирдарёга қуйилмасдан, тўла-тўқис суғоришга ишлатилади¹.

Сирдарё чуқур ўзан ва қайирга эга бўлиб, у водийдаги энг катта коллектор, яъни сувларни йиғиб олувчи дренаж вазифасини ҳам бажаради. Қолаверса, Фарғона водийсида дарё бирмунча секин оқса-да, чуқур ўзан ҳосил қилиб, қирғоқларини ювиб ташлаб, тикка жарларни пайдо қилган. Фарғона водийсидан чиқиб, Чирчиқ ирмоғини қўшиб олган-

¹ Солиев Э. Фарғона водийси дарёлари суви оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш... – Б. 24.

дан сўнг дарёнинг ўзани янада кенгайиб, илонизи бўлиб, секин оқади, қирғоқлари эса пасаяди.

«Сирдарё» гидроними тарихи. «Сирдарё» атамаси дастлаб қадимги Рим тарихчиси Плиний (милодий I аср) нинг асарида «Силис» шаклида учрайди. «Силис» ёки «Сир» сўзи ушбу дарё қирғоқларида яшаган қабила номидан олинган деб тахмин қилинган¹.

Сирдарё – минтақамиздаги жуда қадимги ва тарихий дарё бўлишига қарамай, унинг номланиши (яъни гидроними) тарихи бирмунча баҳсли ҳисобланади. Тарихдан ҳам маълумки, Сирдарё ўтмиш замонларда жуда кўп номлар билан аталган. Масалан, Яхартес, Яксарт, Танаис, Дану, Ҳашарт, Инжуўғуз, Енчуўғуз, Гулзарриюн, Қанқар, Қасарт, Хасарт, Оби Фарғона, Ўзган дарёси, Хўжанд суви, Наҳр аш-Шош (Шош, яъни Тошкент дарёси), Банокат, Силис каби қатор номлар билан юритилган. Шунингдек, Сирдарё қайси ердан оқиб ўтишига қараб Оби Фарғона (Фарғона дарёси), Ўзган дарёси, Оби Хўжанд (Хўжанд суви), Наҳр аш-Шош (Шош дарёси), Банокат деб ҳам аталган². Ушбу атамалар орасида энг кўп қўлланадигани эса «Сайхун» ва «Сирдарё» номларидир.

Қадимги туркий ёдгорликларда «Сирдарё» гидронимининг Йинчуғуз, яъни Инжуўғиз шакли кузатилади: «Инжуўғузни кечиб, Тинси ўғли ётадиган Банглигак тоғини...». С. Г. Кляшторний Йинчуўуз Сирдарёнинг ўрта оқими, луғавий маъносини «Инжу (марварид) дарё» деб қайд этган³. «Йинчу» ҳозирги ўзбек тилидаги «инжу» сўзининг тарихий фонетик варианты бўлиб, «марварид» ва «гавҳар» маъноларида қўлланилади. «Ўғуз» сўзи эса туркийча бўлиб, «дарё» деган маънони англатади⁴.

¹ Баратов И. Ўзбекистон табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 85.

² Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 140.

³ Кляшторний С. Г. Тонюкук – Ашида. Юаньчжен // Тюркологический сборник. К шестидесятилетию А. Н. Кононова. – Москва: Наука, 1966. – С. 75.

⁴ Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи... – Б. 137.

XIII–XIV асрларда Сирдарё этагидаги Жанд шаҳри яқинида Жўжихоннинг ўғиллари ва набиралари ўрдаси «Сирўрда» деб аталган. Қадимги туркий ёдгорликларда «сир» этноними ҳам учрайди: «Қапған хоқон турк сир халқи ерида уруғ ҳам, халқ ҳам, киши ҳам [ерга] эга бўлмас эди»¹. Ушбу далиллар «сир» деган сўзнинг этноним эканлиги, асрлар давомида дарё номига айланганлиги ва ҳозирга қадар етиб келганлигини кўрсатади.

Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг 1509 йилда Ҳиротда форс тилида ёзилган «Меҳмонномаи Бухоро» асарида Сирдарё ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Жумладан, муаллифнинг таъкидлашича, «бу дарёни маҳаллий аҳоли «Хўжанд дарёси» дейишади. Ўзбеклар ва мўғуллар эса «Сирдарё» деб ҳам номлашади. Аслида эса бу дарё ғаройиб дарёдир. Гарчи унинг ирмоқлари узун бўлса-да, Хўжанд ва Шоҳрухиядан кўринади. У 300 фарсах (тахминан 1800–2400 км)дан зиёд масофада Туркистон бўйлаб оқиб, Қорақумга сингиб кетади. Сайхун қирғоқлари ям-яшил ўтлар ва қамишлар билан қопланган. Унинг турли ирмоқларида кўплаб каналлар қазилган бўлиб, асосан, суғорма деҳқончилиги учун фойдаланилади. Балким, дунё дарёлари орасида бирор-бир дарёни Сайхун каби кўп озуқа бўлаган ўтлари ва ўтин учун ёғочлари ҳамда ов учун қулай тўқайзорлари бўлмаса керак. Унинг тиниқ суви ҳайвонот олами ва инсонлар учун муҳим ҳаёт манбаи ҳисобланади»².

2015–2019 йиллар давомида Сирдарё бўйида жойлашган Фарғона водийси қишлоқларида олиб борилган этнографик тадқиқотлар жараёнида маҳаллий аҳолидан: «Нима учун ушбу дарё Сирдарё деб номланади?», «Сирдарё» сўзининг луғавий маъноси ўзи нимани англатади?» – деб сўралганда уларнинг кўпчилиги: «Бу дарё жуда ҳам кўп сир-синоатларни кўрганлиги сабабли «сирли дарё» дейи-

¹ Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 79.

² Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Восточная литература, 1976. – С.74.

лади» ёки «Дарёнинг ўзига хос сирлари борлиги сабабли «Сирдарё» дейилади», – деб жавоб бердилар. Бу ўринда ҳақиқатдан ҳам Сирдарёнинг сир-асрори бўлганлиги туфайли шундай дейилганми ёки бунинг бошқа сабаблари ҳам борми деган саволлар пайдо бўлади. Энг аввало, шуни ҳам таъкидлашимиз ўринлики, юқоридаги фикр-мулоҳазалар, асосан, халқ этимологияси бўлиб, дарёнинг кейинги даврдаги номланиш тарихи билан боғлиқ маҳаллий аҳоли орасидаги халқона қарашлар ҳисобланади.

«Сирдарё» номи Фарғона водийсида яшовчи маҳаллий аҳоли орасида шу қадар юксак ҳурматга сазовор ва машҳурки, баъзи инсонлар ўз фарзандларига Сирдарё, Сайхун, Дарё деб исм қўйиш анъанаси ҳам мавжуд, этнография тадқиқотлар жараёнида Сирдарёнинг бўйида жойлашган Тепакўрғон (Поп тумани), Қолгандарё (Мингбулок тумани) қишлоқларида исми (номи, оти) дарё номи билан боғлиқ бўлган «Сирдарё» ва «Сайхун» исмлардаги кишиларни учратдик.

Юқоридаги қисмларда қайд қилинганидек, Сирдарё сувининг асосий қисмини Норин ва Қорадарё беради. Дарё Фарғона водийси ҳудудидан оқиб чиққач, унга ўнг томондан Оҳангарон, Чирчиқ, Келес ва Арис сингари ирмоқлари келиб қўйилади. Бошқача айтганда, водийдан чиқишда Сирдарёнинг сув ҳажми ўртача 540 м³/секундни ташкил этади¹.

Дарё сувининг асосий қисми айрим йилларда эса умумий сув сарфининг 90 фоизига қадар деҳқончилик ишларига сарфланади. Ўзбекистонда дарёнинг ҳавзасида 56 та сув омбори қурилган бўлиб, улардан, асосан, ирригация ва электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилади².

¹ Шульц В. Л. Реки Средней Азии. – Ленинград: Гидрометеоиздат, 1965. – С. 691.

² Стариков Н. П. Проблема режима эксплуатации водохранилищ в водном хозяйстве Узбекистана. Электронный ресурс. – 2005. – URL: <http://water-salt.narod.ru> (дата обращения 20.10.2018).: Верещагина Н. Г., Щетинников А. А., Мухаметзянова А. М. Антропогенные изменения стока реки Сырдарья и ее составляющих Нарына и Карадарьи // Гидрометеорология и экология. – 2018. – №4. – С. 35.


Сирдарёнинг суви апрель ойидан тоғларнинг қуйи қисмидаги мавсумий қорларнинг эриши ва ёғингарчиликнинг кўпайиши туфайли оша бошлайди ҳамда июнь ойига қадар давом этади. Июнь ойидан тоғлардаги қор ва музликнинг тез эриши ҳисобига Сирдарёнинг тўлиқ даври бошланади ва шу ойда йиллик оқимининг 17,5 фоизини ўтказиши. Июль ойида Сирдарёнинг суви аста камая бошлайди ва суви энг озайган пайт январь-февраль ойларига тўғри келади.

Сирдарё суви экин далаларига кўплаб олиниши натижасида у Орол денгизига баъзи йиллари жуда кам (1977 йилда 0,4 км³) сув келтирган бўлса, айрим йиллари эса дарё суви умуман етиб бора олмаган. Жумладан, 1980 йилдан 1988 йилгача Сирдарёнинг суви Орол денгизига умуман етиб бормай, асосан, деҳқончиликка сарфланган. 1988 йилдан Сирдарё яна Орол денгизига қуйила бошлаган ва ўша йили 7,0 км³ миқдорида сув берган.

Норин дарёси Қирғизистон ҳудудидаги Оқшироқ тоғида жойлашган Петров музлигидан бошланади. Мазкур дарё Талас, Норин, Қоракўл ва Тошқўмир шаҳарлари орқали Ўзбекистоннинг Учқўрғон шаҳридан оқиб ўтади, умумий узунлиги 534 километр, ҳавзасининг майдони 59,9 минг км² ни ташкил этади. Норин дарёси Қирғизистондаги Норин шаҳридан 44 километр шарқда Катта Норин ва Кичик Норин дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ушбу дарё Андижон вилояти ҳудудидаги Балиқчи қишлоғида Қорадарё билан қўшилиб, Сирдарёни ҳосил қилади.

«Норин» сўзи турк-мўғул асосга эга бўлиб, «*тор, ингичка, сиқиқ, нафис, гўзал*» маъноларини англатган¹. Норин дарёси ҳам Фарғона водийсига кираверишда анчагина торашиб, дара тусини олади. Шу боисдан ҳам айнан дарё ўзанининг бир қисмига хос хусусиятни ифодаловчи «Норин» сўзи кейинчалик бутун бир дарёнинг номига айланган бўлса керак.

¹ Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи... – Б. 143.



Норин дарёси. Норин вилояти.
Қирғизистон Республикаси. 2018 йил.

Фарғона водийсига кираверишда Норин дарёси сувининг ўртача кўп йиллик миқдори $508 \text{ м}^3/\text{сек}$ ни ташкил этади. «Энг кўп сув сарфи 1969 йилда кузатилган бўлиб, ўртача $709 \text{ м}^3/\text{сек}$ ни ташкил қилган бўлса, энг кам сувли 1965 йилда ушбу миқдор $351 \text{ м}^3/\text{сек}$ бўлган, холос. Энг кўп сувли ой июнь, энг кам сувли ой январдир. Норинда энг катта сув 1966 йил 21 июнда кузатилган бўлиб, $2990 \text{ м}^3/\text{секунд}$ ни ташкил қилган. Баъзи кунларда сув жуда оз бўлиб, $100 \text{ м}^3/\text{секунд}$ ва ундан озроқни ташкил этиши мумкин»¹.

Норин дарёсининг Фарғона водийси ирригацияси ривожланишидаги ўрни беқиёс, ўндан зиёд йирик каналлар ундан сув олади. Шунингдек, Норин Марказий Осиёдаги

¹ Солиев Э. Фарғона водийси дарёлари суви оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш... – Б. 25.

йирик гидроэнергия ресурсларига эга бўлган дарё эканлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Норин дарёси даставвал тўлиб-тошиб, Сирдарёга айланганидан кейин олис тоғлардан минг бир фойдали жинсларни оқизиб келади. Шу сабабдан унинг атрофидаги тупроқ ўсимликлар ривожига, инсон саломатлиги учун фойдали элементларга жуда бой. Зарарли унсурлар, шўрланишга сабаб бўладиган кимёвий таркиблар йўқ ҳисоби, суви жуда ҳам тотли, ичган одам ҳузур қилади.

Норин дарёсидан Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўта муҳим ўрин тутувчи асосий йирик каналлар – Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Катта Андижон ва Катта Наманган каналлари сув олади. Сирдарёдан Наманган вилояти Мингбулоқ тумани хўжаликларини сув билан таъминловчи Йўлдош Охунбобоев номли канал ва «Наманган» насос станцияси ҳамда Поп тумани ҳудудидаги насос станциялари сув олади¹.

Қорадарё. Сирдарёнинг чап ирмоғи бўлган Қорадарё Фарғона тизмасининг жануби-ғарбий қисмларидан бошланади, унинг сув йиғиш майдони – 12370 км². Дарё Тер ва Қорағулжа дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Шундан сўнг унга фақат иккита йирик ирмоқ – ўнгдан Ясси ва чапдан Қуршоб дарёлари ўз сувини қуяди. Қорадарёнинг бундан кейинги ирмоқлари бўлган ўнгдан Кўгорт, Қораўнгир, Мойлисув ва чапдан Оқбўйра ҳамда Аравон дарёларининг суви асосан суғоришга ишлатилиши сабабли ҳам Қорадарёга кўпинча етиб кела олмайди. Фақатгина сув кўп бўлган йиллари суғоришдан ортган сувларгина Қорадарёга қуйилади.

Қорадарё май-июнь ойларида тўлиб оқади. «Кампирровот» сув омбори яқинида унинг сув сарфи 118 м³ ни ташкил этади. Қорадарё Норин дарёсига қўшилганича асосий сувларини сарфлаб камаяди, ўз йўлида грунт ва оқова сувлар

¹ Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган, 1995. – Б. 22.



Қорадарё. Андижон вилояти Балиқчи тумани. 2018 йил.

қўшилиши ҳамда ўнг ирмоқларининг ҳисобига оқимини қайта шакллантириб боради¹.


Шунингдек, Қорадарё минтақада деҳқончилик хўжалиги ерларини сув билан таъминлаш билан бирга унумдор тупроқлар ҳосил бўлишида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мазкур дарё адирликлар оралаб ўтиб, Андижон вилояти Жалақудуқ тумани Ойим қишлоғи яқинида ўз ҳавзасида каттагина бир воҳани ташкил қилади. Дарё суви бу ерда анча секинлашиб, нисбатан ёйилиб оқади. Ўртача олганда, бир йилда Қорадарё суви билан 2,27 миллион тонна ионлар ҳам оқиб ўтади. Сувнинг ўртача минераллашганлиги 0,52 г/л ни ташкил этади². Бу эса, ўз навбатида, минг йиллар давомида маълум бир қалинликдаги унумдор туп-

¹ Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари... – Б. 51.

² Солиев Э. Фарғона водийси дарёлари суви оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш... – Б. 29.

роқнинг пайдо бўлишига олиб келган. Айнан мазкур тупроқ деҳқончилик учун қулай шароит яратиш билан бирга экинлар серҳосил бўлишини таъминлаб, мўл-кўл маҳсулотлар етиштиришга ҳам асос бўлган. Ҳозиргача тупроқ унумдорлиги ана шундай юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Косонсой дарёси Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари қўшилган ҳудудлардаги 3000 метр баландликда тоғлардаги Чилдиксой ва Чапчамасой ирмоқларидан бошланади. Унинг узунлиги 154 километр бўлиб, умумий ҳавзасининг майдони 1650 км² ни ташкил этади. Ҳавзасининг 2/3 қисми майин жинслардан ва 1/3 қисми сурилма қоялардан иборат. Ўртача баландлиги – 2347 метр. Тоғли қисмида водийга шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон, текисликда эса шимолдан жануб (Сирдарё) тарафга оқади. Сув йиғиш ҳавзасида Ишиамберди, Теперек, Олабуқа ва Қорасув каби йириқ ирмоқлари мавжуд. Унинг сув йиғиш ҳавзаси 1650 км², қор ва музликлардан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 9,75 м³/сек, энг кўп сув сарфи 84,8 м³секунд, энг ками эса 1,84 м³секунд (март ойида)¹.



Косонсой. Наманган вилояти Косонсой тумани. 2016 йил.

¹ Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари. – Б. 53.

1939 йилда Косонсой дарёсининг юқори ирмоғида сув омбори қуриш ишлари бошланган. Натижада Косонсой сув омбори 1939–1950 йилларда ҳашар йўли билан, кўп минг сонли Косонсой тумани аҳли ҳамда унга туташ бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолининг бениҳоя катта меҳнати эвазига қурилган. Сув омборининг умумий майдони 840 гектар бўлиб, сув тўплаш имконияти 165 млн м³, сув ўтказиш қобилияти эса 300 м³/с ташкил қилади¹. Сув омборининг барпо этилиши натижасида Наманган вилоятининг Косонсой, Тўрақўрғон ва Чуст, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти Олабуқа туманларини ҳам сув билан таъминлаш тизими яхшиланган.

Чуст канали ҳам Косонсой сув омбори билан барабарига XX асрнинг 40–50-йиллари қазилган, узунлиги тахминан 40 километр бўлган ушбу сув иншоотидан Косонсой ва Чуст туманларининг сув танқис ҳудудлари обиҳаёт билан таъминланади.

Исфайрамсой. Сирдарёнинг чап қирғоғидаги йирик ирмоқларидан бири бўлиб, у Олой тоғ тизмаларининг 3800 — 5200 метр баландлигидан бошланади. Исфайрамсойнинг дарё водийси тоғларда тор бўлиб, адирорти водийларида бирозгина кенгаяди ва унинг барча суви суғоришга сарфланади. Исфайрамсойнинг сув йиғиш ҳавзаси 2230 км², у музлик ва қорлардан тўйинади. Унинг ўртача йиллик сув сарфи Учқўрғон яқинида 22 м³/сек ни ташкил этиб, энг кўп сув сарфи июнь охирида (162 м³/сек), энг ками апрель бошларида (7,14 м³/сек) кузатилади².

Наманган канали Норин дарёсидан сув олади, 1803 йилда қазилган ва Наманган шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. 1819 йилда Қўқон ҳукмдори Умархон (1809–1822) томонидан қаздирилган бўлиб, дастлаб Янгиариқ канали деб номланган,

¹ Косонсой тарихи. — Тошкент, 2011. — Б. 127.

² Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари... — Б. 52.

кейинчалик Наманган канали номини олган. Каналнинг кенгайтирилиши натижасида кўриқ ерлар ҳам ўзлаштирилиб, Наманган шаҳри янада кенгайган¹.

Фарғона водийсида юқоридаги дарёлар билан бирга яна кўплаб сув ҳавзалари ҳам мавжуд. Жумладан, водийнинг тоғолди, текислик ва чўл минтақаларидан оқиб ўтадиган Катта Фарғона, Жанубий ва Шимолий Фарғона, Катта Андижон, Катта Наманган ва Йўлдош Охунбобоев номли каналлар йирик ирригация тармоқлари ҳисобланади.

Сойларда тез-тез сел ва тошқинлар содир бўлиши кўзатилади. Баҳорда жала ёққанда, қорлар тез эриб, сой сувларининг ҳаддан ташқари кўпайиши натижасида сел вужудга келади ва аҳолига катта талофат етказди. Бундай хавф-хатарли селлар (айниқса, Фарғона водийсида) ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд².

Ерости сувлари. Фарғона водийсида дарёлар, сойлар ва каналлар билан бирга ерости сувлари ҳам муҳим ўрин тутди. Водийни ўраб турувчи тоғларнинг ёнбағирларидан оқиб келувчи дарёлар адирларни кесиб ўтиб, текисликка чиқиб келганидан сўнг турли катталиқ ва шаклдаги конуссимон ёйилмаларни ҳосил қилади. Ушбу конуссимон ёйилмаларда ерости сувлари яхши шаклланган³.

Ерости сувлари жойлашиш хусусиятига кўра бир неча 10 метрдан (Наманган вилояти Мингбулоқ ҳамда Поп туманларининг Сирдарё бўйида жойлашган чап соҳили ҳудудлари) 500 метргача (адир, адирорти текисликлар ва тоғолди ҳудудлари) чуқурликда жойлашган. Ерости сувларининг босими 1,3 кубометр секунддан 10–15 кубометр

¹ Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии. – Москва, 1958. – С. 182.

² Бакиев М. Р., Қодирова М. А. Селга қарши гидротехника иншоотлари (дарслик). – Тошкент, 2008. – Б. 4.

³ Солиев И. Р. Фарғона водийси ерости сувлари режимига иқлим ўзгаришларининг таъсири. Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 12.

секундга етади. Ерости сувларидан тик қудуқлар орқали фойдаланиш дастлаб Қўқон шаҳрида 1910 йилдан кейин йўлга қўйилган. Қўқонда 1917 йилга қадар 8 та артезиан қудуғи мавжуд бўлган. Водийда шаклланган ерости сувларидан суғориш ва аҳоли истеъмоли учун фойдаланиш 1970 йилдан кейин муттасил равишда ортиб борган ва 2000 йилларга келиб барқарорлашган эди¹. Бугунги пайтда ишсизлик ҳамда камбағалликни бартараф этиш мақсадида аввал фойдаланилмаётган ерлар (асосан, адирлар) ни ўзлаштириш жараёнида бундай қудуқлар қазиб тобора оммавийлашиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Фарғона водийсида ерости сувларидан маҳаллий аҳоли ичимлик суви сифатида, сув ниҳоятда тақчил ҳудудларда эса деҳқончиликда ҳам фойдаланилади. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Наманган вилоятида 500 дан зиёд артезиан қудуқлар қазилган. Шунингдек, Наманган ҳамда Чортоқ шаҳарларини сув билан таъминлаш мақсадида 25 километрли масофага чўзилиб кетган Жийдакапа – Наманган (Чортоқ) йирик сув узатиш қувури, 20 километрли Чиндовул – Тўрақўрғон, 15 км узунликдаги Ахча – Поп сув узатиш қувурлари ҳам барпо этилган².

Минерал булоқлар. Фарғона водийси ҳудуди хилма-хил касалликларни даволашда шифобахш хусусиятга эга бўлган минерал булоқларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Чортоқ, Шаҳанд, Косонсой, Олтиариқ ва Чимёндан чиққан минерал сувлар таркибидаги олтингургурт, водород, йод, радий ҳамда минераллашган ишқорли термо-минераллар мавжудлиги боис ушбу ҳудудда йирик даволовчи масканлар, санаторий-курортлар тизими юзага келганлиги эътиборга молик.

¹ Солиев И. Р. Фарғона водийси ерости сувлари режимига иқлим ўзгаришларининг таъсири... – Б. 12.

² Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Б. 25.

Бугунги кунда Чортоқ, Шаҳанд, Косонсой, Олтиариқ ва Чимён даволаш масканлари нафақат юртимизда, балки республикамиздан ташқарида ҳам машҳурдир. Айниқса, Чортоқ минерал суви хлор, натрий, калций таркибли паст радиактивликка эга сув бўлиб, таркибида азот, йод (30 мг/л гача), бром (20 мг/л гача) мавжуд. Кучли минераллашган (30 – 60 мг/л). Ер сатҳидан чиқиб турган мазкур минерал сувнинг ҳарорати 48 – 54⁰С ни ташкил қилади. Чортоқ минерал суви Фарғона артезиан ҳавзасининг палеоген чўкиндилари массагет ётқизиқларидан чиқади. Бир бурғи қудуғидан отилиб чиқадиган сувнинг сарфи суткасига 690 – 730 м³. Шунингдек, 800 – 3000 метр чуқурликда 7 тача сувли қатламлар мавжуд бўлиб, истиқболда фойдаланиш имкониятларининг ўта катталиги билан ажралиб туради. Чортоқ минерал суви сурункали артрит, бўғин, нерв-асаб тизими, тери, бод, юрак-қон томир, ҳаракат органлари, гинекологик ва бошқа хасталикларни даволаш жараёнида самарали равишда қўллаб келинмоқда.

Муқаддас булоқлар. Қадимий туркий халқлар булоқ, чашмаларни кўриб, унинг неъматидан баҳраманд бўлиб, сув ер тагидан чиқади, ернинг остида сув худоларининг қароргоҳи бор деб ўйлагани сабабли жаҳондаги кўпгина чашмалар – булоқлар культ объектига айланиб кетган. Жаҳоннинг кўпгина халқлари мифларида коинотда дастлаб фақатгина сув бўлган, олов, ер, ўсимлик, ҳайвонлар айнан сувдан тарқалган деб талқин қилинади¹.

Фарғона водийсида жойлашган сув ҳавзалари орасида дарё, сойлар, каналлар ва ариқлар билан бирга булоқлар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Водийнинг турли ҳудудларида 100 дан ортиқ булоқлар мавжуд, улар маҳаллий аҳоли учун сув манбаи, шу билан бирга, муқаддаслаштирилган жой ҳам саналади.

¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 195.



Сутли булоқ зиёратгоҳи. Наманган вилояти Норин тумани. 2018 йил.

Эътиборли жиҳати шундаки, водийдаги жуда кўплаб зиёратгоҳларда албатта булоқ ва чашма бўлиб, улар муқаддаслаштирилган ҳамда маълум бир исломий авлиё, уламо ва машҳур тарихий шахслар номи билан боғланган. Қолаверса, кўплаб зиёратгоҳлардаги булоқлар бўйига ҳанузгача эҳтиёжманд кишиларнинг шифо истаб, фарзанд тилаб келишлари сув култи маълум бир даражада ҳамон мавжудлигини, йўқолиб кетмаганини кўрсатади.

Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни ўрганган Н. Абдулаҳатовнинг ёзишича, улуғ авлиёларнинг каромати туфайли ушбу булоқлар пайдо бўлган ёки улар булоқларга кириб кетиб, балиқ кўринишида ғойиб бўлган, натижада уларнинг авлиёлик сифати, мушкулни осон қилиш функцияси сувга ўтиб, мана шу аснода булоқлар зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжо вазифасини ҳам бажариб келган¹.

Сув фарзандсизликнинг давосими? Булоқларнинг суви, аввало, чанқоқни, ташналикни қондириш мақсадида истеъмол қилинган бўлса-да, уларнинг минералларга

¹ Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 29.

бойлиги зиёратчиларнинг сиҳат-саломатлигига ҳам ижобий таъсир қилган. Шу боис сувининг шифобахшлиги билан ном қозонган табиий булоқларни муқаддаслаштириш ва авлиёлар хислатларини сув билан боғлаш натижасида кўплаб ривоятлар пайдо бўлган. Қизиқарли томони шундаки, турли жойлардаги сувлар ҳар хил касалликларга даво бўлиб келгани туфайли ушбу зиёратгоҳлар «Қўтирбулоқ» (Наманган вилояти Поп тумани Чоркесар қишлоғи), «Сўгалбулоқ», «Қулоқбулоқ», «Йўталбулоқ» (Наманган вилояти Чортоқ тумани Гулдиров қишлоғи) каби номлар билан аталган бўлса-да, аксарият булоқ ва чашмалар суви бефарзанд оилалар учун даво деб талқин қилинган. Бу ўринда шундай савол туғилади: «Нима учун барча булоқ ва чашма сувлари бефарзандлар учун даво-дармон деб қаралади?» Айнан ушбу саволга этнология илми нуқтаи назаридан жавоб қайтарадиган бўлсак, аввало, Марказий Осиёда жамоа ва маҳалла институтининг роли жуда катта ҳисобланганига эътибор қаратиш лозим. Маҳалла жамоаси оилалардан ташкил топган, унда турли ариқ ва каналларни доимий равишда тозалаб туриш зарурати туфайли ишчи кучига эҳтиёж бўлган. Табиийки, фарзанд оиланинг кўмакчиси саналган. Қолаверса, бирор оилада таваллуд топган фарзанд фақат шу насл ва авлоднинг давомчисигина эмас, узоқ замонлардан бери истиқомат қилиб келган маълум бир шажаранинг меросхўри ҳам бўлган. Шу боисдан жамият ҳаётида фарзандсизлик жуда оғир кулфат ҳисобланиб, Худонинг қарғиши теккан кимса бефарзанд бўлади деган қарашлар ҳам учраган.

Шу нуқтаи назарга биноан ҳам фарзандсиз аёллар доимо фарзандли бўлишнинг турли хил йўллари бети-ним излашган. Уларнинг наздида, муқаддас булоқлардан шифо сифатида фойдаланиш бефарзандликни бартараф қилиб, оила ва жамият олдида «юзини ёруғ» қилган.

Фарғона водийсида фарзандталаб аёллар доимий борадиган муқаддас қадамжолар анчагина, улар орасида Мавлонобува, Сафедбулон, Шоҳимардонпирим, Идрис

бува, Қирқчилтон ва Балиқликўл сингари зиёратгоҳлар жуда машҳур бўлган. Аёллар, асосан, фарзандталаб жувонларнинг зиёратгоҳ ва қадамжолардаги булоқ сувига ювиниши, унга танга ташлаши, чашма атрофини ялангоёқ ҳолда уч марта айланиши, назр ниятида дарахтларга латтабанд боғлаши каби қатор одатлар бўлган. Ушбу одатлар ҳанузгача оз бўлса-да учраб туради. Бу ўринда нима учун аёллар булоқ сувига шифо сифатида ювинган, унга танга ташлашдан асл мақсад нима деган саволлар ҳам пайдо бўлади, албатта.

2018 йилда Фарғона водийсида олиб борилган этнографик тадқиқотлар доирасида Наманган вилояти Поп туманидаги Имомота зиёратгоҳида бўлдик. Айнан шу зиёратгоҳда шифобахш булоқ мавжуд бўлиб, кўплаб фарзандталаб аёллар томонидан унинг суви хасталикка даво деб ичилиши, зиёратчилар булоқ сувига юз-қўлларини ювиб, унга танга ташлаши жараёни кузатилди. Маҳаллий аҳолидан сув билан боғлиқ ушбу амалларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўраганимизда аниқроқ жавоб олишнинг имкони бўлмади. Улар, асосан, танга бойлик рамзи экани, танга ташлаш орқали эзгу ниятлари рўёбга чиқиши, Имомотанинг ўзлари қўллаб юборишларини ният қилиб танга ташлаганлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Бизнингча, ушбу одатлар қадимги эътиқодий қарашлар билан боғлиқ, ўша замонларда одамлар табиатни онгли деб тушунишган, ҳосилдорлик культларида¹ мен сенга, сен менга ақидаси ҳукмрон бўлган. Ушбу ақидага биноан, инсонлар табиат ҳодисалари – ер, сув, олов, ўсимлик ҳомийларига қанчалик кўп ва азиз нарсаларини қурбонлик қилишса, улар ҳам бунинг эвазига одамлар сўраган

¹ Ҳосилдорлик культлари деганда инсоният, жумладан, ўзбек халқи тарихида ҳам ҳосилдорлик ва серфарзандлик ғоялари билан боғлиқ бўлган энг оддий ишлаб чиқаришдан тортиб интим оилавий муносабатларгача қамраб оладиган сакрал (эътиқодий) тасаввурлар ва ҳаракатлар йиғиндисини тушунамиз. Бу ҳақда қаранг: Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси... – Б. 192.

нарсаларни берган. Ж.Фрэзер келтирган маълумотларга кўра, Нил дарёси бўйида яшовчи халқлар ёшгина гўзал қизни ясантириб Нилга ташлаб юборганлар, гўё қиз ва эр деб билинган дарёни ўзаро никоҳлаб қўйганлар. Одамлар сувга энг чиройли қизимизни қаллиқ берсак, эвазига у бизга мўл-кўл ҳосил беради деб иронишган. Кейинчалик ушбу маросим ўрнини сувга танга ташлаш одати эгаллаган¹.

Демак, биз бундай қадимий анъана билан Имом ота зиёратгоҳида булоқнинг сувига танга ташлаш одатида ўхшашлик мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Фольклоршунос олим А. Мусақуловнинг ёзишича, аждодларимиз сувнинг яратувчанлик хусусиятини бевосита аёлларга боғлаб, хотиннинг фарзанд кўришини сувнинг хислатларига кўчириб борганлар².

Хуллас, юқоридаги фикрларга асосланиб шуни қайд этиш керакки, водийдаги зиёратгоҳлар ва муқаддас булоқларни «халқ кўриқхонаси» деб номлаш мумкин. Чунки бу ердаги булоқ сувлари муқаддас обирахмат ҳисоблангани боис ушбу манбалар ҳаминша назоратда бўлган ва уларнинг экологик жиҳатдан тозалиги учун қайғурилган. Жумладан, Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам булоқ мавжуд, унинг суви тотлилиги туфайли маҳаллий аҳоли тилида «Ширмонбулоқ» номи билан машҳур бўлган. Булоқ атрофида жуда катта дам олиш маскани ташкил этилган, унга водийнинг турли ҳудудларидан жазирама ёз фаслида дам олиш мақсадида минглаб кишилар оиласи, бола-чақалари билан келишади.

Булоқ сувларининг ҳар доим қадрланганини ўзбек халқ оғзаки ижоди (фольклари)да булоқ билан боғлиқ кўплаб мақол ва нақллар ҳам яққол ифдодалайди. Бу ўринда ўзбекларнинг «Сўзнинг онаси – қулоқ, сувнинг онаси – бу-

¹ Фрэзер Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. 2-е изд-е. – Москва: ИПЛ, 1986. – С. 411.

² Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси... – Б. 199.

лоқ» ёки «Булоқнинг суви тиниқ, дононинг – суҳбати»¹ каби халқ мақолларини мисол қилиб келтириш мумкин. Айнан ушбу мақолларда сув қанчалик қадрланиши ва обиҳаётнинг туб асоси, ўзаги булоқ эканлигига ишора қилинган. Қолаверса, оқар сувдан фарқли равишда, булоқ сувлари доимо зилол ва ойнадай тиниқ бўлиши учун узлуксиз қайғурилган, шу мақсадда катта саъй-ҳаракатлар қилинган.

Водийдаги катта булоқли сув ҳавзаларидан яна бири Фарғона вилояти Сўх туманидаги машҳур Чашма ҳисобланади. Сўх чашмаси суви деярли бутун туман аҳолиси эҳтиёжини таъминлайдиган ягона сув манбаи бўлгани боис унга нисбатан алоҳида экологик муносабат шаклланди.

Марказий Осиёда булоқлар кўп ҳолларда турли азиз-авлиёлар номлари билан аталган. Хусусан, Наманган вилояти Чуст шаҳридаги булоқ Мавлоно Лутфуллоҳ исми-шарифи билан аталиб, Мавлонобува номи билан юритилади. Наманган вилояти Поп тумани Парда Турсун қишлоғидаги чашма Имомота булоғи, Чортоқ тумани Балиқликўл қишлоғидаги булоқ Султон Увайс Қараний, Фарғона вилояти Фарғона тумани Ёрдон қишлоғидаги булоқ Ҳазрат Али номи билан боғланса, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Нурсух қишлоғидаги булоқ айнан пайғамбаримиз саҳобаларининг илоҳий кароматлари туфайли пайдо бўлганлиги ҳақида ривоятлар мавжуд.

Шунингдек, Андижон вилояти Марҳамат тумани Бобохуросон ота зиёратгоҳидаги булоқ Бобохуросон номи билан боғлиқ деб талқин қилинади. Маҳаллий аҳолининг фикрича, Бобохуросон Етти авлиёнинг² бири ҳисобланиб, ислом

¹ O'zbek xalq maqollari. – Toshkent: Sharq, 2005. – B. 41, 64.

² Фарғона водийси етти авлиёлар култи кенг тарқалган бўлиб, бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: Абашин Н. С. Семь святых братьев // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – Москва, 2003. – С. 18–40.

динини фаол тарғиб қилган. Бобохуросон ота рамзий қабри жойлашган мақбаранинг ичидаги қайрағоч дарахтининг остидан шифобахш сув чиқиб туради.

Ушбу сув ҳар хил яра ва тошмаларга шифо бўлади дейилади. Булоқ суви билан боғлиқ ўзига хос қарашлар мавжуд бўлиб, маҳаллий аҳолининг фикрига кўра, сувга нопок кимсаларнинг назари тушса, йўқолиб қолади, Қуръон тиловат қилинганидан уч кун ўтиб яна пайдо бўлади³. Бундай фикрлар натижасида сувнинг мусаффолиги сақланиши биз ва она табиат учун беҳад муҳим ҳисобланади. Қолаверса, ушбу эзгу қарашлар асосида маҳаллий аҳоли орасида сув билан боғлиқ экологик маданият ҳам шакллана борган.

Фарғона тумани Аввал қишлоғидаги булоқларни маҳаллий аҳоли Офоқхўжанинг қутлуғ номи билан боғлайди. Кунлардан бир куни Офоқхўжа ҳазратлари ўз муридлари билан ҳозирги Марғилонга келиб, одамлар сувсизликдан қийналишаётганини кўрибди ва обихаёт излаб Аввал қишлоғига келибди. Кўрсаларки, Аввалда чашмалар кўзини оча олмаётган эмиш, шунда у: «Чиқ, жонивор!» – деб қўлидаги ҳассасини ерга урган экан, булоқлардан сув чиқа бошлабди. Ушбу булоқларнинг суви бир ариқ ҳажмида бўлиб, Марғилон тарафга оқибди. Ўшанда аввалликлар Офоқхўжанинг қадами етган ўша қадамжони муқаддас зиёратгоҳга айлантириб, мозор тиклаган экан. Ҳозирда Хўжампошшо мозори чинакам халқона зиёратгоҳга айланган, бу ерда турли хасталиклардан фориг бўлиш ниятида келган зиёратчиларнинг оқими сира узилмайди⁴.

Хуллас, Фарғона водийсидаги муқаддас булоқлар билан боғлиқ ривоятлардаги халқнинг сувга бўлган эҳтиёжи ва авлиёлар томонидан ушбу талаб қондирилишининг яна бир жиҳати ҳам борки, маҳаллий аҳоли қадимдан деҳқон-

³ Ушбу маълумотлар Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали ўқитувчиси М. Каримовадан 2020 йилда ёзиб олинди.

⁴ Абдулаҳатов Н., Зоҳидов Ф. Фарғона тумани тарихи. – Фарғона, 2013. – Б. 102–103.

чиликда экинларини қондириб суғориш масаласида турли қийинчиликларга учраган. Бу эса, ўз навбатида, исломдан олдин, ислом даврида ҳам сув билан боғлиқ турли афсона ҳамда ривоятларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Сувнинг муқаддас эканлиги ҳам ана шу ривоятлар орқали кишилар онги ва қалбига сингдириб борилган. Худди шунингдек, булоқларнинг беморларни ҳар хил касалликлардан халос эта олиш хусусияти тўғрисида турли ривоят ва афсоналар маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқала бошлаган, уларнинг кўнглида умид уйғотган.

*Агар ҳар бир сув томчиси ўз тарихини
ёзиш имкониятига эга бўлганида эди, у
бизга Коинотнинг бутун сир-асрорларини
тушунтириб берган бўлар эди.*

**Люси Ларком,
америкалик шоир**

II БОБ

СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ МИФОЛОГИК ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР

II.1. СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ МИФОЛОГИК ҚАРАШЛАР

Сув нафақат тириклик манбаи, балки ҳаётнинг энг улуғ, бебаҳо ва беқиёс мўъжизаси ҳисобланади. Шу боис ҳам инсоният қадим замонларданоқ сувни муқаддаслаштира бошлаган, унга сиғинган¹. Жаҳон халқларида сув билан боғлиқ турли-туман мифологик қарашлар ва инончлар кенг тарқалган².

Сув билан покланиш одати барча диний эътиқодлар ва маданиятларга хос хусусият, одат ва анъанадир. Архаик-космогоник тасаввурларга биноан, дастлабки сувлардан ер пайдо бўлган ёхуд уммон хаосида тухум шаклланган, у кейинроқ икки бўлак (осмон ва ер)ка ажралган. Шу тариқа ҳаёт манбаи – сувга барча нарсаларнинг негизи сифатида қаралган³.

Милоддан аввалги VII асрга доир Хитой трактатларидан биридаги таъриф-тавсиф энг улуғ неъмат бўлмиш сув ҳақидаги қадимий тасаввурларни бирмунча умумлаштиради: «Сув – ернинг қони ва ҳаётий қуввати манбаи. У юмшоқ ва тоза, инсон кирларини ювади – бу сувнинг одамийлиги. Идиш тўлса, ортиқча сув сиғмайди – бу адолат, қаноат. Сув доим ҳаракатда, фақат текисликда тўхтайди – бу ҳалоллик. Одамлар кўтарилишга интилсалар, сув эса пастга шошади – бу камтарлик»⁴.

Сув ҳақидаги қадимги мифлар. Инсоният тарихига назар солинса, сув турли тарихий даврларда одамлар учун нафақат ичимлик манбаи, балки уларнинг ҳўжалик юритиш

¹ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 58.
Watson P. Total body water volumes for adult males and females estimated from simple anthropometric measurements // The American Journal for Clinical Nutrition. – 1980. – Vol. 33. – № 1. – P. 27.

² Қаранг: Мифы народов мира: Энциклопедия. – Москва, 1980. Т. 1. – С. 28, 29, 42, 54, 55, 84, 114, 155, 176, 177, 180.

³ Юқоридаги асар... – С. 40.

⁴ Евсюков В. В. Мифы о вселенной. – Новосибирск: Наука, 1968. – С. 25.

маданияти, кундалик ҳаёт тарзи, диний ҳамда дунёвий қарашларининг асоси, экологик тарбия объекти бўлганлигини кўриш мумкин. Қолаверса, турли халқларда сув билан боғлиқ илоҳ, култ ва урф-одатлар мавжуд бўлган.

Сув ҳақидаги турли қарашларни таҳлил қилиш жараёнида «Нима учун инсонларнинг қадим аجدодлари сувга эътиқод қилганлар?», «Сув худолари ҳақида қадим замон одамларининг дастлабки тасаввурлари қандай бўлган?», «Умуман, сув култи билан боғлиқ афсоналар асосида қандай ғоялар мавжуд?» деган қатор саволлар пайдо бўлади. Шубҳасиз, ушбу саволларга жавоб бериш учун тарих, фалсафа, диншунослик, фольклоршунослик ва этнология фанларида олимлар томонидан шакллантирилган илмий қарашларга суянилади.

Халқ афсоналарида бутун борликда дастлаб фақатгина сув бўлган, олов ҳам, замин ҳам, одамлар ҳам айнан сувдан тарқалган деб талқин қилинади. Шунинг учун қиёмат тўфони борлиқнинг асли, яъни илк ҳолатига қайтиш ғоясининг ифодасидир. Мазкур тушунчанинг турли халқлар қарашларидаги ифодаси машҳур инглиз антропологи Ж. Фрээрнинг «Тавротда фольклор» асарида атрофлича шарҳлаб берилган¹.

Дунё динларига оид турли қарашларга назар ташласак, барча динлар ҳамда эътиқодий қарашларда сув билан боғлиқ анъаналар учрайди. Хусусан, қадимги мисрликларнинг тасаввурича, сувда ҳаётбахшлик хислати мавжуд бўлиб, осмон сувлари заминни суғориб, унда ҳаёт ривожланиб боришига имкон яратади. Қадимги Грецияда Посейдон денгизлар илоҳи, олий маъбудлардан бири ҳисобланган. Айнан Посейдонга бағишлаб махсус ибодатхоналар қурилган, кўплаб серҳашам ва дабдабали диний маросимлар ўтказилган². Қадим Юнонистондаги айрим файласуфлар талқинига кўра, одам танаси ер ва сувдан, жони эса

¹ Фрээр Дж. Фольклор в ветхом завете. – Москва: Политиздат, 1990. – С. 67–162.

² Мифы народов мира. – Москва: Наука, 1980. Т. 2. – С. 323–324.

оловдан яралган бўлиб, ҳаво уларнинг яшаш шартидир¹. Қадим Шумер мифологиясида сув худоси Энки деган ном билан аталган².

Шарқ халқлари эътиқодий қарашлари тизимида ҳам табиат мўъжизаси бўлган сув билан боғлиқ ўзига хос қарашларни учратиш мумкин. Масалан, ҳинд мифларидан бирида дунёнинг яратилиши шундай талқин қилинади: Дастлаб фақатгина сув, ундан кейин эса олов пайдо бўлган. Оловнинг буюк ҳарорати натижасида ўша сувдан олтин тухум яралган. Бу олтин тухумдан энг дастлабки одам – Браҳма пайдо бўлиб, тухум иккига бўлиниб кетган. Бу бўлақларнинг биринчисидан осмон, ер ва улар ўртасида ҳаво пайдо бўлган³. Худди шунингдек, машҳур ҳинд Ведаларида ҳомий илоҳ ҳисобланган Варуна олам сувларининг худоси бўлган⁴.

Қадимги Миср космогоник асотирларида Нун («маъбудлар отаси»га айланган илк сув илоҳи), Месопотамияда Ансу (сув гирдоби), Бобилда эса Тиамет («денгиз», денгиз махлуқи, жаҳон хаоси мужассами) мавжуд бўлган. Ҳиндистон аҳлида сув бутун дунёда ёмғир, ўсимликлар шираси, қон шаклида айланиб юрувчи ҳаёт соқчиси сифатида қадрланган бўлса, хитойликлар сувни бутун ҳаётнинг сарчашмаси деб билганлар⁵. Қадимги Месопотамияда эътиқод қилинган уч азиз худодан бири – Энки сув тошқинларини намоён қилиб, ҳар замонда одамларга ўз куч-қудратини кўрсатиб қўяди деб ҳисоблаган⁶.

Сув ва илон. Қадимги Хитойда ёмғир ёғдирадиган тангри ва ёмғирли булутнинг маъбудалари илон сифатида тасаввур қилинган, худди шунингдек, илон ердаги барча сув

¹ Евсюков В. В. Мифы о вселенной... – С. 26.

² Мифология древнего мира. – Москва: Наука, 1977. – С. 130.

³ Евсюков В. В. Мифы о вселенной. – Новосибирск, 1968.; Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси... – Б. 34.

⁴ Бояркина О.А. Водные конфликты в мировой политике: проблемы и перспективы. – Москва: Русайнс, 2017. – С. 4.

⁵ Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент, 2007. – Б. 41.

⁶ Бояркина О. А. Водные конфликты в мировой политике: проблемы и перспективы... – С. 4.

ҳавзаларининг ҳам афсонавий эгаси ҳисобланган¹.

Ҳинд мифологиясида сув унсурининг вакиллари бўлмиш илон ва аждаҳолар сув худоларининг рамзий йўлдоши саналган. Шимолий Ҳиндистоннинг буюк сув илоҳаси ҳисобланган Ганга ҳам Макара деган аждаҳо устида тик турган ёки ўтирган ҳолда тасвирланган².

Мифологик қарашлар тизимида илон – сув образларини муқобил қўйиш анъанаси «ҳаёт дарахти» ҳақидаги мифлар талқинига бориб тақалади. «Ҳаёт дарахти»нинг қуйи қисми, яъни ўқ илдизлари обиҳаёт сувларидан озиқланади. Шунинг учун ҳам ушбу дарахт абадий барҳаёт ўсимлик деб тасаввур қилинган. «Ҳаёт дарахти»нинг тубидаги илонга, айтилишича, ҳаёт бахш этувчи сувнинг кўриқчиси деб ҳам қаралган. Аста-секин илоннинг сув билан бевосита боғлиқлиги ҳақидаги мифологик эътиқодлар ҳам келиб чиққан³.

Мифларда илон сув билан алоқадор ўзига хос образ сифатида талқин қилинган бўлиб, у одамлар онги ва қалбида ҳаёт бахш этувчи тимсолий персонаж тарзида гавдаланган.

Қадимги деҳқонлар тасавурида илонлар ёмғир томчиларига қиёсланган. Илон замин ва осмоннинг орасида бемалол воситачилик қила олади, у кўкка ўрмалаб чиқиб, фалақдан ўзи хоҳлаган вақтда ёмғир ёғдира олади деб ишонилган. У она – Осмон кўкрагидан эмиб, ёмғир ёғди-рар эмиш⁴. Қолаверса, қадимги жамиятларнинг мифологик



Сўх илони. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. 2018 йил.

¹ Файзиёва Д. Ўзбек фольклорида илон образи. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 15.

² Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 27–28.

³ Файзиёва Д. Ўзбек фольклорида илон образи. – Б. 15.

⁴ Андрианов Б. В. Земледелие наших предков. – Москва: Наука, 1979. – С. 66.

тафаккурига кўра, ҳукмдорнинг самовий ва заминий дарё сувлари илоҳаси билан муқаддас никоҳ боғлаб аждаҳога миниб олиши самовий ва заминий дарё оқимларини тартибга солиш мақсадини кўзда тутган ҳамда само билан ер ўртасида уйғунликни таъминлаган¹.

Дунёнинг кўпгина халқларида сув маъбудлар иродасини ўтказувчи, осмон билан ўзаро мулоқотда воситачи, тақдир жарчиси ҳисобланади. Шу боисдан турли фол очиш тизимларида сувда намоён бўладиган тимсолларни талқин этиш жуда кенг тарқалган. Фолбинлар сув юзасига қараб келажакни, ўтмишни кўра оладилар деб ҳисобланган. Бу қадимий ҳолат шомонларнинг биллур шарлар, яъни жоду кристалларидан фойдаланганини асослаб беради. Сув ёрдамида фол очиш ва келажак ҳақида хабар бериш амалиёти қадимги Европа, Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Шарқий ҳамда Шимолий Осиё, Полинезияда тарқалган бўлса, Скандинавия халқларида илоҳий тақдирнинг ўзига хос бир рамзи сифатида ғоятда қадрланган².

Туркий халқлар мифологиясида сув. Туркий этнослар обиҳаёт – сувнинг халоскорлик ҳамда илоҳий қудратига қаттиқ ишонганлар. Улар сув инсонни ҳар қандай офат, бахтсизлик, ҳатто ўлимдан ҳам ҳимоя қилади дея тасаввур қилган эди. Туркийлар дунёқарашида сув – жон, рух, боқийлик тимсоли, абадий, мангу тириклик рамзи ҳисобланган. Туркий мифология сюжетларини жиддий ўрганган С.Г. Кляшторний ва Л.П. Потаповлар туркийларда уч худо – Тангри, Умай, Ер-Сув илоҳлари бўлганлиги ҳақида ёзган³.

Қадимги туркийлар биз яшаб турган оламни «*Экин ара*», яъни [– *ekin ara*] «иккисининг ўртаси – осмон ва ер

¹ Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 33.

² Бу ҳақда қаранг: Халмуратов Б. Р. Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши ва миллий қадриятлари тизимида сув // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2010. – №2. – Б. 29.

³ Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник. – Москва: Наука, 1973. – С. 265–266.

нинг ораси» деб атаган эдилар. Ўрта оламнинг бош худоси *Муқаддас Ер* – Сув билан биргаликда унинг *ўн етти та яхши ёрдамчиси (руҳлари)*, қудратли *Иокан, сув, ўрмон, тоғ руҳлари ҳамда инсонлар худди мана шу оламда истиқомат қилганлар, яшаганлар*¹.

Тоғли Олтойда яшовчи туркий халқлар афсоналарида борлиқнинг яратилишига асос ҳисобланган бирламчи манба сув бўлган. Уммонда сузиб юрган мифологик қаҳрамон, яъни Улген онаси Оқ Энанинг маслаҳати билан заминни яратган. Дастлабки ер парчаси сувга чўкиб кетмаслиги учун уни Кербалиқ деб аталувчи учта улкан наҳангнинг устига ўрнатиб қўйган. Оламнинг ибтидоси сувдан иборат бўлганлиги ҳақидаги мифологик тасаввур дунё халқларининг оғзаки ижоди (фольклори)даги самовий афсоналарнинг муштарак талқинларидан бири бўлган². Ислом мифологиясининг таъсири остида яратилган ўзбек афсонасида ибтидонинг энг аввалги босқичи – Худо томонидан яратилган гавҳар эриб кетгач, сувнинг ҳосил бўлиши жараёни ҳам ўз бадиий ифодасини топган³.

Олтой шомонлари сувни оламнинг яратилишига асос бўлган энг муҳим унсурлардан бири деб ҳисоблаганлар⁴. Этнограф Т.Баялиеванинг ёзишича, қадимда қирғизлар орасида сув руҳлари тўғрисида қарашлар мавжуд бўлиб, Тяньшань қирғизлари ҳар йили сув руҳларига атаб қурбонлик қилганлар. Қурбонликка аталган ҳайвон сув бўйида сўйилиб, қони сув билан аралашиб кетишига астойдил ҳаракат қилинган. Ушбу маросим орқали одамларнинг турли қилиқлари ва ярамас ҳунарларидан дарғазаб бўлган сув парилари ва руҳларининг қаҳр-ғазабини пасайтиришга уринилган. Агар бу ишлар амалга оширилмаса, бутун йил давомида

¹ Жўрақўзиев Н. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар ва туркий халқларда космогоник мифология. Филол. фан. бўй. фалс. докт (PhD). автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 13.

² Жўраев М. Ўзбек халқи самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 11–12.

³ Жўраев М. Ўзбек халқи самовий афсоналари... – Б. 12.

⁴ Потапов Л. Алтайский шаманизм. – Москва: Наука, 1991. – С. 72.

бирор-бир кўнгилсиз ҳодиса рўй беради деб ўйлаганлар¹. Туркманларда эса ёмғир пири сифатида «Қўркут бобо» образига сиғинилган ва унга бағишлаб турли маросимлар ўтказилиб, турли афсона ва ривоятлар кенг ёйилган².

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида X–XI асрларда Ўғузлар давлатида «қўвуч-қўвуч» деган одат мавжуд бўлганлиги қайд этилган. Ушбу одат одамларнинг орасидаги ёвуз руҳларни ҳайдаш учун бажарилган. Бунда одамлар бирор-бир кишига ёмон руҳ илашган бўлса, қўлларида совуқ сув олиб, унинг юзига сепганлар. Бу тушунча «қоч-қоч» деб ҳам аталиб, асосан турли хил руҳларни қўрқитиш маъносида қўлланилган³. Бундан ташқари, мазкур бебаҳо тарихий манбада тутқаноқ касали «tutug'»⁴ (тутуғ) номи билан ҳам қайд этилган. Юсуф Хос Ҳожиб эса «қом»ларнинг вазифалари орасида уларнинг хаста кишиларни даволаш фаолиятига алоҳида диққат-эътиборини қаратган эди⁵.

Хоразм воҳаси этнографиясини махсус ўрганган Г. П. Снесарев тўғри таъкидлаганидек, Марказий Осиёда муқаддас сув тушунчаси ҳатто илк бор илоҳийлаштирилган ер (Она замин) ғоясини ҳам иккинчи даражага тушириб қўйган. Айнан сув билан боғлиқ эътиқодий қарашлар асосида ҳосилдорлик култи ҳам намоён бўлади⁶.

XX аср бошларида қорақалпоқларда сув мўл бўлиши учун анҳорга сув очилганда аввал сув тақсимловчи миробни эзгу ниятда, атайлаб каналга ташлаб юборганлар. Ми-

¹ Баялиева Т. Пережитки магических представлений и их изживание у киргизов // Древняя и раннесредневековая культура Киргизистана. – Фрунзе, 1967. – С. 126.

² Басилов В. О туркменском «пире» дождя Буркут-Баба // Советская этнография. – 1963. – №5. – С. 15–18.

³ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 3-жилд. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 178.

⁴ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 354.

⁵ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 1971. – Б. 210.

⁶ Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва: Наука, 1969. – С. 193.

роб сувдан омон чиққанидан сўнг жонлиқ, одатда, ҳўкизни сўйиб, қонини ариққа оқизганлар, гўшти ё жамоа бўлиб истеъмол қилинган ёки одамларга бўлиб берилган¹. Шунингдек, улар дарё тошган вақтларда ёки камсувлик пайтида унга бағишлаб қурбонликлар қилган. Мазкур одат «қан шашу» деб номланиб, обиҳаёт келтирувчи дарёга қурбонликнинг қони оқизилган².

Сув турли оламларни боғлайдими? Туркий халқларнинг мифологик талқинларига қараганда, қадимги одамлар киши ўлгач, унинг жони икки олам ўртасидан оқиб ўтувчи дарёдан сузиб ўтиб, ўликлар мулкига кириб боради деб ўйлаганлар. Иккала оламни туташтириб турувчи «кўприк» ўрнида кўпинча дарё тасвирланади. Афсонавий оламни реал, ҳақиқий дунёдан ажратиб турувчи нарса сув ҳисобланган қатор халқларнинг (туркий, славян, европа ва бошқа) сеҳрли эртақларида у дунё ва бу дунё, асосан, горизонтал ҳолатда тасвирланади, аммо бундай эртақларда дарё орқали ўликлар дунёси – ўзга оламга ўтиш деярли сақланмаган, лекин қаҳрамоннинг сув йўли орқали бу дунёга қайтиб келгани тасвирланади. У дунёдан қайтаётган қаҳрамонни антогонист таъқиб қилади. Антогонист сув бўйига келиб тўхтаб қолади, қаҳрамон эса дарёдан сузиб ўтиб, эсон-омон ўз юртига етиб олади. Дарёдан кечиб ёки сузиб ўтишга уринган антогонист чўкиб ўлади³.

Дарёга қурбонлик қилиш. Сирдарё ва бошқа бир қатор сув ҳавзалари сувидан фойдаланишга асосланган суғориш тизими Фарғона водийсида деҳқончилик ҳўжалиги хусусиятлари ва унинг турлари ҳамда жойлашиши, қадимий маданиятнинг ривож топиши, турли-туман диний анъаналар ва маросимлар генезисини (келиб чиқишини) кўп жиҳатдан белгилаб беради.

¹ Жданко Т. А. Этнография каракалпаков XIX – начало XX века (материалы и исследования). – Ташкент: Фан, 1980. – С. 187.

² Алибеков У. Ўзбек халқининг даврий дарё тошқинлари билан боғлиқ календарь удумлари хусусида // ЎзМУ хабарлари. – 2017. – № 4. – Б. 12.

³ Гўзалов Ф. Сувнинг ҳаётбахш сеҳри // Ёшлик. – 1990. – №1. – Б. 75.

Водийда сув иқтисодиёт асосини ташкил қилган. Анъанавий хўжалик ҳисобланган деҳқончиликнинг аҳволи ҳам сувга бевосита боғлиқ бўлган. Шу боис ҳам моҳир деҳқонлар баҳорги экин-тикин ишлари бошланишидан аввал маросимий тарзда қурбонлик қилиб, худойи маросимини ўтказганлар. Маросимда ҳайвон (қўй ёки буқа) сўйилган, бошланаётган йилда сув тошқинлари ҳамда қурғоқчилик бўлмаслиги ва сувга сероб йил бўлиши Аллоҳдан сўралган. Қадимги туркийларнинг дунёқарашига кўра, буқа гўшти бемалол ейилиши, истеъмол қилиниши мумкин бўлган ҳайвон, кўк буқа эса сув манбаи хўжайини ҳисобланиши сабаб бўлса керак¹.

Баҳорда Сирдарё сингари улкан дарёлар кўкқисдан бостириб келган сел ва тошқинлар туфайли ўзининг аввалги мусаффо рангини ўзгартиришга мажбур бўлиб, қизил рангга кириб, тўлиб-тошган вақтда «дарё қонсирабди» деб ҳисобланган. Маҳаллий аҳоли орасида «садақа пули» йиғилиб, тўпланган пулга қўй сотиб олинган, дарё қирғоғида сўйилган ва унинг қони сувга оқизиб борилган. Олдинлари жонлиқнинг танаси ҳам дарёга ташланган ва Худодан қурбонликни қабул қилишини ҳамда турли-туман табиий офатлардан асрашини сўраб дуо қилинган².

Наманган вилояти Норин тумани Учтепа қишлоғида яшовчи Теша Абдурахмоновнинг айтишича, дарё бўйи қишлоқлари аҳолиси тарафидан баҳорда сув бўйида тўпланиб, шу ерда хўроз ёки қўй сўйилган, жониворнинг қони сувга оқизилган. Нима мақсадда бундай тарзда қурбонлик қилинишининг сабаби сўралганида Т. Абдурахмонов: «Агар қурбонлик қилинмаса, дарё суви «қонсирайди». Ёш болалар, уй ҳайвонлари сувга оқиб кетади, дарёбўйи аҳолиси экинларига дарё суви тошиб, ҳаммаёқни вайрон қилиб ташлайди ёки ёзги чилла даврида суви ҳаддан ташқа-

¹ Саримсоқов А. Ўзбек халқ тақвимий маросимлари... – Б. 114.

² Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 189.

ри озайиб кетиб қурғоқчилик бўлади»¹, – деб жавоб берган. Археологларнинг маълумот беришича, айнан сув билан бевосита боғлиқ маросимларда қурбонлик қилиш палеолит давриданоқ бошланган².

Юқорида қайд этилганидек, сув кам бўлган ёки қурғоқчилик даврида ҳам қўй сўйилиб, қурбонлик қилинган. Қурбонлик учун йиғилган пулга қўй сотиб олингандан сўнг маҳаллада эркаклар тўпланиб, ариқ бошига борилган. Бу ерда улар қурбонлик учун қўй сўйиб, гўшtidан маросим учун шўрва пиширганлар. Тайёрланган таом маҳалла аҳли ва йўлдан ўтиб кетаётганларга яхши ниятда тарқатилган. Маросим якунида мулла томонидан дуо ўқиблиб, Худодан ёмғир, дарёлар ва ариқлар сувга тўлиб-тошиб оқиши сўралган.

Фарғона вилояти Сўх туманида Сўх дарёсининг бошланиш қисмида «Йигит Али пирим» деган зиёратгоҳ ҳам бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли қурбонликлар қилиб турган. Этнограф Р. Я. Рассудованинг ёзишича, ушбу зиёратгоҳ Ҳазрат Али номи билан боғлиқ бўлиб, ундан оқиб чиққан сувни олиб бориб, Алидек мард ва жасур бўлишини тилаган ҳолда ўғил болалар устига маросимий равишда сепишган³. Бундан ташқари, олима Фарғона водийсидаги бундай зиёратгоҳларнинг бир нечтаси айнан суғориш тизимлари билан боғлиқ эканлигини қайд этган ва улар суғорма деҳқончилик тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутишини таъкидлаган⁴. Бу сингари намгарчилик ва ёгингарчилик культларига сиғиниш дунёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлганлиги тарихий-этнографик манбаларда кўп бора қайд этилган⁵.

¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Норин тумани Учтепа қишлоғи. 2018 йил.

² Календарные обычаи... – С. 132.

³ Рассудова Р. Я. Культурные объекты Ферганы как источник по истории орошаемого земледелия // Советская этнография. – 1985. – №4. – С. 97.

⁴ Рассудова Р. Я. Культурные объекты Ферганы как источник по истории орошаемого земледелия... – С.96.

⁵ Басилов В. Н. Культ святых в исламе. – Москва, 1970. – С. 26–27.



Ҳашар. Наманган вилояти Чуст тумани. 2015 йил.

Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб ҳудудларида бўлганидек, Фарғона водийсида ҳам эрта баҳорда далаларга обирахмат суви келадиган асосий ариқ ва каналлар деярли ҳар бир хонадоннинг меҳнатга лаёқатли вакилларининг иштирокида ҳашар усулида лойқадан тозаланган¹. Маросим учун ҳам пул, буғдой ва озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиштириб, тўпланган пулга бирор «жонлиқ» (бузоқ, бўз бия, оқ тойчоқ, кўчқор ёки эчки) сотиб олинган ва у эзгу ният-мақсадда қурбонлик қилинган².

Хоразмда янги ариқ (ёп) қазилиб, у Амударёга уланган пайтда хоннинг буйруғига кўра ариқ доимо серсув бўлишини тилаган ҳолда 8 – 10 та сигир ва ҳўкизлар қурбонлик қилиниб, сувга ташланган, сўнгра деҳқонлар сувга тушиб бўғизланган ўша ҳайвонларнинг танасини олиб чиққан ва ундан турли маросимий таомлар тайёрланиб, шу ернинг

¹ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа... – С. 179–180.; Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – Б. 100–101.

² Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма... – С. 238–239; Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа.... – С.189–190.; Древние обряды верования и культуры народов Средней Азии... – С. 57.

ўзида истеъмол қилинган¹. Шунингдек, Тошсақо каналининг бош қисми қайта бунёд этилиб, унга сув қуйилаётган пайтда Хива хони Оллоқулихоннинг шахсан ўзи ҳам ҳўкиз сўйиб, эл-юрт бахт-саодати йўлида қурбонлик қилган².

Ушбу удум Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам кенг тарқалган. Тожик этнографи И. Муҳиддинов берган маълумотларга кўра, помирликларда баҳорда ҳамиша сув оқиб туриши учун ариқ қазишдан аввал қурбонлик қилинган, яъни қон чиқарилган. Ҳар йили асосий сув иншоотини таъмирлаш ва ариқ, анҳорларни шошмасдан, яхшилаб тозалаш жараёнида ҳамқишлоқлар биргаликда қўй ёки ҳўкиз қурбонлик қилганлар³. Хуллас, мисоллар дарёга ҳўкизни қурбонлик қилиш удумининг тарихий асослари сув култи билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Қолгандарё қишлоғида яшовчи қорақалпоқларда баҳорда Сирдарё ҳаддан ташқари тўлиб-тошиб, чор-атрофга қаттиқ хавф-хатар, ваҳима солаётган вақтларда кекса момолар дарёнинг қирғоғига яхши ниятда келиб, унга: «Мен қайтдим, сен ҳам қайтгин», – деб қутурган дарёнинг сувини қўлларидаги бирорта идиш билан шопирганлар.

Фарғона водийси Чотқол тизмаси ёнбағридаги Сумсарсойнинг иккала қирғоғида жойлашган Дам ва Какликқўрғонда яшаган ўзбекларда ҳам сойдан қишлоқ ариқларига сув очиш жараёнида юқоридаги каби қурбонлик маросими ўтказилган. Миришкор деҳқонлар ҳомийси бўлган Бувойи Деҳқонга бағишлаб қўчқор қурбонлик қилинган ва ундан бу йил давомида сувнинг мўл бўлиши, экинлар чанқаган вақтда сувдан қийналмасликлари, сойдан бошланувчи бу ариқларда бетиним сув оқишини тилаганлар. Айнан мана

¹ Leonid Pavlovic Potapovs. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken aus den Jahren... – P. 23.

² Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957. – С. 250.

³ Муҳиддинов И. Земледелие памирских таджиков припамирских таджиков Вахана и Ишкамиша в XIX – начале XX (Историко-этнографический очерк). – Москва, 1975. – С. 44.

шу сой қирғоғида жойлашган «Тошмозор бува» деб номланувчи муқаддас жойда ҳар йили баҳорда қурбонлик қилинган. Агарда қишлоқ аҳли томонидан бирор йили қурбонлик қилинмаса, сойдан қишлоққа чиққан ариқ суви тўлиб-тошиб кетиб, ўзанини бузиб ташлар экан. Ушбу ариқ бу сойдан 5–6 метр баландликда жойлашгани сабабли уни қайтадан тиклаш зироаткор одамларга жуда катта қийинчилик туғдирган.

Шу боис қишлоқ аҳолиси ўзаро йиғилган маблағга кўчқор олиб, уни ушбу мозорда қурбонлик учун сўйганлар. Ҳашарда иштирок этмаганларга кейинчалик бошқаларга сабоқ бўлиши мақсадида экинларни суғориш учун сув берилмаган ва шуни ҳисобга олиб қишлоқнинг барча аъзолари ҳашарда фаол равишда иштирок этишга уринганлар¹. Андижонда агар сурункали ёмғир ёмаса, қишлоқ ёки маҳалла қабристонига бориб мол сўйилган, Сўх воҳасидаги муқаддас зиёратгоҳларда эса сувнинг кўпроқ тўлиб-тошиб оқиши ниятида эчки қурбонлик қилинган². Конибодомликларнинг қурбонлик учун сўйилган мол қонининг тоғдаги муқаддас чашма сувига қўшилганлиги жорий йилнинг янада серсув бўлиши ва булоқ суви кўпайишини таъминлайди³ деган тасаввурлари қадимий аجدодларимиз қарашларини ёдга солади.

Сувга одам қурбонлик қилинадими? Водийда олдинлари сув тошқинлари дамани қайтариб туриш учун дарё ичига сепоялар ўрнатилиб, бу сепояларнинг олд тарафига дарахт шохлари, маккажўхори боғи, хас-хашак сингари нарсалар қўйилиб, устига тош бостирилган. Албатта, ушбу тўсиққа учраган сувнинг шиддати бирозгина қайтиб, офатнинг кучи камаяди. Сепоя олдига қўйиладиган ана шу шох-шабба, экин поялари халқ тилида «ўлик» деб аталади. Нимага бундай? Сабаби шундаки, одамзод табиатнинг асов кучлари қаршисида ожиз бўлган пайтда

¹ Саримсоқов А. Ўзбек халқининг тақвимий маросимлари... – Б. 140.

² Рассудова Р. Я. Культурные объекты Ферганы... – С. 98.

³ Турсунов Б. Р. Конибодом воҳаси муқаддас масканлари тарихидан (Хўжа Такровут мозори мисолида). – Хўжанд, 2007. – Б. 18.



Сепоя. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат кинофотофоно архиви.

қурбонликлар қилинади. Ушбу маросимларда ҳозиргидай мол-қўй эмас, қадимги замонларда қурбонликнинг асоси одам ҳисобланган. Ҳаммаёқни ямлаб, ўз йўлида ҳеч тўхтамай, пишқириб оқаётган сувга Тўхтасин, Тўхтавой, Қурбонали ва ҳоказо исмли одамлар тутиб олиниб босилган ҳам (гўё бундай исмлар маъносини англаган офат мана шундан сўнг шаштидан тушадигандай), кейинчалик гўё табиат офатини алдаш мақсадида сувга босилган шох-шаббалар ҳам «ўлик» деб атала бошлаган¹. Кўрамизки, бирорта жон қурбон қилиш «бун олсин-да, эвазига уни омон қўйсин» деган маънода бўлиб, жон савдоси сингари тушунилган. Энг улкан офат-талафотларда эса қурбонликнинг энг зўри, турган гапки, одам бўлган.

Қурбақа ва сув култи. Сув билан боғлиқ турли жониворлар хусусида сўз кетганда Марказий Осиё халқла-

¹ Исомиддинов З. Обихаёт томирлари // Она юртим – Қирғизистон, Ўш... – Бишкек: Улуу тоолор, 2019. – Б. 181–187.



Қурбақа кўринишидаги
хайкалча.
Қашқадарё вилояти.

ри, хусусан, ўзбекларда айнан сув рамзи сифатида балиқ билан бирга қурбақа ҳам кўп бора қайд қилинади. Ҳаттоки қурбақа сув рамзи сифатида халқ мақолларида ҳам келтирилган бўлиб, «бақа (қурбақа) сувсиз яшамас, инсон – дўстсиз» дейилади¹. Айнан ушбу мақолда ҳам қурбақанинг сув тимсоли сифатида баён қилинганлиги ва унинг ҳаёти сув билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Бу ўринда бевосита шундай саволлар пайдо бўлади: «Айнан нима учун қурбақа сув рамзи бўлган? Қурбақани сув рамзи сифатида қараш ислом динининг ақидалари билан боғлиқми? Ёки исломгача бўлган мифологик дунёқарашга дахлдорми? Ёхуд ўзаро этномаданий алоқалар натижасида четдан кириб келган иноэтник культнинг изларими?»

Мазкур саволларга жавоб қайтаришдан олдин Фарғона водийсидаги қурбақа билан боғлиқ айрим одатлар хусусида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Фарғона тумани деҳқонлари экин майдонлари четларига қурбақаларни тутиб келиб, оёғидан осиб қўйганлар, чунки улар қурбақа ёмғирни чақиради деб ишонганлар. Ҳозирги кунда ҳам водий аҳолиси орасида «қурбақани ўлдирган одамнинг тўйида ёмғир ёғади» деган тушунча сақланиб қолган. Бу ўринда биз қурбақанинг маълум маънода намгарчилик ҳомийси сифатида намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Марказий Осиёнинг қадимги тарихидан маълумот берувчи археологик қазилмалар жараёнида қурбақа шаклидаги сопол ҳайкалчалар, турли-туман тақинчоқлар ҳам топилган. Хусусан, Сурхондарё вилоятидаги Сополлитепа

¹ O'zbek xalq maqollari. – Toshkent: Sharq, 2005. – B. 47.

ёдгорлигидан зироаткорлар илтимосига кўра моҳир ҳунармандлар томонидан маҳорат билан тошдан йўниб ишланган қурбақанинг ҳайкалчаси ва Хоразм воҳасидаги жаҳонга машҳур Тупроққалъа юза қатламларидаги V асрга оид қадимий ибодатхонадан қурбақа шаклидаги мунчоқ донаси топилган¹.

Дарҳақиқат, минтақа деҳқончилик маданиятининг бронза давридан тортиб то ўрта асрларгача бўлган археологик ёдгорликларида қурбақа тасвири учраб туради. Ригведанинг қурбақага бағишланган мадҳиясига кўра, қурбақа самовот билан боғлиқ, ёмғирлар мавсумида пайдо бўлади².

Марказий Осиёда қурбақа намгарчилик тимсоли бўлганлигини машҳур археолог ва санъатшунос Л. И. Ремпель ҳам тасдиқлаб, «Ўрта Осиё халқлари санъатида қурбақа образидан намгарчилик ва ёмғир ифодаси, бахт ҳамда омад тимсоли, тумор сифатида фойдаланилган», – деб ёзган эди³.

Қадимги одамлар тасавурида сув ва ёмғир сингари табиатнинг бебаҳо неъматлари билан боғлиқ ҳолда муқаддаслаштирилган афсонавий қурбақа образи аста-секин ҳосилдорлик ва кут-барака рамзига айланиб кетган.

Фольклоршунос М. Жўраевнинг ёзишича, қурбақанинг ёмғир ва сув культи билан боғлиқлиги тўғрисидаги қарашлар ўзбек халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ эртакларида ҳам мавжуд⁴. Дарҳақиқат, қадимги замонларда қурбақа образи маълум бир маънода ёмғир, намгарчилик рамзи ҳисобланган бўлиб, дунё халқларининг кўпчилигида унинг

¹ Рахманов У. Хозяйственные помещения за пределами крепости Сапаллитепа // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 13. – Ташкент, 1977. – С. 24.; Неразик Е. Е. Раскопки городища Топрак-кала // Археологические открытия. 1974. – М.: Наука, 1975. – С. 509.

² Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари... – Б. 26.

³ Ремпель Л. И. Цепь времени вековые образы и бродячие сюжеты ... – С. 37.

⁴ Жўраев М. Ўзбек халқи самовий афсоналари. – Б. 226.

ёғингарчилик билан бевосита боғлиқ эканлиги тўғрисидаги турли фикр, хулоса ва талқинлар учрайди¹.

Фарғона вилояти Сўх туманида ёмғир чақиришга қаратилган махсус маросим «таришқунок» деб аталган. Унга кўра, узоқ вақт ёғингарчилик бўлмаса, қишлоқдаги эркак кишилар ярим яланғоч ҳолатда кўчага чиққанлар ва бир-бирларининг устидан сув қуйиб, бирор киши (кўпроқ қишлоқ масжидининг имоми ёки мулла)ни ариққа ташлаб юборишган. Шу кунлари қишлоқ эркаклари ўзлари хоҳлаган хонадонда меҳмон бўлиб, шу хонадонларда улар фақат мазкур маросимдагина пишириладиган таомлардан тано вул қилганлар.

Сув ва Хизр култи. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри Урганжибоғ маҳалласида экин-тикин ишлари бошланишидан аввал деҳқонлар ўзларининг оила аъзолари билан Риштондаги Хизрбувам мазорини зиёрат қилишга борадилар. Зиёратга келганлар ўзлари билан озгина дон (буғдой ёки арпа), хонадон супрасининг хамиртуруши билан арқон, қўрғошин, тўғноғич, исириқ, пул, сув оладилар ва ушбу нарсаларни маълум муддатга мазордаги мақбара олдига қўядилар. Улар «келаётган деҳқончилик йилида еримиз қўйилган хамиртурушдек йил давомида кўпчиб турсин, бу йил дон-дунимиз баракали бўлсин, супрамиз доимо унга тўлсин, чорвамиз кўпайсин ва оиламиз мисоли қўрғошиндай мустаҳкам бўлишида бизни Ҳазрати Хизр алайҳиссаломнинг ўзлари қўллаб-қувватласин» деган ниятда ушбу ашёларни зиёратгоҳга олиб келганлар. Ушбу жараёнда, аввало, Ҳазрати Хизрнинг эл-юртга барака улашувчилиги хусусияти ва унга бўлган қатъий ишончнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Шу боис ҳам В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс ва М.

¹ Евсюков В. В. Мифология китайского неолита. – Новосибирск, 1989. – С. 94–95; Халилов Х. М. Историческая общность и национальное своеобразие обрядовой поэзии народов Дагестана и Северного Кавказа // Дагестанский фольклор во взаимосвязи с иноэтническим фольклором. – Махачкала, 1985. – С. 19; Календарные обычаи и обряды народов восточной Азии. Годовой цикл. – Москва, 1988. – С. 276.

И. Афзалов Хизр образи ислом динига қадар яратилган, у ҳақиқий меҳнат аҳли ижодий изланишининг узоқ давр мобайнидаги маҳсули бўлган деган фикрни баён этганлар¹.

Хизр образининг генетик асослари, айниқса, деҳқончилик асослари ва қут-барака рамзи бўлган. Қолаверса, юқоридаги мисоллардан мулоқотли магия, яъни бу ашёлар орқали келгуси йилда етиштириладиган ҳосилнинг янада баракали бўлишига эришишнинг афсунгарлик усулларини кўришимиз мумкин.

Ҳазрати Хизр ҳақида ҳадисларда ҳам қайд қилинган бўлиб, «Саҳиҳи Бухорий»да шундай дейилади: «Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ (с.а.в.): «Хизр (а.с.)нинг «Хизр» деб аталишларининг боиси шуки, у киши ўт-ўлансиз оппоқ ер устида (пўстида) ўтирар, ортларида эса (ўша ерда) кўм-кўк ўт-ўланлар) тебраниб турар эди», – дедилар». Ушбу китобнинг ўша саҳифасида шундай изоҳ берилган: «Мужоҳид (р.а.)нинг айтишича, Хизр деб аталишларининг боиси, у киши намоз ўқисалар, атрофларидаги барча нарсалар кўкариб (ям-яшил бўлиб) кетар экан. Асл номлари эса «Балйо» экан»².

Ҳазрати Хизр ҳақида водийда ҳам кўплаб ривоятлар тарқалган, бир ривоятда унинг номи Искандар Зулқарнайн номи билан боғлаб талқин қилинган. Ушбу ривоятда келтирилишича, Искандар Мақдуний Афросиёбни куч билан истило этганидан кейин самарқандликлардан шаҳар атрофидаги тоғларда инсонга боқийлик бахшида этувчи булоқ борлиги ҳақида эшитган. Искандарнинг яқин дўстларидан бирининг исми Хизр бўлган экан. Жаҳонгир шу дўстидан ушбу чашмани топиш ва унга боқийлик сувидан олиб келишни сўраган. Хизр ўша мўъжизавий булоқни топган ва

¹ Хизр култи тўғрисида батафсилроқ қаранг: Нурмонов Ф. Ўзбек халқ эпосларида Хизр образининг эпик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. – №4. – Б. 61–65.; Ўша муаллиф: Хизр образи генезисига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – №2. – Б. 51–54.

² Ал Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: Ал жомий ас-саҳиҳ (Ишончли тўпلام). 1-китоб. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 608.

унинг сувидан дастлаб ўзи тўйиб-тўйиб ичган, кейин эса кўзачага сувни тўлдирволиб, йўлга тушган. Бироқ йўлда қоқилиб кетиб кўза қўққисдан синганлиги боис унинг суви оқиб кетган экан. Мана шу сабабли шоҳ Искандар абадийлик сувидан бебаҳра қолган, ўз навбатида, Хизр (а.с.) абадий яшаб қолган экан¹.

Дарҳақиқат, Шарқ халқларининг мифологиясида Хизр обиҳаёт – тириклик сувини топиб ичганлиги учун мангу, абадий яшаб, одамларни эзгулик манбаига етаклаши айтилади². У умрбоқийлик сувидан ичган пайғамбар бўлганлиги боис одамларга уч марта турли кўринишларда учрар экан. Лекин ҳар доим айнан сув билан боғлиқ ҳолатда кўриниш бериб, одамларга қут-барака улашиб юраркан. Чунончи, ана шундай ривоятлардан бирини тарихчи олим Нигора Қориева каминага ҳам айтиб берган эди. Айнан ушбу ривоятни Нигора дадаси Анваржон ака Қосимовдан, у киши, ўз навбатида, падари бузруквори мулла Мирзақозим Ҳамро ўғлидан эшитган экан.

Хуллас, ривоятга кўра, «Бир омадсиз, бебахт одам ҳар куни намоз ўқиб бўлгандан кейин дуо қилган пайтида Худоба юзланиб, ҳазрати Хизрни бир марта бўлса-да учратишни илтижо қилиб сўрар экан. Аллоҳ унинг ноласини эшитиб, унга ўтинчини бажо қилиб бериши учун Хизрни рўпара қилган экан. Одатий кунлардан бирида ўша киши намоздан сўнг масжиддан чиқиб уйига қайтаётган паллада катта кўчада йиртиқ, ифлос, жулдури чиқиб кетган уст-бош кийган маст-аласт одамни учратиб қолган. Беихтиёр ундан жирканган омадсиз киши шартта йўлнинг бошқа томонига ўтиб олган. Шунда бояги гадойсифат киши унинг ёнига келиб, ичишга сув сўраган, омадсиз кимса эса энсаси қотиб, уни қаттиқ ҳақорат қилиб, ёнидан ҳайдаб юборган.

Бошқа куни эса масжиддан чиққан омадсиз ўз йўлида фоҳиша аёлни учратиб қолган. Бу бечора аёл эри вафот

¹ Ушбу маълумот тарихчи Нигора Қориевадан 2020 йили ёзиб олинди.

² Воҳидов Э. Жунун водийсида // Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар. – Тошкент, 2010. – Б. 6.

этгани ва етим қолган фарзандлари борлиги сабабли мана шу палид, ярамас йўлга кириб қолганлиги, ҳозирда бу ишини ташлаб, Аллоҳга тавба қилганлигини айтиб, ундан бир қултумгина сув сўрайди. Омадсиз киши уни ҳам уришиб, ҳайдаб солган.

Яна бир гал бояги кишининг йўлидан оҳори тўкилиб кетган кийимли гадой, тиланчи одам чиқиб қолган. У омади келишини ўйлаб кетаётган омадсиз одамни тўхтатиб, бир пайтлар ўғирлик қилгани, бу ишини ҳозирда ташлагани, лекин турмуши ниҳоятда оғир эканлигини айтган. Улар кун кечираётган шаҳарда сув ниҳоятда танқис бўлиб, пулга сотилганлиги сабабли пул ва сувсизлигидан нолиган. Гадой ўша омадсиз одамдан чанқоғини қондириш учун сув сўраган, холос. Бояги одам учинчи марта: «Ўғирлик билан ҳаром луқма еган одамга берадиган сувим йўқ», – деб сув бермаган экан.

Шундан кейин ҳалиги зикна, хасис кимса кейинги куни туш курибди. Тушида оппоқ либосдаги бир мўйсафид чол унинг ёнига келиб: «Худога бўлган эътирозинг ўринсиз, мен сенинг олдинга уч бор бордим. Сен эса бу белгиларни сираям сезмадинг. Зеро, сен такаббурсан. Мени тушингда кўрган бўлсанг ҳам, омад сендан юз ўғирди. Мен сендан норозиман», – деган экан¹.

Демак, юқоридаги ривоятнинг моҳиятидан ҳам кўришимиз мумкинки, Фарғона водийсида Хизр культининг ажралмас бир бўлаги сув бўлган, ушбу муқаддас унсур орқали у одамларга кўриниш берган ҳамда миришкор, заҳматкаш инсонларга қут-барака улашиш хусусияти соҳиби ҳисобланган.

Умуман олганда, юқоридаги мисоллардан ҳам кўришиб турибдики, сувнинг маънавий вазифаси унинг чинакам тириклик манбаи, яъни обиҳаёт эканлигида яққол акс этган. Сув борлиқдаги жами тирик мавжудот, жумладан, инсон ҳаётининг манбаидир. Инсон сув кўмагида ўлимни енгиш-

¹ Мазкур маълумотни тақдим этгани учун тарихчи Нигора Қориевага миннатдорлик билдирамиз.

ни, абадий барҳаётликка эришишни, мангу яшашни ҳамisha орзу қилиб келган. Бу эзгу ғоялар тириклик суви ҳақидаги эртақларга ҳам сингиб кетган.

Сув парилари. Туркий халқлар фольклорида сув билан боғлиқ кенг тарқалган образлардан бири пари образи ҳисобланади. Парилар ҳақида кўплаб халқ эртақлари ва ривоятлари яратилган бўлиб, улар доим сув билан боғлиқ равишда талқин қилинганлиги сабабли ҳам «сув парилари» деб аталади. Лекин ўша сув парилари туркий халқлар оғзаки ижодида – фольклорида ўзининг ҳомийлик вазифасини тўла-тўқис сақлаб қололмаган¹. Халқона қарашларга биноан, сув ҳавзалари, хусусан, дарёлар, булоқ, ариқ ёки ҳовузлар бўйлари ушбу мифологик жонзотлар йиғиладиган ва кумуш либосларини ечиб, чўмиладиган жой ҳисобланади.

Фарғона водийсида аҳоли орасида сув парилари билан боғлиқ асотирий ва афсонавий қарашлар ҳозир ҳам мавжуд. Маҳаллий аҳоли билдирган фикр-мулоҳазаларга кўра, сув парилари сув тўлқинларида бўлиб, сувни жиллантирган. Кишининг диққатини ўзига тортиб, кўпинча сувга тушган бегуноҳ инсонларни ғарқ бўлишдан сақлаган. Улар фақат сувга чўккан кишиларгагина кўриниши мумкин экан. Сув парилари жудаям чиройли бўлиб, кўзни қамаштирадиган даражадаги гўзаллиги билан кишини ўзига ром қилиб олиш қудратига эга бўлар эканлар². Шунинг учун шомдан кейин сув ҳавзаларида, хусусан, Сирдарёда чўмилиш тақиқланган.

Демак, юқорида эътиборингизга ҳавола этилган мисоллардан водий аҳолиси орасида ҳам сув парилари билан боғлиқ қарашлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Лекин бу ўринда «Сув париси билан боғлиқ қарашлар ибтидосида нималар мужассам бўлган? Миф ва афсоналарда улар бевосита қанақа персонажлар? Замонавий инсонлар тур-

¹ Гўзалов Ф. Сувнинг ҳаётбахш сеҳри... – Б. 76.

² Халмуратов Б. Р. Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши ва миллий қадриятлари тизимида сув... – Б. 131.

муш тарзида қанчалик аҳамият касб этади?» деган бир қатор саволлар ҳам пайдо бўлади.

Қайд этиш зарурки, сув париси тимсоли дуализм билан боғлиқ қадимий образлардан бири ҳисобланади. Ушбу культ билан боғлиқ ишончлар туркий халқлар мифологиясининг сув парисига ўхшаш айрим персонажлари, хусусан, сувда яшовчи афсонавий жонзотлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларга ҳам алоқадор ҳамда генетик жиҳатдан муштарак асосга эгадир. Хусусан, Қозон татарлари ва Сибирнинг ғарбий қисмида истиқомат қилувчи мўғул-татарлар мифологиясида сув парилари «сув анаси» (сув онаси) ёхуд «су иясе» (сув эгаси) сингари номлар билан юритилган. «Сув анаси» инсон кўринишидаги афсонавий мавжудот бўлиб, сув ҳавзаларида яшайди. Унинг эри «Су бабаси», яъни сув буваси, болалари «Су иясе», яъни сув эгаси деб аталади. Татарлар «Сув анаси» ёвуз рух, қурғоқчилик ва касалликларга сабаб бўлиши, одамларни сувга чўктириб юбориши мумкин деб ўйлаганлар. Шунинг учун уларда янги хонадонга тушган келин биринчи марта сувга борганда «Сув анаси»га атаб сувга танга ташлаган¹. Тоболь вилояти татарлари эса сувда кун кечирадиган бундай жонзотларни «соу пярә», яъни сув парилари деб атайдилар². Қумиқлар ҳам худди Ғарбий Сибирь татарлари сингари сув париларини «сув анаси» деб атайдилар. Улар ҳам сув париларининг доимий яшаш манзили деб айнан сувости оламини кўрсатадилар³.

XX асрнинг 80-йилларидан Сирдарё сувининг кескин камайиб кетиши туфайли дарёлар ва сув билан боғлиқ кўплаб мифологик қарашлар маҳаллий аҳоли орасида нутила бошлаган. Ҳозирда дарё ва сув илоҳларига ба-

¹ Коблов Я. Д. Мифология казанских татар // ИОАИЭ. При императорском Казанском университете. – Казань. – 1910. Т. 26. – Вып. 5. – С. 113–114.

² Татары Среднего Поволье и Приуралья. – Москва: Наука, 1957. – С. 360.

³ Гаджиев С. Ш. Кумыки. Историко-этнографический очерк. – Москва: Наука, 1961. – С. 324.

ғишлаб қурбонлик маросимлари деярли ўтказилмайди. Шу боис ҳам айнан сув илоҳлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ қарашлар кекса ёшли одамларнинг хотираларидагина сақланиб қолган.

Сўзанада сув рамзи. Халқ амалий санъатининг ажралмас бўлаги бўлмиш миллий сўзаналарда ҳам сувга оид тасаввурлар акс этганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбек сўзаналарини илмий жиҳатдан чуқур ўрганган олима Г. Г. Чепелевецкая таъкидлаганидек, «халқ сўзаналаридаги турли тасвирлар мотивлари бахт, тўкинчилик ва серпуштлик рамзи бўлган»¹.

Сўзаналардаги энг архаик қисмлар бўлган геометрик мотивлар: доира, айланма, бир-бирига уланиб кетган чирмовуқсимон нақшлар, учбурчаклар, ромблар, тўғри ва тўлқинсимон чизиклар, тишли элементлар фазовий белгирамзларни англатган. Шу элементлар асосида қадимдан коинотнинг тузилиши, турли табиат ҳодисалари ҳамда магик ҳимоя ҳақидаги тасаввурлар мужассамлаштирилган. Мисол учун, жандлардаги тўлқинсимон ва ингичка чизиклар обиҳаёт – сувни англатган. Айнан тўлқинсимон чизиклар орқали инсонларнинг макон ва замон хусусидаги тасаввурлари, хусусан, сув билан боғлиқ қарашлари акс этганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, Тошкент палаларида анъанавий «S» тарзида тасвирланган шакл ҳам бўлиб, бу белги, одатда, сувни англатган. Ушбу шакл кўп-лаб халқлар орасида ҳам кенг ёйилган, ҳатто Европагача етиб борган. Шунингдек, водийда қизлар турмушга чиқиши, оила қуришидан олдин бўлажак турмуш ўртоғи учун белбоғ (белқарс, чорси, қийқча, миёнбанд), дастрўмол ва дўппилар тикишган. Белбоғларни безатиш анъанаси – гулли рамзлар унинг эгасини турли инс-жинс, бало-қазолардан асровчи магик (сеҳрли) кучга эга деган қарашлар билан бевосита боғлиқ бўлган эди. Айнан белбоғлар тикишда кўпроқ геометрик шакллардан тўғри чизик сув – оби-

¹ Чепелевецкая Г. Сузани Узбекистана. – Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1961. – С. 160.

раҳмат тимсоли тасвирларида ишлатилган. Демак, мазкур қарашлардан дарё бўйида яшовчи маҳаллий аҳоли орасида сувнинг афсунгарлик хусусиятига бўлган инонч ва у билан боғлиқ айрим тасаввурлар водий аҳолиси орасида ҳам кенг тарқалганлигини кузатиш мумкин. Афсуски, сўнгги йилларда ушбу қарашларнинг аксарияти унутилиб, кекса ёшли нуронийлар хотираларидагина сақланиб қолмоқда.

Сув сайли. Сувга бағишланган қадимий урф-одатлардан бири Марказий Осиёда байрам даражасига кўтарилган эди. У ёзнинг махсус кунлари жазирамадан лоҳас бўлган одамларнинг дарё ва сув ҳавзаларига бориб чўмилишлари вақтида вужудга келган. Мазкур сайилнинг тарихий илдизлари қадимда Наврўзнинг ҳозиргидек баҳорда эмас, ёз фаслида байрам қилинган даврларига бориб тақалади, бу ҳақда Абу Райҳон Беруний шундай ёзган эди: «Одамлар шу куни тонг ёришган пайтда... оқиб турган сувларга рўпара туриб, баракотли бўлиш ва офатларни даф этиш учун устларидан сув қуюдилар... хоразмликларда Исфандормажи ойининг 10-куни «вахшангом» деб аталувчи ҳайит бўлиб, у Вахш ва Жайҳун сувига бағишланган»¹.

Бу каби қарашлар юртимиз ҳаётида ҳам ўз аксини топиб келган ҳамда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сув сайиллари бўлиб турган. Жумладан, Қашқадарё вилояти Китоб тумани Оқдарё қишлоғида уч чоршанба давомида сув сайли ўтказилган. Ушбу сайил «Оқ сув» (тожикча «Оби сафед»), «Лойқа сув» («Оби лойқа»), «Тескари сув» («Оби чаппа») каби номлар билан ҳам аталган. Сув сайли ўтказиладиган кундан тахминан бир ой олдин қишлоқ оқсоқоллари, фаоллари томонидан белгиланиб, унга жиддий тайёргарлик кўрила бошлаган. «Оқ сув» тадбири бўладиган куни «Оқ дарё»га 5 – 10 минг киши йиғилган... Дарёга бўйига келганлар олдиндан тоза бўлиб, покланиб, таҳорат қилиб, тоза либосларини кийиб, байрамона кайфиятда, саломат бўлиб кетишга ихлос қилиб келган. Қизиғи шундаки, чў-

¹ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Б. 257, 282.

милиш манзилига одамлар сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси тунда етиб келиб, қуёш чиқиши арафасида (тонгги соат 3 – 5 ларда) сувга тушар эканлар. Ўша куни «Оқ дарё»га бора олмайдиган қари-қартанглар ва касаллар учун сешанба куни ўша дарёдан сув олиб бориб, эртаси тонгда уларни чўмилтиришар экан.

Биринчидан, эркаклар ва аёллар уят, ҳаё, номус туфайли бошқа-бошқа жойларда чўмилади. Эркаклар очикроқ жойда, аёллар эса четроқ, пана жойда сувга тушадилар. Иккинчидан, сувга уч марта тушиб, чўмилиш керак бўлган. Учинчидан, одамлар қуёш чиққунига қадар чўмилиб бўлиши даркор экан. Лекин кўпинча одамлар қуёшни айнан сувда кутиб олар, у чиққан вақтда яхши ниятлар қилишар экан¹. Қадим аждодларимиз қуёшни бобо, ойни момо, ерни она сифатида беҳад улуғлаганлар, мадҳиялар ўқиганлар, улардан нажот сўраб, эзгу ниятда турли маросимларни амалга оширганлар.

XX асрнинг 90-йилларига келиб юртимизда республика жамоатчилиқ марказлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда мазкур қадимий байрамни қайтадан тиклаш учун маълум бир хатти-ҳаракатлар ҳам амалга оширилган эди.

«Сув сайли» Фарғона водийсида махсус нишонланмайди. Бироқ «тош қиздирар» даври, яъни ёзнинг жазирама чилласида одамларнинг иссиқдан ва лоҳасликдан қочиб, дарёлар ва тоғли ҳудудлардаги сойларнинг бўйига дам олгани боришлари ҳамда чўмилишлари сув сайлининг ҳозирга қадар сақланиб қолган кўринишларидан бири бўлиши ҳам мумкин².

Юқоридаги фикрларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, сув моддий дунёнинг ғоят даражада муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиши билан бирга инсонлар турмуш тарзининг муҳим ажралмас қисми бўлган. Турли тарихий макон ва замонларда яшаган одамлар сувнинг аҳамиятини ўзига хос равишда англаб етган. Хусусан, бу ўринда қадимги файласуфлар сувни бу дунёнинг асоси деб ҳисоб-

¹ Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 95.

² Саримсоқов А. Ўзбек халқининг тақвимий маросимлари. – Б. 75.

лаганликлари ҳам бежиз эмас. Айнан сувнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ва унинг табиатдаги ўрни макон ва замон, инсон ва табиат тўғрисидаги мифологик қарашлар, сувни муқаддас деб ҳисоблаш билан боғлиқ қарашларга асос бўлган бўлиши ҳам мумкин.

«Қозон тўлди» удуми. Улуғ Наврўз байрами эски йилдаги ҳут ойининг охирги кечаси оила даврасида ўтказиладиган «қозон тўлди» удумидан бошланган¹.

«Қозон тўлди» оқшомида қозонларни тўлдириб, бирор лаззатли таом тайёрланса ва барча идишлар сувга тўлдириб қўйилса, келаётган йилда ҳосил мўл бўлади ҳамда сув тўлдирилган идишларга Тангрининг марҳамати билан қут-барака тўлади деган тасаввур бўлган. Келиб чиқиши «Авесто»да қайд қилинган «Ҳамаспаэта»² байрами билан бевосита боғлиқ ушбу удумга кўра, ҳар бир хонадон ўзининг иқтисодий имконияти доирасида тансиқ таомларни меҳр-муҳаббат билан тайёрлаб, ёруғ оламдан ўтиб кетган аждодлари руҳига атаб «ис» чиқариши керак. Оқшом дастурхонига тайёрланган ўрик туршаги, шарбати, бўғирсоқ, кўкатли сомса каби таом ва пишириқлар қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғларга эзгу ниятда улашилган³.

Деҳқонлар Наврўз арафасида етти тахтача устига буғдой, арпа, шоли, жўхори, тариқ, жавдар, мош каби донли экинларнинг уруғларини ёйиб, ҳар куни унинг устига авайлаб сув сепиб турганлар. «Қозон тўлди» куни ана шу майсаларнинг тез ёки суст унишига қараб келаётган мавсумда қайси экиндан мўл-кўл ҳосил олиш мумкинлиги чамаланган⁴.

¹ «Қозон тўлди» удумининг турли минтақаларда ўтказилиши ҳақида қаранг: Жўраев М. «Қозон тўлди» – қадимий удум // Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент, 2006. – Б. 81–86.

² Қадимда ушбу удум эзгу руҳларнинг янги йил арафасида ўзлари яшган хонадонга ташриф буюриши билан алоқадор маросим сифатида ўтказиб келинган. Бу ҳақда қаранг: Бойс М. Зороастрийцы... – С. 45.

³ Жўраев М. Кўздай ёруғ байрам // Соғлом авлод учун. – 2004. – №3. – Б. 36–40.

⁴ Саримсоқов А. Ўзбек халқининг тақвимий маросимлари. – Б. 62.

Сув билан боғлиқ мифологик қарашлар, халқ инончлари маълум бир маънода ҳаётӣй ва руҳӣй таъсир кучига эга бўлганлиги, халқнинг бирон-бир эҳтиёжига жавоб берганлиги учун ҳам бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Шу сабабли сув билан боғлиқ мифлар, реликт, рудимент деганда этноснинг анъанавӣй дунёқараши, халқ маросимлари ва урф-одатларининг таркибий қисмларини тушунишимиз керак. Энг муҳими, бу қарашларда кўп асрлар давомида макон ва замон, табиат ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар инъикоси акс этган.

II.2. ЗАРДУШТИЙЛИКДА СУВ ИЛОҲЛАРИ

*Табиатдаги чек-чегарасиз
турли-туманлик сув туфайлидир.*

А. И. Вернадский,
академик

Милоддан аввалги V – IV асрлардаги қадимги юнон олимларининг асарларида илк бор Зардушт номи учрайди. Юнонлар уни Зороастра, у асос солган динни эса «зороастризм» номи билан юритганлар¹. Зардуштийлик дини бундан

¹Koster W. Le mythe de Platon, de Zarathustra et des chaldéens. – Leiden, 1951; Carnoy A. J. Lumières iraniennes et anatoliennes sur l'hieronymie grecque // Proceedings of the Twenty Third International Congress of Orientalists. – London, 1954. – P. 171–172.; Duchesne-Guillemin J. The Western Response to Zoroaster. – Oxford, 1958.; Afnan R. Zoroaster's Influence on Greek Thought. – New York, 1965.; Conti R. Cosmogonie orientale e filosofia presocratica. – Roma, 1967. – P. 292–293, 408.; Biesterfeld W. Der Platonische Mythos des Er (Politeia 614b – 621d). – Münster, 1970.; West M.L. Early Greek Philosophy and the Orient. – Oxford, 1971.; Schmeja H. Iranisches und Griechisches in den Mithramysterien. – Innsbruck, 1975; Пьянков И. В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. – Душанбе, 1975.

икки минг етти юз йил муқаддам Ўрта Шарқ ва Марказий Осиё ҳудудларига аста-секин ёйила бошлаган эди.

Зардуштийлик таълимотига биноан, бу дунёнинг иб-тидоси бўлганидек, интиҳоси ҳам муқаррар, яъни борлиқ вақт, замон ўлчамида чексиз эмас. Ҳаёт эса яхшилик ва ёмонлик, рост ва ёлғон, ёруғлик ва зулмат ўртасидаги азалий ва абадий, доимий ва мутлақо келиштириб бўлмайдиган курашлардан иборат. Ёруғлик, яхшилик ва эзгулик кучларини Ахура-Мазда ва муқаддас руҳ «Спента-Майн», қора зулмат ҳамда ёвузлик кучларини эса бузғунчи руҳ Анграманю (кейинчалик Аҳриман деб аталган – А. А.) бошқаради. Аҳриман қўшинлари таркибига девлар, олдинги худолар, ҳасад, ялқовлик, ёлғончилик каби жонлантирилган ёмон тушунчалар, ёвуз кучлар ва жодугарлар кирган бўлиб, улар муқаддас олов, ер, сув ва чорвага зиён етказишга уринган.

Зардуштийлар тасаввурига кўра, моддий олам тўрт муқаддас унсур – ўт, тупроқ, сув ва ҳаводан ташкил топган. Шу боис Ахурамазда яратган неъмат сифатида уларни пок сақлашган ва улардан оқилона фойдаланиб келишган. Бу муқаддас унсурларни ҳаром қилиш ёки булғаш гуноҳи кабира ҳисобланган. Марҳумнинг жасади ҳаром саналгани учун уни ерга кўмиш, куйдириш ёки сувга чўктириш гуноҳ ҳисобланган¹.

Аҳриман ўлимни, қиш, совуқ, жазирама иссиқ, зарарли ҳайвонлар ва ҳашаротларни яратган. Ахура-Мазда эса яхшилик, соғлиқ, бахт келтирувчи илоҳ ҳисобланган. Зардушт: «Биз Ахура-Маздани улуғлаймиз, у чорвани, сувни, ўсимликларни ва ёруғликни яратган», – деб айтади. Ахура-Мазда ҳаётни ва энг дастлабки одамни яратувчи илоҳ деб фараз қилинади.

Сув илоҳлари. Зардуштийлик космогонияси бўйича ер гардиш шаклида, у сувнинг устида туради, намлик, сув ҳамма нарсаинг асоси, ерни океан қуршаб олган. Зар-

¹ Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари... – Б. 20.

душтийликда ерни қуршаган олти модда (олти маъбуда) нинг биринчиси сув – Алам-Напат ҳисобланади¹. Унда ҳаёт-тий қудрат сувдаги ҳаёт кучини ўсимлик шарбатлари билан бойитиб бориш керак дейилган.

Зардуштийларда сув муқаддас унсур саналиб, аввало, унинг тозалиги борасида қаттиқ қайғурилган. Бунинг учун сув манбалари – дарёлар, кўллар ёхуд қудуқлар ҳар қандай нопокликлардан қатъий ҳимоя қилинган. Агарда маросимий нопок бўлган қандайдир нарсани ювиш лозим бўлса, сув махсус жойга тўпланган, шунда ҳам нопок нарсалар тўғридан-тўғри сув билан тозаланмаган. Бунда нопок нарсаси аввал сигир пешоби билан ювилиб, қуёш ё қумда қури-тилган, сўнгра якуний поклаш мақсадида сув билан ювилган. Шунингдек, ёмғир ёққан пайтларда ташқарига чиқиш тақиқланган, чунки бу билан сувни ва заминни «макрух» қилиб қўйиш мумкин деб ўйланган. Зардуштийлик динида сув инсонлар учун энг зарур унсур сифатида беҳад қадрланган ва «Авеста»да² бу ҳақда қуйидагича қайд қилинган: «Покиза сув ва ёниб турган олов олдида гувоҳлик қилган зотнинг дўзахдан топувчи жазоси бу дунёнинг жамики дарду озорларидан мудҳишдир»³.

Зардуштий худолар тизимидан икки асосий аёл илоҳа – замин ва ҳаёт илоҳаси Спента-Армаити ёки Спандармат

¹ Алам-Напатнинг бошқа динлардаги тавсифи ҳақида батафсилроқ қаранг: Мифологический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1990. – С.672.; Мифы народов мира. Электронное издание. – Москва, 2008. – С. 75.

² Монографияда мазкур манбанинг номи ўзбек тилида мавжуд адабиётларда қабул қилинган «Авесто» шаклида эмас, аксинча, дунё авесташунослари томонидан эътироф этилган «Авеста» тарзида беришни лозим топдик. Чунки мазкур атама ўзаги «ста» бўлиб, «ўрнатилган, тайин этилган, муқаррар этилган» демақдир, яъни кўчма маънода ҳаётга асос бўлмиш қонунлар мажмуи деб тушунилган. Қаранг: Исҳоқов М. М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби // «Авесто» китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи» мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2000. – Б. 7.

³ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 122.

ҳамда сув, намлик ва муҳаббат илоҳаси Анаҳита-Харахвати-Ардвисура маълумдир¹.

Дарҳақиқат, «Авеста»да сув ва намлик маъбудаси – Ардвисурага оид кўплаб матнлар мавжуд. Сувга бўлган муносабат бешинчи яштнинг иккинчи номи – «Абан-яшт»да ҳам ўз аксини топган ва бу муқаддас «Сувга мадҳия» деган маъно-мазмунни англатади².

Анаҳита. «Авеста»да Анаҳита ер, сув ва ҳосилдорлик худоси деб талқин қилинади. Зардуштийликда Анаҳита доимо гўзал, бақувват, хушқомат, камарини баланд боғлаган, олтин зийнатли кўп бурмали мурсак кийиб олган қиз сифатида таърифланган: «Авеста»нинг «Яшт»ларида кўрсатилгани ва даъват этилганидек:

*Аё Зардушт, намоз ўқи,
Ардвининг тўлиб оққан
Шифобахш сувлариға,
Ризқ ўстирганга шараф,
Пода ундиргичга шараф³.*

«Шифобахш сувларга шараф» иборасида Анаҳита сув ҳомийси сифатида мужассамлашган ва шу орқали сувнинг манбаи бўлган дарёлар ҳам илоҳийлаштирилган. Шарқда сув ҳаётни англатган, қадимги Зарафшоннинг Амударё бўйидаги Окс ибодатхонаси ҳам бунга мисол бўлиб, Кушон даври тангасида дарё суви илоҳаси акс этган. Агар тангага синчиклаб разм солинса, унинг чап томонида сув илоҳаси тасвири ёнида «Ордохшо» (Окшо) – Амударё ёзуви бўлиб,

¹ Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари... – Б. 23.

² Рак И. В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. – Санкт-Петербург, 1998.; Рахимов Н. Культ воды у древнеиранских племен Средней Азии // Ученые записки Ходжентского государственного университета. – Ходжент, 2009. – С. 66.

³ Авесто: Яшт китоби / М. Исоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 32.

«Авеста»да Ардвисура-Анаҳита деб номланади. Лекин бу географик атамадан кўра кўпроқ диний истилоҳ бўлиб, фақатгина дарёга эмас, балки маҳаллий олий илоҳа – сув маъбудасига нисбатан ҳам ишлатилган¹.

Илмий тадқиқотчилар томонидан кўп ҳолларда Анаҳита Ардвиг билан боғлаган ҳолда ўрганилган ҳамда талқин қилинган. «Авеста»да тилга олинган илоҳий дарё ёмғир ва серфарзандлик, серпуштлик билан боғланган. «Ардвиг» сўзи этимологияси ҳам «хўл» ва «нам» деган маъноларни билдиради².

Бу ўринда «Анаҳита осмон сувлари билан боғлиқ илоҳми ёки ердаги оқин сувларга дахлдор маъбудами?» деган ҳақли савол пайдо бўлади. Ушбу муаммо юзасидан кўплаб тадқиқотчилар томонидан турлича фикрлар билдирилган бўлиб, бир гуруҳ тадқиқотчилар уни осмон сувлари худоси Ардвисура Анаҳита деб кўрсатса³, С.П.Толстов, Я. Ғуломов, Б.Я. Ставиский, Г.П. Снесарев ҳамда Б. Саримсоқовнинг тадқиқотларида Ардвисура Анаҳита осмон сувлари билан эмас, аксинча, заминдаги оқин сувлар, аниқроғи, Амударё култи билан боғлиқ деб талқин қилинган⁴. Иккинчи фикрнинг тарафдорлари ўз илмий нуқтаи назарларини Марказий Осиё аҳолисининг қадимий эътиқодий қарашлари, урф-одатлари, маросимлари

¹ Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Тошкент, 2008. – Б. 315.

² Рахимов Н. Культ воды у древнеиранских племен Средней Азии... – С. 67.

³ Қаранг: Богомолова К. Следы древнего культа воды у таджиков // ИООН. Вып. II. – Сталинабад, 1952. – С. 120.; Беленицкий А. М. О домусульманских культах Средней Азии. Краткие сообщ. инст-та истории и материальной культуры. Вып. 28. – Москва, 1949. – С. 84–85; Басилов В. Н. Пережитки доисламских верований в мусульманском культе святых. АҚД. – Москва, 1967.

⁴ Толстов С. П. Древний Хорезм. – Москва, 1948.; Ўша муаллиф: По следам древнехорезмской цивилизация. – М.-Л., 1948.; Ғуломов Я. Р. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1959.; Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – С. 134; Ўша муаллиф: По следам Анахиты // Советская этнография. – 1971. – №4. – С. 153–165.

ҳамда зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлган «Авеста»да келтирилган фактлар ва далиллар асосида исботлашга ҳаракат қилганлар¹.

Қадимги аҳоли орасида сувга ҳосилдорлик рамзи сифатида ижобий муносабат шаклланган бўлиб, ушбу эътиқод илоҳаси «Авеста» анъаналарига кўра, Анаҳита-Ардвисура ҳисобланган. Айнан Анаҳита ҳосилдорлик ва серпуштлик билан бирга сув илоҳи ҳам бўлган. Мазкур ҳолат Анаҳитанинг 30 та қундуз терисидан махсус тикилган либос кийиб юриши, қундузлар эса серпуштликнинг тимсоли бўлиши билан боғлиқ деб талқин қилинган. Ушбу илоҳага «Яшт»ларнинг катта бир боби бағишланган бўлиб, унга кўра, юқорида ҳам қайд этилганидек, Анаҳита муқаддас сувлар илоҳаси ҳисобланган. У юлдузларнинг орасида яшайди ва тўрт отга қўшилган аравада юриб, барча девларга қарши мардонавор курашади деб тасаввур қилинган.

Анаҳита образи қадим даврларда ясалган тош ва сопол ҳайкалчаларда ҳам ўз ифодасини топган. Зардуштийлар сув ва ҳосилдорлик маъбудасининг бундай ҳайкалчаларини ўз уйлари ва ибодатхоналарда юксак эҳтиром ҳамда бекиёс меҳр-муҳаббат билан гўё кўз қорачиғидек асраб-авайлаб сақлаганлар. Маросимлар чоғида бўлса унга сиғинилган ҳамда Анаҳита шарафига ибодат қилиб, унинг қўллаб-қувватлаши учун қурбонлик маросимлари ўтказилган.

Марказий Осиё ҳудудининг баъзи бир минтақаларида қадимги ёдгорликларда амалга оширилган археологик қазишмалар жараёнида айнан ушбу илоҳанинг кўплаб анвоий тақинчоқлар билан безатилган ҳайкалчалари топилган. Жумладан, қадимги Хоразм ҳудудидаги Қўйқирилганқалъадан сув ва ҳосилдорлик илоҳаси бўлган гўзал, хушқомат Ардвисура Анаҳита ва аёл тасвирида бошқа кўплаб ҳайкалчалар топилган². Шунингдек, Сирдарёнинг ўрта оқими-

¹ Гафуров Б. Г. История таджикского народа. – Москва, 1955. – С. 39.; Са-римсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 78–79.

² Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – Москва, 1962. – С. 210.

да ўрта асрларда муқаддас аёл илоҳаси билан бевосита боғлиқ ибодатхоналар мажмуаси ҳам бўлиб, Чочдаги Банукент ҳамда Арис дарёси маъбудасига бунёд этилган Арсубанукет шаҳарчаси бунга мисолдир.

Таниқли археолог Р. Сулаймоновнинг фикрича, дастлаб Ардвисура Анахита Сирдарё бўйларида яшаган сакларнинг дарё илоҳаси ҳисобланган, Сирдарё эса ўрта асрларда «Қанғ дарёси» деб аталган. «Шоҳнома»да қайд этилишича, Қанғдиз ёки Гангдиз Гулзориюнинг ёхуд Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. «Авеста»га кўра, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Кангха деган муқаддас тоғ ва шу номдаги мамлакат бўлиб, унда Дану (бу Сирдарёнинг юнонча атамаси бўлмиш Танаисга мос келади) турлари яшашган¹.

Қадимги аҳоли тасавурида «биринчи бўлиб сув, кейин бошқа барча бошқа унсурлар пайдо бўлган». Сув худди муқаддас олов сингари нопокликдан тозаловчи унсур ҳисобланган. Сув култи мавжуд бўлганининг исботи тарзида зардуштийликда муқаддас унсур сифатида бениҳоя қадрланадиган, эъзозланадиган олов ва сувга бағишлаб милоддан аввалги II мингйилликда қурилган саклар ибодатхонаси бўлганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ибодатхона ҳовлисидаги усти ёпиқ чодир остида муқаддас кудуқ бўлган². Шунингдек, зардуштийларнинг мотам маросимларида марҳумларнинг суяги сақланадиган махсус идиш – остадонларнинг ҳам сиртига сувни билдирувчи тўлқинсимон чизиқ чизилган.

Марказий Осиёда яшаган қадимги қавмлар учун ердаги барча сувнинг манбаси худоларнинг маскани ҳисобланган муқаддас Ҳукариё тоғи этагидаги Воркуша кўли бўлиб, айнан мазкур кўл билан Сирдарё дарёси боғлиқ эди. Бу дарё суви унинг қирғоқларида умргузаронлик қилган сак қабилалари учун муқаддас ҳисобланарди. Сирдарёнинг

¹ Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари... – Б. 28–29.

² Рахимов Н. Культ воды у древнеиранских племен Средней Азии... – С. 66.

қуйи оқимида тадқиқотчилар томонидан сак маданиятига тегишли бўлган қадимий шаҳарларнинг харобалари (Уй-гарак, Тагискент ва Еттисув) илмий жиҳатдан ўрганилган. Айнан мазкур шаҳарлар архитектураси ва топилмаларини ўрганиш асносида мутахассислар саклар томонидан қурилган ушбу иншоотлар диний мазмунга эга бўлиб, Сирдарёга топиниш, сиғиниш билан боғлиқдир деган хулосага келганлар¹. Лекин айрим ҳолларда бундай талқин бирмунча баҳс-мунозарали ҳам ҳисобланади.

Хуллас, «Анаҳита ер, сув ва ҳосилдорлик маъбудаси сифатида кейинги тарихий даврларда бошқа динларнинг қарашларида ҳам давом этаверганми?», «Динларнинг алмашилиши натижасида ушбу культ ҳам бошқа рамзга ўзининг ўрнини бўшатиб бердими?» – бундай мураккаб саволларга жавоб бериш учун бир қатор этнографик адабиётларга диққат-эътиборимизни қаратамиз.

Сувга ҳаёт манбаи ва покизалик рамзи сифатида муносабатда бўлиш анъанаси ҳақида Хоразм воҳаси этнографиясини ўрганган машҳур олим Г. П. Снесарев Ардвисура – Анаҳита Хоразм минтақасида трансформацияга (бир ҳол ё шаклдан бошқа ҳол ёки шаклга ўтиш, ўзгариш) учраб, ҳозирги замонда Анбар она номи билан сақланиб қолган деб ёзган эди².

Ўзбек фольклоршунослари фикрига кўра, «Анбар она» «Эр Ҳубби» афсонасининг давоми сифатида шаклланиб, бу афсона Хоразмда ниҳоятда кенг тарқалганди. Унинг турли хил вариантларидаги воқеа оилавий коллизия (қарама-қарши қарашлар, интилишлар ёхуд манфаатлар тўқнашуви) асосига қурилган бўлиб, мусибат, айрилиқ, жудоликдан ҳикоя қилади. Аммо якунида пессимизм эмас, оптимизм (некбинлик) ҳукмрон. Образлар ва вазиятлар тизими ҳаёлий уйдирмалар фониди ҳикоя қилинади. Асосан, сув култи ҳамда унинг шахсига топиниш, ибтидоий жамоа

¹ Рахимов Н. Культ воды у древнеиранских племен Средней Азии... – С. 66–67.

² Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований... – С. 240–251.

ғояси, ерни ишлаш, деҳқончилик билан шуғулланиш каби ҳаётий ва реал ҳодисалар акс этган¹.

Фарғона вилояти Сўх туманидаги Чашма булоғи пири бўлган Момои Ҳурбиби ҳам «Авеста»да қут-барака ва фаровонлик маъбудаси ҳисобланган Ардвисура – Анаҳитанинг трансформацияга учраган, маҳаллийлашган номи бўлиши керак². Ривоятларга кўра, қадимда Сўхда сув ниҳоятда танқис, тақчил бўлган экан. Ҳозирги Чашманинг ўрни қуруқ, қақраган бир жой бўлиб, бу ерда «ҳафт ёрон», яъни «етти оға-ини» ҳамда уларнинг ёлғиз сингиллари – Ҳурбиби яшар экан. Ҳурбиби гўзал, бокира қиз бўлиб, юзининг чиройлилиги ўн тўрт кунлик ойга ўхшар, узун ва доимо таралган сочлари ерга тегар, баланд бўйли, сарвқомат экан. У турмушга чиқмасдан, ўз умрини парвардигорга ибодатга бахшида этган эмиш. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг иродаси билан бу ерда Чашма булоғи вужудга келибди. Ҳар кимки эзгу орзу-ниятлар қилиб, тоза бўлган ҳолда Чашма бошига бориб, булоқнинг пири – Ҳурбибини ёд этиб, унинг руҳига назир қилиб, арвоҳини шод айласа, истаклари ҳам албатта ижобат бўлади деб ҳисобланади³.

«Авеста»да Ардвисура – Анаҳита Аҳурамазда томонидан яратилган етти ҳомий маъбудалардан бири саналса, сўхлик тожикларнинг ривоятларига кўра, Момои Ҳурбиби етти оға-ини (ҳафт ёрон)нинг яккаю ёлғиз, акаларига хайрихоҳ синглиси ҳисобланади. Унга берилган қуйидаги сифатлар, фазилат: сарвдек қадду қомати, ойдек порлаб турган чехраси, доимо таралган узун сочлари, турмушга чиқмасдан бир умрга бокира қиз қолишлиги айнан Ардвисура – Анаҳита образида ифодаланган сифатларни такрорламақда⁴.

¹ Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. II том. – Тошкент, 1989. – Б. 15.; Жуманазаров У. Сувга сиғинишга доир айрим қайдлар. – Б. 57.

² Сўфиев Ў. М. Сўх тожикларининг сув култи билан боғлиқ урф-одатлари // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2014. – Б. 119.

³ Сўфиев Ў. М. Сўх тожикларининг сув култи билан боғлиқ урф-одатлари // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Б. 119.

⁴ Сўфиев Ў. М. Сўх тожикларининг сув култи билан боғлиқ урф-одатлари // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Б. 119–120.

«Авеста»да одам яратилиши ҳаётбахш сув билан боғланган:

*Сўнгра бир томчи сувга
Сўнгак, соч, эт берарман.
Ичин бутун этарман,
Оёқ-қўл, тирноқ ила
(Инсон шаклин берарман).*

Сувнинг муқаддас куч-қудрати шак-шубҳасиз тан олиниб, унга бағишланган кўплаб маросимлардан бири – Наврўз куни таҳорат олиш ҳақида шундай дейилади: бу кун мавжудот, дарахт, ўсимликлар ва сувни поклаш, тозалашга ҳомий ҳисобланган сув фариштаси Харузага бағишланган бўлиб, одамлар тонг-сахарлаб туради ва сув олдига, яъни канал ва ҳовузлар бўйига боради. Шилдираб, жилдираб оқар сувдан кўзаларни тўлдириб олиб, бахт-омад ҳамиша ёр бўлсин деб бир-бирларининг устидан сув сепишган¹.

Абу Райҳон Берунийнинг асарлари, Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асарида ва бошқа манбаларда илк баҳор байрами нишонланганда ерга сув қуйиш ёки сепиш, совға-саломларни ҳадя қилиш, арғимчоқлар учиш, ширинликлар тарқатиш, етти хил таом тайёрлаш, сув билан покланиш ва ёмғир сувига чўмилиш тўғрисида маълумотлар берилган².

Шу тариқа минтақамизда қадим замонлардан сувга ҳомий маъбуда ва илоҳаларнинг мажмуи ҳамда уларга бағишланган ибодатхоналар ва ўзига хос маросимлар шаклланган. Хусусан, Зарафшон ва Дарғом дарёлари оралиғида IV асрда беҳад маҳобатли ибодатхона мажмуаси шакллана бошлаган. Ушбу ибодатхона мажмуи Зарафшон дарёси руҳи ёки маъбудасига бағишланган деган тахмин ҳам бор. Жанубий Ўзбекистондаги Далварзинтепа ёдгор-

¹ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Б. 124; Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи... – Б. 317.

² Умар Хайём. Наврўзнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019.

лигида сув ҳавзаси олдида аёл маъбудасига аталган ибодатхона фаолият кўрсатган.

Сув ва аждарҳо. Марказий Осиё минтақасида тасаввур қилинган сув илоҳаси икки хил кўринишда тасвирланган: кўлида ойна, ёнида илонлар ёки аждарҳолар (бунга яққол мисол: Ерқўрғон ва Далварзинтепа ибодатхоналари); иккинчиси – тўрт қўлли маъбуда – сенмурвлар, икки қўлли маъбудалар аждаҳо устидаги тахтда кўр тўкиб ўтирган ҳолда, унинг бошидаги тожида нилуфар тасвирланган. Тасвирлардан биринчиси ўлкадаги қадимий эътиқодлар билан бевосита боғлиқ бўлса, иккинчиси қурама сиймолардир. Шунингдек, аждаҳо устида ўтирган илоҳа тасвири Панжикент эҳромининг деворий суратларидан, Жанубий Афғонистондаги Хадда барельефларидан ҳам топилди. Қадимий Марвада оёғи остида илон ёки аждаҳо ётган аёл илоҳларнинг терракота ҳайкалчалари кенг тарқалган. Афтидан, кушонлар даврида қадимий Бақтрияда ҳам илон билан тасвирланган илоҳалар қадрланган. Жумладан, антик давр шаҳри харобалари Далварзинтепадаги эҳромдан кўлига илон шаклидаги билагузук таққан аёл тасвири топилган¹.

Юқорида ҳам қайд этилганидек, қадим замонлардан бери сув асл ҳаёт манбаи сифатида ниҳоятда эъзозланган, қадрланган. Ҳаёт булоғининг кўзини кўриқловчи аждаҳо эса сувнинг йўлини тўсиб, нафақат жонли табиатни, балки жамиятни ҳам ўлимга маҳкум этади. Ушбу фалокатдан халос бўлиш йўлларини ўйлаган, излаган одамлар Ажидаҳока – аждаҳога, ёвузнинг қаҳр-ғазабини сусайтириш ва кўнглини юмшатиш мақсадида ҳар куни биттадан гўзал қизни – бўлажак онани инъом этишга мажбур бўлади. Сув олиш учун аждаҳога берилган қурбонлик ёмғир чақириш маросимини ёдга солади.

Ёмғир чақириш маросими эртаққа кўчгач, ўзининг магик хусусиятини йўқотган. Сув ҳақидаги қадимий эътиқодлар нуқтаи назаридан қаралганида аждаҳо образи икки жи-

¹ Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари... – Б. 28.

ҳатдан қизиқиш уйғотади. Биринчидан, бугун салбий табиатли, иллатли аждаҳо даставвал ижобий фазилатга эга бўлиб, халқ тафаккурининг сўнгги босқичларидагина ўзгаришга учраган. У қадимда сув ҳомийси ёки ёмғир маъбудаси бўлгани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аждаҳонинг бу қадимги ижобий хусусиятлари сеҳрли эртақларда унинг сув манбалари ва дарёларнинг қўрқмас қўриқчиси сифатида учрашида кўринади.

Иккинчидан, ўша аждаҳо образи эволюциясидаги бу ўзгариш унинг бадиий вазифасини ҳам, унга бўлган муносабатни ҳам ўзгартиради. Аждаҳо ижобий образ – ҳомийдан ёвузлик рамзи – антогонистга айланади. Бу элнинг сеҳрли эртақларидаги «Сув – ҳаёт манбаи» мотивида ёрқин кўзга ташланади.

«Видевдот»нинг учинчи фаргарди 4-бандида Зардуштнинг Аҳура-Маздага қарата «Замини ҳаммадан кўра бахтиёрроқ бўлган дунёдаги учинчи жой қаер?» деган саволига Аҳура-Мазда: «Эй Спийтмон, Зардушт! Бундай жой бир Ашаван, ҳаммадан кўра кўпроқ буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар эккан, одамлар қуруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир», – деб жавоб берган.

Зардуштийликда Анаҳитанинг доимий ҳамроҳи, йўлдошлари сифатида илон ва балиқ кўрсатилган. Илон – сув илоҳасининг асосий вазифаларидан бири ҳосилдорлик билан боғлиқ бўлса, балиқ дарё бўйи аҳолисига озиқ, лўқмай ҳалол бўлганлиги туфайли унга алоҳида иззат-эҳтиром кўрсатилган.

Ривоятларда XX асрга қадар илон образи ҳосилдорлик рамзи бўлиш билан бирга сув илоҳининг асосий вазифаларидан бирини бажарган. Ғарбда юнон ва римликлардан тортиб Шарқда Ҳиндистон ва Хитойга қадар бўлган кўпгина қадимий халқлар асотирларида илон ёки аждаҳо намлик қўриқчиси ҳисобланган. Варахша ва Панжикент ёдгорликларидаги деворий суратларда аждаҳо оғзидан фаввора шиддат билан отилиб турган ҳолда тасвирланган.

Давлат ҳукмдорининг ёғин-сочинни тартиб-қоидага солиш, мамлакат тараққиётини таъминлаш мақсадида самовий намлик илоҳаси билан сирли никоҳи воситасида ҳаётбахш намликни сақловчи аждарҳо билан бирлашиши масаласи сак-сўғд мифологиясида бош мавзу ҳисобланган. Р. Сулаймоновнинг ёзишича, ушбу мавзу «Авеста» мифологиясига алоқадор бўлмай, унинг илдизлари архаик умумҳинд-европа мифологик туркумларига бориб тақалади. Сак-сўғдлар қаҳрамони Рустам ҳақида «Авеста»да ҳеч қандай маълумот учрамайди. «Шоҳнома» асарида эса у она томонидан аждарҳо Заҳҳокнинг невараси ва мажусий сифатида, зардуштийликнинг душмани сифатида майдонга чиқади¹.

Ўзбекистонда ҳам сув ва сув манбалари, хусусан, дарёлар билан боғлиқ қарашлар ўзига хос тарихга эга. Қадимги замонда Ардвисура Анаҳита оқин сувлар, аниқроғи, Амударё култи билан боғлиқ деб талқин қилинган².

Ҳубби култи. Ўзбекистоннинг деҳқончилик минтақаларида баҳорда асосий сув манбалари бўлмиш ариқлар ва каналлар ҳашар усулида қазилган. Ҳашар охирида сув очилгач, аҳоли пул, буғдой, озиқ-овқат маҳсулотларини тўплаб, йиғилган маблағга жонлиқ (бузоқ, бўз бия, оқ тойчоқ, кўчқор, эчки) сотиб олган ва қурбонлик қилган. Марказий Осиёнинг кўплаб ҳудудларида эзгу орзу-ниятда қурбонлик қилинган ҳайвонларнинг қони сувга оқизилган, калласи кесилган жонлиқнинг танаси эса шу сувга бир бор ташлаб олинган.

Умуман, ҳўкизнинг шиддат билан бостириб келган сел ва сув тошқинлари билан анъанавий боғлиқлиги Шарқ халқларининг қадимги динларида акс этган³. «Авеста»да

¹ Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари..... – Б. 34–35.

² Толстов С. П. Древний Хорезм. – Москва: Наука, 1948; Снесарев Г. П. По следам Анахиты // Советская этнография. – 1971. – №4. – С. 153–165.; Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Б. 30–35.; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 78–79.

³ Андрианов Б. Бык и змея (У истоков культа плодородия) // Наука и религия. – 1972. – № 1. – С. 32.

сув худоси деб Анаҳита талқин қилинади. Шунингдек, Анаҳита култи билан бирга сув – намгарчилик пири сифатида «Эр Ҳубби» ёки «Ҳубби» култи ҳам мавжуд бўлиб, Ҳубби (Эр Ҳубби, Ҳуббихўжа, Султон Ҳубби) билан бевосита боғлиқ ривоятлар мамлакатнинг турли ҳудудларида ҳозиргача мавжуд¹. Хоразм мифологиясида сув илоҳаси Анбар онанинг дарё тубида яшовчи ўғли Ҳубби Амударёнинг ҳомийси, сув мувозанати ва оқимини бир меъёрда тутиб турувчи қудратли куч сифатида намоён бўлган афсонавий тимсол ҳисобланади². У нафақат сув худоси, балки адабиётларда «Авеста»нинг илоҳи сифатида ҳам талқин қилинган³.

Биз илмий тадқиқотлар жараёнида ҳўкиз култининг сув билан боғлиқ эканлигини кейинги давр аъёнларида ҳам учратдик. Жумладан, Андижонда агар қурғоқчилик юз бериб, ёмғир ёғмаса, мозорда мол сўйиб, қурбонлик қилинган ёки XX асрнинг 70-йилларига қадар Сирдарё суви тўлиб-тошган вақтлар, тошқин хавф-хатари туғилганида дарёга бағишлаб турли ҳайвонлар (ҳўкиз, қўй, қўчқор) қурбонлик қилинган. Сувга қурбонлик келтириш билан боғлиқ шунга ўхшаш одатлар дунёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд.

Фарғона вилояти Сўх туманидаги машҳур Чашма булоғини ҳам маҳаллий аҳоли баҳор фаслида ҳашар усули билан ҳамиша тозалаб турган. Шу жумладан, сўхликлар Наврўз айёмидан олдин Чашма билан бирга ундан дала-лар ва аҳолининг хонадонлари сари тарқаладиган ариқларни ҳам ҳашар усули билан яхшилаб тозалайдилар. Ҳашар бошланишидан олдин Чашма булоғи пирининг руҳини шод этиш мақсадида ҳўкиз ёхуд қўчқор қурбонлик қилиш одати ҳам бўлган. Ушбу маросим «дарвишона» деб аталади. Сўхлик этнограф Ў. Сўфиевнинг ёзишича, қурбонлик қилинган жониворнинг қони ариққа оқизиб

¹ Ҳубби култи билан боғлиқ қарашлар ҳақида қаранг: Жўраев М. Ҳубби образининг мифологик асослари... – Б. 29–39.

² Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи... – Б. 323.

³ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма... – С. 208.

юборилади. Халқона удумларга биноан, сувга қўшилиб, уни қизартириб оққан қон Чашма пири руҳини шод айлаб, мўл-ҳосил гарови бўлмиш оқар сувнинг баракали бўлиши учун мадад берармиш. Аксинча, Чашма пирининг руҳига қурбонлик келтирилмаса, гўё унинг руҳи ғамгин, маҳзун бўлиб, сув озайиб кетиши, ҳаттоки норозилик, хафагарчилик ифодаси сифатида мутлақо оқмай қолиши ҳам мумкин экан¹.

Фарғона водийсида олиб борилган этнографик тадқиқотлар жараёнида Сирдарёнинг чап қирғоғида ҳозирги Фарғона вилояти Данғара тумани Қудуқ қишлоғида Ҳубби ота зиёратгоҳи борлиги маълум бўлди. Маҳаллий аҳоли орасида ушбу зиёратгоҳнинг «Ҳўб бува», «Об бува» ва «Лайлак мазор» каби номлари ҳам бўлган. Ушбу зиёратгоҳда иккита алоҳида қурилган мақбара бўлиб, маҳаллий аҳоли тасаввурига кўра, мақбараларнинг бирига Ҳубби ота дафн этилган².

Шу ўринда «Ҳубби отанинг ўзи ким?», «Ҳубби ота билан боғлиқ эътиқодий қарашларнинг чинакам асослари қайси тарихий давр билан боғлиқ?», «Ҳубби ота билан боғлиқ тасаввурлар ўзга минтақаларда ҳам учрайдими?» деган бир қатор саволлар пайдо бўлади.

Қайд этиш зарурки, маҳаллий аҳоли билан бўлган суҳбатлар жараёнида улардан айримлари бу ерни Ҳабибуллоҳ исми шайх обод қилгани сабабидан «Ҳабибуллоҳ» деб аталган, кейинчалик «Ҳубби ота»га айланиб кетган деб айтдилар. Бошқалари эса бу ерни обод қилган дастлабки одам ҳубида, яъни тушида кўрганлиги учун кейинчилик «Ҳубби ота» бўлган деб таъкидладилар. Хўш, эшитган ва ёзиб олганларимиз ҳақиқатан шундайми? Тарихий адабиётларда Ҳубби хусусида ишонса бўладиган маълумотлар қайд қилинганми? Бу машҳур ном ҳозирда бошқа жой-

¹ Сўфиев Ў.М. Сўх тожикларининг сув култи билан боғлиқ урф-одатлари... – Б.118.

² Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Қудуқ қишлоғи. 2016 йил.

ларда ҳам учрайдими? У ростдан ҳам сув билан бевосита боғлиқ тарихий ёки афсонавий шахсми?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Ҳубби ота билан боғлиқ қарашлар халқ оғзаки ижоди ва тарихий адабиётларда қайд қилинган. Жумладан, ўзбек халқи оғзаки ижодининг беҳад муҳим қисмларидан бири бўлган дostonларда, жумладан, «Муродхон» дostonининг бош қаҳрамони дарёдан ўтиш пайтида сувнинг пири – «Ҳуббига сиғиниши»ни ҳам кўришимиз мумкин. Дostonда тасвирланишича, қаҳрамон: «Кемачининг пири ё Ҳубби бобо, энди ўзинг биласан, бу жонимни сенга топширдим!» – деб солга чиқиб, мададсиз сувга кириб, қайиқни бўшатиб кета беради¹.

Эзгу ният қилиб «Ҳуббига сиғиниш», жумладан, «сувга ботганларни қутқариш, сўйилган хўкизларга жон бахш этиш» ҳаёти ва мамоти Амударёга боғлиқ қадимги Хоразмда жуда кенг тарқалган ожат бўлган². У келиб чиқиши жиҳатидан исломгача бўлган маҳаллий диний афсоналарга тааллуқлидир.

Хоразм мифологиясида сув илоҳаси Анбар она ҳисобланиб, унинг дарё тубида яшовчи ўғли Эр Ҳубби Амударё сувларининг хўжайини бўлганлиги ҳақидаги ривоятни 1936 йилда археолог Яҳё Ғуломов Амударёда сузган кекса ёшли қайиқчидан ёзиб олган эди. Айнан шу ривоятга кўра, авваллари Амударёдаги каттакон кемалар – қайиқларнинг уч томонида соч ўрими осиб қўйилган. «Фаридун ва ҳатто Жамшид подшолик қилмасдан кўп вақтлар илгари бу дарёда бир йигит яшаган ва ушбу йигит дарёнинг ҳоқими бўлган. Унинг исми «Ҳубби» бўлган. Ҳубби аксарият ҳолларда фақат балиқ билан овқатланган; у бир қўли билан балиқни тутиб олар экан-да, уни шу заҳотиёқ куёшга узатар экан, балиқ шу ондаёқ қовурилиб қоларкан. У нақ етти юз йил давомида Амударёда яшаган ва бу вақт ичида ҳеч қандай ёвуз жинлар дарёга яқинлаша олмаган, ҳатто у вақтда чивинлар ҳам бўлмаган.

¹ Муродхон // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1965. – Б. 74.

² Залеман К. Г. Легенда о Хаким-ота // Известия АН Таджикистана. Т. X. – Санкт-Петербург, 1898. – №2.

Жамшид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб Ҳубби дом-дараксиз ғойиб бўлган. Уни осмон денгизи маликаси – беҳад гўзал бир қиз ўғирлаб кетган деб ўйлайди. У ғойиб бўлганидан кейин Амударёда Ҳуббининг онаси пайдо бўлади. Узоқ вақтлар давомида у йиғлаб-сиқтаб ўз ўғлини қидиради. Ана шу Ҳуббининг онаси биринчи қайиқни кўриб қолган ва халқни дарёда урушишга ўргатган, сўнгра Ҳуббининг онаси бутунлай кетиб қолган. Шу боис илгариги вақтларда кемаларнинг бурнида ана шу хотиннинг ҳайкали ўрнатилган экан. Сўнгра мусулмонлар келганларидан кейин улар исломга зид одатга эътибор бериб, уни йўқ қилишни буюрган. Мана шу пайтдан бошлаб бу ҳайкалнинг бошини кесиб ташлаганлар, фақатгина унинг икки соч ўрими қолган»¹.

Сув худоси ҳақидаги афсонанинг вариантлари Марказий Осиё ва унга чегарадош мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Фарғона водийсида Эр Ҳубби ҳақида бир қатор афсоналар сақланиб қолган ва иккаласи ҳам сув худоси – муаккили бўлганлиги сабабли ҳам унинг образи худди қадимги Хоразмдаги сув илоҳи – Ҳубби образига ўхшайди. Шунингдек, Оҳангарон водийсида ҳам одамлар Ҳуббини эъзозлаб, дарёдан ўтаётганларида ундан мадад ва кўмак сўраганлар. Кўҳна ва навқирон Бухоро воҳасининг ғарбий қисмидаги саҳрода жойлашган шифобахш «Хўжа Ҳуббон» қудуғи мавжудлиги ҳам Ҳубби култи турли тарихий-этнография минтақаларда кенг тарқалгани ва элнинг унга мададкор сифатида қараганидан далолат беради.

Фарғона водийсида ҳам Ҳубби ота билан боғлиқ жой номлари кўплаб учрайди. Хусусан, Кўқон шаҳри атрофидаги Ойдинбулоқ қишлоғи яқинида Эр Ҳубби булоғи, Фарғона вилояти Риштон тумани Чўнғара қишлоғида Эр Ҳубби мазори (ҳозирги кунда Йигитпирим деб айтилади – А. А.), Фарғона тумани Шоҳимардон қишлоғида кўли Ҳуббон кўли (маҳалий шевада Кўли Қуббон деб аталади – А. А.)

¹ Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи... – Б. 32.

мавжуд. Кўли Қуббон номининг келиб чиқиши тўғрисида таниқли географ олим Ҳ. Ҳасанов қуйидаги фикрни билдиргани: «Хуббон кўли. Буни Қурбонкўл, Қубонкўл шаклларида янглиш ёзадилар. Шоҳимардон тоғлари орасидаги бу кўлнинг номи «хубби» сўздан олинган. Бу эса қадимий диний тасаввурларга боғлиқ. Хубби деб (исломгача бўлган даврда) сув худосига айтилган»¹. Худди шунингдек, водийдаги тоғлардан бири бўлмиш Қурама тизмасининг ҳам энг баланд чўққиси – Боботоғ чўққиси худди ўша инсонлар кўмакчиси «Хубби бобо»нинг тожикча шаклидир.

Фарғона вилояти Риштон тумани Чўнғара қишлоғида Эр Хубби – Йигитпирим зиёратгоҳининг келиб чиқиши ва тарихи ҳақида маҳаллий аҳоли орасида тарқалган ривоятга кўра, «Йигитпирим сувда чўкаётган одамларни қутқариб турган вақтда уни онаси Анбар она уч марта чақирибди. Ҳар гал онаси бир марта чақиргани заҳотиёқ етиб келадиган Йигитпирим бу сафар уч бора чорласа ҳам келмабди. Онаси унинг бу ҳаракатидан қаттиқ ранжибди. Онасини ранжитиб қўйган, қилган ишини чинакам номуссизлик ҳисоблаган Йигитпирим тоғнинг ичига кириб ғойиб бўлган экан. Йигитпирим шубҳасиз ўлимдан қутқариб қолган одамлар Анбар онага ўғли нима учун уни чақирган вақт етиб бормаганлигининг асл сабабини айтганидан сўнг Анбар она фарзандидан ноҳақ ранжиганлигини тушуниб етиб, аччиқ кўз ёши тўкади. Унинг кўзларидан ёмғирдек қуйилган ёшларидан ўша булоқ пайдо бўлган экан»².

Фарғона вилоятида мавжуд зиёратгоҳларда биз маҳаллий аҳолидан ёзиб олган афсона ва ривоятлар сюжетнинг тарихий асослари сув култи ҳамда ҳосилдорлик, қут-баракат тилаш ғоясини ўзида мужассамлаштирган қадимий халқона қарашларнинг мифологик тимсоли сифатида юзага келган Хубби тўғрисидаги асотирларга бориб тақалади. Фарғона водийсида олиб борилган этнографик дала тад-

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 71.

² Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Риштон тумани Чўнғара қишлоғи. 2016 йил.

қиқотлари жараёнида бундай мазмундаги ривоятларга дуч келинмади. Бу каби қадимий халқона қарашларнинг маҳаллий аҳоли орасида деярли унутилиб кетишининг қатор сабаблари бўлиб, аввало, мазкур ривоятлар совет даврида тарғибот-ташвиқотнинг беҳад қудратли, тизимли қуроли воситасида олиб борилган атеистик сиёсат, амалиёт туфайли унутиб юборилган бўлса керак. Иккинчидан, XX аср 50-йилларидан кейин Сирдарё суви қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жиловланиши натижасида дарё суви билан боғлиқ кўплаб халқона қарашлар каби Ҳубби ота билан боғлиқ ривоят ҳам унутилган бўлса не ажаб. Лекин айнан Ҳубби ота билан боғлиқ зиёратгоҳнинг ҳануз сақланиб қолганлиги ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Фарғона водийсидаги Ҳубби ота зиёратгоҳининг атрофидаги қатор қишлоқларда баҳор фаслида деҳқончилик ишлари бошланиши арафасида шу ерда яшовчи аҳоли, деҳқонлар жам бўлиб, унга бағишлаб маросимий қурбонлик сифатида қўй сўйиши анъанага айланган. Шунингдек, водийда сув култи билан боғлиқ Об бува (Чуст тумани) ёки Бобои Об (Хўжанд вилояти Ашт тумани) зиёратгоҳлари мавжуд. Айнан мазкур зиёратгоҳларга ҳам баҳорда деҳқонлар келиб, баҳорги ишларининг бошланишида қурбонлик қилиш ва Об бувадан келаётган йил серсув йил бўлишини тилаш одати кенг тарқалган.

Хуллас, қадимий зардуштийлик динининг сув билан боғлиқ эътиқодий қарашлари ва турли культлари бугунги кунда водийда сақланиб қолмаган бўлса-да, унинг айрим элементлари билан боғлиқ тасаввурлар, одатлар ҳамда локал хусусиятлар умуммаданият кўриниши сифатида халқнинг турмуш тарзи ва маросимий удумларида ҳанузгача давом этиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётидаги маросимий одатларда эътиқодий қарашларнинг синкретлигини кўрсатади.

II.3. ИСЛОМ ДИНИДА СУВГА МУНОСАБАТ

**«Сизлар, ўзларингиз ичаётган сувни
(ўйлаб) кўрдингизми?!»
(Қуръони Карим. «Воқеа» сураси, 68-оят)**

Болалик чоғларимда бувим менга доим: «Сув ичгандан кейин Худога шукр дейиш керак», – деб ўргатарди. Кейинчалик вақтлар ўтиши билан мен бувимнинг ушбу ўғитларини кундалик ҳаётда кўп бора эшитдим ва бошқа инсонлар каби менинг ҳам кундалик этикет маданиятимнинг ажралмас бир бўлагига айланиб қолди. Хўш, ушбу шукроналик асосида нима мужассамлашган? Сув билан боғлиқ халқ қарашлари асосида дин, хусусан, ислом динининг ўрни нечоғлиқ, замонавий турмуш тарзида кексалар, бува-бувиларимизнинг ўғитларига қай даражада амал қилмоқдамиз?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, сув нафақат инсоният, балки бутун махлуқот, ҳайвонот олами, ўсимликларнинг ҳаёти ва тириклик манбаидир. Шак-шубҳасиз, Фарғона водийси аҳолиси маданиятининг асоси ҳисобланган исломий анъаналар асрлар давомида маҳаллий аҳолини озодалик, поклик, ер, сув ва ҳавони булғамасликка бетиним равишда даъват этиб келган. Ислому динида Аллоҳ яратган ҳар бир жонли махлуқот – ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва шу каби бошқа яралмишларга меҳр-муҳаббат, шафқат назари билан қараш талаб этилган. Қолаверса, мусулмонларнинг ҳар куни беш марта ўқиладиган намоз олдидан сув билан таҳорат қилиб, покланиб олиши ислом динида фарз саналишини ҳам қайд этиш жоиз.

Қуръони Каримнинг «Нур» сураси 45-оятда: «Аллоҳ барча жониворларни сувдан яратди. Бас, улардан баъзилари қорни билан юрадир, баъзилари икки оёқлаб юрадир, баъзилари эса тўрт (оёқ) билан. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нар-

сани яратур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир»¹, – дея қайд этилган.

Ислом динида таъкидланишича, истеъмом қилишга, ичишга яроқли ва тозалик учун ишлатиладиган сувларни Аллоҳ таоло осмондан ёмғир ҳолида туширади. Бу бандаларга берилган улуғ неъматдир дейилади. Бу борада «Анфол» сурасининг 11-оятда: «Ўшанда У Сизни Ўзидан омонлик қилиб, мудроқ ила ўраган эди ва сизни поклаш ва сиздан шайтоннинг васвасасини кетказиш ҳамда қалбларингизни боғлаш ва қадамларингизни собит қилиш учун устингизга осмондан сув туширган эди»², – деб қайд қилинган.

Сувни исроф қилиш ва увол. «Гуноҳ» ва «савоб» тушунчалари ислом динида маълум бир категория даражасига кўтарилган. Ислом дини сабабсиз бирорта жонзот ёхуд ўсимлик сингари табиат унсурларига зиён етказишни мутлақо тақиқлайди. Ушбу тақиқ кўпинча диний ман этиш моҳиятини яққол ифодалаб берувчи «увол» категорияси орқали изоҳланади. Увол асосида ҳам кишиларнинг маълум бир нарсаларга бўлган ишонч-эътиқодлари ётади.

Хуллас, ислом таълимотида жонли, жонсиз табиатни асраб-авайлаш ва бутун борлиққа нисбатан ижобий муносабат кенг ўрин олган бўлиб, ислом уламоларининг қайд қилишларича, сув, унинг фойда ва самаралари ҳақида Қуръони Карим оятларида қайд қилинган³. Жумладан, буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорий шундай дейди: «Жаноб Расулulloҳ (с.а.в.) таҳоратнинг фарзи – бир мартадан ювиш деб тушунтирганлар, ўзлари таҳорат олганларида икки ва уч марта ҳам ювганлар, лекин бундан оширмаганлар. Уламолар сувни исроф қилишни макруҳ деб

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2017. – Б. 356.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси... – Б. 178.

³ Сайфуддинов Р. Сув – неъматларнинг улуғи // <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/9489-suv-ne-matlarning-ulu-i>.

билганлар. Шунингдек, Расулулоҳ (а.с.)нинг одатларидан ошириб юборишни ҳам макруҳ деганлар»¹.

Демак, ушбу ҳадиси шариф орқали сувни исроф қилиш қораланишини кўришимиз мумкин. Шу боис ҳам оқар сувга ва қуёш нури тушиб турган, оқмас бўлиб қолган кўлмакли сувда ва усти очиқ қолган идишда турган сувда ҳам таҳорат қилиш тақиқланган. Чунки агар оқар сувда таҳорат қилиш орқали унинг бошқалар ичиши учун нопок сувга айланиши мумкинлигини англатса, бошқа ҳолларда бўлган сувлар инсон сиҳат-саломатлиги учун жуда зарарли деб ҳисобланган.

Қолаверса, муқаддас ҳадисларда: «Учта жойга: сув ўзанлари, серқатнов йўллар ҳамда соя-салқин жойларга чиқинди ташлаб лаънатга қолишдан кўрқинглар», – дейилган². «Бу ҳадисда қайд этилган фикрлар ва кўрсатмалар маҳаллий аҳолининг турмуш тарзида ва кундалик ҳаётида қай даражада акс этган?» деган ҳаётий савол пайдо бўлади.

Ислом фикҳшунослик мактаби ривожланишида ер-сув муносабатлари расман қонуний даражада тавсиф қилинган. Умуман олганда, ислом фикҳи анча мукамал тузилган қонунлар ҳисобланиб, уларда барча катта-кичик масалалар, жумладан, ер ва сувдан фойдаланиш ва деҳқончиликка оид қонун-қоидалар ҳам ўз ифодасини топган.

Ислом фикҳи, яъни қонунчилигининг ривожланишида ватандошимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳиссаси беқиёсдир. У ислом қонунларига шарҳ сифатида ўзининг «Ҳидоя» номли асарини яратди³.

Ислом дунёси фикҳ илмининг ривожланишида ўрта асрларда яшаб ижод этган араб фикҳшуносларидан Фатҳ

¹ Имом ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 1-жилд. – Тошкент, 2008. – Б. 34.

² Ушбу ҳадис Имом Табризийнинг «Мишкот ал-масобиҳ» номли китобида келтирилган. Шунингдек, бу Абу Довуд «Сунан Аби Довуд», Ибн Можа «Сунан Ибн Можа» номли ҳадис тўпламларида ҳам қайд қилинган.

³ Бурҳониддин Марғиноний. Хидоя / Комментарий мусулманского права. – Ташкент, 1994. Т. I. – С. 480.

ал-Қодир, Ибн Абидин ҳамда Шайх Илёснинг ҳам ўрни каттадир. Ушбу олимлар фикҳ илмида асосан ер ва сувдан фойдаланишнинг турли ҳуқуқий мажмуаларини яратишган. Улар томонидан яратилган ҳуқуқ нормалари юртимизда ҳам ўз даврида кенг қўлланилган, бинобарин, улар яратган асарлардаги кўрсатмалар «Ҳидоя»да келтириб ўтилган ҳуқуқий меъёрларга тўла мос келади.

Маълумки, XX асрнинг 90-йиллари бошларига қадар совет ҳукумати дин ва миллий қадриятларга нисбатан шафқатсиз курашган бўлса-да, айнан диний тушунчалар водийликларнинг турмуш тарзида муҳим ўрин тутган. Айниқса, экологик билимлар асоси диний қарашлар негизида изоҳланган. Хусусан, 80-йилларда ҳам водийликлар турли сув ҳавзалари ва кўчаларнинг озодалигига алоҳида эътибор берганлар, бу ерларни ифлос қилиш катта гуноҳ деб ҳисобланган. Ҳар бир ориятли инсон ҳадисларда номақбул деган мазмунда зикр этилган ишларни қилишга ботинмаган, бундай ярамас ишни қилаётган кишиларни кўрган вақтда дарҳол унга танбеҳ ва дашном бериб, бу оғир гуноҳ эканлигини тушунтиришган. Лекин кейинги йилларда глобаллашув ва авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги тушунмовчилик туфайли минтақадаги экологик маданият ҳам деярли инқироз ҳолатига келиб қолди. Олдинлари водийдаги ҳар бир ариқ, канал, сой ва дарё сувлари асосий ичимлик суви сифатида истеъмол қилинган бўлса, сўнгги йилларда асосий йирик сув ҳавзаларининг сувлари ичиш учун яроқсиз ҳолга келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мазкур ҳолат минтақада сув билан боғлиқ диний қарашлар ва экологик маданият деярли унутиб юборилганлигининг маълум маънода тасдиғи бўлса керак.

Ислондаги тасаввуф фалсафасига биноан, дунё тўрт унсур: тупроқ, сув, шамол ва олов асосига қурилган. Айнан мазкур тўрт унсурнинг ҳар биридан тўрт хусусият, тўрт ҳолат, тўрт майл ва тўрт сифат юзага келган. Тупроқдан сабр, умид, эзгу хулқ ва мурувват, сувдан қувонч, саховат, назокат, бирлик, шамолдан ёлғон, иккиюзламачилик, сабр-

сизлик ва тантиқлик, оловдан эса нафс, кибр, тама, ҳасад¹. Шунингдек, тасаввуфдаги йирик йўналишлардан бири бўлмиш нақшбандийлик тариқатида «зикри хожагон» деган маросим мавжуд. Бунда солиқ (бирор сўфийлик маслагига мансуб инсонлар)лар доира шаклида ўтириб олиб, Аллоҳни зикр этадилар. Қуръони Каримдан суралар ва оятларни муайян саноқ миқдоридида ўқишади. Ушбу доиранинг марказида эса, албатта, бирор тоза идишда сув туради².

Демак, бундан кўриш мумкинки, сув қувонч, саховат ва бирлик рамзи бўлиб, тирикликнинг ўзига хос тимсоли ҳисобланган. Айнан у доимий равишда одамларга қувонч ва барака олиб келган. Шунингдек, ҳар доим одамларнинг жамоа бўлиб бирлашишларига хизмат қилган. Шу боис ҳам водийда азал-азалдан баҳорда турли қишлоқ жамоалари ва маҳаллаларда истиқомат қилувчи инсонлар сув ҳавзалари – канал ва ариқларни жамоавий равишда халқона, ўзбекона удум – ҳашар усулида тозалаб турганлар.

Ислом динида шахсий гигиенага ҳам алоҳида эътибор берилган бўлиб, покланиш доимо сув воситасида амалга оширилган. Сув орқали покланиш «тахорат» ва «ғусл» деб аталган.

Агар ҳадисларга назар ташланса, уларда сувни исроф қилмаслик ҳақида алоҳида йўл-йўриқларни кўриш мумкин. Жумладан, Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинади: «Набий (с.а.в.) таҳорат олаётган Саъднинг ёнидан ўтаётиб: «Бу қандай исрофгарчилик, эй Саъд?» – дедилар. «Таҳоратда ҳам исроф бўладими?» – деди у. «Ҳа, ҳатто оқиб турган дарёда бўлсанг ҳам», – дедилар у зот»³. Ушбу ҳадиснинг мазмун-моҳиятида асосий гап бебаҳо илоҳий неъмат бўлмиш сувнинг исрофидан огоҳланти-

¹ Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими... – Б. 36–37.

² Жўрақулов У. Сув Аллоҳ зикрини «эшитганда» // Оила даврасида. 2020 йил 13 март.

³ Таҳорат китоби / Мусаннифлар: Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли. – Тошкент, 2014. – Б. 51.

риш ҳақида кетмоқда. Маълумки, ғул ва таҳорат мусулмон бандаларга фарз ибодатлардир.

Умуман олганда, ислом динида сув билан покланиб, таҳорат ва ғул қилиш муҳим шарт ҳисобланади. Чунки сув бўлмайд қолган ҳолатда тупроқ билан қилинадиган таяммум тўлиқ таҳорат ҳисобланмайди. Таҳорат қилиш мумкин бўлган сувлар етти қисм: денгиз суви, дарё суви, қудуқ суви, булоқ суви, қор суви, дўл суви ва ёмғир сувига бўлинади¹.

Сув билан боғлиқ гуноҳ ва савоб тушунчалари. Имом Бухорий келтирган ҳадислардан бирида қайд этилишича: «Аллоҳ таоло қиёмат куни уч тоифа бандаси билан сўзлашмайди ҳам, мағфират қилмайди ҳам, улар қаттиқ азобда қоладилар. Улардан бири ўзининг йўл бўйидаги лиммо-лим ариғи, ҳовузи ёки қудуғидан йўловчиларга сув бермаган кишидир, иккинчиси бир одамга мол-дунё орттириш ниятидагина байъат қилиб, у айтганини бериб турсагина байъатига вафо қиладиган кишидир, учинчиси асрдан кейин: «Аллоҳ таоло ҳақи, молингга бунча ва мана бунча бераман!» – деб бировни ишонтириб, унинг молини алдаб қўлга киритиб, сўнгра пулини бермайдиган кишидир»². Демак, ўзида сув бўла туриб бошқа кишиларга сув бермаган одам қиёмат куни Аллоҳ томонидан кечирилмайдиган, энг оғир гуноҳни содир этган бўлади. Шу боис ўлкадаги ҳар бир мусулмон киши ҳар доим қаттиқ сувсаб қолган инсонларнинг ташналигини қондиришни энг савобли амаллардан бири деб ҳисоблайди.

Ўзбек этнографи Очил Бўриевнинг қайд этишича, авваллари «сув берган савоб» деган эзгу ниятда сув умуман сотилмаган. XX асрнинг 60 – 70-йилларида гавжум бозорларда савоб учун «Оби худойи» деб кўза ёки пақирга сув солволиб, тарқатиб юрган саховатпеша қарияларни кўриш мумкин эди. Марказий йўллардаги қудуқларда бозор кунлари савоб учун йўловчиларга косада ва уларнинг от-

¹ Таҳорат китоби... – Б. 194.

² Саҳиҳи Бухорий. 2-китоб. – Тошкент, 2008. – Б. 563.

уловларига эса охурга сув қуйиб берилар эди. Қариялар яшайдиган ёки эркаксиз хонадонлар дарвозаси олдида бўш пақир ва ёки кўза турган. Бу идишларни яқин қавм-қариндош ёки қўни-қўшни ёш-яланглар зудлик билан савоб олиш ниятида сув билан тўлдириб қўйганлар¹.

Водийда ҳам, айниқса, жазирама ёз фаслида бирор хонадонга келган ҳар қандай кишига дастлаб сув ёки чанқоқни босадиган ичимликлар (чай, шарбат ва айрон) тутиш энг савобли амаллардан бири ҳисобланган ҳамда оила ва маҳаллада катталар томонидан ёш болаларга доимо ўргатиб борилган.

Қуръони Каримнинг «Ҳаж» сураси 5-оятда «...Ва ерни қақраган ҳолда кўрарсан. Қачонки Биз унга сув туширсак, у сесканадир, кўпчидир ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстирадир»², – дейилади.

Кўриниб турибдики, ерга сув-ёмғир тушса, у ҳаракатга келиб, ундан ўт-ўланлар аста-секин ниш уриб чиқади, ям-яшил майсаларга бурканади. Дов-дарахтларнинг ҳаёти, жамиятнинг яшаши, инсоннинг тириклиги – буларнинг бари буюк илоҳий неъмат – сувга бевосита боғлиқдир. Сув бўлмаса, ҳаёт ҳам йўқ. Табиатнинг тириклиги, атроф-муҳитнинг тозаллиги ва мусаффолиги ҳам сув билан. Қуръони Каримнинг «Анбиё» сураси 30-оятда: «Биз уларни очганимизни ва сувдан барча тирик нарсани (пайдо) қилганимизни билмасларми?»³ – дея марҳамат қилинганлиги бу илоҳий таълимотда чуқур фалсафий маъно-мазмун ҳам мужассамлашганидан далолат беради.

Қуръони Каримда Аллоҳ бутун инсониятга қарата шундай марҳамат қилади: «Ўзингиз ичадиган сувни ўйлаб кўринг-а! Уни ёмғирли булутлардан сиз туширдингизми ёки

¹ Бўриев О., Очилов А. Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – Б.260.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси... – Б. 332.

³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси... – Б. 324..

туширувчи Бизми? Агар хоҳласак, уни шўр қилиб қўямиз. Шукр қилсангиз-чи!»¹

Ислом таълимотида қайд этилганидек, Аллоҳ Таоло ҳамонки ҳамма нарсани ҳазрати инсон учун, унинг хайри, ризқ-насибаси, бахт-саодати учун яратиб қўйган экан, одамзоднинг асосий вазифаси, муқаддас бурчи теварак-атрофга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, сув, ҳаво, тупроқ, ҳайвоноту набототни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларнинг ҳаммасига меҳр-шафқат кўрсатишдан иборатдир.

Сув этикетлари. Табиат неъматларининг қадрига етиш, уларни асраш, исроф қилмаслик, булғамаслик хусусида ислом динида кўплаб диққатга сазовор кўрсатмалар берилган. Айниқса, экологик тарбияга оид масалалар, хусусан, шахсий гигиена билан боғлиқ фикрлар билдирилган. Чунончи, ҳадисларда: «Расулуллоҳ идиш оғзидан уч бор сув ичиб, ҳар гал нафасларини ташқарига чиқарган эдилар», – деб таъкидланган². Ушбу ҳадиси шариф кўплаб нуфузли мусулмон уламолари томонидан атрофлича шарҳланган бўлиб, жумладан, Имом Қуртубий: «Сув ичаётини идишга нафас чиқаришдан қайтарилганимизнинг сабаби оғиздаги бадбўй ҳид ёки сўлак билан сувни ифлослантиришдан сақланишдир», – деб таъкидлайди³.

Шу билан бирга, бизнингча, айти шу ҳадис орқали мусулмонлар маданиятидаги сувнинг тозалигини сақлаш ва чанқоқни қондириш билан боғлиқ этикет қоидалари баён қилинган. Ўз ўрнида шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон нафасидан ўтадиган ҳар хил микроб ва вируслардан ишончли ҳимояланиш билан боғлиқ тиббий-санитария тартиб-қоидаларини кўриш мумкин.

Яна бир бошқа ҳадисда «Кечаси уйқуга ётмоқчи бўлсангиз, аввал чироқларни ўчириб, эшикларни тамбалаб, сув

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси... – Б. 536.

² Саҳиҳи Бухорий. 2-жилд... – Б. 327.

³ <http://qadriyat.uz/islom/722-ov-atga-ichimlikka-puflab-b-lmajdi> // Хидоят. – 2012. – № 12. Б. 419.

идишлари ва овқатлар устини беркитиб қўйинг!»¹ деган муҳим кўрсатма берилган. Айнан бу ўринда нафақат дарё, канал, ариқлар, балки хонадонда сақланадиган ичимлик сувига ҳам алоҳида меҳр-муҳаббат ва иззат-эҳтиромли муносабат бўлганлигини кўриш мумкин. Сув идишларининг устини беркитиб қўйиш орқали унга турли ҳашарот ва қурт-қумурсқалар тушишининг олди олинган, водий аҳолиси орасида ҳам айнан мана шу тартибларга ёзилмаган қонун, яъни аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган муқаддас одат сифатида бугунги кунгача амал қилинади.

Умуман олганда, минтақа аҳолиси орасида ҳар қандай сувни исроф ва ифлос қилиш ҳамда булғаш жуда оғир гуноҳ ҳисобланади. Халқимиз удумига кўра, бирон-бир хонадондан бир култум ёки бир хўплам бўлса ҳам сув ичиб, ташналигини қондирган йўловчи шу даргоҳ учун маҳрам, яъни яқин кишига айланади деган қараш ҳам бўлган.

Ислом динига кўра, рамазон ойида 30 кун мобайнида мусулмонлар тонг-саҳарда туриб, тамадди қилиб, «оғиз боғлашади», яъни кун давомида сув ичмайди, овқат емайди, умуман ҳеч нарса тановул қилмайди. Рўзадор кишининг «оғиз очар» вақти бўлган ифторликда рўзани сув билан очиши кенг тарқалган анъаналардан бири ҳисобланади. Бу борада ҳадис қайд қилинган бўлиб, «Салмон ибн Омир (р.а.)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (с.а.в.): «Қачон бирингиз ифтор қилса, оғзини хурмо билан очсин. Чунки у барақадир. Ким топмаса, сув билан очсин. Чунки у покловчидир», – дедилар»².

Демак, мусулмонлар кун давомида буткул сув ичмасдан, сўнгра ўз чанқоғини қондириш мақсадида, қолаверса, сувни энг пок унсур деб билганликлари учун айнан у орқали ўз рўзасини очишади. Шуни ҳам алоҳида эслатиш керакки, исломда одамнинг ўй-фикри, нияти ва қилмишлари

¹ <http://qadriyat.uz/islom/722-ov-atga-ichimlikka-puflab-b-lmajdi> // Ҳидоят. – 2012. – № 12. – Б. 419.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мўминнинг қалқони (Муфассал рўза китоби). – Тошкент, 2018. – Б. 62–63.

пок, тоза, ғуборсиз бўлиши учун, энг аввало, унинг ҳалқуми пок бўлиши зарур деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дастлаб ҳалол таомни тановул қилиб, ҳалқум поклаб олинади.

Ислом ва экология. Ислом динида она табиатни муҳофаза қилиш зарурлиги ва бу борадаги масалалар бўйича шундай муҳим ғоялар, қарашлар, шариат тартиблари, қонун-қоидалари, аҳкомлари, талаблари, таълимотлар, фалсафий-ахлоқий қоидалар ва ўғитлар мавжудки, уларга амалий фаолиятда асосланиш, суяниш фақат мусулмонларгагина эмас, балки сайёрадаги барча мамлакатлар, халқлар ва миллатлар, умуминсониятга ҳам бир хилда зарур ва ҳаётий аҳамият касб этади дейиш мумкин.

Ислом таълимотида сув ва ҳаво, уларни улуғлаш, эъзозлаш хусусида ҳам бутун оламга татиғулик, бани башарий аҳамиятга молик йўл-йўриқлар ва ҳикматлар берилган. Бир қатор жаҳон динлари ва уларнинг муқаддас китобларида сув Парвардигорнинг инсонга беқиёс тухфаси экани, бутун ҳаёт сув ва ҳаво билан боғлиқлиги, сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тугаши, соф ҳаво узоқ умр кўришнинг асосий омили эканлиги уқтирилган.

Сувга дам солиш. Бутун Ислом оламида, хусусан, ўзбекларда Қуръон оятларини ўқиб сувга дам солиш, шу шифобахш сувни ҳожатмандга ичириш анъанаси ҳам мавжуд. Адабиётшунос олим У. Жўрақуловнинг таъкидлашича, кенг чинни лаганларнинг ичкари томонига заъфарондан тайёрланган сиёҳ билан «Фотиҳа», «Ёсин», «Ихлос» ва «Мулк» сингари сураларни ёзиш, ёзув қуригач, шу идишга сув куйиб, бир, уч, етти ёки қирқ кун ўтказиб беморга ичириш орқали муолажа қилиш усуллари ҳозирда ҳам учрайди. Буларнинг барчасидан асосий мурод сувга шифобахш ва ижобий зарядларни сингдириб, хасталик хуруж қилган танани, тубан ахлоқни, беором руҳни даволашдир¹.

Дарҳақиқат, мутахассислар фикрига кўра ҳам Қуръон оятларидан ўқиб дам солинган сувнинг шифобахшлиги ор-

¹ Жўрақулов У. Сув Аллоҳ зикрини «эшитганда» // Оила даврасида. 2020 йил 13 март.

тар экан. Маълум бўлишича, сув нафақат оятлар, барча яхши сўзлар, эзгу амалларга ҳам бефарқ эмас. Унда тасвир ва ахборотни ўзига сингдириш ва хотирасида сақлаш қобилияти мавжуд. Турли ташқи таъсирлар унинг молекуляр тузилишини мусбат ёки манфий қиёфага ўзгартириб, самараси ҳам шунга яраша бўлар экан.

Япон олими Масару Эмото томонидан ўтказилаётган илмий тадқиқотларида сувнинг хотираси борлигини, у ҳамма нарсани ёзиши ва эсда сақлаши, шунинг учун сувга ёмон назар билан қарамаслик, унга ёқимсиз сўзларни айтмаслик, акс ҳолда, сув ифлосланиб кетиши ва катта бахтсизликлар рўй беришини исботлашга, буни инглиз олими доктор Шелдрейкнинг «морфоген – резонанс» назарияси билан боғлашга ҳаракат қиляпти. Бундан шундай маъно келиб чиқадики, шундоққина ёнимиздан оқиб ётган сувга муносабатимизни кескин равишда ўзгартирмоғимиз даркор¹.

Тасаввуфда сув. Тасаввуфда сувга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, тасаввуфга оид адабиётларда қайд қилинишича, тоғдан оқиб келаётган сув оқимга энг кам қаршилик кўрсатадиган йўлни танлайди. Бошқача айтганда, сув ўз йўлида агар қоятош дуч келса, уни ағдаришга уринмайди, уни айланиб ўтиб оқишда давом этади. Сувнинг бундай табиатидан илҳомланган сўфийлар: «Сизга қарши чиққан одамга қаршилик кўрсатиб ўтирманг, агар у билан олишсангиз у турган мавқеда қолиб кетасиз. Атрофини айланиб ўтиб йўлингизда давом этинг», – дейишади. Айтайлик, тоғдан оқиб тушаётган сув қоятошнинг атрофини айланиб ўтолмайдиган йўлга тўғри келди. Шунда у ўша ерда тўпланиб устидан тошиб ўтади. Бордию бунинг ҳам иложи бўлмаса, у сабр билан томчилаб қоятошни теша бошлайди. Қоятошни тешадиган куч сувнинг кучи эмас, балки томчиларнинг давомийлиги бўлиб, унга «сабр» дейилади. Сабр қилиш ҳеч нарса қилмай ўтириш дегани эмас. «Сабр

¹ Масару Эмото. Послание воды: кристаллы жизни. Киев, София. 2006.

тиканзордан атиргулни, туннинг қаъридан кундузни хаёл қила олишдир», – дейди Шамс Табризий. Сувнинг табиати бизга имконсиз нарсаларга ҳам сабр билан эришиш мумкинлигини ўргатади.

Қоятошни тешган сув албатта ўз йўлида давом этади. Чунки сув доимо оқувчидир, оқар сув эса ҳамиша покдир. Баъзан сой, ариқ чеккаларида оқмаган сувдан кўлмаклар ҳосил бўлади, оқмаган сув эса булғаниб лойга айланади. Шу боис сўфийлар: «Доимо сув каби оқиб тозалан, ҳар кун янгилан. Икки кунинг бир хил ўтмасин! Ўтган кунинг ўтмишда қолсин, бугун ва эртага янги нарсаларни ўрган!» – дейишган.

Сув ҳеч қачон ўзгаришдан чўчимайди. Аммо инсонлар ўзгаришни маъқул кўрсалар ҳам, аслида, ундан кўрқадилар. Сув эса ана шу ўзгаришни энг гўзал ҳолда ифодалайди. Чунончи, баъзан ёмғир, баъзан қор бўлади, баъзан муз, баъзан буғ бўлади. Буғга айланиб кўкка кўтарилгач ёмғир бўлиб ерга ёғади.

Сув ҳамма нарса билан уйғунлашиб кетади. Пиёлага қуйганигда пиёла, челаққа қуйганигда эса унинг шаклига киради. Сув қаерда турса, ўша жойга мослашади, аммо табиати ҳеч қачон ўзгармайди. Ҳамма жойга ва ҳамма нарсага уйғунлашади. Унутманг, табиатга мослашадиганлар ҳар доим дунёда омон қоладилар. Чунки мослашувчан ва юмшоқ бўладилар, ўзгаришларга қарши турувчилар эса қаттиқ. Бўрон энг кучли, қаттиқ дарахтларни ағдариб қўполади, аммо мослашувчан ўсимликларга ҳеч нарса қилолмайди, шунинг учун эгиловчан ҳаётда қолади. Келаётган оқимга ҳам таслим бўлади. Чунки барча ирмоқлар охироси қатта денгиз ва океанларга қуйилишини билади. Ўз имкони доирасида қўлидан келганини қилгач ўзини ҳаёт оқимига таслим этишдир бу.

Сув тиниқ ва шаффоф бўлиб, ҳамма нарсани озиклантиради. Инсонни, ҳайвонларни ва табиатни тўйдиради, яъни ҳаётбахшдир. Қаерда сув бўлса, ўша ерда ўсимликлар бор, ҳайвонлар бор, одамлар барҳаётдир. Сувнинг

ана шундай тузилиши туфайли сўфийлар бир-бирларига «сувдек азиз бўлинг» дейдилар¹.

Хулоса қилиб айтганда, турли хил мифологик қарашлар ва динларда, хусусан, зардуштийлик ва ислом динининг асосий концепцияларида экологик маданият, жумладан, сувга алоҳида ижобий муносабат шаклланган. Айнан шу қарашлар маҳаллий анъаналар билан уйғунлашган ҳолда такомиллашиб борган. Ислом динида сув заминдаги энг буюк неъматлардан бири сифатида қадрланган ва мусулмонлар ҳаётида беҳад муҳим ўрин тутиб келади. Ислом динида она табиатга меҳр-муҳаббат, атроф-муҳит, сув, ҳаво, тупроқ ва ҳайвоноту набототни асраб-авайлаш, заминдаги барча жонли-жонсиз нарсаларнинг қадрига етиш, уларнинг беسابаб нобуд бўлишига йўл қўймаслик ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган, оқилона ва одилона йўл-йўриқлар кўрсатилган.

Совет ҳукумати томонидан олиб борилган атеистик сиёсат натижасида аҳолининг бу борадаги қарашларида жиддий ўзгаришлар содир бўлган, натижада минтақага хос экологик билимлар билан бирга экологик вазият ҳам инқирозга учраган. Айнан бебаҳо неъмат – сув билан боғлиқ экологик маданият асосида диний қарашлар мужассамлашган, сўнги йилларда миллий ўзликни англашнинг кучайиши ҳамда экологик таназзул туфайли экологик билимлар, хусусан, сув билан боғлиқ диний қарашлар турли оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение, радио ва ижтимоий сайтлар воситасида кенг ва фаол тарғиб қилинмоқда. Бундай тарғибот эса минтақада экологик вазият ва сув билан боғлиқ диний қарашлар яна қайта тикланишига мустаҳкам асос сифатида хизмат қилмоқда.

¹ Pinar Sariyildiz. Sufizm'de Su Felsefesi <https://pinarsariyildiz.wordpress.com/2020/05/18/sufizmde-su-felsefesi/> Матн турк тилидан Нодирхон Ҳасан томонидан таржима қилинди.

II.4. ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА СУВ ТАЛҚИНИ

*Барча этносларнинг сўз санъати
ўша халқларнинг фольклоридан бошланади.*

Максим Горький

Халқ оғзаки ижоди – фольклор ҳар бир миллатнинг қозғалмаган, аммо бир-бировага айтиш, куйлаб бериш орқали аجدоддан авлодларга ўтиб келган аждодлар тарихи ҳисобланади. Миллат хотирасидаги эпик билимларда турли руҳий ҳолат, воқеликлар билан бирга табиатни эъзозлаш билан боғлиқ экологик маданият ўз бадиий ифодасини топган ҳамда инсон ва табиат ўртасида муносабат тасвирланган.

Тарихдан маълумки, оламни мифологик англаш асосида юзага келган дастлабки тасаввурлар кейинчалик халқ оғзаки ижодининг асотир, дoston, эртақ, мақол, топишмоқ, кўшиқ ва бошқа жанрларида ўзига хос тарзда талқин этила бошланган¹. Шак-шубҳасиз, бу борада Марказий Осиё халқлари халқ оғзаки ижоди ҳам ранг-баранглиги ҳамда жанрларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туришини дунёнинг етук фольклоршунослари ҳам яхши биладилар.

Адабиётшунос олим У. Жўрақуловнинг ёзишича, халқ ижодиётида сув билан боғлиқ ўта қизиқ ахборот кодлари яширинган бўлади. Ўзбек халқида «Яхшилик қил, дарёга ташла, билса балиқ билар, балиқ билмаса, Холиқ билар», «Тушингни сувга айт» сингари мақоллар, ўғитлар кўплаб учрайди. Шунингдек, «Алпомиш» дostonининг бир вариантыда эзгу мақсад билан сафарга чиққан Алпомишнинг йўлида дарё кўндаланг бўлиб қолади. Дарёдан ўтишга имкон топа олмаган қаҳрамон ўз орзу-армонлари, эзгу ниятларидан сувга арз қилади. Натижада шу дарё пишқиришдан

¹ Жўраев М., Саттиева Д. Ўзбек фольклорида ҳаёт дараҳти. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 2.



Умай ҳайкалчаси. Қорақалпоғистон
Республикаси. 2017 йил.




Икки бошли илон ҳайкалчаси. Фарғона
вилояти Сўх тумани. 2016 йил.




Ахсиқентдан топилган X–XIII аср бошларига оид ерости сув иншооти.
Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани. 2018 йил
(Ўзбекистон археологияси. 2019 №2).



Фаргона водийсининг сунъий йулдошдан олинган сурати. 2020 йил.
 Манба: <https://www.arcgis.com/home/item.html?id=10df2279f9684e4a9f6a7f08febac2a9>



Фаргона водийсининг суғорилиш харитаси. 1972 йил.



Сирдарёга қурилган Фарход ГЭС. 1948 йил.
Ўзбекистон Республикаси Марказий кинофотофоно архиви. № 0-10395.



Катта Фарғона каналида.
Ўзбекистон Республикаси Марказий кинофотофоно ҳужжатлар архиви. №0-53760



Сирдарё. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани. 2017 йил.



Сирдарёда сайр. Тошкент вилояти Чиноз тумани. 2017 йил.



Сирдарёга кўприк қурилиши жараёни. Фарғона вилояти Данғара тумани. 2016 йил.



Сирдарёга қурилган кўприк. Фарғона вилояти Данғара тумани. 2020 йил.



Сирдарёдаги паром. Наманган вилояти Поп тумани Тўда қишлоғи. 2016 йил.



Сирдарёда балиқ овлаш жараёни. Наманган вилояти Норин тумани. 2016 йил.



Подшоотасой дарёси. Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти
Олабуқа тумани. 2018 йил.




Норин дарёси. Наманган вилояти Норин тумани. 2018 йил.



Косонсой дарёси. Наманган вилояти Косонсой тумани, 2018 йил.



Дам олиш маскани. Наманган вилояти Косонсой шаҳри, 2010 йил.



Марғилонсой. Фарғона вилояти. 2020 йил.




Чимёнсой. Фарғона вилояти. 2020 йил.



Катта Фарғона канали. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани. 2020 йил.



Йулдош Охунбобоев канали. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани. 2018 йил.



Ҳовуз. Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндон қишлоғи. 2014 йил.




Ҳовуз. Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндон қишлоғи. 2020 йил.



Бетон ариқ.



Канал. Наманган вилояти
Турақурғон тумани. 2020 йил.



Артезиан суви ва ариқ. Наманган вилояти
Косонсой тумани. 2020 йил.





Артезиан суви. Фарғона вилояти Фарғона шаҳри. 2020 йил.




Мироблар уйи. Фарғона вилояти Данғара тумани. 2016 йил.



Мироб иш жараёнида. Наманган вилоя-
ти Тўрақўрғон тумани. 2018 йил.



Сувчи иш устида. Наманган вилояти
Косонсой тумани. 2020 йил.



Миробга ўрнатилган ҳайкал. Тўрақўрғон тумани.




Имом ота мақбараси. Наманган вилояти Поп тумани. 2017 йил.



Имом ота зиёратгоҳидаги муқаддас булок.
Наманган вилояти Поп тумани. 2017 йил.



Сутли булоқ зиёратгоҳи. Наманган вилояти Норин тумани. 2018 йил.



Бибиона зиёратгоҳи. Наманган вилояти Чуст тумани. 2020 йил.



Шоли майдонлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани. 2018 йил.



Сирдарё буйидаги экин майдонлари. Наманган вилояти Поп тумани. 2018 йил.



Ўзани суғориш. Наманган вилояти Косонсой тумани. 2020 йил.




Дуққакли ўсимликларни суғориш. Наманган вилояти Косонсой тумани. 2020 йил.



Қамишдан бўйра тўқиш. Фарғона вилояти Данғара тумани. 2018 йил.



Чий тўқиш. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани. 2018 йил.



Гойиби эран зиёратгоҳи. Наманган вилояти Поп тумани. 2018 йил.



Хоб бува зиёратгоҳи. Фарғона вилояти Данғара тумани. 2016 йил.



Орол денгизининг ҳозирги кўриниши. 2018 йил.



Орол денгизи ўрнидаги тузли ер. 2018 йил.



Чақалоқни шўр сувда чўмилтириш. Фарғона вилояти Марғилон шаҳри. 2019 йил.



Кўл ювиш билан боғлиқ одат. Фарғона вилояти Фарғона шаҳри ва Данғара тумани.



Меҳмонга сув қўйиш одати. Андижон вилояти Асака тумани. 2012 йил.



Сўх чашмаси. Фарғона вилояти Сўх тумани.



«Гули армуғон» маросимида сув.
Фарғона вилояти Олтиариқ тумани. 2012 йил.



Суст хотин маросими. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани. 2006 йил.



"Тасаддиқ" маросими. Қозоғистон Республикаси Қазали шаҳри.
2017 йил. Фотосурат муаллифи Айбек Самаков.



Сирдарё балиғидан тайёрлаган таом.
Наманган вилояти Норин тумани. 2018 йил.



Сўзанада балиқ тасвири.



Сўзанада сув рамзи.



Чойхонадаги гурунг ва аския. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри, 2014 йил.



Сирдарё буйида дам олиш. Фарғона вилояти Данғара тумани, 2016 йил.



Машинада сув ташиш. Наманган вилояти Поп тумани. 2018 йил.



Машинада сув ташиш. Наманган вилояти Поп тумани. 2018 йил.



Томчилатиб суғориш усули ва сув тақсимлагич.
Фарғона вилояти Фарғона шаҳри ва Данғара тумани. 2020 йил.



Сув тақсимлагич. Наманган вилояти Чуст тумани. 2020 йил.



Ахборотчилар ва дала-этнографик тадқиқотлари жараёни.
Фарғона водийси. 2016–2020 йиллар.



Volkswagen фонднинг «Дарёнинг ижтимоий ҳаёти: Норин-Сирдарёнинг экологик тарихи, ижтимоий дунёқараш ва низоларни бошқариш» номли халқаро илмий лойиҳаси харитаси.



Лойиҳа иштирокчилари (чапдан ўнга): Адҳамжон Аширов, Моҳира Суярқулова, Жанн Фзо де ла Круа, Гульзат Баялиева ва Айбек Самаков. Бишкек (Қирғизистон). 2016 йил.

тўхтаб, икки томонга чекинади. Қаҳрамон бу «йўл»дан эсон-омон ўтиб олади, мақсадига етади. Ушбу мотивга Қуръони Карим ва бошқа диний китобларда келадиган Мусо алайҳиссалом ҳаёти билан боғлиқ қисса асос бўлгани маълум. Бунга ўхшаш мисолларни ёзиб олинган халқ эпослари матнидан истаганча топиш мумкин¹.

Эртақларда сув мотиви. Туркий халқларнинг мифологияси ва халқ оғзаки ижодида сув мавзуси ўзига хос ўрин тутди. Хусусан, кўплаб халқ кўшиқлари, мақол-маталлари ва эртақларида сув билан боғлиқ сюжет ҳамда воқеликларни кузатиш мумкин. Агарда ўзбек халқи эртақларининг мазмун-моҳиятига назар солинса, айримларида қаҳрамон ташлаган ойнадан дарёлар ҳосил бўлиши сув култи ва парциал (лотин тилидаги «rags», яъни «қисм, бўлак» сўзидан олинган бўлиб, «хусусий, алоҳида» маъносини билдиради) магияга инончнинг бадиий кўриниши бўлган. Чунки анъаналарда ойна сув парчаси ҳисобланган². Шунингдек, ўзбек халқ эртақларида сув у дунё ва бу дунё ўртасидаги чегара вазифасини бажарган ҳамда эртақ қаҳрамонининг ўликлар мулкига рамзий сафари ҳақидаги ҳикоя сифатида қайд қилинган. Қолаверса, уларнинг айримларида ярамас кишилар, золимлар малика ёки қаҳрамонни сандиққа солиб, дарёга ташлаб юбордилар ва нариги оламга йўллайдилар. Фольклоршунос олимларнинг қайд қилишича, Европа халқлари эртақларида ниҳоят даражада кам учрайдиган ушбу мотив кўпроқ туркий (ўзбек ва озарбайжон) эртақларига хос алоҳида хусусият ҳисобланади.

Халқ эртақларидаги сув мотивини ўрганган Ф. Гўзаловнинг ёзишига кўра, эртақларда тасвирланган қандайдир дарвеш ёки шоҳнинг истаги билан қаҳрамонни сандиққа солиб, дарё ёки денгизга ташлаб юборилиш сув чегара магик тасавури нуқтаи назаридан маълум даражада ту-

¹ Жўрақулов У. Сув Аллоҳ зикрини «эшитганда» // Оила даврасида. 2020 йил 13 март.

² Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Б. 196.

шунарли, лекин ушбу қараш бўйича қаҳрамоннинг сувда лопиллаб оқиб келаётган сандиқни кўриб қолиб, сувдан олиб чиқиши ва унинг ичидаги қизни қутқариши эса изоҳсиз. Ҳар иккала ҳолатда ҳам одамнинг дарёда оқизиб юборилиши (сандиқда), уни ўлимга маҳкум этиш ёки ўликларнинг дунёсига жўнатиб юборишдир.

Этнографик адабиётларда ёзилишича, қадимги одамлар ўлган худолар тасвирланган қўғирчоқларни сувга ташлаб, марҳумлар мулкига юборганлар ва уларнинг тирилиб қайтиб келишини кутганлар¹. Демак, сувни икки олам ўртасидаги чегара, ўзига хос бир сарҳад сифатида тушуниш ниҳоятда кенг тарқалган энг қадимий мифологик эътиқодлардан бири ҳисобланади.

Халқ эртақларидаги илонлар осмон, олов, сув ва то-тем билан боғлиқ бўлган². Шунингдек, илон сув ва ёмғирнинг мифологик тимсоли сифатида талқин қилинади. Жумладан, ўзбек халқи эртақларида илон образи булок, қудуқ, дарё, ҳовуз обиҳаёт суви билан боғлиқ ҳолда ифодаланади³.

«Сув бола» номли ўзбек халқ эртагининг қаҳрамони булокдаги балиқ билан гаплашиб турган чоғида кутилмаганда «еру кўкни қоронғу босибди. Бирдан шамол тўс-тўполон кўтариб, челақлаб ёмғир ёға бошлабди. Бола бу ўзи нима экан деб ҳайрон бўлиб турган экан, осмону фалақдан бир аждаҳо қуюлиб келиб, булок бошига қўнибди»⁴.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам сув ва кўзгу ўзаро ўхшаш бўлганлиги боис доим бирга тавсиф қилинган. Кўпгина халқларнинг эртақларида ҳам кўзгу ўз аксини топган бўлиб, уларда бош қаҳрамон ўзининг йўқотиб қўйган севгилисини ёки у дунёдаги ота-онасини кўзгу орқали кўради.

¹ Гўзалов Ф. Сувнинг ҳаётбахш сەҳри. – Б. 75.

² Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Б. 66.

³ Файзиева Д. Ўзбек фольклорига илон образи. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 15.

⁴ «Оймомода аждаҳо». Ўзбек халқ фантастикаси. 1-китоб. – Тошкент, 1983. – Б. 133.

Косадаги сув ҳам ана шу вазифани бажарган, сувга боқиб фол кўриш одати ўшандан қолган. Шунингдек, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ўлмас асарларида ҳам сув Аллоҳнинг, яъни куёшнинг кўзгуси сифатида талқин қилинган¹.

Хуллас, сув ўз табиий хусусиятидан келиб чиқиб кўзгуйнага ҳам тенглаштирилган. Шунингдек, косадаги сувдан кўзгу сифатида ҳам фойдаланилган. Машҳур инглиз антрополог олими Ж. Фрээр ҳам жон соя, сув ва кўзгудаги акс тасвирда ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида тасавурлар бўлганлиги хусусида ёзган². Катта сувларга ёлғиз бориш, кечаси ойнага қараш, соч тараш мумкин эмаслиги ҳақидаги қарашлар жаҳон халқлари, жумладан, ўзбек халқида ҳам мавжуддир.

Халқ орасида кенг тарқалган илон ва аждарлар ҳақидаги тасавурлар кўп жиҳатдан сув ва ҳосилдорлик культурлари билан бевосита боғлиқ бўлган. Фольклоршунос олим М. Жўраевнинг ёзишича, ўзбек мифологиясида аждар қуйи олам, ҳаёт дарахтининг туби, сув, аниқроғи, обиҳаёт булоғи билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. «Сув бола» эртагида аждарнинг ёмғир ва жала билан бирга келиши тасвири ҳам худди ана шу қадимий эътиқодий қарашларнинг инъикосидир³. Шу тарзда аста-секин судралиб юрувчи жонзот – илоннинг сув билан бевосита боғлиқлиги ҳақидаги мифологик эътиқодлар келиб чиққан⁴.

Қисқаси, ўзбеклар тасавурида илон сувга тегмайди. Бунга сабаб, биринчидан, унинг безарар бўлганлиги, икинчидан, айнан сув билан боғлиқ эканлигидир. Шу боис халқ орасида «Сув ичганга илон ҳам тегмас» деган мақол кенг тарқалганлиги бежиз эмас⁵.

¹ Ҳаққул И. Тасавуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 105.

² Фрээр Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. 2-е изд-е. – Москва: ИПЛ, 1986. – С. 186.

³ Жўраев М. Ўзбек халқи мавсумий маросимлари фольклори. – Б. 235.

⁴ Файзиёва Д. Ўзбек фольклорига илон образи... – Б. 15.

⁵ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси... – Б. 71.

Сувга оид халқ мақоллари. Халқ мақоллари халқ оғзаки ижоди (фольклор)нинг ихчам шаклдаги, аммо ўта теран мазмунга эга жанри бўлиб, у тил, фалсафа ва бадий ижоднинг ўзига хос ифодаси сифатида юзага келган.

Мақоллар халқнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибаси ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир тиниқ ойнасидир. Ушбу бадий ойнада унинг ҳаёт, табиат, инсон, оила ҳамда жамиятга бўлган муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик, фалсафий-диний, тарбиявий қараши, қисқаси, ўзи ҳамда ўзлиги тўла намоён бўлган¹. Одамлар ғоятда мураккаб ҳаётда кўрган-кечирганлари ва олган ибратли сабоқлари, кузатишлари ҳақида бир-бирларига майда-чуйдаларига қадар сўзлаб берганлар. Кейинчалик ўша ҳикоянинг сабоқ ва хулоса қисми халқ мақолига айланиб кетган.

Фарғона водийсида истиқомат қилувчи ўзбек, тожик ва қирғиз халқларида сувнинг хусусияти, унинг вазифалари ва халқ турмуш тарзи, хўжалик машғулотида тутган ўрни ҳамда бу борада инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг аҳамиятига бағишланган қатор мақоллар бор. Бу ўринда сув ва уни булғатмаслик ҳақидаги ўзбек халқ мақоллари 400 дан зиёдлиги ҳам халқимиз азал-азалдан ушбу масалага ғоятда эътиборли бўлганлигини тасдиқлайди².

Жумладан, ўзбекларда «Чилла – ҳар дами тилла», «Чилла суви – тилла суви» сингари мақоллар кенг тарқалган. Ушбу мақоллар деҳқончилик билан боғлиқ бўлиб, уларда, айниқса, мазкур касб-ҳунар эгалари учун саратондаги «ёз чилласи» энг масъулиятли палла эканлиги таъкидланади. Айниқса, сув камчил бўлган йиллари ишнинг ўзидан кўра кўзини яхши биладиган тажрибали мироблар обиҳаётнинг ҳар томчисидан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Қадимда сув танқислигидан ёки саратоннинг жазирама иссиқ ва гармселидан юрагини олдириб

¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси... – Б. 275.

² Усмонов Э. Кўлөзма манбалар ва экологик тарбия // Тафаккур. – 2010. – №3. – Б. 69.

қўйган заҳматкаш деҳқонлар табиатнинг ҳарна «инсоф қилиши»га умид боғлаб, «Чилладан қолгани бизники» деб ният қилиб¹, умидвор бўлишган. «Сумбулада сув совийди» дейдилар. Сумбула (ёки: сунбула) ўзбекларда бир ойнинг анъанавий, соф туркийча номи бўлиб, тахминан 24 августдан 23 сентябргача бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу айтиш пишиқчилик даври, сув анча тиниган, яна бир мақолда айтилганидек, «Сумбуланинг суви – шароб» пайти бўлади. Шунингдек, сунбула билан боғлиқ «сумбулада сув тинар», «сунбуланинг суви совур», «яхши келса ҳут, ёмон келса жут» каби халқ нақллари ҳам бўлган. Айрим жойларда «Сумбула тушганини сув билар» дейдилар. Бунинг боиси шуки, ёз тўқсони охирида, чилла тугаши билан ўлкамизда фасллар алмашади, ариқ ва дарёлардаги сувнинг ҳарорати бироз пасаяди. Ёз кечаси аста-секин узаяди, тунлари эса салқин тушади.

Ўзбек халқида элга сув олиб келиш ёки бировга сув бериш энг савобли амаллардан бири, албатта. Шу боис «сув келтирган элда азиз» деб нақл қиладилар.

Бевосита сув билан боғлиқ айрим мақоллар дастлаб ўз маъносида қўлланган бўлса, кейинчалик кўчма маънода ҳам ишлатилган. Масалан, ўзбек халқининг «Кориз суви – жон суви» мақоли мавжуд. Тарихдан маълумки, деҳқончилик қилиш учун ер илмини билиш ва суғориш тизимларини яратиш зарур бўлган. Шу боис мақолларда ҳам сув ва суғориш ишлари билан боғлиқ масалалар кенг қўламда ифода этилган. Ирригация соҳасида Ўзбекистонда қадимдан катта меҳнат ва ер шароитини чуқур билишни талаб қиладиган кориз зироатчилиги сақланиб келган.

Сув деҳқончилик учун асосий зарурий эҳтиёж бўлганлиги туфайли халқимиз кориз хусусида ўзига хос ташбеҳ билан «Кориз суви – жон суви» мақолини яратган. Мазкур мақолнинг яратилишида географик шароит муҳим ўрин эгаллаган. Маълумки, Марказий Осиё ҳудудларида те-

¹ Жўраев М. Ўзбек мавсумий фольклори. – Тошкент, 2008. – Б. 26.

кислик, пасттекислик, ер сатҳларидан ташқари тепалик ва адирлар сингари рельефи унчалик баланд бўлмаган жойларга ҳам экин экиб келинган. Бундай ерларга юқори сатҳдан сув келтириш ёхуд ёғингарчилик асосида суғориш ишлари аввалдан пухта режалаштириб олинган. Бошқа вақтларда эса юқорига пастдан сув чиқариш ҳам керак бўлган. Кориз сувни юқорига чиқариш усули бўлиб, халқимиз уни хасталикка йўлиққан танага ҳаёт бағишловчи жонга қиёслаган.

Сув ҳақидаги мақоллар¹

Аввал келган ҳўкиз сувнинг тозасини ичади.

Аввалги бахтим – гул бахтим, кейинги бахтим – сувга оқдим.

Ақлли ўйлангунча тентак сувдан ўтар.

Ариқ қазимасанг, отизга сув чиқмас.

Ариқни кимлар қазир, сувини кимлар ичар.

Ариқни сув безар, одамни – сўз.

Асад кирса, сув оқарар.

Асад суви – асал суви.

Бахилнинг кўзасидаги сувдан на фойда?

Балиқ сув билан тирик, одам – эл билан.

Мард ишнинг қийинини излар, балиқ сувнинг – чуқурини.

Инсон дўстсиз, балиқ сувсиз яшамас.

Одамнинг тириклиги одам билан, балиқнинг тириклиги сув билан.

Бекнинг косасидан сув ичма.

Бермас келин келига сув қуяр.

Бир киши ариқ қазир, минг киши ундан сув ичар.

Бир товўққа ҳам дон керак, ҳам сув.

Бир томчи сув чумолига дарё кўринар.

Биров сув тополмайди ичгани, биров жой тополмайди кечгани.

Бой бойга боқар, сув сойга оқар.

Булоқнинг суви тиниқ, дононинг – суҳбати.

¹ Мазкур мақоллар «O'zbek xalq maqollari» (Toshkent: Sharq, 2005) китобидан олинди.

Бўридан қўрққан овга чиқмас, илондан қўрққан сувга тушмас.

Вақт тоғни емирар, сув тошни кемирар.

Водий суви кечиксиз бўлмас.

Сувда оққан хасга ёпишар.

Гапнинг онаси – қулоқ, сувнинг онаси – булоқ.

Гул туфайли тикан сув ичар.

Гўрингдан сув чиқмасин, уйингдан – қув.

Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан.

Дарахт томиридан сув ичар.

Сув йўғида таяммум.

Сув тиласанг Сулаймондан тила.

Дарё суви оқа-оқа тозарар.

Дарё сувини баҳор тоширар, одам кадрили меҳнат оши-
рар.

Дарё тўла сув бўлса ҳам, ит туни билан сув ичар.

Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам?

Дўст дўстга боқар, сув сойга оқар.

Ёғоч сувдан тўймас.

Кир ювгичга – сув қуйгич.

Емас ерга ўт битар, ичмас ерга сув битар.

Ёмон балиқ сув лойқалар.

Ёмон от сувлиқ тишлар.

Ёмон сойга сув тушса, кечув бермас кечарга.

Ер – бойники, сув – сойники.

Ер – она, сув – ота.

Ер – хазина, сув – гавҳар.

Ер оғаси – худо, сув оғаси – султон.

Ер тузи элдан, сув хатари йилдан.

Ер-сув – битмас кон.

Ерни сув бузар, одамни – пул.

Ечинган сувдан қайтмас, кезанган ёвдан қайтмас.

Ёриқ кўза билан сувга борма.

Зарб билан сув бўлинмас, ўт билан сув келишмас.

Зардоли е-да, сув ич, зирилламасанг, менга кел.

Илму ҳикмат сувни ёндирар.

Илонга сув берсанг ҳам, заҳар томар.
Инсон умри – дарё суви.
Ит тумшуғини тикқан ерга сув ичгали шер келмас.
Ишқ – муқаддас ўт, ҳавас – лойқа сув.
Кўнгил гулини севги суви суғорар.
Йигит иши бичувда билинар, туя – сув кечувда.
Йироқдаги сув билан сувсоқлик қонмас.
Кориз суви – жон суви.
Катта сув кўприксиз бўлмас.
Келин билан қайнона – ўт билан сув.
Кўлмак сувга – сассиқ алаф.
Кўлмак сувнинг қадри йўқ.
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.
Кўр кўрни топар, сув – чуқурни.
Лойсиз сув, қурбақасиз кўл бўлмас.
Менинг нафсим балодур, ўтдан сувга соладур.
Мол эгасининг кўзидан сув ичар.
Муздан сув томар, сўзамолдан – бол.
Овчининг ўлими – овда, сувчининг ўлими – сувда.
Оғасиз эл бўлмас, соғасиз – сув.
Оғир тошни сув элтмас.
Сув кўрмай этик ечма.
Одам одам билан, ер сув билан.
Ой сулуви – нур, сой сулуви – сув.
Оқар сувнинг ҳароми йўқ.
Оққан ариқдан сув оқар.
Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ.
От айланиб қозигини топар, сув айланиб – ёригини.
От бошига иш тушса, сувлиқ билан сув ичар,
Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар.
Ота-она дуоси ўтга, сувга ботирмас.
Отанг мироб бўлса ҳам, ариқни тозалаб, сув ич.
Ош каттадан, сув кичикдан.
Ошнинг таъми туз билан, сувнинг таъми муз билан.
Ошхонанг кенг – гўрхонанг кенг.
Пес песни топар, сув – пасти.

Писмиқ, телба фарқ қилар, тинч оққан сув фарқ қилар.

Саратонда сув қўй, асадда тек қўй.

Сахий билан бахил бир булоқдан сув ичмас.

Сигир сув ичганда бузоқ муз ялар.

Сой қаёққа оқса, тош ҳам шу ёққа думалар.

Сув бурнингдан ошса, хоҳ бир қарич бўлсин, хоҳ бир қу-
лоч.

Сув – тилсиз ёв.

Сув – ғўзанинг жони, ўғит – унинг дармони.

Сув – зар, сувчи – заргар.

Сув билан экин ўсар, тарбия билан – одам.

Сув бир жойда тураверса сасир.

Сув бир лойқамай тинимас.

Сув бирлашса, дарё бўлар, эл бирлашса – оломон.

Сув бошидан лойқа.

Сув бошидан яхши, ҳосил – тагидан.

Сув етти думаласа ҳалол бўлади.

Сув ичадиган қудуғинга тупурма.

Сув ичаётганга илон ҳам тегмайди.

Сув ичганда ариқ қазиганни унутма.

Сув ичирмасга сут ичир.

Сувни ич, чашмани булғама.

Сув келди – нур келди.

Сув келмай банд ташла.

Сув келтирар мард киши, сув йўғида таяммум.

Сув келтирган – хору зор, кўза синдирган – азиз.

Сув келтирган мард, сув бермаган номард.

Сув келтирмоқ қийин.

Сув кўзаси сувда синар.

Сув – ҳаёт манбаи.

Сувни боғлагунча ариқ оч.

Сув қатраси – дур қатраси.

Сув қаттиқ ерда тўхтар.

Сув оққан сойга яна сув оқар.

Сувга яқин – ризққа яқин.

Сув тоғни кемиради, тухмат – одамни.

- Сув тўхтар, душман тўхтамас.
 Сув ўжар, инсон ундан ҳам ўжар.
 Сув ўз йўлини топар, сўз – ўз эгасини.
 Сув ўпириб кетган тўғонни дўппи билан беркитиб бўлмас.
 Сувга солсанг, сув кўтармас мисқол темирни,
 Олтин билан олиб бўлмас қолган кўнгилни.
 Сувга суянма, ёвга сиғинма.
 Сувга томган ёғ ботмас.
 Сувга тупурган – коски, қудуққа тупурган – кофир.
 Сувга тушган қуруқ чиқмас, мазорга тушган тирик чиқмас.
 Сувдаги кеманинг изи билинмас.
 Сувдан – қатра, офтобдан – зарра.
 Сувдан бурун бўғот сол, сувдан илгари – тўғон.
 Сувсаган ўлмас, ҳовлиққан ўлар.
 Сувдан кечган ҳўл бўлар, меҳнат чеккан зўр бўлар.
 Сувига қараб – илони.
 Сувни берсанг элга, яшарсан минг йилга.
 Сувни ич, чашмани булғама.
 Сувни минг қайнатса ҳам, қуюлмас.
 Сувни севган сув келтирар, сўзни севган сўз келтирар.
 Сувни сеп сингар ерга, сўзники сиғар ерга.
 Сувни чим тўхтатар, ёлғонни – чин.
 Сувнинг иши – ўпирмоқ, ўтнинг иши – куйдирмоқ.
 Сувнинг кўриниши мулойим, бағри эса тош.
 Сувнинг ози ҳам бир бало, кўпи ҳам бир бало.
 Сувнинг оқишига қара, халқнинг хоҳишига қара.
 Сувнинг секин оққанидан кўрқ, сувнинг тиниқ оққанидан
 кўрқ, одамнинг ерга боққанидан кўрқ.
 Сувсаганга сароб сув бўлиб кўринар.
 Сувсиз ер – етим, молсиз эр – етим.
 Сувсиз ер – жонсиз жасад.
 Сувсиз ер – мазор, сувли ер – гулзор.
 Сувсиз ерда тол бўлмас, қаримаган чол бўлмас.
 Сувсиз ерда тол бўлмас, қовоғарида бол бўлмас.
 Сувсиз ҳаёт бўлмас, вафосиз – оила.
 Сувсизликдан балиқ ўлса, дарёга нима ғам?

- Сувсоқнинг ўйи – сувда.
Сузишни билмасанг, сувга тушма.
Сумбула туғса, сув совир, тарози туғса, тонг совир.
Сумбулада сув совийди, мезонда – кун.
Сумбуланинг суви – шароб.
Сумбуланинг суви тиниқ, ўзи совуқ.
Сумбуланинг туққанини сув билар.
Ташнанинг тушига сув кирар.
Тегирмонни сув бузар, одамни одам бузар.
Текинхўр – сувсиз ариқ.
Тешик идиш сувда билинар, билими оз киши – синовда.
Тоза кўзанинг суви тоза.
Тоза сувни ер олар, яхши сўзни эл олар.
Тоққа қалин қор тушгани – ернинг қониб сув ичгани.
Томчи сувда тол кўкарар.
Тошни сиққан билан, сув чиқмас.
Тотли сув тошдан чиқар, яхши ақл – бошдан.
Тош келса, кемир, сув келса, симир.
Тошқин сувнинг кечиги ҳам бўлар.
Туз асрама, сув бўлар, қиз асрама, қув бўлар.
Тушингни сувга айт.
Ўзинг сув ичадиган қудуққа тупурма.
Ўлар тўнғиз қайноқ сувдан тап тортмас.
Ўлмаган қўй олтин косада сув ичар.
Ўрдак билан топишган хўрознинг катагини сув босар.
Ўт берган ўтини олар, сув берган – сувини.
Ўтники – ўтга, сувники – сувга, қолди қатиқнинг пули.
Фолга инонма, сувга суянма.
Халқ – тош, амалдор – сув.
Хос хосни топар, сув пастни топар.
Ҳайдан келган хувга кетар, ёмғирдан келган сувга кетар.
Ҳақиқат ўтда ҳам куймас, сувда ҳам чўкмас.
Ҳар тойча ўзи сув ичган булоғини мақтар.
Челак тешик бўлса ҳам, сув сепишга ярар.
Чилла кирса – чил оёғи.
Чилла суви – тилла суви.

Ширин сўз шоҳ косасида сув ичар.
 Шолининг баҳонасида курмак сув ичар.
 Шўр сувда совун кўпирмас.
 Шухратпараст эл бўлмас, кўлмак сувдан кон бўлмас.
 Эгачили қизга тўй қайда, эчкили қўйга сув қайда?
 Эл қадрини эл билар, сув қадрини – ер.
 Эл ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан.
 Элга киргил элингча, сувга киргил белингча.
 Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар.
 Эр кўп бўлса, ўтин йўқ, хотин кўп бўлса – сув.
 Эшак булоқни булғаб сув ичар.
 Эшакнинг кўрқоғи сувдан ўтмас.
 Яланғоч сувдан тоймас.
 Янги кўзанинг суви совуқ, эски кўзанинг бўйни синиқ.
 Яхшилик қилу сувга оқиз, ё балиқ билади, ё Холиқ.
 Қавс суви – жон суви.
 Қайғусиз қора сувга семирар.
 Қамиш сувга тўймас, хасис – пулга.
 Қамиш сувдан тўймас, ёмон хотин – тўйдан.
 Қизнинг пули – қорнинг суви.
 Қозон қайда, сув шунда.
 Қонни қон билан эмас, сув билан ювадилар.
 Қора булутдан тиниқ сув томар.
 Қора сув чанқоқ қондирмас, бахил киши кўноқ кўндирмас.
 Қудуқни ким қазир, сувини кимлар ичар.
 Қулунли биядан қудуқ суви ортмас.
 Қурутнинг давоси – қайноқ сув.
 Қўш ҳайдаган «чув-чув» дер, балиқ еган «сув-сув» дер.
 Ғалвирни сувдан кўтарганда кўр.

Халқ қўшиқларида сув талқини. Ўзбек халқ қўшиқларида сув мавзуси алоҳида ўрин тутган ва магик-ритуал аҳамият касб этган.

Сувнинг поэтик образи халқона қўшиқлардаги энг фаол табиат ҳодисаси ҳисобланади. Ушбу бебаҳо унсур – сувнинг табиатда айланиб юриши архаик дунёқарашдаги жон-

нинг кўчиб юриши ғоясига ҳам ниҳоятда мос келади. Жаҳондаги турли дин, культ, маросим ва мифларда сувнинг аҳамияти шу даражада улкан ҳам бениҳояки, уларнинг барчасини бир жойга тўплашга уриниш аввалдан муваффақиятсизликка маҳкумдир¹.

Халқ қўшиқларида сув кўп бора қайд қилинган бўлиб, у турли кўринишларда талқин қилинган. Хусусан, қўшиқлардан бирида:

*Сувни сулув кўрсатган,
Тоши бўлар, ёр-ёр.
Қизни сулув кўрсатган,
Қоши бўлар, ёр-ёр², –*

дейилади.

Қўшиқда бутун ҳаётнинг асоси бўлган сув туфайли тош, тош сабабли сув сулув кўрингани сингари, қиз бола ҳам айнан қоши туфайли чиройли деб талқин қилинган. Ўз ўрнида шуни таъкидлаш муҳимки, «қиз» сўзи қадимда ҳозиргидек жинсни эмас, балки муқаддаслик ва бебаҳоликни англатган.

Халқ қўшиқларида илон образи ҳам кўп тилга олинади ва бу поэтик образнинг сув, боғ, мевали дарахтлар билан бирга талқин қилиниши уни севги, оила, фарзанд ва тўкин турмуш ғоялари билан боғлаб туради³.

*Сени унда, мени бунда яратди,
Ўртамизда оқар дарё яратди.
Оқар дарё экан, оқдида-да, кетди,
Бевафо ёр экан, ташлади-кетди⁴.*

¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Б. 34.

² Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 291.

³ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Б. 74.

⁴ Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари / Тўпловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Адабиёт ва саънат, 1967. – Б. 291.

Архаик тасаввурларга биноан, сув доимо дунёлар ўртасида ўзига хос бир сарҳад, чегара бўлиб келган. Хусусан, юқоридаги қўшиқда ҳам оқар дарё ўтган умрни, лирик персонажларнинг дарёнинг икки томонида яратилиши ва айрилиқ пешонага битилган тақдирдан экан деган маъноларни англашилади.

Наманган вилояти Косонсой туманида болаларнинг ҳам ўзига хос қўшиқлари бўлиб, улар табиат ва сув билан боғлиқ ҳолда ўзбек ва тожик тилларида куйланган. Масалан, баҳор фаслида дарё ва ариқларга тоғлардаги қорлар эриб, сувга тўлиб-тошиб, айқириб оққан пайтларда:

*Сув келди-ю, сув келди,
Сув устида гул келди,
Гулни тутиб ҳидласам,
Онажонимнинг ҳиди келди¹, –*

деб қўшиқлар куйланган.

Сув билан боғлиқ топишмоқлар. Кўп асрлик халқ донишмандлиги дурдоналари – топишмоқлар одамнинг идроки, кузатувчанлиги, синчковлиги ва поэтик тасаввур қобилиятини ўстирувчи, қувноқ ақлий ўйин, маънавий дам олиш воситасигина бўлиб қолмасдан, аждодларимизнинг руҳий олами, тарихий ўтмишини билишда ўзига хос бир калит вазифасини ҳам ўтайди.

Топишмоқлар халқ маданияти ва турмуш тарзи ҳамда одамларнинг бўш вақтни ўтказиш ва, айниқса, бола тарбияси, унинг зеҳнини чархлашда ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Қадимдан кўплаб оилаларда катта ёшдагилар болаларнинг топишмоқ ўйнаб, уларнинг зеҳни ва ақл-идрокини кучайтиришга жиддий эътибор бериши одатга айланган. Болалик чоғларимизда оқшомлари ака-укалар бир-биримизга топишмоқ айтиб, беллашар эдик. Топишмоқлар орқа-

¹ Ушбу қўшиқ ҳақидаги маълумот адабиётшунос олим Ҳомиджон Ҳомидовдан ёзиб олинган.

ли барча болалар каби бизнинг ҳам зеҳнимиз, синчковлик ва топқирлик лаёқатимиз аста-секин чархланиб борган.

Ўзбек халқи томонидан яратилган топишмоқлар мазмун-моҳиятида унинг ижтимоий ҳаёти ва турмушининг барча қирраларини қамраб олади дейиш мумкин. Уларнинг катта қисмида табиат ва инсон муносабатлари, табиатнинг ер, сув каби жуда муҳим унсурлари билан бирга миришкор деҳқон меҳнати, деҳқончилик, полизчилик, уй юмушлари билан боғлиқ турли-туман ҳолатлар акс этган. Айниқса, топишмоқлар маъно-мазмунда турли дарё ва бошқа сув ҳавзалари, уй хўжалигига доир кўплаб маълумотлар, халқ урф-одатлари ва хислатлари ўз аксини топган. Хусусан, кўзгу ҳақидаги топишмоқда у сув сифатида тавсифланган. Мазкур топишмоқда кўзгу «Толнинг тагида тиниқ сув» деб таърифланади.

Қуйида сув билан боғлиқ ўзбек халқ топишмоқларидан айримларини китобхонлар эътиборига ҳам ҳавола этамиз:

Кетаверади, кетаверади, орқасига қарамайди (Сув, ариқ).

Ўйиб олдим, изи йўқ, қилич урдим, ўрни йўқ (Сув).

Узун терак, сояси йўқ (Сув).

Узун-узун из келар, узун бўйли қиз келар, қошгинаси қалтираб, кўзгинаси ялтираб (Сув, ариқ).

Узун-узун из кетди, узун бўйли қиз кетди (Сув).

Тошга тегди тарк этди, сирғалари ярқ этди (Сув).

Отаси эгри-бугри, онаси силлиқ жувон, ўғли қўшиқчи, қизи ўйинчи

(Ариқ, сув, бақа, балиқ).

Тоғдан келар тошдай, ариллаган отдай (Сув).

Тоғдан келар тошлар каби, эгарланган отлар каби (Сув).

Кетар, кетар изи йўқ, таянмоққа тизи йўқ (Сув).

Отаси эгри, боласи чопқир йўрға (Дарё, ариқ).

Бор-бор отим, бор отим, борганинчча бор отим.

Ажриқ кўрсанг тишлама, айғир кўрсанг кишнама (Сув, ариқ).

Оппоқ қушим қақиллар, қанотлари шақиллар (Шаршара).

Кўпирим динг-динг этади, остидан беклар ўтади (Сув, оқим).

Қамиш боши қалтироқ, жилға туби жалтироқ (Шамол, сув).
Толнинг тагида тиниқ сув (Ойна).

Отаси кўтарам, онаси йўрға, ўғли қўшиқчи, қизи ўйинчи
(Кўприк, сув, бақа, балиқ).

Чирмандаси осмонда, рақси ерда, ҳар ёнда (Момақал-
дироқ, ёмғир).

Пақирини йўқ, сув сепар, тут қоққандай дув сепар (Булут,
ёмғир).

Ерга тушса лой қилар, деҳқонларни бой қилар (Ёмғир).

Катта челак тешилди, ундан кўп сув тўкилди (Ёмғир).

Михланган қулоғидан, сув қуяр оёғидан (Умивальник,
бет-қўл ювгич).

Қайси жойда осмон пастда бўлади? (Сувда).

Сув қаерда устундек туради? (Қудукда).

Хуллас, Фарғона водийси аҳолисига хос бўлган халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳосилдорлик культининг теран идрок этилишида сув тавсифи асосий ўринда турган. Қолаверса, тақвимий ва оилавий маросимлар ҳамда урф-одатларда сув ҳозиргача фаол қўлланилади. Халқ қўшиқлари ва мақолларида сув ҳамда унинг муқобиллари поэтик образлари генетик жиҳатдан сув култи билан чинакамига боғлиқ бўлганлиги учун ушбу образ воситасида севги-муҳаббат, ишқ, интим майллар, оила ва фарзанд ғоялари билан бирга шахсларга хос руҳий кечинмалар, баъзан қувноқ, айрим ҳолларда эса маҳзун ҳис-туйғулар тараннум қилинган, барчага тушунарли тарзда тасвирланган.

Сувсиз ҳаёт бўлмас, вафосиз – оила.

Ўзбек халқ мақоли.

III БОБ

ОИЛА ВА КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИДА СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАЛАР

III.1. ОИЛАДА СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ МАДАНИЯТ ВА ТАРБИЯ

Сув Марказий Осиё халқлари учун «буюк тарбиячи» ҳисобланади¹. Минтақа аҳолиси сувни «ҳаётий муҳим модда ё «ресурс» деб эмас, энг муҳим қадриятлардан бири ҳисоблаб, «бошидан сув ўгириб ичади» деган иборада ифодаланганидек, чуқур эъзозлайди.

Минтақада ҳам сув нафақат башарият, флора ва фаунанинг чанқоғи, ташналигини қондириш воситаси, балки тириклик, ҳаёт давомийлиги, покланиш ва билиб-билинмай қилинган гуноҳларни ювиш воситаси сифатида ҳам эъзозланади. Сувга бағишланган бир қатор тарихий, бадий асарлар ҳам яратилган.

Шу боис сув мавжуд қонунлар ва жамоатчилик муносабатларида индивидуаллик ва шахсий худбинликдан кўра юқорироқ мавқега эга бўлган. Айнан сув орқали «инсон – ер – сув» шаклидаги учликдаги ахлоқий меъёрлар ва одатларга амал қилинади². Мазкур тартиблар кўп ҳолларда ёзилмаган қоидалар («одат ҳуқуқи»), табу ва айрим маросимий чекловлар кўринишида бўлади. Буларнинг бари, асосан, оила даврасида катта ёшдаги кишилар томонидан болаларга кичик ёшдан бошлаб ўргатилади, уқтирилади, агарда ёшлар, болалар хато қилиб қўйишса, уларга тушунтирилади, зарур бўлса, танбеҳ-дакки ҳам берилади.

Қатор этнографик адабиётларда қайд қилинганидек, Шарқ халқлари, хусусан, Фарғона водийсида ҳам жамоага, айниқса, ёши улуғ инсонларга алоҳида иззат-ҳурмат, меҳр-мурувват, хайр-саховат кўрсатилиб, улар доимо қадрланиб келади. Хусусан, оилада бир ишни бошлашдан олдин хонадон эгаси маҳалла оқсоқоли ҳамда қариндошлардан «Кенгашли тўй тарқамас» тамойилига амал қилиб албатта маслаҳат олади, машварат қилади. Миллий таом истеъмол

¹ Духовный В. А., Юп. Л. Г. де Шуттер. Вода в Центральной Азии... – С. 21.

² Ўша жойда.

қилиш этикетига кўра, овқатланиш олдидан ва таом еб бўлингач, фотиҳа ўқилганидан сўнг қўллар сув билан ювилади. Овқат тановул қилишни дастурхон атрофида ўтирганларининг энг каттаси бошлаб беради, ундан кейингина ёшига қараб бошқалар таомга қўл узатади. Лекин биргина ҳолатда, яъни фақат сув ичишни ёши улуғроқ кишилар эмас, айнан ёшлар бошлаб берадилар. Бу одат хусусида халқ мақоли ҳам бўлиб, «Ош каттадан, сув кичикдан»¹ дейдилар.

Бу ўринда бир савол туғилади, яъни нима учун сув ичиш айнан катталардан эмас, балки кичиклардан бошланади? Чунки ташналик инсон учун мушкул синовдир. Одам таом емасдан маълум муддат чидаши мумкин, лекин танасининг асосий қисмини сув ташкил этганлиги сабабли ташналикка узоқ вақт чидай олмайди. Айниқса, ёш бола чанқаса, жуда қийналади ва ташналик қанча давом этса, унинг мурғак вужудига шунча зиён бўлиши мумкин. Шу сабаб ҳам бу нақлга риоя этилишида ёшларга бўлган меҳрибонлик ва насл давомийлигига бўлган алоҳида диққат-эътибор ва меҳр-муҳаббатни кўришимиз мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, водийликлар ҳам бошқа марказий осиеликлар сингари доимо оилада ёхуд маълум бир даврада, дастурхон атрофида ўтиришганда, таомдан аввал ва кейин барча ўзбеклар сингари дуойи фотиҳа қиладилар. Одатда, кишилар дастурхон атрофида тўпланар экан, дастлаб Аллоҳга шукроналар айтадилар. Шунингдек, таомдан сўнг дастурхон бошида ўтирганларга нисбатан ёши энг катта кишилардан бири дуо қилади. Эътиборли жиҳати ҳам шундаки, дуолар хилма-хил бўлади. Масалан, шулардан бирини келтириб ўтсак: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ширин новвот, манзил обод, пайғамбар, худога саловат. Хўп берсин, кўл берсин. Кенг феъл, кетмас давлат бергин. Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож қилмагин. Ўт балоси, сув балоси, ноҳақ тухматдан ўзинг асрагин. Омин, Аллоҳу Акбар!» Демак, шу биргина дуодан

¹ O'zbek xalq maqollari... – B. 81.

ҳам кўриш мумкинки, одамлар сувни нафақат ижобий деб билганлар, балки у келтирадиган фалокатларни ҳам энг ёмон воқелик, фалокатлардан бири сифатида Аллоҳдан шу балодан сақлашни илтижо қилиб сўраганлар. Хуллас, сув маҳаллий аҳоли тафаккурида дуал вазифани бажарган бўлиб, сувдан азизроқ, покроқ, мўътабарроқ, айти вақтда, ундан ваҳимали, даҳшатли ва қўрқинчлироқ куч-қудрат йўқлигини аждодларимиз қадим замонлардаёқ ҳаётда кўриб, теран тарзда англаб етган эдилар.

Оила даврасида кўпроқ бува ва бувилар томонидан на- биралар ёки ота-оналар тарафидан ўз фарзандларига уч- тўрт ёшидан бошлаб сув – ҳаёт давомийлиги, яъни тирик- лик асоси эканлиги туфайли доимий равишда сув ва сув ҳавзалари ҳисобланган ариқлар, каналлар, дарёлар тоза- лиги ҳақида қайғуриш инсоннинг муқаддас бурчи эканлиги тарбиянинг турли воситалари асосида сингдириб борил- ган. Хусусан, сувни исроф қилмаслик, уни булғамаслик, сувга асло тупурмаслик ва пешоб қилмаслик, сувга нопок ҳамда ифлос нарсаларни ташламаслик уқтирилиб, бундай ярамас, бемаъни қилиқларни қилиш ниҳоятда оғир гуноҳ эканлиги миллий ва диний қарашлар асосида ўргатилган¹.

Шунингдек, оқар сувга мағзава ва турли-туман чиқинди- лар ташлаш энг оғир гуноҳлардан бири ҳисобланган. Бун- дай ёмон ишларни билиб-билмай қилиб қўйган кимсалар кенг жамоатчилик томонидан доимий равишда қораланган. Жамиятнинг юраги – оила даврасида кексалар «сувдек се- роб бўлгин», «умрингнинг ўтаётганини билмоқчи бўлсанг, сувга қара», «умринг сувдек узун бўлсин», «ўт балоси, сув балосидан Яратганнинг ўзи асрасин» деб дуолар қилиша- ди. Шунингдек, сув билан бирга ҳаёт давомийлиги бўлгани сингари, ҳар бир оилада эр-хотин ўртасидаги муносабат- ларда ўзаро вафодорлик оиланинг устуни ҳисобланиши яна бир мақолда «Сувсиз ҳаёт бўлмас, вафосиз – оила» деб тавсифланади.

¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қиш- лоғи. 2016 йил.

Оилада ҳар бир инсоннинг янги куни, аввало, сув билан юзлашишдан бошланади. Ота-оналар фарзандларига ҳар куни эрта тонгда уйғонган заҳоти юз-қўлини сув билан ювишни, инсон ювинмагунича «ювуқсиз» ҳолда бирон киши билан саломлашмаслиги, кўришмаслиги, ҳеч кимга қарамаслиги ва ҳеч қандай юмушни бажармаслиги лозимлигини уқтириб борадилар. Айнан юз-қўл ювиб поклангандан сўнг оила аъзолари бир-бирига салом беришади.

Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлган сингари, Фарғона водийсида ҳам қиз бола турмушга узатилаётган куни ота фарзандига оқ фотиҳа бериб, дуо қилади. Айнан мана шундай дуоларда сувнинг ўзига хос хусусиятлари қизларнинг келгуси умр йўлида ҳамиша «йўлдош, меҳрибон» бўлиши ният қилинган: «Қизим, доимо сувдай бўлгин! Ниятинг ва мақсадларинг ҳар доим сувдай тоза бўлсин. Сув каби ҳамма вақт фақат ўз ўрнида ўзингни намоеън этгин. Қалбинг ва тафаккуринг денгиз каби чуқур ва бепоён, тилинг булоқ суви каби ширин, ҳаракатинг эса сув тўлқини каби шиддатли бўлсин. Ташналиқдан азобланаётган инсонларга ўз вақтида сув берилганидек, муҳтож кишилардан савобингни аямагин. Сувдек ҳар вақт керакли ва муҳим инсон бўлиб юришингни тилайман»¹.

Хуллас, Фарғона водийсида сув одамларнинг кундалик турмуш тарзи ва маданиятида ниҳоятда муҳим ўрин тутган. Мазкур бебаҳо неъмат билан боғлиқ анъанавий қарашларни рамзий хусусиятлар билан боғлиқ; экологик; покланиш ва гигиена воситаси сифатидаги ҳамда сувнинг тиббий хусусиятига дахлдор айрим нуқтаи назарларни умумлаштириш мумкин.

«Тирик» ва «ўлик» сув. XX асрнинг 80-йилларигача водийнинг кўплаб ҳудудларида ичимлик суви сифатида ирмоқлари юксак тоғлар бағридан бошланадиган дарё,

¹ Ушбу дуо ЎзР ФА Тарих институти илмий ходими Нигора Қориевнинг отаси Анваржон ака Қосимов томонидан айтилган бўлиб, мазкур дуо матнини бизга тақдим қилганлиги учун тарихчи Нигора Қориевага миннатдорлик билдирамыз.

канал ва ариқлардан шарқираб келадиган сувдан унумли равишда фойдаланилган. Бундай сувлар халқ орасида, одатда, «оқ сув» деб аталган. Айнан «оқ сув»дан тўйимли таомларни тайёрлаш ва ташналикни қондирувчи, дардга даво ичимлик – «оқ чой» дамлашда кенг фойдаланилган.



Ариқ. Наманган вилояти
Косонсой тумани. 2020 йил.

Хусусан, мен туғилиб ўсган Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғида ҳам аҳолиси, асосан, ичимлик суви сифатида катта ариқ сувидан фойдаланган. Ариқ қишлоқ бошланишидан то чеккасига қадар бизнинг ота уйимиздан бироз узоқроқдан оқиб ўтганлиги боис ҳар куни эрталаб уйда идишларни ариқ суви билан тўлдириб, устини ёпиб қўярдик. Ҳатто қишлоғимизга XX асрнинг 80-йилларида водопровод кириб келганда ҳам қариялар, хусусан, энам

(бувим) ҳам ариқ сувидан чой дамлаб ичишни маъқул кўрарди. Энам бизга: «Хом сувдан эмас, пишган сувдан чой дамланглар, болам, «қора сув» одамнинг чанқоғини қондирмайди, шу «оқ сув»дан чой дамланглар», – деб кўп бора айтганларини ҳамон эслайман. Кейинроқ мен «Нима учун айнан ариқ суви?», «Хом сув билан пишган сув дегани нима?», «Бу сувларнинг қандай фарқи бор?» ёки «Сув ҳам тирик ва ўлик бўладими?» деган саволлар хусусида кўп ўйлаганман.

Энамнинг фикрига кўра, айнан «оқ сув» ҳисобланган ариқ сувининг таъми бошқача бўлиб, у ширин сув ҳисобланар экан. Шу боис оқар сувдан дамланган чойнинг таъми «қора сув», яъни ер остидан чиқадиган сувдан қайнатиб дамланган чой таъмидан фарқ қилган. Шунингдек, водийда чой дамлаш жараёнида сув фақатгина бир мар-

та қайнатилган, холос, қайтадан қайнатилган сувдан чой дамланмаган. Нима учун сув икки марта қайнатилмаган? Чунки қайта қайнатилган сув энди «ўлик сув» ҳисобланиб, ундан дамланган чойнинг таъми унчалик тотли бўлмайди. Шу сабабдан ҳам катта тўйлар ва маъракаларда меҳмонларни махсус чой билан таъминловчи «бокчи» – чой қайнатувчи одам бўлган. Рус тилидаги «сув қуйиладиган катта идиш» маъносини англатувчи «Бак» атамаси оғзаки нутқимизда «Бок» дейилади. «Бокчи» кўпчилик учун бериладиган чойни 100 даража ҳароратда қайнашини доимий назорат қилган. Чой учун сувнинг маромида қайнатилиши маросим эгалари томонидан ҳам доимий назорат остида бўлган. Маҳаллий аҳолининг фикрича, чала қайнаган сувдан дамланган чой одамнинг қорнини оғритиб қўяр экан. Қолаверса, суннат ва никоҳ тўйларида «бокчи» кўпчиликка аталган чойни тезроқ қайноқ ҳолида бериш, мезбон, меҳмонлар дуосини олиш, уни қайта қайнатмасдан тугатишга ҳаракат қилган. Чунки, юқорида таъкидланганидек, сув бир мартадан кўп қайнатилса ҳам «ўлик сув»га айланар экан.

Шу боисдан ўзбекларда қадимдан уйдаги човгумда қайнатилган сувни янгиланган ҳолда чой дамлаш одати мавжуд бўлган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сувнинг бир марта қайнатилиши унинг турли микроб ва вируслардан тоза ва пок бўлиши учун кифоя қилади. Сув яна бир (ёки ундан кўп) марта қайнатилганида унда мавжуд бўлган фойдали моддалар таркибининг бузилиши, зарарли ва хавф-хатарли бирикмаларга айланиб кетиши мумкин экан. Қайта қайнатилган сувда инсон саломатлиги учун энг зарарли, зиён етказувчи, таҳдидли бўлган мишьяк, фторидлар, нитратлар сингари моддалар ҳосил бўлар экан¹.

Эътиборли томони шундаки, буюк аждодларимиз асрлар давомида орттирган тажрибалари нафақат кундалик турмуш тарзи ва маданиятда, балки адабиёт ва халқ оғзаки ижодида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, ўзбеклар орасида оқар сув

¹ Нуриддинов Ж. Нима учун сувни икки марта қайнатиб бўлмайди // <http://muslim.uz/index.php/rukn/tabobat>.

тирик ва ширин сув эканлиги ҳамда «қора сув»нинг инсон чанқоғини унчалик қондира олмаслиги ҳақида «Оқар сувнинг ҳароми йўқ», «Тотли сув тошдан чиқар, яхши ақл – бошдан», «Оқар сувнинг ўз жилғаси ва ариғи бор» ё «Қора сув чанқоқни қондирмас, бахтли киши қўноқ қўндирмас» деган ибратли, огоҳликка даъват этувчи мақоллар кенг тарқалган¹.

Агар халқ оғзаки ижоди дурдоналарига назар ташланса, тириклик суви тип-тиниқ оқар дарё бўлса, ўлик сув тўхтаб қолган, кўлмак сувдир. Шу жиҳатдан олганда, машҳур француз антропологи К. Леви-Строснинг фикр-мулоҳазалари ҳам қизиқарлидир. Унинг ёзишича, бир-бирига қарама-қарши сувлар бўлган. Оқар сув (тинч сув, ҳаёт суви) ва оддий сув тушунчаларини бир-бирига қиёслаган пайтда ҳар доим оқар сув устун чиқади. Руҳлар билан алоқадор бўлганлиги туфайли ҳам оқар сув даҳшатли ҳисобланади, тинч ёки тўхтаб қолган сув эса барқарор характерга эга².

Инсон туриб қолган сувда чинакам ҳаёт асарини кўрмаган, аксинча, оқар сув одамга жўшқин ҳаёт рамзи бўлиб туюлган. Шу сабабли халқ эртақларида ўлик сув доим оқмас манбалар – ҳовуз ёки кўлмақда тасвирланади³.

Бирон-бир жойда турғунлик балосига гирифтор бўлиб, туриб қолган сувнинг айниб, бузилиши кўҳна Шарқ мумтоз (классик) адабиётида ҳам тилга олинади. Мавлоно Жалолиддин Румий иложсизлик, ташналиқдан кўлмак сувни ичган инсоннинг кўнгли ҳам айниши ҳақида:

*Сувки турғун эрса, бас, ул айнигай,
Бўйла сувни ичса кўнгил айнигай.
Ҳақ савоб баҳрига ирғитгай яна,
Лутфи бирлан сувни сув этгай яна⁴, –*

деб ёзган эди.

¹ O'zbek xalq maqollari. – В. 21, 67, 86.

² Леви-Стросс. Структурная антропология. – Москва: Эксмо-пресс, 2001. – С. 172.

³ Гўзалов Ф. Сувнинг ҳаётбахш сеҳри... – Б. 75.

⁴ Жалолиддин Румий. Ҳикматлар... – Б. 87.

Бу ўринда яна бир муҳим жиҳат ҳам борки, Жалолоддин Румий ҳазратлари сувнинг ўз покловчилик хусусияти ва у сувдан яна сув қайта тозаланган ҳолатда пайдо бўлиши мумкинлиги, бошқача айтганда, сувнинг ер шари бўйлаб айланиб юриш хусусиятини ҳам қайд этган эди.

Адабиётшунос олим З. Исомиддиновнинг фикрига кўра, осмондан ёққан қор-ёмғир, ҳавонинг тунда совишидан пайдо бўлган шабнаму қиров, музликларнинг эриб сув ҳолига келаётган, дарё-сойларда оқаётган ҳолати тирик сув, роса қизиган, қайнаган ё қайнаб буғга айланаётган сув ўлик сувдир¹. Шу боис ҳам водий аҳолиси ичимлик суви сифатида, асосан, ирмоқлари баланд тоғлардан бошланадиган дарё, сой, канал ва ариқ сувларини истеъмол қилган. Бундай сув, юқорида қайд этилганидек, «Оқ сув» деб аталади. Ўз навбатида, «оқ сув»га муқобил равишда «қора сув» ҳам мавжуд. «Қора сув» деб, асосан, ер остидан чиқадиган ёки оқмайдиган, кўлмак бўлиб, туриб қолган сувларга нисбатан айтилади.

Одатда, «Қора сув» деган тушунча ўзбек тилида географик атама сифатида қуйидаги маъноларда қўлланади:

1. «Қора сув» – тоғлар этакларида, водийларда ерости сувларидан тўйинадиган сой ва даралардан олинадиган сув.
2. Ташлама ва зовур сувлари.

Хуллас, «қора сув» термини ранг маъносидаги «қора» сўзидан эмас, ер маъносидаги «қора» сўзидан олинган, яъни «ер суви» деган маъно-мазмунни англатади². Шунингдек, сув ҳам турли жинсларга ҳам бўлинган. Масалан, «оқ сув» эркак сув, «қора сув» аёл сув ҳисобланган³. Этнограф И. Муҳиддиновнинг ёзишича, сув эркак ва аёлга ажратилган бўлиб, «эркак сув» оққан ариқ бўйларидаги ям-яшил ўт-ўланлар зич ва баланд бўлади, «аёл сув» оқ-

¹ Исомиддинов З. Сув // Хуррият. 2008 йил 26 март.

² Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи... – Б. 64.

³ Басилов В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1992. – С. 28.

қан ариқлар бўйлари эса ўт-ўланларсиз бўлади ёки гиёҳлар жуда кам ўсади. Аҳолининг фикрига, бундай бўлиниш қадимги аграр культлар, яна ҳам аниқроғи, ҳосилдорлик рамзи билан боғлиқ бўлган¹.

Қирғиз элида ҳам «айрим булоқлар «эркак» ва «аёл» булоқлар деб номланади. 100 – 200 қулоч чуқурликда оққан босимсиз сувлар тоғ-тошларда тошқинсиз жилдираб оқадиган булоқларни пайдо қилади. Улар кўп ҳолларда «эркак булоқ» деб аталади. Тошқинли суви шиддат билан қайнаб чиқадиган булоқларни пайдо қилган босими кучли ерости сувлари ҳам мавжуд. Бундай булоқлар кўпинча «хотин булоқ» деб аталади. Демак, халқ тузилиши ва пайдо бўлиши асосида икки хил (тошқинли ва тошқинсиз) булоқни фарқлай олган, билган. Булоқлар табиатини яхши билиш туфайли унинг қачон ва қанча миқдорда эл-юртга сув беришини олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган². Сувни аёлга қиёслаш дунёнинг бошқа халқларида ҳам учрайди. Масалан, қадимги хитойлар аёлни сувга, она қорнини эса қудуққа қиёслаган³.

Бошқа бир маълумотда келтирилишича, хитойларнинг тасаввурларига кўра, 21 сентябрдан Инь (аёллар) даврида, яъни сув ва қоронғилик бошланган пайт бўлса, ёз мавсуми айнан Ян (эркаклар)га тегишли бўлади деб ҳисобланган⁴.

Водий аҳли наздида, нафақат ҳаётбахш ичимлик суви, балки деҳқончиликда фойдаланиладиган сув ҳам икки турга бўлинади. Кўп йиллик ҳаётий, касбий тажрибага эга миришкор деҳқонлар ўз эккан-тикканларини суғориш ишларида, асосан, «оқ сув», яъни тоғлардан бошланиб, дарё, канал ва ариқлар орқали оқиб келадиган фойдали элементларга тўйинган сувдан фойдаланган. Сирдарёдан бўтана лойқа сувнинг оқиши туфайли тупроқ учун ниҳоят-

¹ Мухиддинов И. Земледелие памирских таджиков Вахана и Ишкашима в XIX – начале XX в. (историко-этнографический очерк). – М., 1975 – С. 101.

² Сувнинг сўроғи. – Бишкек: Айгине маданий-тадқиқот маркази, 2017. – Б. 5.

³ Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими... – Б. 43.

⁴ Эберхард В. Китайские праздники. – Москва, 1977. – С. 30, 112.

да фойдали табиий ўғитлар аралашмаси ҳам оқиб келган. Бу кимёвий таркиби ўғитли сув тупроқ унумдорлигини оширишга ижобий таъсир қилади. Лойқалардаги ўсимликларга фойдали бўлган оҳак, магний, калий, натрий ва фосфор сингари кимёвий моддалар ерларнинг шўрланиб кетишига йўл қўймайди. Уста деҳқонлар бундай сувни «пишган сув» деб атайдилар. Ўз навбатида, ер остидан чиқиб келадиган сув «зах сув» деб юритилади. Чустлик кўп йиллик тажрибага эга деҳқон Муротали ота Шералиевнинг таъкидлашича, айнан «пишган сув» фойдали минералларга бой бўлар экан. Шу боис ҳам экинлар оқар сув билан суғорилса, уларнинг ҳосилдорлиги ҳам юқори, мўл-кўл бўлар экан¹.

Одамлар туриб қолган сувда ҳаёт асарини кўрмаган, аксинча, оқар сув қайноқ ҳаёт тимсоли бўлиб келган. Шу сабабли оқмас сув манбалари сифатида ҳовуз ёки кўлмаклар тилга олинган. Кўлмак суви макруҳ ҳисобланиб, уни ҳатто уй ҳайвонларига бериш ва уларни шу сув билан чўмилтириш ҳам тақиқланган. Чунки кўлмак сув ёвуз руҳлар макони бўлиб, уй ҳайвонларига зиён-заҳмат етказар экан². Табибларнинг айтишича, нафақат ичиш, балки ювиниб олиш учун ҳам тирик сув дурустроқ. Чунончи, ёзнинг чилласида томир кенгайиши туфайли бўшашиб, жазирамада лоҳасланган одам ҳовузда ёки ёпиқ сув ҳавзаларидан кўра фақат оқар сувда чўмилгудек бўлса, тетиклашиб, дарҳол ўзига келиб қолади³.

Сухбатларимизда маҳаллий аҳолининг айтишича, инсон оғир руҳий ҳолатга тушиб қолса ҳам, жилдираб оқаётган сувга қараб, хотиржам разм солиб ғам-ғуссани енгиллатиши мумкин⁴. Уйқусида босинқираб, ёмон туш кўрган

¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Дамобод қишлоғи. 2018 йил.

² Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2018 йил.

³ Исомиддинов З. Сув нафақат тириклик манбаи, балки ҳаётнинг энг улуғ мўъжизасидир // Хуррият. 2018 йил 28 март.

⁴ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғи. 2018 йил.

киши эса сув бўйига бориши ёки уч дона буғдой донини олиб, унга тушини айтган ҳолда дала тарафга сочиб юбориши керак деб ҳисоблашади. Халқимизнинг «Тушингни сувга айт» деган нақлида ҳам шу каби маъно мужассам.

Фарғона водийсида кишиларнинг тушда сув кўриши ёруғликка таъбир қилинади. Нима учун тушни сувга айтилади? Бунинг қандай хосияти ва рамзий аломати мавжуд? Бошқа нарсага туш айтса, нима бўлади?

Фольклоршунос олим А. Мусақуловнинг қайд қилишича, тарихан туш анимистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлганлиги учун тушни сувга айтиш хосиятли ҳисобланган¹. Сувга қараб ирим қилиш, унга бирор нарса ташлаб фол очиш дунёда кенг тарқалган инончлардандир. Масалан, хитой қизлари сувга атайлабдан ташлаган гуллари жуфт-жуфт бўлиб оқса, ўзи ёқтирган йигит билан келажақда турмуш қуришларига астойдил ишонганлар².

Айнан тушни сувга айтишнинг боиси, сув (айниқса, оқар сув) ёнида унга қараб ўтирган инсоннинг барча салбий энергияси у билан бирга оқиб кетаркан. Шу сабаб ёмон туш кўрган одамнинг тушидаги барча бало-қазолар сув билан оқиб кетади деб ҳисоблашган.

Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари, водийда ҳам ҳар бир хонадондан эркак кишилар маҳалла ва қишлоқда ўтказиладиган жамоавий юмушлар ҳамда тадбирларда албатта қатнашади. Айнан шу боис эрта баҳорда обирахмат келтирадиган ариқлар, каналлар ва зовурларни ҳашар йўли билан тозалашда ҳар бир хонадондан битта эркак иштирок этиши шарт бўлган. Маҳаллий аҳоли орасида янги канал ва ариқ қозишда қатнашиш энг савобли ишлардан бири саналади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча туманларида кўкламги ариқ қозиш пайти биринчи сув келган пайтда одамлар албатта бир-бирларини сувга пишиб оладилар. Бунақа сувга пишиш одати қурғоқчилик

¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Б. 204.

² Календарные обычаи и обряды народов Восточной Азии: Годовой цикл. – Москва: Наука, 1989. – С. 34.

пайтидаги «Суст хотин» маросимида ҳам ўта кенг қўлланилади. Таниқли фольклоршунос олим Асқар Мусақуловнинг ёзишича, улар сув, аниқроғи, унинг илоҳасига қурбонликлар беришнинг трансформация (ўзгариш)га учраган бир кўриниши бўлиб, шу йил бутун элимиз сувдай сероб бўлсин деган ният, мақсадга қаратилган, бунинг учун сувнинг беҳад таъсирчан ва қудратли магик кучига ишонганлар¹.

Ўзбекларда бирон-бир яхши ният билан дуо қилинган чоғда кексалар: «Сувдек сероб бўлгин», – дейишади. Шу ўринда, аввало, сувнинг одамлар тасаввурида битмас-туганмас бойлик деб ҳисобланганлиги, бошқа тарафдан, унинг серпуштлик рамзи сифатида эъзозланганлигини англашимиз мумкин.

Сув билан боғлиқ тарбия. Болаларга авваллари доимий равишда сувнинг кундалик ҳаётимиздаги бебаҳо ўрни ва унинг ташналикни қондириш воситаси, ҳаётнинг асл манбаи сифатида беқиёс неъмат эканлиги таъкидланиб, унинг ҳар бир томчиси ниҳоятда қадрланиши зарурлиги бетиним ўргатиб борилган. Айниқса, кундалик турмуш тарзида сувни беҳад эъзозлаш, беҳуда сарфланишига йўл қўймаслик кераклиги уқтириб келинган. Шунингдек, болаларга оқар ва оқмас сувга туфлаш, унга ёзилиш, чиқинди ташлаб ифлослантириш катта гуноҳ бўлади деб насиҳат қилинган.

Анъанага кўра қизлар ўн ёшгача бўлган даврдан бошлаб оиладаги ошхона ишларига ўз онаси ва катта ёшдаги опалари томонидан ўргатилган. Улар овқат тайёрлашни ўрганишдан олдин ошхона идишларини ювиб тозалашга ундалган. Олдинлари водопроводлар бўлмаганлиги боис уйнинг ошхонасида махсус белгиланган ердан сув олиниб, идиш ювилган. Идишлар ювиб бўлинганидан сўнг азалий одатга биноан гуруч, сут ва қатиқ солинган идишлар ювилган сувлар мевали дарахтлар тагига тўкилган. Шунингдек, қизлар ёшлигидан бошлаб меҳмон келса, табассум билан кутиб олишга, қўлига дарров сув қуйишга, эпчиллик билан

¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Б. 197.

ҳаракат қилишга, эпли бўлишга ўргатилади. Фарғона водийсида бувилар, оналар эрта тонгда туришда фазилат жуда кўп эканлиги боис саҳарда туриб, дарвозаларни очиш зарурлигини уқтиришади. Эрта тонгдан хонадон дарвозалари очилади, кўчаларга сув сепилиб, супурилади.

Ўз навбатида, ўғил болаларга ҳам ёшлигиданоқ рўзгорни юритиш ва жисмоний меҳнат билан боғлиқ юмушлар қатори меҳмондорчилик анъанаси ўргатиб борилган. Болалар катталарнинг ҳурмати учун ўрнидан туриб салом бериш, уларнинг қўлига зудлик билан сув қуйиш, тайёрланган таомни олдин ёши улуғ инсонларга узатиш, умуман, катталарга эҳтиром руҳида тарбияланган.

Айниқса, меҳмон келган пайтда дастурхон атрофида ўтирганлар қўл ювиши учун сув қуйиш одати ўзига хос саналади. Аксарият ҳолларда бу юмуш ёш болаларга буюрилади. Қўлини юваётган кишилар ҳам сув қуяётган болага «*Умринг сувдай узун бўлсин*», «*Бахтли бўл*», «*Умрингга барака берсин*», «*Ниятларинг амалга ошсин*», «*Аллоҳ умрингни сувдек сероб ва узун қилсин*» деган тилакларни билдирадилар. Таомдан аввалги сув илиқ ҳолатда қўлга қуйилса, зиёфатдан кейингиси қўлдаги мой юқини кеткизар даражада иссиқроқ тайёрланган бўлади. Сув меҳмон қўлига узиб-узиб қуйилади. Биринчи навбатда, ўнг томондан ўтирган меҳмонлардан бошлаб сув қуйилади, таомдан кейин эса сув қуйиш чап томондан бошланади¹. Ҳозирги кунда ҳам водийда кўп ҳолларда меҳмонлар келган пайтда уйнинг ҳовлисида улар қўлига эҳтиром билан сув қуйиб, сўнгра уй ичига, меҳмонхона сари таклиф этилади.

Анъанага кўра меҳмон қўлига сув қуяётган киши узиб-узиб уч марта қуйиши, шундан кейингина унга сочиқ тутиши керак бўлган. Ўз навбатида, қўлни ювган киши қўлининг бармоқларини силкитмаган ҳолда сочиқ билан артиши жоиз. Қўл ювилганда уни силкитиб чор-атрофга сув сач-

¹ Худди шундай одат бошқа туркий халқлар, хусусан, қирғизларда ҳам мавжуд. Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Сувнинг сўроғи. – Бишкек: Айгине маданий-тадқиқот маркази, 2017. – Б. 7.

ратилса, у киши ва оиласидан қут-барака кетади дейилади. Агарда қўлни силкитиб, қолган сув ерга тушириладиган бўлса, шайтонлар кўпаяди деб ҳисобланади.

Олис юртларга бирор юмуш билан отланган кишининг сафари беҳатар бўлсин деб унинг ортидан сув сепилади. Сафардаги киши ўзи билан бирга ҳар доим ўз ота юртининг нони билан сувини олиб юрган. Сўх тожикларида сафарга кетаётган кишининг қадами хайрли, иши омадли келиши учун унинг оёғи остига сув сепилади. Чунки, халқона қарашларга кўра, сув рўшнолик рамзи ҳисобланган. Тўй маросимига кечикиб келган яқин уруғ-аймоқларга ҳам улар сувдек сероб бўлсинлар деган эзгу ниятда сув сепилган.

Баъзи бир кишиларнинг янги уй қуриладиган ерга сув тўла косани тун бўйи қўйиб қўйиш одати ҳам мавжуд бўлган. Агар сув айнамай яхши турса, бу жой уй солишга муносиб деб топилар, агар сув бузилгудек бўлса, бу ер аввалдан ўзи хосиятсиз экан деб қурилишга бошқа жой танланган.

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, айрим табиат унсурлари сингари сув ҳам беҳад муқаддас ҳисобланган. Сув бир вақтнинг ўзида инсонлар чанқоғини қондирувчи ҳамда уларни покловчи, дардига дармон бўлувчи восита вазифасини бажарган.

Сув билан боғлиқ турли мифологик қарашлар ҳам қадим аждодлардан кейинги авлодларга анъана тарзида ўтиб келган. Шунингдек, сув покланиш манбаи бўлгани сабабли инсоният қадимдан тозаликка катта эътибор бериб келади. Лекин айнан сувни асраб-авайлаш ва унинг илоҳий аҳамияти билан боғлиқ диний-мифологик қарашлар деярли нутилиб кетди. Шу сабабли ҳозирда сув билан бевосита боғлиқ билим, қарашларни мужассамлаштирган минтақавий маданиятларни турли илм-фанлар (тарих, маданиятшунослик, этнология, экология, фольклоршунослик) нуқтаи назаридан илмий асосда ўрганиш, ижобийларини аҳоли, хусусан, ёшлар онги ва қалбига сингдириш экологик маданиятнинг шаклланиши ва унинг янада мустаҳкамланишига асос бўлади.

III.2. ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРДА СУВ ПОКЛАНИШ МАНБАИ ЁКИ ИНИЦИАЦИЯ РАМЗИ

*Табиатга ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат, табиат бўлур.*

Алишер Навоий

XX аср сўнги чорагидан дунё миқёсида этнолог ва социал антропологлар томонидан ҳам маросимларни халқ маданиятининг феномени сифатида илмий жиҳатдан ўрганишга алоҳида диққат-эътибор қаратилди ҳамда айнан шу мавзу доирасида амалга оширилган бир қатор илмий тадқиқотлар фандаги долзарб мавзулардан бири сифатида эътироф этила бошланди.

Айниқса, кейинги даврда бутун дунё миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари маданий ўзликни сақлаб қолиш омиллари ва миллий урф-одат ва маросимларни тадқиқ этиш масаласининг долзарб муаммолар қаторида кун тартибига қўйилишига муҳим илмий-амалий сабаблардан бири бўлмоқда.

Илм-фанда қабул қилинган, кўпчилик тарафидан тан олинган ўзига хос мезонларга кўра, инсоният ҳаётининг муҳим бурилиш нуқталари билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган тадбирлар оилавий маросимлар деб юритилади.

Оила ва оилавий маросимлар маданий анъаналарнинг узатувчиси ва давомчиси ҳисобланади. Туғилиш, яшаш, ўлим инсон умри, баҳор, ёз, куз, қиш табиат анъаналаридир. Шу сабабли ҳам инсоният ўз ўтмишини унута олмайди ва магик-мифологик тафаккур рудиментлари бизгача етиб келган¹.

Инчунин, кишилар ҳаёт фаолияти билан боғлиқ анъаналар ижтимоий-сиёсий анъаналарга қараганда бирмунча мутаассиброқ ва консервативроқдир. Шуни шаҳарда тутиб, китобнинг ушбу қисмида оилавий маросимлар тизимида сув билан боғлиқ қарашларга асосий диққат-эътиборимиз-

¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Б. 20.

ни қаратиб, фикр-мулоҳазаларни баён қиламиз. Аждодларимиз айнан оилавий маросимларда сувдан покланиш унсури сифатида унумли равишда фойдаланганлар.

Чақалоқни чўмилтириш: покланиш ва маросимий инициация. Фарғона водийси аҳолисининг оилавий маросимлар тизимида фарзанд туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимлар муҳим аҳамият касб этган ва мазкур жараёнда сув билан боғлиқ кўплаб урф-одатлар бажарилган. Жумладан, болани биринчи марта чўмилтириш махсус маросим сифатида нишонланган ва ушбу маросимда тажрибали ҳамда кўп болали аёллар иштирок этган.

Наманганда бола туғилганига беш кун бўлганида махсус «беш кеча» маросими ўтказилади. Ушбу маросим Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом туманида «бешморак» деган ном билан аталади. Бунда болани илк бора чўмилтириш ниятида махсус сув тайёрланган, яъни уй ҳароратида илитилган сувга туз, шакар, танга ва эски пахса девор тупроғи солинган¹.

Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғида боланинг бошига дастлаб она сути суртилиб, чўмилтирилган. Сўнгра чақалоқ тоғорага ўтқазилиб, махсус тайёрланган сув унинг устидан аввал ўнг тарафидан, сўнг чап томонидан қирқ томчидан қуйилган. Шу ўринда сувга солинган ашёларнинг хосияти масаласига алоҳида эътибор қаратсак. Туз гигиеник жиҳатдан чақалоқнинг терисини қотирган ва турли тошмалар ҳамда касалликларнинг олдини олиши билан бирга тўкин-сочинлик, ризқ-насиба рамзи бўлган; шакар чақалоқ ҳаётининг дастлабки лаҳзалари ширин ўтишига йўналтирилган магик ниятда қўшилган; танга эса бойлик, давлат рамзи бўлган; эски пахса девор тупроғи болакайнинг баданига турли ўсимталар ва туклар чиқишининг олдини олган.

Фарғона вилоятининг Фарғона тумани Миндон қишлоғида янги туғилган чақалоқ туғуруқхонадан олиб чиқилгандан

¹ Турсунов Б. Р. Конибодом воҳаси муқаддас масканлари тарихидан (Хўжа Такровут мазори мисолида). – Хўжанд, 2007. – Б. 36.

кейин тузли сувда яхшилаб чўмилтирилади. Янги туғилган чақалоқни тузли сувда ювинтириш одатининг ареали жудаям катта. Ушбу маросим, аввало, чақалоқ танасининг «қотиши» учундир. Болани чўмилтираётган аёл ёнидаги бошқа аёллар билан гаплашмаслиги учун оғзига қатиқ солиб олади. Чунки, бола хотиржам бўлиши учун чўмилтириладиётганда асло гапирмаслик керак деб ҳисобланади. Чўмилтириб бўлгач аёл оғзидаги қатиқни боланинг бошига суртади. Айнан мазкур одатнинг муҳим амалий ахамияти мавжуд бўлиб, қатиқ инсон оғзида тана ҳароратигача илийди. Қолаверса, айнан чақалоқни илк бор чўмилтириш орқали уни маросимий поклаб, қулоғига азон айтишга тайёрланади. Чунки бола чўмилтирилгандан сўнггина унинг ўнг қулоғига азон ва чап қулоғига такбир айтилади. Маросимий тарзда чўмилтирилмаган боланинг қулоғига азон айтилмайди.

Умуман олганда, бола қирқ кунлик бўлганида уни 40 қошиқ сувда чўмилтириш маросими ҳам кўплаб туркий халқларда мавжуд бўлган. Ушбу маросим қирғизларда «қирқини чиқарамиз», қozoқларда «Қырқынан шығару же шілдеҳана», ўзбекларда эса «қирқ сув» деб аталган¹. Чақалоқ маросимий тарзда чўмилтирилгандан сўнг ҳатто уни ювинтиришга ишлатилган сув ҳам оёқ остига эмас, балки бирор-бир мевали дарахт тагига тўкилган. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, чақалоқни биринчи марта маросимий чўмилтириш уни нафақат гигиеник жиҳатдан покланишини англатган, балки рамзий маънода унинг бир оламдан иккинчисига ўтиши, яъни унинг она «табиат» оламидан инсонлар дунёсига ўтишини англатган. Бола маросимий тарзда чўмилтириб олингандан кейингина оиланинг расмий аъзоси ҳисобланган². Шунини ҳам таъкидлашимиз ке-

¹ Сувнинг сўроғи... – Б. 4.

² Бу ҳақда француз антропологи Геннер ҳам маълумот берган. Қаранг: A. van Genner. The rites of passage. – Chicago, 1960.: Ўша муаллиф: Обряды перехода. Систематическое изучение обрядов. – Москва: Восточная литература, 1999.

ракки, Хуф водийси тожикларида чақалоқ қирқ кунлик бўлганига қадар унда бирор «ҳайвон руҳи» бўлади ва айнан қирқинчи кундан кейин унинг ўрнини «инсон руҳи» эгаллайди, деган қараш бўлган¹.

Андижонда чақалоқнинг чилласи чиққан куни «қирқ сув» маросими ўтказилади. Мазкур маросим чақалоқни поклаш мақсадида ўтказиладиган қадимий рамзий характерга эга ҳисобланади. Гўдак қирқ кунлик чилласи чиққан куни чўмилтирилиб, покланади. Чақалоқнинг бошидан махсус тайёрланган илиқ сувни шу маҳалланинг барчага манзур бўлган энг мўмин-қобил боласи ёхуд қизалоғи қуйиб туради. Албатта, бунда сув қуювчи билан ювинтирилаётган чақалоқнинг жинси бир бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

Қирғизларда бу маросим аёллар томонидан ўтказилиб, қирқ қошиқ сувни томчилатиб, болани ювинтиришади ва ҳар бир қошиқ сувни қуяётган пайтда «Умай энанинг ўзи қўлласин», «Умри сувдай покиза ва узун бўлсин», «Сувдай тўғри оқиб, ҳеч йўлидан адашмасин» деган яхши тилакларни айтиб турадилар. Бу маросим сувининг эмлаш хусусияти ҳам бор, боланинг уйқуси бузилгудек бўлса, унинг юзига сув суртиб қўйиш яхши фойда беради².

Авалло, шуни қайд этиш керакки, Умай қадимги туркий тилда она маъносини англатади³. Туркий ёдномаларда уч илоҳ тасвирланган. Жумладан, Тангри – осмон, Умай – руҳлар, Ер-сув – замин ҳомийлари бўлган⁴. Ушбу худолар орасида Умай гўдаклар ҳомийси бўлиб, туркий шомонлар уни жуда яхши билишган ва унга сиғинишган⁵. Шу боисдан у туркий халқлар мифологиясида аёллар ва гўдаклар ҳо-

¹ Андреев М. С. Таджики долины Хуф (Верховье Амударьи). – Сталинабад, 1953. Вып. 1. – С. 71.

² Сувнинг сўроғи... – Б. 4.

³ Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б. 125.

⁴ Потапов Л.П. Одежда алтайцев // Сборник МАО. Т. XII. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1951 – С.10.

⁵ Тюркологический сборник. – 1972. – С. 26.

мийси сифатида ҳам тассавур қилинган¹. А.Бернштам эса Умайни аёл жинсидаги фантастик мавжудот, оила ўчоғи ва авлодлар давомийлиги ҳомийси бўлган деб талқин қилади². Шунингдек, Умай онанинг рамзларига ошиқ, камон ва ўқ, бронза тугма, урчуқ сингари ашёлар билан бирга киндик ҳам тааллуқли бўлган³.

Қадимги туркийлар гўдакларнинг туғма холларини ҳосилдорлик ва гўдакларнинг ҳомийси – илоҳа Умайнинг изи деб билишган. Чақалоқлар ўрнида ўзича кулиб, овоз чиқариб, ўйнаб ётганида у ҳозир Умай билан ўйнашяпти, йиғлаган пайтида эса Умай болани ташлаб кетибди деб ўйлашган⁴.

Шунингдек, Умай она номи чақалоқнинг дастлабки ватани – бешикка илк бор белаш чоғида айтиладиган қадимий айтимлар ҳам мавжуд бўлган:

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, Менинг қўлим эмас,
Биби Фотима, Биби Зухро қўли, Умай она, Қамбар она
қўли.

Тошдек қил,
Темирдек қил,
Сутига оға бўлсин!⁵

¹ Умай она култи борасида батафсилроқ қаранг: Абрамзон С. М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Ленинград: Наука, 1971. – С. 275–280; Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С. 611; Потапов Л. П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник. 1972. – Москва, 1973; Бутанаев В. Я. Культ богини Умай у хакасов // Этнография народов Сибири. – Новосибирск, 1984. – С. 98–104.; Ахметьянов Р. Г. Общая лексика духовной культуры народов Среднего Поволжья. – Москва: Наука, 1981.

² Бернштам А. М. Социально-экономической строй Орхон-Енисейских тюрков VI – VIII веков: Восточно-тюркской каганат и кыргызы. – Москва-Ленинград: Изд.-во АН СССР, 1946.

³ Фильструп Ф. А. Из обрядовой жизни киргизов начала XX века. – Москва: Наука, 2002. – С. 91.

⁴ Традиционные мировоззрение тюрков Южной Сибири: Пространство и время. Внешний мир. –Новосибирск: Наука, 1988. – С. 278.

⁵ Троицкая А. Л. Первые сорок дней ребёнка (чилля) среди оседлого населения Ташкентского и Чимкентского уездов // В. В. Бартольд – друзья, ученики и почитатели: сборник. Ташкент, 1927. – С. 354.; Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси... – Б. 193.

Тарихийлик нуқтаи назаридан қаралганда, бу айтимдаги энг қадимий образ Умай она, ундан кейин бошқалари туради. Қолаверса, туркий халқларда ҳосилдорлик культураларига хос муҳим хусусиятлардан бири шундаки, уларда аёллар, аниқроғи, аёл жинсидан деб тушунилган илоҳалар етакчи роль ўйнайди. Аёлларнинг табиий фарзанд кўриш қобилияти жаҳон халқлари эътиқодлари, тассавурларида ҳосилдорлик ҳамда севги, муҳаббат, ишқ илоҳаларининг кўплаб яратилишига олиб келган. Туркий этнослар мифологиясидаги Умай она, аёллар топинадиган Анбар она, Биби Фотима ҳам ана шулар жумласидандир¹.

Оилавий маросимлардаги 40 сони ҳам асло тасодифий эмас. У боланинг бир ёш босқичидан иккинчисига ўтиш даври ҳолатининг миқдор – сифат кўрсаткичини англатади². Айнан қирқ кундан кейингина чақалоқ табиат оламидан инсонлар оламига ўтган ва она маросимий нопокликдан ўзининг олдинги софлик ҳолатига қайтган. Қолаверса, мотам маросимларида қирқ кундан сўнг вафот этган одамнинг руҳи бу дунёни буткул тарк этади деган қараш бўлган.

Фарғона водийси аҳолиси орасида боланинг дастлабки сочини денгиз кўрган одам олиб ташласа, хайрли бўлади деган тушунча ҳам бор. Чунки денгиз буюкликнинг рамзи ҳисобланиб, бола ҳам келажакда денгиздек улуғ бўлсин деган ниятда ушбу амал бажарилган.

Никоҳ суви муқаддасми? Никоҳ тўйлари ўзининг турли маросимлар, ирим-сиримларга бойлиги, этнографик манбалари ранг-баранглиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Тўй маросимларида кўплаб афсунгарлик унсурлари учрайди. Шу жумладан, водийдаги никоҳ тўйи маросимлари таркибига кирувчи «Фотиҳа тўйи»да куёв тарафидан қиз (келин)нинг отаси хонадонига ташриф буюрган меҳмонларга дастлаб «ширин сув» олиб келинади. Ушбу одат ҳар икки томон бошлаган эзгу ишнинг якуни ҳам ширин сув

¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси... – Б. 198.

² Қирқ сонининг маросимий хусусиятлари ҳақида батафсилроқ қаранг: Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида «сеҳрли» рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 133–144.

сингари ўтсин, эр-хотин ёшларнинг биргаликда бўлажак турмуши беҳад ширин, ўта тотли бўлсин деган эзгу ниятда амалга оширилади.

Никоҳ тўйи маросими жараёнида «махсус сувчилар» бўлиб, улар тўйга ташриф буюрган азиз меҳмонларнинг қўлига сув қуйган ва қўлни ювишда ишлатиладиган обдас-та ва чилопчинни ушлаб турган. Одатда, бундай ишларни маҳалла ва энг яқин қавм-қариндошларнинг ўсмир фарзандлари бажаришган. Қўл ювишда фойдаланилган сув уйнинг бир чеккасига тўкилган.

Куёв томонидан келин хонадонига дастлаб «ширин сув» («шакароб») олиб келинади. Ушбу удум ҳар икки тараф бошлаган эзгу ишлар якуни ҳам худди ширин сув сингари ўтсин, ёшларнинг турмуши ширин ва тотли бўлсин деган ниятда амалга оширилади. Сўнгра шу маънода никоҳ ўқиладиганда ҳам келин-куёв ҳамда маросим қатнашчилари бўлган ёшларга бир қултумдан ширин сув, яъни никоҳ суви ичирилади¹. Ўз навбатида, келин хонадонига келган жўралар дастурхонига ҳам ширин сув қўйилади. Ердаги чангни бостириш учун ишлатиладиган ёки қурилишда лойга сепиладиган сув «шакароб» дейилишида ҳам ана шундай маъно бор.

Қашқадарёда келин куёв хонадонига жўнатиладиганда унинг жиҳозлари ичига сув тўлдирилган қумғон ҳам солинади. Қумғондаги сув тўкмасдан олиб борилади ва келин-куёв илк қовушганлардан сўнг шу сувга ювинади².

Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндон қишлоғида никоҳ тўйи куни келинни «ўзининг уйи»га олиб кетгани куёвнинг онаси билан бирга қудалар келганлар. Келиннинг уйида аёлларга қўл ювиш учун илиқ сув тутилган. Сув илиқ бўлиши шарт, чунки қудалар орасидаги муносабат ҳам доимо мана шу сув сингари илиқ бўлсин деб эзгу ният қилинади³.

¹ Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. – Тошкент, 1992. – Б. 114.

² Бўриев О. Сув – ҳаёт манбаи // Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари. – Тошкент, 2014. – Б. 267.

³ Пайзиева М. Никоҳ тўйи маросимлари / Миндон ва миндонликлар. – Тошкент, 2015. – Б. 147.

Келин-куёв янги оилани барпо қилиниш учун никоҳ ўқилган. Имом томонидан никоҳ ўқиладиганда маҳр тушунчаси, унинг миқдори куёвга тушунтирилади. Ана шу маросим чоғида водийда ўртага дастурхон ёзилиб, нон, қанд, бир косада сув қўйилади. Никоҳдан кейин келин-куёв косадаги сувдан бир хўпладан ичиб, бошқаларга ҳам беради. Ўртага дастурхон ёзиш, нон, қанд, сув қўйишнинг сабаби сўралганида, ёшларнинг умри ва турмуши ҳамини тўқлик, тўкинликда, ширин ўтиши учун шундай қилиниши ҳақида фикр билдиришди. Сурхондарёда никоҳ ўқиган домла никоҳ сурасини ўқиб бўлгандан кейин бир коса сувга Қуръони Карим оятларини ўқиб, дам солади, ушбу сувни аввал ўзи, ундан кейин куёв, сўнгра келин ҳамда вакил ота билан бирга никоҳда гувоҳ сифатида иштирок этган янги эр-хотиннинг яқин дўстлари навбатма-навбат ичади.

Фарғона водийси қипчоқлари никоҳ тўйи маросимида эса янги келин-куёвга ширинликлар едириб, никоҳ сувидан бир қултум ичирган. Келин-куёв ичгандан қолган никоҳ суви, турган гапки, асло ерга тўкилмаган. Чунки ерга тўкилса бахтсизлик олиб келиши мумкин дейилган. Шу сабабли «*Ўтдек иссиқ бўлсин*» дея оловга сепиб юборилган¹. Зарафшон воҳасида келин ва куёв муқаддас чимилдиққа (гўшангага) кирган пайтларида уларга албатта новвот солиб эритилган ширин сув ичирилади. Бу сувни дастлаб келин-куёв, улардан кейин янгалар ва бу ерда ҳозир бўлган, янги оила туғилишига гувоҳлик қилувчи онахонлар яхши орзуният қилиб, бир қултум (хўпладан)дан ичадилар. Айниқса, турмуш қуриш арафасида турган, балоғатга етган қизлар буни ичишга уринганлар. Ушбу сув воҳада «Никоҳ суви» деб аталган.

Қирғизларда эса никоҳдан аввал косага сув қўйилиб, унга шакар қўшиб, баъзан идишнинг тубига кумуш танга солиб, тайёр қилиб қўйилади. Никоҳ дуоси ўқилганидан кейин ўша сувни келин-куёв бўлиб ичади. Сувни ичаётганда

¹ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа... – С. 321.



Сирдарёдан сув олиш жараёни.
Наманган вилояти Турақўрғон тумани. 2018 йил.

турмушнинг иссиқ-совуғи ва паст-баландига бардошли бўлайлик, ҳамма қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтайлик, ҳаётимиз ҳам, ўзимиз ҳам шу сувдай тоза, пок бўлайлик, умримиз узун бўлсин деб ният қилинади¹. Шунингдек, бу жараёнда сув култи (никоҳ сувини ичириш) рудиментлари (қолдиқлари)ни кўришимиз мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, никоҳ маросимида келин-куёв олдида сув қўйиш одати ўзбеклар ва мусулмон аҳоли орасидагина эмас, балки дунёнинг бошқа миллатларида ҳам кенг тарқалган. Бу борада илмий адабиётларда ҳам турли-туман маълумотлар келтирилган. Тадқиқотчилар ушбу одатни ёшларни бирлаштиришнинг рамзий акти сифатида талқин қиладилар.

Ўз навбатида, Марказий Осиёнинг ўзга минтақаларида бўлгани сингари, Фарғона водийсида ҳам никоҳ тўйидан олдин қиз – бўлғуси келин маросимий тарзда сув билан покланиб, чўмилади. Бухорода эса қизга келин либосини кийдиришдан олдин ҳаммомга олиб бориб, ўзига хос одат

¹ Сувнинг сўроғи. – Бишкек: Айгине маданий-тадқиқот маркази, 2017. – Б. 5.

ва иримлар билан чўмилтириш маросими ўтказилади. Тоғли ҳудудлардаги айрим жойларда қиз – бўлажак келин турмушга чиқишидан олдин (дугона, янга ва «қўриқчилари» билан бирга) муқаддас сойга бориб чўмилиб, у ерда покланиб олган¹.

Дарё сувининг магик хусусияти билан боғлиқ одатлар. Сув билан боғлиқ турли урф-одат ва анъаналар орасида айнан сувнинг магик хусусияти билан боғлиқ айрим анъаналар ҳам учрайди. Жумладан, бу хусусиятлар кўп ҳолларда дарё ёки ёмғир сувига дахлдор эканлигини ҳам кўришимиз мумкин. Этнографик тадқиқотлар жараёнида водийдаги энг машхур сув объекти бўлган Сирдарё сувининг магик хусусияти билан боғлиқ ғоятда қизиқ бир одатни кузатишга эришдик. Маълумки, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Гулқишлоқ яқинидан Сирдарё оқиб ўтади. Ҳафтанинг чоршанба кунинда шу қишлоқ ва унга яқин бўлган бошқа маконларда истиқомат қилувчи бахти очилмаган қизлар, фарзандсиз аёллар, иши юришмасдан бирор муаммога дучор бўлган ёки касал бўлиб, дарддан фориг бўла олмаётган кишилар дарё қирғоғига келади. Айнан шу ерда турган қайиқларда дарёнинг бир тарафидан иккинчи қирғоғига сузиб ўтиш жараёнида оқимнинг уч жойидан идишга сув олинади. Сўнгра ночор қолганлар бу сувни ўз уйларига олиб келиб муаммолари тез ҳал бўлишини ният қилиб ичадилар.

Бу ўринда айнан нима учун дарё сувидан шу тарзда олиб ичилади деган савол туғилади. Этнофольклор йўналишда ўтказилган тадқиқотлар хулосаларида қайд этилганидек, дарё ҳосилдорлик культларидаги сув култи объектидир². Шу боис бахти очилмай турган қизлар турмуш қуриш, бепарзанд аёллар болали бўлиш мақсадида дарё сувидан ичишади. Маҳаллий аҳоли тасавурида айнан оқар сув энг покиза ҳамда доимий равишда олға ҳаракатда бўлганлиги

¹ Қорабаев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 95–96.

² Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси... – Б. 192.

туфайли нафақат ичимлик вазифасини адо этади, балки руҳий жиҳатдан ўзи покланиш, ўзгаларни эса поклаш хусусиятига ҳам эга экан.

Шунингдек, аёллар иштирокидаги Бибимушкулкушод маросимининг охирида кишмиш думчалари ўралган пахта-лар оқар сув – ариқ, анҳор, канал ёки дарёга ташлаб юборилади. Уни ташлашдан олдин «*Мушкулумиз осон бўлсин, ҳожатумиз раво бўлсин!*» деган эзгу ният билдирилади. Илгари сув тегирмонлари мавжуд бўлган пайтларда пахта тегирмоннинг новига ташлаб юборилган¹. Аммо ҳозир ушбу вазифани сув ҳавзаларининг ўзи бажаради. Пахта ташлаш асносида ҳар бир аёл тилагининг ижобат бўлишини сўрайди. Водий ҳудудида олиб борилган кузатувлар жараёнида аёллар пахтани сувга оқизиб, шу йўл билан ўз мушкуллари, муаммолари осон бўлишига ҳаракат қилишларига гувоҳ бўлинди. Қолаверса, водийда авваллари қизлар турмушга чиқишдан олдин турли каштали буюмлар, дўппи, белбоғ ва рўмолчалар тикканлар. Улар даставвал шу ҳунарни ўрганганида дастрўмол тикишдан бошлаганлар, биринчи тиккан рўмолчасини ариққа оқизиб юбориш одати мавжуд бўлган. Сурхондарёда дўппи тикувчилар тиккан илк дўпписини сувга оқизишади. Сабаби, кашта ва дўппи тикувчининг умри мисоли оқар сув каби узун бўлсин, унинг бунақа кашталари янада кўп тикилсин, обиҳаёт қизнинг йўлини пок қилсин, бахти беғубор бўлсин деган ният мужассамлашган.

Сўх тожикларида ўзини бахтсиз деб ҳисоблайдиган йигитлар ва қизларга бахти очилиши учун тоза идишда ёмғир суви ичирилади. Ушбу одат «бахтикушо» (бахтини очиш) деб аталади. Ёмғир ёғаётган паллада очиқ ҳавога чиқиб ўтириши тақиқланади. Чунки доно аждодлардан мерос халқона удумга кўра, ёмғирнинг суви қут-барака, Тангри таоло томонидан башариятга юборилган «марварид донаси» ё «обирахмат» саналади. Шунинг учун ёмғир сувини булғаш гуноҳи азим ҳисобланади. Ёмғир сувини фарзанд

¹ Фатхи Х. Значение женских ритуалов... – С. 18.

ато этиш мақсадида жувонларга ичирилса, ёш қизлар сочлари кўпайиши, янада узун бўлишини истаб осмондан тушган сувга сочларини ювганлар¹.

Маййитни сув билан поклаш. Оилавий маросимлар циклида мотам маросимлари ҳам ўзига хос консервативлиги билан ажралиб туради. Водийда ўтказилган мотам маросимлари таркибига марҳумни дафн этиш билан боғлиқ тасаввур ва магик урф-одатлар, турли-туман табулар, эҳсон ва қурбонликлар ҳам киради. Демак, юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда мазкур туркум таркибига кирадиган бир қатор маросимлар фақат тавсифий жиҳатдангина эмас, тарихий-назарий нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга молик деб ҳисоблашимиз мумкин.

Фарғона водийси бўйича этнографик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш жараёнида маҳаллий аҳоли билан суҳбатларда олинган маълумотлар, айтилган фикр-мулоҳазаларга кўра, ўлим деганлари, аслида, жоннинг чиқиши, руҳнинг инсон танасини тарк этишидир. Мана шу боис ҳам кексалар ўз ўлими яқинлашиб қолганини сезсалар, «судек келиб, селдек олгин» деб дуо қиладилар. Бунда одам узоқ вақт касал бўлиб ётмасдан, қийналмай, осон жон бериши назарда тутилган.

Водийда оғирлашиб қолиб, ҳаётдан кўз юмиши қийинлашган бемор учун ерга жой солиб, боши пастроқ қилиб ётқизилади, олдида икки киши унинг оғзига пахта билан сув томизиб, «калимаи шаҳодат» ўқиб ўтиради. Бунақа таҳликали вазиятда жон танани эркин ва нисбатан осон тарк этиши, ўлим талвасасига тушмаслиги учун атрофидагилар овозини чиқармай ўтирган. Жон бераётган кишининг иссиқдан оғзи буткул қуриб қолмаслиги, нам берувчи ички безлар (сўлак безлари)нинг фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун бир бўлак пахтага сув шимдирилиб унинг оғзи намлаб турилади. Илмий-этнографик адабиётлардан мазкур одат нафақат ўзбеклар орасида, балки бошқа мусулмон

¹ Сўфиев Ў. М. Сўх тожикларининг сув култи билан боғлиқ урф-одатлари. – Б. 120.

халқларида ҳам мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. Маҳаллий аҳолининг фикрига биноан, сув – обиҳаёт, одамнинг унга бўлган эҳтиёжи табиийдир. Айниқса, ҳаётининг охирги дақиқаларида оғзига томизиладиган сув унинг чанқоғини босадиган, ўлими олдидан бажариладиган амаллардан бири бўлган¹.

Оғир хасталикка дучор бўлиб ётган киши узилиш олдидан ҳушидан кетиши ҳам мумкин. Иссиқдан оғзи қуриб қолмаслиги учун, юқорида қайд этилганидек, пахтани сувга шимдириб, беморнинг оғзи намлаб турилади. Қолаверса, ўлим шарпаси аломати сифатида уни ҳиқичоқ тутганда етти қултум сув ичирилади. Бухорода эса инсоннинг паймонаси битаётганда ҳалқумига сув томизилади². Шу ўринда мазкур одат, аслида, жон бераётган кишининг ташналигини қондирадими ёки қандайдир бошқа сабаблар билан боғлиқми деган савол туғилади. Япониялик олим Месару Эмото ўзининг дунёга машҳур «Сув қуввати» асарида ёзишича, «Жон бераримизда ҳам сув бизга мададга келади. Японияда ўлим тўшагида ётган инсоннинг лаби сув шимдирилган пахта ёки сикуми дарахтининг барги билан намланади, унга куч-қувват қайтишини тилаб, хос дуолар ўқилади»³.

Демак, ўлим тўшагида ётган одамнинг оғзига сув томизиб туриш ёки ўлим аломати сифатида ҳиқичоғи тутганда унга етти томчи сув берилиши одатлари замирида танамизнинг кўп фоизини сув ташкил этганлиги сабабли ҳаётининг энг сўнги лаҳзаларида ҳам ундан нажот кутиш ва сувдан қувватланишга қаратилган хатти-ҳаракатни кўришимиз мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, оилавий маросимлар тизимида сув, асосан, одамлар учун покланиш ва инницияция ва-зифасини бажарган. Айнан мотам маросимининг асл мо-

¹ Пайзиева М. Ҳ. Анъанавий мотам маросимлари // Миндон ва миндонликлар. – Б. 155.

² Ушбу маълумот тарихшунос олима Шоира Асадова томонидан тақдим этилди.

³ Месару Эмото. Сув қуввати // Жаҳон адабиёти. – 2009. – №3.

ҳиятига диққат билан эътибор берилса, ушбу жараёнда марҳумнинг нафақат танаси, балки жасадини тарк этажак руҳи ҳам махсус ҳаракат орқали покланганини кўришимиз мумкин¹.

Мотам маросимида марҳумни сув билан ювиш жараёни чақалоқ ва бўлғуси аёлнинг маросимий чўмилишидан маълум бир жиҳатлари билан фарқланади, маййитни ювишдаги амаллар чаппасига, инсон бу дунёга келганлиги ва тириклигида бажариладиган амалларга қарама-қарши тарзда (чап томондан) ҳамда тоқ (3–5) маротаба бажарилади². Жумладан, марҳумнинг жасадини чап тарафдан бошлаб ювиш, бу жараёнда танасига чап қўл билан сув қуйиш, тобут остига солинадиган кўрпача, ёстиқларни тескари қилиб қўйиш, мотам маросимларида қўйиладиган турли нарсаларнинг тоқ бўлиши каби амалларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Мотам маросимида амалларнинг бу тарзда тескари-сига бажарилиши гўёки марҳумнинг орқага, яъники ўзи келган бошқа бир оламга кузатилаётганлигини англатган. Марҳумнинг бошқа оламга ўтиши мотам маросими билан боғлиқ айрим иборалар этимологиясида ҳам акс этган. Шу жумладан, Фарғона водийсида яшовчи ўзбеклар вафот қилган одамга нисбатан «вафот этди», «рахматли бўлди», «қазо қилди», «оламдан ўтди», «бандалик қилди», «ўтиб қолибди» иборалари билан бирга «қайтиш қилди» ҳам дейилади³. Бу ибора ҳам бевосита унинг тириклар дунёсидан бошқа бир оламга ўтиб кетаётганлигига ўзига хос бир рам-

¹ Тадқиқотчиларнинг фикрича, марҳумнинг гуноҳларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлган мазкур маросим гарчи исломий тарзда амалга оширилса-да, лекин унинг асл моҳияти майитдаги касаллик, зиён-заҳмат ва шунга ўхшаш нарсаларни буюм ёки ҳайвонга ўтказиш билан боғлиқ исломгача бўлган тасаввурлар билан боғлиқ. Бу тўғрисида қаранг: Губаева С. С. Путь в зазеркалье... – С. 165.

² Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Какликўрғон қишлоғи. 2017 йил.

³ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Қоронқўл қишлоғи. 2018 йил.

зий ишора бўлса керак. Шунингдек, Хоразмда ҳам «қайтиш қилди», «қайтиш бўлибди», «ўтиб қолибди» иборалари кўп қўлланилади.

Хуллас, чақалоқни, келинни чўмилтириш, марҳумни ювиш одатлари парциал магия қонуниятига биноан сувдан ўтиш билан тенг бўлиб, гўдак, келинчак, марҳумнинг аввалги борлиғи, моҳияти энди ўзгарганлиги, уларнинг бир дунёдан иккинчи оламга ўтганлигини англатади. Қолаверса, оилавий маросимлар тизимидаги сув билан боғлиқ ҳар бир этнографик факт бирон-бир магик, эстетик ёки бошқа вазифаларга эга бўлган. Ушбу вазифалар кўпинча бири иккинчисига ўтади, яъни улар ўзаро роль алмашади. Масалан, магик вазифа эстетикага ҳам ўтиши мумкин.

III.3. МИРОБ – СУВ БЕГИ

*Сув – зар, сувчи – заргар.
Ўзбек халқ мақоли*

Марказий Осиёнинг бошқа сунъий суғоришга асосланиб деҳқончилик қиладиган минтақаларида бўлгани сингари, Фарғона водийсида ҳам сув ишлари билан алоҳида касб эгалари шуғулланган, айнан ушбу соҳа эгалари «мироб» деб номланган.

«Мироб» атамаси тарихи. «Мироб» (мир (арабча) – «амир» истилоҳининг қисқаргани, яъни бошлиқ, раис, пешво, бек маъноларини англатади; «об» (форсча) – сув) «сув тақсимоти» ва суғориш тизими, шунингдек, ариқ-каналлар қазийш ишларига раҳбарлик қилувчи маъмурий раҳбар бўлган. Шунингдек, туркий халқларда «мироб» сўзи билан бирга «сув беги»ни ифодалаш учун «тузун», «чатба», «сувбоши» сингари бир қатор атамалар ҳам қўлланган.

XI асрда яшаб ижод қилган улуғ тилшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асарида сув тақсим-

ловчи (мироб) «тузун» сифатида ифодаланган¹. Одатда, бундай вазифа қишлоқ кекса нуронийси ё оқсоқоли (ҳурматли кишиси) га юклатилган. Мана шу мавзуга тегишли «чатба» (ариқ қазишга, тўғон бўғишга чиқмаганлардан қишлоқ оқсоқоли – тузун оладиган солиқ) атамаси ҳам бор². Шунингдек, турк сайёҳи Э. Ча-



Мироблар иш вақтида

лабийнинг (XVII аср ўртаси) эсдаликларида туркийларда жамоа маъмурияти бошлиғи «сувбоши», маъмурий бирлик бўлса, «сув бошлиқ» деб аталиши ҳам қайд қилинган.

Миробнинг вазифалари. Фарғона водийсида, ердан фарқли равишда, сув умумхалқ мулки ҳисобланган. Фақат ундан тартибли фойдаланиш учун махсус мироблар тайинлаб қўйилган. Сувни унга муҳтожлар ва фойдаланиш ҳуқуқига эга мижозларга тўғри, адолатли тарзда тақсимлаш ҳамиша долзарб вазифа бўлиб келган. Ушбу жараёнда миробларнинг ўрни бениҳоя катта бўлиб, улар ўзларига назорат учун ажратилган, тегишли бўлган ҳудудлардаги сув объектлари текширувини амалга оширганлар. Одатда, мироб жамоа орасида катта тажрибага эга бўлиб, жамоадошларини бирлаштира оладиган, уларни ҳамжиҳатлик билан ўз ортидан эргаштира биладиган ташкилотчи ҳам бўлиши керак эди. Мироб мулоқотга уста, ўзига хос «дипломат», яъни ҳамма билан тил топишадиган киши саналган. У доимий равишда сув зарур вақтда жамоага, бирор-бир шахсга ён бо-

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит-турк. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 380.

² Ўша жойда.



Мироб. М.Пенсон фотоси.

сади, мурсага боради, зарур бўлса, қатъият кўрсатади, ўз фикрини ўтказди. Бунинг учун обрў-эътибордан ташқари у жамоага маъқул келиши, одамларни ўзига жалб қила олиш каби туғма хислатга ҳам эга бўлиши керак. Мироб мавжуд ҳокимият билан тил топиша олиши, жамоа манфаатини таъминлаши, хусусан, сув тақсимотида ижтимоий адолатга амал қила оладиган шахс бўлган. Бошқачасига айтганда, мироб аграр жамиятнинг ўзига хос «этнограф»и бўлган.

Мироблар фаолиятидаги асосий вазифалардан бири ариқ ҳамда каналларни доимий тозалаш, сувдан фойдаланиш ишларини амалга ошириш ҳисобланган. Фарғона вилояти Данғара туманининг Қўқон шаҳри билан чегарадош ҳудудларидан сойлар оқиб ўтган. Шу сойларнинг сув тақсимлаш жойлари «Олиш» деб ҳам аталади. Чунки XX аср бошларида аҳоли сув кам бўлган вақтларда сув таллашиш оқибатида жуда кўп жанжал, тўполонлар содир бўлиб турган. Ҳозирги кунда Данғара туманида Олиш деган маҳалла ҳам мавжуд¹.

¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор ва Олтиўртоқ қишлоқлари. 2018 йил.

Фарғона водийсида ҳам мироблик энг савобли вазифалардан бири бўлиб, у инсондан билим, маҳорат ва ҳалоллик хислатларини талаб қилган. Бунинг устига, мазкур касбда аниқ бир белгилаб қўйилган иш вақти ҳам бўлмайди. Мироб учун энг қийин вазият сувнинг йўқлиги ёки жуда камлиги бўлган. Шунингдек, мироблик касбининг энг муҳим жиҳати сувни қайси тарафга юришини яхши билиш ҳисобланган. Шу боис ҳар бир мироб ҳудуднинг рельефи ва нишаблигини яхши билиши шарт. Миробликка танлашда шахснинг юриш-туриши, арзғўйлар, турли ҳолатга тушиб турган сувга муҳтож одамларни тинглай олиш лаёқати, қобилияти, ниҳоятда сабрли бўлишига ва одамлар билан муомаласига жиддий эътибор берилган. Шунингдек, ҳар бир миробнинг ўзи сувни исроф қилмаслиги лозим бўлган. Мабодо шунақа адолатсизлик ва қинғирлик ҳолатлари содир этилган бўлса, мироблар ўз устозлари, маҳаллий раҳбарлар томонидан қаттиқ жазоланган¹.

Бошқа касбларда бўлгани каби, миробликнинг ўзига хос сир-асрорлари бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди: ишни ниҳоятда пухта қилиш, ариқнинг ҳажмига қараб сувни тўғри тақсимлаш, канал ёки ариқлар тепасида ҳеч қачон маст қилувчи (спиртли) ичимликлар ичмаслик, иш қуролларини ва ўзига тегишли сув объекти бўйларини доимо тоза, пок сақлаш, сув оқимининг тезлигини ва унинг ҳажмини тўғри чамалай, баҳолай билиш қобилиятига эга бўлиш ва бошқа шу кабилар.

Фарғона вилоятида алоҳида суғориш иншоотларини назорат қилувчилар «деҳқон оқсоқоли» деб ҳам аталган. Шунингдек, бир неча ариқлардан сув ичадиган катта-катта қишлоқларда бир неча мироблар бўлган².

Бош тўғон ва каналлардан катта ариқларга сув тақсимлаб берувчи шахс мироббоши (мир-арбоб) ёки ариқ оқсоқоли дейилган. Сувни тақсимлашдан ташқари мироббоши-

¹ Халмуратов Б. Сув илмининг билимдонлари // Имом Бухорий сабоқлари. – 2018. – №1. – Б. 67.

² Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа... – С.180.

нинг зиммасида тўғон ва каналларни ҳар йили бир марта ҳашар йўли билан тозалаш ишларини уюштириш, канал ва тўғонларни тузатиш ҳамда таъмирлаш ишларини ташкил этиш ҳам юкланган. Мироблар, одатда, эрта баҳорда оилали, обрўли, кўпни кўрган, муҳими, суғориш билан боғлиқ юмушларни пухта биладиган кишиларнинг орасидан сайланган¹.

Хоразмда ҳам деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган иқтисодиётнинг асосий тармоғи бўлганлигидан сув муаммоси давлат миқёсидаги муҳим масала ҳисобланган. Шу сабабли ушбу долзарб масалага мутасадди мироблар хоннинг юқори мартабали амалдори саналар, сарой маросимларида фаол қатнашиб, баъзан вазифасига бевосита тааллуқли бўлмаган топшириқларни ҳам бажарган. Ҳар бир масжид қавми ерларига алоҳида мироблар тайинланган². Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакиллари Мунис ва Огаҳий ҳам Хива хонлигида бош мироблик вазифаларида эл-юртга сидқидилдан хизмат қилганлар.

Азал-азалдан мироблик ва ариқ оқсоқоли вазифасини шараф билан адо этиш энг масъулиятли иш бўлиб келган. Бу лавозимга халққа таниқли, обрў-эътиборли, ҳалол, кайвони одамлар сайланган. Чунки сув жамият тараққиёти, қаттиқ меҳнат-машаққат билан етиштирилажак мўл-кўл ҳосилнинг гарови ҳисобланган. Мироб ишини амин назорат қилган ва сув масалалари бўйича мабодо келишмовчилик, низолар чиқса, бек ва қозига ҳисобот берилиб, низо ҳал қилинган.

Мироббоши ва кўкбошилар, асосан, йирик сув тизимлари бўлган дарёлар ҳамда каналларни назорат қилса, мироблар ушбу сув манбаларидан ажралиб чиққан «шоҳ ариқ» ҳамда «эна ариқ» деб юритилувчи суғориш тизимларини бошқарганлар. Тарихий манбаларда ёзилишича, XIX аср охирларида Қўқон уездининг ўзидагина 600 га яқин ми-

¹ Бўриев О., Раҳмонов Ф. Мироб – сув ҳоқими // Мозийдан садо. – 2004. – №4. – Б. 32.

² Раҳмонова Ю. Хива шаҳри тарихи (Анъана ва ўзгаришлар, XVI аср – XX аср бошлари). – Тошкент: Akadernashr, 2019. – Б. 70.

роблар фаолият кўрсатган бўлса, водий бўйича уларнинг сони бир неча минг нафарни ташкил қилган¹.

Ўзбек тилида «мироб» сўзидан ташқари «ариқчи», «сувтўра», «сувбеги», «сепоячи», «коризчи», «сувчи» сингари сувчиликка оид касб-ҳунар атамалари мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам айрим ҳудудларда кенг қўлланилади. Айнан XX асрда минтақада ерларни суғоришга эҳтиёж ошиши билан ўзбек тилидаги сув билан шуғулланувчи шахслар ва касбларни изоҳловчи сувчи, уста сувчи, бош сувчи, сув бошлиғи, ирригатор, мелиоратор, гидротехник каби қатор янги атамалар пайдо бўлди ва ҳозирда ҳам кенг қўлланилмоқда. Хуллас, ҳозирги замонда «мироб» суғориш учун сувни бошқарувчи (назоратчи) ҳисобланади. Мироб жойлардаги қишлоқлар аҳолиси томорқалари, далаларини сув билан таъминлайдиган алоҳида каналларга назоратчилик қилган. Ўз навбатида, ўша қишлоқларда миробча (кичик мироб) ва палмироб (чегараловчи мироб) каби миробдан кейинги ўринда турувчи бир қатор лавозимлар ҳам бўлган².

Халқимизда мироблик касби билан боғлиқ бўлган «Ариқни кимлар қазар, сувини кимлар ичар», «Отанг мироб бўлса ҳам, ариқингни тозалаб сув ич», «Отанг мироб бўлгунча даҳананинг боши бўл», «Сувсиз ариқ – ташландиқ ариқ», «Бир одам ариқ қазийди, минг одам сув ичади» сингари ибратли нақллар ҳам мавжуд³.

Косонсой сув тизимидаги катта ариқларда, асосан, 12 кунлик (айрим ариқларда эса 9 кунлик) сув навбати жорий этилган бўлиб, бу туркумда жами 7 та бош ариқ бўлган, улар ҳам ўз навбатида, кичик-кичик ариқларга бўлинган. Ушбу ариқларни 17 нафар мироб назорат қилиб турган. Мироблар кичик ариқларда 2 – 3 кунлик сув навбати асосида фаолият кўрсатганлар. Мазкур тизимдан Наманган бўйича ҳаммаси бўлиб 25 қишлоқ аҳлининг далалари сув билан таъминланган 44 та тегирмон орқали сув ажратилган⁴.

¹ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – С. 171–173.

² Халмуратов Б. Р. Сув илмининг билимдонлари... – Б. 67.

³ Жабборов Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси. – Қарши, 2004. – Б. 29.

⁴ Саримсоқов А. Ўзбек халқининг тақвимий маросимлари... – Б. 46.

Совет ҳокимияти йилларида Фарғона водийсида жамиятнинг аксарият анъанавий институтлари сингари мироблик ҳам чекланди, аниқроқ айтганда, барҳам топди. Аммо бу жараён бирданига амалга оширилмади. Дастлаб улар норасмий тарзда фаолият олиб боришган бўлса-да, лекин коллективлаштириш ва қулоқларга қарши кураш кампанияси авж олган 30-йилларда мироблик жамиятнинг институти сифатида расман йўқ қилинди, лекин унинг кўринишлари батамом йўқ бўлиб кетмади. Халқ руҳиятида миробларга бўлган муносабат ва мойиллик сақланиб қолди.

Айнан шу даврда миробларнинг вазифаси ўзгариб, улар, асосан, магистрал каналлар бошқармаларида жамоа ва совет хўжалиги ерига сув тақсимотини назорат қилиш билан шуғулланганлар. Мустақиллик йилларида миробларга яна катта катта эҳтиёж сезила бошлади. Чунки минтақада сув муаммоси оқилона ечимини кутиб турган долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Шу боис анъанавий мироблик институти билан боғлиқ билим ва кўникмаларга эга бўлган тажрибали мутахассислар хизматидан кенг фойдаланила бошланди. Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар миллий мустақилликка эришганидан сўнг сувнинг бошида турган давлатлар тарафидан дарёлардан ирригация мақсадида фойдаланиш керакми ёки саноат корхоналари ва аҳоли эҳтиёжи учун электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфлашимиз керакми деган улар учун ўта муҳим масала кўндаланг туриб қолган эди. Дарёларнинг (Амударё ва Сирдарё назарда тутилмоқда – А. А.) ўрта оқими ҳудуди ва куйилишида жойлашган мамлакатларда сувга эҳтиёж ортиб борганлиги туфайли сув муаммоси минтақадаги ўта долзарб масалалардан бирига айланди, шу боис анъанавий сув жамоаларини қайтадан тиклашга алоҳида диққат-эътибор қаратилди. Хусусан, бу борада Фарғона водийсида ҳам сув билан боғлиқ ишлар анъанавий мироблик институти воситасида ҳал қилинадиган бўлди.

Айниқса, чегара ҳудудларидаги сув билан боғлиқ муаммоларни тажрибали мироблар халқ дипломатияси йўли

билан ҳал қилишга интилдилар. Шунга қарамай, мироблик билан боғлиқ анъанавий билимлар унутилиб бормоқда. Одатда, авваллари мироблар нафақат сув тақсимоти билан шуғулланганлар, балки сувни қадрлаш ва гидротехника иншоотлари тозалиги учун асосий масъул шахс бўлганлар. Улар баҳор келиши билан катта канал ва ариқларни тозалаш борасида жамоавий ҳашарларни ташкил этганлар. Афсуски, ҳозирда уларнинг асосий фаолияти сув таъминоти билангина чекланиб қолмоқда. Айнан миробларнинг жамоавий функцияси ва маҳалла орасидаги аввалги мавқеи бироз сустлашганлиги яққол сезилади.

Мироб аёлни биласизми? Таниқли этнограф Карим Шониёзовнинг ёзишича, XIX асрнинг биринчи чорагида Наманганда мироббоши вазифасига Абдусаттор Мирзабек (Мирза қипчоқ) тайинланган эди. У мироббошилиқ қилган даврда сув тақсимлашда кўпгина ноҳақликларга йўл қўйилган, бу эса халқнинг норозилиги кучайишига сабаб бўлган. Норозилик уруш-жанжал, тўс-тўполон, муштлашувга айланиб кетган, оқибатда мироббоши Абдусаттор қаттиқ жароҳатланиб, вафот этган. Шундан сўнг унинг хотини Холбиби мироббошилиқни адолатли равишда давом эттирган. Қисқа вақт ичида Холбиби наинки Наманган вилояти, балки бутун Фарғона водийсида эл-юртнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Мироббошилар ушбу доно аёлдан оқилона маслаҳатлар олиб турганлар, халқ уни иззат-ҳурмат қилиб «Холбиби мироббоши» деб атаган¹. Афсуски, Фарғона водийсидаги ирригация тарихи ва замонавий сув хўжалиқларига оид материаллар билан яқиндан танишиш жараёнида водийда Холбиби сингари одилона иш юритган бошқа мироб аёллар бўлганлиги ҳақида маълумот учратмадик.

Миробга ҳақ тўлаш тартиби. Олдинлари сув беги – миробларга давлат томонидан ҳеч қандай маош белгиланмаган. Улар, анъанага кўра, деҳқонлар ёки сувдан фойдаланувчи кишилардан, асосан, натура ҳисобида ҳақ олганлар.

¹ Шониёзов К. Холбиби мироббоши // Саодат. 1980. №4. – Б. 24–25.

Ушбу тўлов халқ орасида «мироб ҳақи, миробона, капсан» деб юритилган. Мазкур тўловлар сувдан фойдаланувчининг экин майдонига, экин турига қараб турлича миқдорда бўлган. Айрим манбаларда келтирилишича, Ғовасой суғориш тизимида фаолият юритувчи мироблар ҳақи ер майдони ва экин турига (пахта сингари сувга ниҳоят даражада ўчоқ ёки камсув экинлар етиштирилишига) қараб аниқ белгиланган, унга кўра, ҳар бир мироб меҳнати эвазига бир йил мобайнида 5 чорак жўхори (400 кг), 5 чорак маккажўхори, 3 чорак буғдой, 2 чорак пахта миқдорида ҳақ олган¹.

Айрим қишлоқларда мироб ҳақини уларнинг «сув беги» деб аталувчи ёрдамчилари йиғиб олган. Ушбу мироб ёрдамчилари ҳам халқ томонидан сайланган. XX аср бошларига келиб мироблар меҳнат ҳақи эвазига деҳқонлардан пул ҳам ола бошлаганлар. Айрим маълумотларда келтирилишича, мироб ҳақи эвазига ҳар бир оиладан ўша даврдаги рус пулига 10 копейкадан 1 рублгача миқдорида пул олинган².

Советлар даврида мироблар иш ҳақи юқори бўлмаган. Шунинг учун мироблар орасида буюрилган ишдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам бот-бот содир бўлиб турган. Ушбу даврда ҳар бир миробнинг алоҳида сумкаси бўлиб, у «корзинка» деб аталган. Уларнинг корзинкасида ҳар доим пичоқ, нон, туз, қалампир, пиёз, термосда дамланган чой бўлган. Чунки ўша замонларда мироблар учун алоҳида овқатланиш пунктлари йўқлиги учун сувчилар шундай қилишга мажбур бўлишган³. Мустақиллик йилларида ҳам миробларга, асосан, ойлик иш ҳақи тўланадиган, уларнинг маошлари маълум бир разряд ва иш стажи асосида белгиланадиган бўлди.

Мироб касби билан боғлиқ одатлар. Миробларда сув билан боғлиқ кўплаб қизиқарли одатлар мавжуд бўлган. Улар

¹ Абдулхамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 102–103.

² Орошение // Среднеазиатская жизнь. 1906 г. 15 июль. – № 59.

³ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2018 йил.

сув тақчил бўлган вақтларда ҳам барча низоли масаларнинг ечимини босиқлик, сабр-тоқат билан топишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг таъкидлашига кўра, сув бор ерларда ва уйда асло жанжаллашиб бўлмайди, чунки сув яхши сўзни ҳам, ёмон сўзни ҳам дарров ўзига сингдириб олар экан. Шу сабабдан ҳам доимо улар пайдо бўлиб қолган муаммоларни одилона ва оқилона ечишга ҳаракат қилганлар¹.

Маҳаллий аҳоли, шу ерлик зиёлиларнинг фикрича, сув одамларни бирлаштирувчи восита ҳисобланади. Илгари маҳаллаларда ариққа сув келса, ҳеч ким сўроқсиз ўз уйига очиб олмаган. Ҳар бир миробнинг қўлида махсус таёқ бўлиб, у билан сувнинг сатҳи ўлчанган, баъзи вақтларда, эҳтиёж туғилиб қолган пайтларда эса ўша таёқ сувнинг оқимини тўсувчи восита сифатида ҳам ишлатилган.

Водийнинг айрим қишлоқларида сув навбати бир кеча-кундуз давомида намоз вақтлари бўйича белгилаб қўйилган. Косонсой туманининг айрим қишлоқларида навбат учун бир сутка тўрт қисмга бўлинган. Биринчи сув олиш учун навбат бомдод намози тугаб, масжиддан биринчи киши чиқиб келган пайтдан бошланади. Навбат тахминан соат ўнларда тугаб, шу пайтдан иккинчи навбат бошланган ва у пешин намозининг тугашигача давом этган. Учинчи навбат пешин намозидан сўнг бошланиб, хуфтонга қадар амалда бўлган. Хуфтон намози тугаши билан бошланган тўртинчи навбат эса бомдод намозига қадар давом этган. Сувдан фойдаланувчи кишилар иложи борида тунда сугоришга ҳаракат қилган. Чунки, одатда, сувсаган экинлар тунда кундузгига нисбатан қониброқ сув ичиши деҳқонларга қадимдан жуда яхши маълум бўлган².

Устоз-шогирд анъаналари. Сув билан боғлиқ анъанавий билимларга эга бўлган мироблар ҳозирги замонавий миробларга ўхшаган ҳолда махсус таълим масканларида таҳсил олмаганлар. Лекин улар сувчилик касби билан

¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2018 йил.

² Саримсоқов А. Ўзбек халқи тақвимий маросимлари... – Б. 66.

боғлиқ билимларни устоз-шоғирдлик асосида, назарияни амалиётга қориштирган ҳолда ўзлаштириб олганлар. Хусусан, биз тадқиқот олиб борган Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида Талъатбек Каримов исмли мироб бўлиб, у киши 1932 йилда туғилган, қарийб ярим аср мобайнида, яъни 1950–1996 йилларда мироблик вазифасини адо этган. Мироблик Талъат бобога ота касби бўлмаган, унинг ота-боболари асосан деҳқончилик, қисман уй ҳунармандчилиги билан шуғулланган.

Талъатбек бобонинг миробликдаги устози Жанибек Туллабоев, Аркадий Белаз деган мироблар бўлган. Бу мироблар уруш йиллари тақдир тақозосига кўра Тўрақўрғон ҳудудига келиб қолган. Унинг асосий иш фаолияти Тўрақўрғондан оқиб ўтувчи «Машканал»да ўтган. Мазкур канал илгари Наманган шаҳри ҳудудидан оқиб ўтган бўлиб, шаҳардан чиққанидан кейин Тўрақўрғон туманига кириб, Елхон маҳалласи (бу маҳаллада асосан қирғиз этносига мансуб аҳоли яшайди) орқали Тўрақўрғон шаҳрининг қуйи, янада ҳам аниқроғи, жанубий қисмидаги далаларни сув билан таъминлаган.

1950 йилда Талъатбек Каримов Тўрақўрғон районининг бош мироби вазифасига тайинланган. У айнан бош мироб бўлгандан кейин 1950–1953 йилларда Тошкент ирригация техникумида сиртдан ўқиган. Т. Каримовнинг таъкидлашича, 1972–1973 йилларга қадар Тўрақўрғон шаҳри аҳолиси сув етишмовчилигидан қаттиқ қийналган. Аҳоли вакиллари Талъатбек бобонинг олдига келиб: «Бизни қурғоқчиликдан қутқар», – деб кўз ёши тўкиб йиғлаган пайтлари ҳам бўлган экан. Чунки ўша пайтларда Тўрақўрғон шаҳрининг аҳолисига 5 та ҳовуз хизмат кўрсатиб келар эди. Қурғоқчилик йиллари ўша ҳовузлар ҳам қуриб, одамларнинг аксарияти қуртлаб кетган сувдан ичишга мажбур бўлганлар. Баъзи бир одамлар ришта (терининг орасига қурт кириб қолиши) касаллигига дучор бўлишган. Мана шу сабабдан ҳам, Талъатбек Каримов бошчилигида Косонсойдан сув олиб келинган.

XX асрнинг 70-йиллари ўрталарига келганда Оқтош шаҳарчасининг қуйи қисмида Шимолий Фарғона канали орқали 2-насос станцияси қурилган. Мазкур гидротехника иншоотининг қурилиши натижасида Тўрақўрғонга Оқтошдан ичимлик суви олиб келинган. Талъатбек бобонинг айтишига қараганда, мироблик касбининг энг муҳим сири сувни исроф қилмаслик, уни доимо қайси тарафга юришини яхши билишдир, бу жуда муҳим ҳисобланган.

Талъатбек бобонинг фикрича, сув одамларни ўзаро бирлаштирувчи восита бўлган. Минг афсуски, сув тақчиллаша бошлаган сўнги вақтларда одамлар бирлашиш ўрнига ўзаро можаро-жанжалларга, келишмовчиликларга ҳам бормоқда. Сув муаммоси нафақат маълум бир ҳудуд, маҳалла ва жамоа орасида, балки халқлар орасида ҳам ўзаро низоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабдан мироблар айнан сув билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда доимо босиқлик билан ва узоқни кўзлаган ҳолда қарорлар чиқаришлари зарур. Бунинг учун мироб элнинг орасида кўз-қулоқ бўлиб кўп юрган, кўпни кўрган тажрибали инсон бўлиши зарур. Афсуски, сўнги вақтларда кўплаб мироблар касбий фаолиятга оид олий ва ўрта махсус таълим олган бўлсалар-да, аҳолининг ҳол-аҳволи, уларни ўйлантираётган иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммолардан тузуқ-қуруқ хабардор эмаслар. Шу сабабли кўплаб янги муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Айниқса, суғориш мавсуми бўлган ёз фаслида бундай долзарб муаммолар ечими ҳам янада мушкуллашмоқда.

Замонавий мироблар фаолияти. Маълумки, XX асрнинг 90-йиллари бошларида МДХ ҳудудида содир бўлган янги давлатларни ягона сув ресурсларини адолатли тақсимлаш, фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг янги самарали тизимини жорий қилишни тақозо этганди. Давлатларнинг сув ресурсларини бошқаришнинг янги тизимини ташкиллаштиришда сувнинг ўзига хос товар (асосан, ишлаб чиқариш воситаси) эканлиги, сув хўжалигининг вазифаси эса ундан унумли равишда фойдала-

нишни ташкил этишдан иборат эканлигини назарда ҳам тутишимиз керак. Бу ҳолатда республика сув хўжалиги ташкилотини алоҳида мелиоратив тизимлардан иборат улкан бир корпорация (концерн) шаклида ҳам тасаввур қилишимиз мумкин.

Ушбу вазиятда сув ресурсларини оқилона бошқариш тизимининг сўнгги поғонаси эса демократик усулда сувдан фойдаланувчилар томонидан сайлаб қўйиладиган мироб бошчилигидаги деҳқон-фермерлар жамоаси ҳисобланади. Давлат сув хўжалиги корпорацияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари вазифаси манбалардан лимит (улуш)ларига яраша сувни олиб, истеъмолчига исроф ва ноҳақликка йўл қўймасдан тўла-тўқис етказиб беришдан иборатдир.

Сўнгги йилларда водийда ҳар бир канал ёки ариққа сув ўлчагич, ҳар бир канал ёки ариқлар бўйида «Мироблар уйи» қурилди, иш ўринлари ҳам анча-мунча кўпайиб қолди. Бунга совет давридаги колхоз ёки совхозларнинг тугатилиб, ўрнида сон жиҳатидан ўнлаб марта кўпроқ фермер хўжаликлари ташкил этилганлиги сабаб бўлди. Овқатланиш пунктлари ҳам ташкил этилди. Ҳозирги замонда «мироб» деган атама ҳам аста-секинлик билан муомала-

дан чиқиб кетмоқда. У энди аҳоли томонидан, асосан, «сув назоратчиси» деб аталмоқда.

Умуман олганда, ҳозирда водийда мироблар қуйидаги тарзда бўлинади:

Катта мироблар. Бу мироблар трансчегаравий дарёлар суви-ни давлатлар ўртасида назорат қилиш ишлари билан шуғулланган.



Сирдаёдаги сув ўлчаш станцияси.
Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани.
2018 йил.

Туман мироби.

Қишлоқ мироби.

Лейкачи, ўлчовчи мироб.

Наманган вилояти Чуст тумани Какликўрғон туманида яшовчи мироб Валижон Абдуллаевнинг таъкидлашича, авваллари деҳқончилик жараёнида мироблик доимо энг масъулиятли касб бўлиб келган. Чунки айнан ушбу касб эгалари тириклик манбаининг назорати ва тақсимооти каби беҳад масъулиятли иш билан шуғулланади. Улар мироб рухсатисиз сувни очиб олган, яъни ўғирлик қилган кишига ўзига хос жазо тайинлаб, айнан ушбу кимсага тегишли бўлган ерга, далага уч кунгача суғориш учун сув беришни тақиқлаб ҳам қўйган.

Халқ орасида мироблар билан боғлиқ кўплаб нақллар мавжуд. Масалан, «Ё еринг сероб бўлсин, ё отанг мироб бўлсин» дейилади бир мақолда.

Миробларнинг ҳам ўзига хос иш қуроли бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг асосий турлари канал ва ариқларнинг бошланишида махсус сув ўтказадиган дарвозаларни очадиган дарвоза калит, кетмон, паншаха (беш шохли)дир. Айнан сув оқиб ўтадиган, тақсимланадиган дарвоза «қулоқ» деб ҳам аталган. Калит орқали дарвозадан сув очилган ёки оқаётган сув беркитилган, кетмон орқали сув оқаётган ариқ тартибга келтирилган бўлса, паншаха билан ариққа тушиб қолган турли-туман буюмлар, хас-хашақлар олиб ташланган.

Мироблар Чуст туманида авваллари отда, ҳозирги пайтда эса велосипед ёки енгил машинада юрган ҳолда ўз вазифасини бажарадилар. Ҳар бир мироб зиммасига белгиланган масофада сувни назорат қилиш вазифаси юклатилган. Масалан, Наманган вилояти Чуст тумани Какликўрғон қишлоғи мироби саккиз километрлик масофадаги сувни доимий равишда, қишин-ёзин назорат қилган ва унинг назоратидаги ҳудудда 14 та сув дарвозаси жойлашган.

Бундан ташқари, водийнинг айрим қишлоқларида ҳар суғориш навбати келганида миробга бир ёки ярим қулоқ сув ошириб берилган, мироб эса уни бирор кишига сотиб,

олган ҳақини ўз хўжалиги, хўжалигига ишлатган¹. Миробнинг ҳақини тўлиқ бериш, бу борада ғирромлик, хасислик қилмаслик халқимиз орасида одат тусига кирганлиги эътиборга молик. Айрим туманларда мироб ҳақи ўзаро йиғилиб, унинг уйига элтиб берилган².

Шуни ҳам жоизки, XIX аср охирига келиб мустамлака ҳукумат ер ва сувга доир бир қатор қонунларни чиқарган, унга биноан, сув мутахассисларига маош ҳам белгиланган, аммо бу қонун амалда ўзини оқламади. Ўша замонларда сунъий суғориш билан бевосита боғлиқ ҳар хил масалалар даврий матбуотда ҳам ёритилиб, уларнинг ечими турли доиралардаги қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган эди.

III.4. СУВНИНГ ТИББИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ³

Сувнинг даво хусусиятлари ҳақида. Сув одамларнинг энг муҳим тириклик манбаларидан бири бўлиш билан бирга халқ табobatiда даволаш мақсадида ҳам фойдаланиладиган асосий унсурлардан ҳисобланади. Касалликларни сув ёрдамида даволаш дунёнинг турли халқлари табobatiда мавжуд бўлиб, унинг тиббий хусусиятлари халқ билимлари натижасида юзага келган.

Халқ табobatiда сув билан даволаш ё сувнинг даво хусусиятларидан фойдаланиш, асосан, икки кўринишда амалга оширилади: шифобахш сув истеъмол қилиниши орқали даволаш ёки инсоннинг танасига ташқи томондан сув билан таъсир этиш орқали мавжуд хасталиқдан фориғ этиш.

Сувдан фойдаланиш маданиятига, уни инсон танасида учрайдиган кўпгина хасталикларни даволаш воситаси сифатида қўллашга қадимдан Марказий Осиё халқларининг тур-

¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Кўрғонтепа қишлоғи. 2002 йил.

² Фуломов Я. Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи... – Б. 278.

³ Монографиянинг ушбу фасли этнолог Х. Жуманазаров томонидан ёзилган.

муш тарзида алоҳида эътибор берилган. Ўлкамиз халқлари тарихига оид қадимий манбалардан бири «Авеста»да ҳам сув тўрт ҳаётий унсурнинг бири сифатида тилга олинган.

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино (980–1037) ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» китобида сув ҳақида фикр юритар экан, унга тиббий нуқтаи назардан ёндашиб, тўрт унсурнинг бири деб таърифлайди ва уни ўзига хос тарзда таснифлайди. Энг тоза сув «ери тоза ва тупроғида бирорта чет хусусият ва кайфият бўлмаган» булоқ сувидир деб ёзади у. Шунингдек, булоқ суви, аввало, оқадиган бўлиши, қуёш нури тушадиган, шамол тегадиган, очиқ ерда оқиши ва ўзани лойли бўлиши, лекин лой тоза бўлиб, унга шўрхок ва бошқа нарсалар аралашмаслиги керак. Бундай зилол сувнинг акси кўлмак сувидир, очиқ турган кўлмак суви ёмон сифатларни ўзига олади, яъни айниёйди¹.

Ибн Сино «Тадбирда йўл қўйилган ҳар хил хатоларга қарши чора кўриш» рисоласида аччиқтошли, нефт ва олтингуртли, темирли сув ҳақида сўз юритиб, ҳар бирининг даво хусусиятлари ҳақида баён қилади².

Улуғ табиб: «Агар чанг бўлмаса, инсон минг йил яшайди», – деган эди. Чангга қарши халқ усулидаги профилактика ишлари ўзбеклар ҳаётида азалдан мавжуд. Биргина мисол: ўзбекларнинг экологик маданиятининг юксак кўринишларидан бири сув билан боғлиқ бўлиб, янги тушган келин эрта тонгда ҳовли супуриши одат тусига кирган. Супуришдан олдин ер чангиб ўзи ва ён-атрофдагиларга ноқулайлик туғдирмаслиги учун ерга аввал сув сепилади, кейин супурилади. Бу сув билан экологик балансни сақлаш ва шу орқали умумий саломатликни асрашга асосланган халқ билими ҳосиласидир.

Умуман, супуришда турли касалликларни қўзғовчи микроблар хавога кўтарилишининг олдини олиш мақсадида ерга сув сепиш орқали зарарсизлантириш анъанавий ўзбек оиласида кундалик турмуш тарзининг ажралмас қисми ҳисобланади.

¹ Усмонов Э. Қўлёзма манбалар ва экологик тарбия... – Б. 79.

² Ўша жойда.

Хуллас илм-фанда сув ёрдамида даволаш гидротерапия деб аталиб, санитария-гигиена ва профилактика мақсадида кўпроқ ишлатилади.

Сув билан даволашнинг магик кўринишлари. Ўзбекларнинг табобат анъаналарида ҳам сув ёрдамида муоалажа ўтказиш ёки касалликни енгишда сувдан даволаш манбаи сифатида фойдаланиш кенг тарқалган. Шу жумладан, ўзбек халқ табобатида анча-мунча ўрин тутган мистик табобатда кинна билан боғлиқ хасталикни даволашда азал-азалдан сув шифо жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Даволаш жараёнида кинначи табиб беморнинг танасини сув, нон, қалампир, кул каби предметлар билан силаган ва танадаги барча ёвузлик ёки салбий кучларни сув ўзига сингдириб олишига ишонилган¹. Киннани даволашда тананинг олди қисмида сув тўлдирилган идишни силаб югуртириш билан бир қаторда «сувдан кирган бўлсанг чиқ» деган иборани, буйруқни бир неча бор такрорлайди², яъни бемор танасига касаллик бўлмағур, ифлос, лойқа сув ичиши туфайли кирган бўлса, яна сувга қайтиб чиқиб кетсин деган қараш назарда тутилади. Бу усул бирозгина содда ва оддий кўринса-да, ўзбеклар орасида сув ўзида ғайритабиий кучларни сақлаши ҳақидаги қарашга ишонч сақланиб қолган ва бугунги кунда ҳам анчагина кенг қўлланилади. Водий бахшилари беморларни даволашда сувдан унумли фойдаланадилар. Жумладан, бемор киши бирор-бир нарсадан қаттиқ кўрққан бўлса, ҳар чоршанба ва шанба кунлари эрта тонгда унинг юзига уч марта кафтда сув урилади, сўнгра беморнинг кўкрак қисми ва орқасига уч томчи сув томизилади. Шунда беморга теккан кўрқув чиқиб кетар экан³.

¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндон қишлоғи. 2014 йил.

² Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти Ургут тумани Камардон маҳалласи. 2017 йил.

³ Аширов А. А. Фарғона водийси аҳолисининг сув билан боғлиқ қарашлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2017. – Б. 223; Ўша муаллиф. Фарғона водийси аҳолисининг сув билан боғлиқ мифологик қарашлари ва урф-одатлари // O'zbekiston tarixi. – 2018. – №1. – Б. 24.

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, XXI асрда ҳам инсоният сувнинг тиббий хусусиятларига ишончни сақлаб қолганлиги ва унга амал қилиши сув инсон ҳаётида ҳамма жабҳаларда бирламчи унсур эканлигини кўрсатади.

Сув билан даволашнинг эмпирик кўринишлари. Табобатда сувдан тиббий мақсадда фойдаланиш шакли ва кўлами анча кенг. Ўзбек халқ табобатида сув билан даволаш ёки сувнинг даво хусусиятларидан фойдаланиш, юқорида таъкидланганидек, асосан, икки кўринишда амалга оширилади.

Шунингдек, олдинги бобда қайд қилинганидек, азалдан ўзбек оиласида фарзанд туғилса, болани чўмилтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Нега болани биринчи марта чўмилтириш ҳаётий тажрибага эга аёллар томонидан амалга оширилади, нега шу мақсадда ишлатиладиган сувга махсус ишлов берилади? Аввало, чақалоқни илк бор чўмилтиришда тажрибали аёллар таклиф қилинишидан мақсад ёш онага болани тўғри чўмилтириш қоидаларини, ҳали суяги қотмаган бу мурғак чақалоқ организмига алоҳида муносабатда бўлиш қоидаларини ўргатиш саналган. Одатда, янги туғилган бола чилласи чиққунига қадар (асосан халқ орасида киндиги тушгандан кейин амалга ошириш одат тусига кирган) маълум бир талаблар асосида чўмилтиришга алоҳида маросим кўринишида ташкил қилинади. Киндиги тушишини кутишда болани чўмилтириш жараёнида тўла битмаган қисм зарарланмаслиги ва унинг соғлиғини хавфга қўймаслик ҳисобга олинган.

Бугунги кунда ҳам чақалоқни чўмилтириш халқона табобатнинг мистик ва эмпирик қарашлари ўзаро аралаш ҳолатда қўлланадиган удумларидан иборат. Боланинг янги териси қотиши ёки атроф-муҳитга камроқ таъсирчан бўлиши учун тузли сувда чўмилтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади¹.

¹ Дала ёзувлари. Навоий вилояти Кармана тумани Жалойир маҳалласи. 2017 йил.

Болани чўмилтириш учун тайёрланган сувнинг тузлилиги, шўрлиги кам бўлиб, бола баданига зарар етказмайдиган даражаси инобатга олинади. Сувнинг иссиқлик даражасини ўлчашнинг халқона усулларидан бири: катта ёшли одам қўл тирсагининг ташқи томонини тайёрланган сувга солади ва ҳарорат қўлга ёқадиган даражада бўлса, кейин боланинг баданига қуйилади. Сувга бола терисининг қотиши учун тупроқ ёки кесак бўлаклари ҳам қўшилади. Масалан, Бухорода шаҳар атрофини ўраб турган деворнинг қизил кесаги қўшилса, Зарафшон воҳасининг бошқа ҳудудларида эски уйнинг ёки узоқ вақт офтоб тиғида турган тепаликларнинг тупроғи, девор бўлаги қўшилади¹. Бунга сабаб яхши пишитилган ёки қуёшда пишган тупроқдаги микроэлементлар сувда эриб боланинг танасига дориворлик хусусиятлари бўйича таъсир қилишига ишонч мавжуд. Бу эса ўзбеклар орасида сувнинг янги туғилган боланинг келажак ҳаётида муҳим ўрин тутишига ҳамон ишонч мавжудлигини кўрсатади. Чақалоқни илк бор одатга мувофиқ тўғри ва яхши чўмилтириш унинг кейинчалик ҳам танаси тозаллигига сабаб бўлишига ишонган ҳолда бу ишга серфарзанд ё чақалоқни чўмилтириш удумлари ва тартибқоидаларни яхши билган аёллар жалб қилинади.

Совуқ сувнинг хусусиятлари. Аввало, сув совуқлик ҳолатида шифобахшлигини сақлайдими, қандай ҳолатларда совуқ сув касалга зарар қилмасдан фойда беради деган саволларга тўхталиб ўтсак.

Совуқ сувдан фойдаланиш борасида жаҳон халқларида ҳам қизиқарли, лекин чуқур мантиққа асосланган тадбирлар мавжуд. Жумладан, Россиянинг Узоқ Шарқда яшовчи халқлар келин танлашда сувдан фойдаланган, яъни совчилар бўй етган қизга идишда сув ичириб синаганлар. Бу орқали тажрибали аёллар сув ичаётган қизда буқоқ (зоб) касаллиги бор-йўқлигини ҳар ютумида томоғидаги ўзга-

¹ Дала ёзувлари. Навоий вилояти Кармана тумани Жалойир маҳалласи. 2017 йил; Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Қуйибоғ МФЙ. 2016 йил.

ришга қараб билиб олгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Демак, сув касалликка ташхис қўйишда ҳам фойда берган. Эътибор қаратсак, аксарият халқлар орасида инсон руҳияти билан боғлиқ хасталиклар ёки вазиятларда совуқ сув ишлатилади. Ўзбекларнинг эмпирик билимларига асосланган қарашлардан яна бири – бола қаттиқ кўрқса, унга албатта совуқ сув ичиришга ҳаракат қилинади. Бунда болада қаттиқ кўрқиш ва ваҳимага тушиш натижасида юзага келган қалтироқни босиш ёхуд руҳий жиҳатдан ўзини англай олиш қобилиятини қайтариш мақсади кўзда тутилган¹. Совуқ сувнинг танага ва қонга тезроқ сўрилиши натижасида инсоннинг мизожи ва унинг танасидаги тўрт унсур шу орқали меъёрлашиши ҳакимлар томонидан ҳам қайд этилган. Сув инсон учун тириклик манбаи эканлигининг яна бир ифодаси сифатида ўзини йўқотган ёки ҳушдан кетган кишини ўзига келтириш учун совуқ сув сепиш одатини келтириш мумкин. Бу каби ҳолатлар инсон учун сув қайта тикланиш ёки асл ҳолатига, ўзига қайтиш «дориси» сифатида ҳам қадрланиши, хусусан, ўзбеклар онгида сув инсон туғилиши биланоқ унинг соғлиғини қайта тикловчи, нафақат эмпирик, балки руҳий тушкун ҳолатларни ҳамда хасталикларни енгиб ўтиш, даволашда муҳим аҳамиятга эга бўлган унсур деб англанишидан далолат беради.

Шунингдек, сувни шифо сифатида қўллашдаги ҳар икки усулдан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш анъаналари ҳам мавжуд. Шу жумладан, ўзбек халқ табobatiда юрак кўтариш муолажаси мавжудлигини кўпчилик яхши билади. Яъни халқ орасида қаттиқ кўрқиб кетган, даҳшатга тушган одамнинг юраги жойидан силжийди деган қараш шаклланган. Бундай ҳолатда беморнинг юраги тез-тез уради ва кўнгли айнийди. Ушбу касалликни даволашда беморнинг кўкрак қисми бир неча кун массаж қилиб даволанса-да, иккинчи томондан, хастанинг сесканиб кетиши шифо усули сифатида тарғиб қилинади. Бунинг учун сув солинган коса

¹ Дала ёзувлари. Навоий вилояти Кармана тумани Жалойир маҳалласи. 2017 йил.

беморнинг бошига қўйилади ва идишга эритилган қўрғошин томизилади, иссиқ қўрғошин тушган сувдан чиққан овоздан сесканиб кетган бемор юраги хасталиқдан фориғ бўлади деган қараш мавжуд¹. Водийнинг бошқа ҳудудларида беморнинг ўзига билдирмасдан юзига қўққисдан сув сепиб юбориб чўчитиш ва сескантириш йўли билан ҳам даволаш усули бор².

Халқ табобатида бундай хасталикка чалинган беморни сув билан муолажа қилишнинг яна бир йўли мавжуд. Унда юраги тушган одам хамир ёядиган ўқлоғни тик ҳолатда томоғига қадаб, фақат боши билан эгилиб туради, шу ҳолатида косадаги сувни хўплаб ичади. Табибларнинг айтишича, бу ҳолатда бемор гавдаси сал тепага чўзилган, тикка ҳолатда бўлиб, сувни ютиш чоғидаги босим юракни яна асл ҳолатига қайтаради³. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриш мумкинки, ўзбек халқ табобатида сувнинг совуқлик даражаси, жисмлар билан кимёвий ҳодисага киришиш хусусияти ва ичимлик сувининг босим кучидан фойдаланган ҳолда даволаш амаллари азал-азалдан аждодларимизнинг табиат билан уйғунлиги ва кундалик амалий билимлари, қайта-қайта такрорлашлари натижасида қўлга киритилган. Сув билан боғлиқ шифо усулларининг деярли барчаси хавфсиз ва кўп бора синовдан ўтганлиги учун ҳам аксарият ҳолларда халқ томонидан беморларни ишончли даволаш шакллари билан бири сифатида қадрланади.

Водийликлар орасида совуқ сувдан айрим касалликларни халқона даволаш ёки хасталикнинг олдини олиш, уни профилактика қилишда ҳам самарали фойдаланилади. Дейлик, айрим одамлар ухлаётган пайтда ўзлари билмай ўрнидан туриб юриб кетишади ёки ғайриихтиёрий ҳаракатлар қилишади. Ушбу касаллик азалдан халқ орасида

¹ Дала ёзувлари. Наманган шаҳри Мингчинор маҳалласи. 2017 йил.

² Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндон қишлоғи. 2014 йил.

³ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Чимён қишлоғи. 2015 йил

мунтазам учраганлиги ва тунда бунақа кишиларни назорат қилиш қийинлиги сабабли ўзбеклар орасида халқона усул ишлатилади. Яъни шу хасталикка чалинган одам оёғининг учига ёки эшикнинг олдига совуқ сувга ботириб ҳўлланган нам латта ташлаб қўйишади. Бундан кўзланган асосий мақсад нам ва совуқ латтага оёғи теккан касалнинг сесканиб уйғониб кетишидир¹. Албатта, бу ҳолатда сув касалликнинг олдини олмаса-да, беморнинг ҳолатини назорат қилиш мақсади назарда тутилган.

Ўзбеклар совуқ сувнинг шифобахш хусусиятларидан қовун пишар вақтида ҳам фойдаланадилар. Янги қовун чиққан пайтда айримлар ундан ютоқиб, кўп истеъмол қилиб юбориши натижасида ошқозонда қовун шираси тўпланади ва узоқ муддат қовун кўрмаган организмга оғирлик қилиб қорин шишиши ҳам кузатилади. Уни ҳазм қилиш қийинлашади. Шу сабабдан ҳам доно халқимиз «Қовун есанг сахар е, сахар емасанг захар е» деб нақл қилган. Ўзбеклар бунақа ҳолатда бир пиёла муздек сувни беморга ичириш орқали қовун ширасини юмшатиб, унинг ҳазм бўлиш жараёнини тезлаштириб юборадилар². Мазкур усулни атоқли ўзбек адиби Абдулла Қодирий «Обид кетмон» асарида ҳам алоҳида тилга олган³. Бунда оддий ўзбек деҳқони қовун таррасини шу усул ёрдамида даволагани ёритиб берилган. Бундан яққол кўринадики, аҳолининг машғулоти тури ва кундалик таомланиши каби одатларининг ўзаро солиштирилиши натижасида сувнинг турли хил озиқ-овқатлар билан қандай таъсирга киришиши каби эмпирик билимлар ҳам локаллик касб этади.

Ҳароратга эга сув билан даволаш. Халқ табобатида сувнинг совуқ ҳолатдаги шакли билан бир қаторда иссиқ, илиқ ва қайноқ ҳолатларидан ҳам кенг фойдаланилади.

¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Чимён қишлоғи. 2015 йил

² Дала ёзувлари. Навоий вилояти Кармана тумани Жалоир маҳалласи. 2017 йил.

³ Абдулла Қодирий. Обид кетмон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.

Иқлими кескин континентал бўлган ҳудудларда ҳавонинг қуруқ ва совуқ бўлиши турли шамоллаш касалликларини келтириб чиқаради. Томоқ ва нафас йўли шамоллаганида халқ табобати анъаналарига кўра қайнатилган сувнинг буғини нафас олиш йўли билан ютиш яхши самара беради. Бунинг учун усти ёпиқ идишда қайнатилган сув идиш билан бемор олдига қўйилади, ён-атрофи буткул ёпилган ҳолатда ва касал оғзини очган ҳолатда идишдан чиқаётган сув буғларини ютиб, нафас олади. Аксарият ҳолларда сувнинг шифобахш хусусиятини ошириш мақсадида қайнаган сувга картошка, исириқ ёки истеъмом содасини қўшиш ҳам мумкин. Сувнинг худди шу муоалажаси оёқ учун ҳам қўлланилади. Бугунги кунда аксарият ўзбеклар орасида оёқни иссиқ сувга солиш орқали иммунитетни кўтариш, турли шамоллаш хасталикларидан фориғ бўлишга қаратилган даво усуллари сақланиб қолган.

Сув билан даволовчи масканлар. Республикамиздаги аксарият санатория ва пансионатларда ернинг чуқур қатламидан чиққан сув билан даволаш амалиёти қўлланилади. Ушбу даргоҳлар тарихини ўрганганимизда уларнинг кўпчилиги аввалдан сув чиққан жой, булоқ туфайли қурилгани, яъни аввалдан одамлар шу жойдаги шифобахш сувдан даво топгач, бу ерларда соғломлаштириш масканлари қурилганига гувоҳ бўлдик. Бундан кўринадики, ерости сувларининг шифобахшлиги ва турли касалликларга даво бўлиши ҳақидаги билимлар халқ саломатлик маданиятининг ажралмас қисми бўлган. Сувнинг таркибида мавжуд бўлган айрим моддалардан келиб чиқиб халқ орасида маълум касалликлар дориси сифатида ҳам қадрланади. Бугунги кунга қадар ўзбеклар орасида «иссиқ сувга тушиш», «тузли сув муолажасини қилиш» сингари даволаниш усуллари бор.

Ҳозирги даврда аксарият зиёратгоҳ ёки қадамжоларда муқаддас булоқлар ёки айрим касалликларга даво бўлувчи сувнинг магик хусусияти ва эмпирик дориворлиги халқ орасида машҳур бўлган сувли масканлар бор. Масалан,

Жиззахда Жаҳодоҳор ота, Саврук ота булоқ суви, Самарқандда Нурота булоғи ана шулар жумласига киради. Шунингдек, сув билан даволашга ихтисослашган санаториялар, дам олиш масканлари сақланиб қолган. Жумладан, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса, Етти пир, Самарқанддаги «Иссиқ сув» кабилар халқимиз орасида машҳур. Уларнинг аксариятидан фойдаланишда халқ эшитганлари ёки ортирган тажрибаларига суянади. Кузатишларимиз натижасида шундай ҳолат маълум бўлдики, сув билан даволадиган беморларнинг аксарияти ҳар йили ёки мавсумга қараб мунтазам келиб турар экан. Демак, халқ тажрибасидан маълум бўладиги, сув муолажалари маълум тизимда олиб борилса ижобий самара беради ва инсон танаси мудом сувнинг шифобахшлик хусусиятига эҳтиёж сезади. Тана тўқималари орасига сингиб боришда бир пайтда танани тўла қамраб олишда сувдан бошқа манба йўқлиги тиббиётда ҳам ўз исботини топган.

Ҳаммом – сихатгоҳ сифатида. Ўзбекларда сувдан истеъмол мақсадида энг кўп фойдаланилса, ундан кейин ювиниш ва покланиш мақсади муҳим аҳамият касб этади. Тарихга назар ташласак, азал-азалдан юртимизнинг барча ҳудудларда шифобахш ҳаммомлар фаолият юритганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Хива хони Абулғози Баҳодирхон 1657 йилда ўғли Анушахоннинг жангдаги ғалабаси учун унинг номига қурдирган ҳаммомда мижозлар массаж муолажасини олиши, иссиқ ва совуқ сувда навбати билан ювиниши мумкин бўлган. Икки хил ҳароратдаги сувда ювиниш натижасида мижоз терлаб, чиниқиб, унинг танаси ортиқча микроорганизмлардан тозаланган, яъни ҳаммомга организмни ортиқча ва ёт унсурлардан тозалаб ташлаш воситаси сифатида ҳам қаралган. Шунингдек, ҳаммомга келувчиларга вужудини тетиклаштириш мақсадида махсус доривор гиёҳлардан тайёрланган хушбўй ва дардга даво чой ҳам тақдим этилган¹.

¹ Ғойибов М. ва бошқ. Хива табobati. – Тошкент: Абу Али бин Сино, 1995. – Б. 22.

Бугунги кунда ҳам шаҳар ва туман марказларида ҳаммомлар фаолияти оз бўлса-да сақланиб қолган, аҳоли унга ҳордиқ чиқариш ва турли хил хасталиклардан фориғ бўлиш мақсадида ҳам ташриф буюради. Жумладан, респондентлар тарафидан берилган маълумотга кўра, бўгин шамоллаши ва тана қисмларига туз йиғилиши каби касалликлардан қийналадиган кишилар вақти-вақти билан ҳаммомга тушиб турадилар¹. Одатда, улар ҳаммомнинг пархонасида баданига асал ёки бошқа шифобахш мойларни сурган ҳолда терлатиш муолажасини қабул қиладилар. Чунки фақат шу ерда танани анчагина юқори ҳароратда тўла шаклда терлатиш мумкин. Ривожланган XXI асрда ҳам жамоат бирдек фойдалана оладиган ҳаммомлар мана шу омиллар натижасида сақланиб қолган, чунки бу сингари ҳаммомларни уй шароитида барпо қилишга ҳаммада ҳам шарт-шароит ва имконият мавжуд бўлавермайди. Эътиборлиси бу каби ҳаммомларнинг ижтимоий функцияси даволаш маскани сифатида кўпроқ аҳамият касб этаётганидир.

Ичимлик суви – шифо манбаи. Табиблар истеъмол қилинадиган ёки фойдаланиш мумкин бўлган сувларни уларнинг турли хусусиятидан келиб чиқиб таснифлаганлар. Ибн Сино сув инсонни озиклантирмайди, балки овқат моддаларини ўтказиб, таомни ҳазм қилиш учун мослаштириб беради деган фикрни билдирган². Улуғ аждодлардан бизга мерос Шарқ табобатида оид илмий адабиётларнинг аксариятида сувлар орасида энг яхшиси булоқ суви, унинг ҳам ери ҳамда тупроғи тоза чашманики деган фикр устунлик қилади. Шунингдек, ёмғир, қудуқ ва ерости сувлари, муз ва қор сувлари кабилар истеъмол қилинганида қандай яхши сифатлари мавжудлиги ҳамда улар келтириб чиқарадиган салбий оқибатлар ҳам алоҳида таъкидланади³.

¹ Дала ёзувлари. Тошкент вилояти Қибрай тумани Байтқўрғон қишлоғи. 2018 йил.

² Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б. 49.

³ Табобат дурдоналари / Тузувчи-таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тайёрловчи: М. Ҳасаний. – Тошкент: Ибн Сино, 1990. – Б. 38, 89, 281.

Инсон шошиб овқатланганида ёки эҳтиётсизлиги натижасида еяётган таом томоғига тиқилиб қолганида ё еган овқатини ҳазм қилишга қийналганида оддий сув ёки турли дамламалардан фойдаланилган. Шу сабабли ўзбек халқида «Нонга тиқилсанг сувга, сувга тиқилсанг гўрга чоп» деган беҳад ибратли, ҳаётнинг синовидан минг бора ўтиб келаётган нақл бор. Чунки, ўзбекларнинг қараши бўйича, инсон таом еяётганда тиқилса, уни сув билан юмшатиш ёки ювиб томоқдан ўтказиб юборса бўлади, лекин сувнинг тиқилиб қолиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Халқ орасида инсон сув ичаётган чоғида унга халақит қилмаслик юксак одоб-ахлоқ намунаси ҳисобланади. Бу каби ҳолатнинг беҳад муҳимлигини ўзгаларга ҳам уқтириш мақсадида ўзбек халқи орасида «ҳатто илон ҳам сув ичаётган инсонни чақмайди ёки захрини сочмайди» деган нақл мавжуд.

Айтиш мумкинки, ўзбеклар азалдан шошиб келиб сув ичиш ёки сув ичишда шошқалоқлик қилиш мумкин эмас деб қарайдилар. Бунда инсон саломатлиги етадиган зарар инobatга олинган бўлиб, энг тоза ва шифобахш сув ҳам, сув ичиш тартибига амал қилинмаса, захардай амал қилиши мумкинлиги инobatга олинган. Демак, сув фақат тиббий шифо, инсонни хасталиклардан фориғ этувчи манбагина эмас, айна дамда, соғлиққа путур етказувчи, ҳатто умрга зомин бўлувчи восита бўлиши ҳам мумкин.

Умуман олганда, нафақат халқ табobati, балки замонавий, илмий асосларга таянадиган тиббиётда ҳам сув муолажалари кенг қўлланилади. Бугунги кунда халқ табobati тиббий олий ўқув юртларда ҳам ўргатила бошлаганлиги диққатга сазовордир. Тиббиёт ва табobatда сув ёрдамида даволаниш ҳар хил жароҳатлардан тузалиш даври, суяктаянч тизими, нафас тизими хасталиклари, ошқозон-ичак тракти муаммолари ҳамда бошқа касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш, профилактика қилишда тавсия этилади. Масалан, юрак соҳасида учрайдиган айрим касалликларни даволашда (юрак деворида ўзгариш юзага

келиши) маълум вақт сузиш билан шуғулланиш зарурлиги кардиологларнинг анъанавий даво усуллари қаторидан жой эгалламоқда. Чунки сув инсон баданининг барча қисмларига ҳамда тери ораларига ҳам кира олади. Инсон сувда ҳаракатлангандагина танасининг барча қисми ҳаракатга келади. Айнан сув орқали бемор танасига турли минераллар, эритмалар, айрим дори воситаларини сингдириш мумкинлиги ҳамда сув бошқа суюқликларга нисбатан баданга нисбатан камроқ зарар етказиши ўз исботини топган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, сувдан фойдаланиш халқ таботатнинг таркибий қисми бўлиб, бугунги кунга қадар касалликнинг олдини олишда асосий восита сифатида ишлатилса, даволаш жараёнида эса кўшимча усули ва иммунитетни кўтарувчи восита ҳисобланади. Сувнинг тиббий хусусиятларидан фойдаланиш жараёнида хўжалик машғулоти тури ва ҳудуднинг географик жойлашуви ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган.

*Биз сувнинг қадрини қудуқ
қуригандагина англаймиз.*

Бенжамин Франклин.

IV БОБ

ЗАМОНАВИЙ ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ТИЗИМИДА СУВ

IV.1. СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ ДАВЛАТ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Сув – беҳад муҳим табиий ресурс, унга бўлган талаб бутун инсоният тарихининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Сув иқтисодиётдан тортиб маданий қадриятларгача инсоният камолотининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, табиий муҳит ривожланишининг асло рад қилиб бўлмайдиган шарти ҳисобланади¹.

Жаҳонда миқёсида сув билан боғлиқ инқирозлар, ҳатто давлатлараро тўқнашувлар ҳам тобора кўпроқ содир бўлмоқда. Охириги юз йилликда сув ресурсларига бўлган эҳтиёж ҳаддан зиёд ошиб кетганлиги туфайли ундан фойдаланиш олти бараварга кўпайибгина қолмай, балки атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва ичимлик сувидан оқилонга фойдаланмаслик оқибатида унинг Ердаги мавжуд ҳажми ҳам муттасил равишда камайиб бормоқда².

Агар Марказий Осиё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, минтақада турли тарихий даврларда сув билан боғлиқ жуда кўплаб тарихий жараёнлар ва ғоятда муҳим воқеа-ҳодисалар содир бўлганини кузатишимиз мумкин. Айниқса, жамият ҳаётида ва хўжалик муносабатлари тарихида улкан ўзгаришлар даври ҳисобланган XX асрда минтақада сув ва сув билан боғлиқ инқилобий амалий ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

«Ер – хазина, сув – гавҳар» деган асл ҳақиқатга асосланган мақолга амал қилган Фарғона водийсининг меҳнаткаш аҳолиси минг йиллар давомида аждодларимизнинг ер ва сув билан бевосита боғлиқ билимларини узлуксиз ривожлантириб, улардан кундалик ҳаёт ва хўжалик машғулотлари, хусусан, деҳқончиликда унумли фойдаланишга ҳаракат қилиб келган.

¹ Саидов А. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2010. – №2. – Б. 135.

² Ўша манба. – Б. 136.

Яқин ўтмишдан ҳам маълумки, совет давригача Фарғона водийсида сув Аллоҳнинг неъмат сифатида ҳамма учун баробар ҳисобланган. Шу сабабдан бу даврда ҳам, ердан фарқли равишда, сув умумхалқ мулки бўлган¹.

Анъанавий деҳқончилик сунъий суғориш тизимига асосланган бўлиб, бу жисмоний меҳнат ва ирригация билан боғлиқ билимларни талаб қилган. Сув билан боғлиқ турли нуқтаи назарлар, қарашлар, билимлар асрлар давомида аجدодлардан авлодларга баъзан такомиллаштирилган тарзда, айрим ҳолларда бироз сусайиб қолган шаклда ўтиб келган. Айнан мазкур билимлар асосида бу бебаҳо неъматни асло исроф қилмай унумли фойдаланиш, сув ва сув ҳавзалари тозалигига алоҳида эътибор беришга доир қарашлар мужассамлашганини кўриш мумкин. XX асрнинг охирига келиб сув билан боғлиқ халқона билимлар деярли унутилди ёки этнографик ҳамда фольклоршуносликка оид тарихий материаллар тарзидагина сақланиб қолди.

Хуллас, сўнги юз йилликда Фарғона водийсида улуғ неъмат – сув билан боғлиқ қарашларнинг ўзгариш тенденциялари қай тарзда амалга оширилди? Нима учун XX асрда ирригация ва мелиорация тизими бирмунча тараққий этиб келгани ҳолда сувга оид анъанавий локал билимлар инқирозга юз тутиб, кундалик ҳаётда долзарблигини йўқотди? Мазкур ҳолат советлар давридаги жараёнлар, иқтисодий, демографик, ижтимоий ўзгаришлар ёки кескин амалга оширилган атеистик сиёсат оқибатими деган саволлар ҳам пайдо бўлади.

Тарихдан маълумки, чор ҳукумати Россия тўқимачилик корхоналари тараққиётининг муҳим хомашё манбаи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Бунинг учун, энг аввало, минтақада ирригация тизимини такомиллатирилди ва сувдан кенг фойдаланган ҳолда қадимдан экиб келинаётган жайдари ғўза ўрнига

¹ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. – С. 179.

пахтанинг серҳосил Америка навлари жорий этилди. Бундан ташқарн, пахта майдони тез суръатлар билан кенгайтирилди. Масалан, бу экин экиладиган ерлар 1900–1915 йиллар орасида Фарғона вилоятида 188 минг 400 десятинадан (бир десятина 1,09 гектарга тенг) 250 минг десятинага кўлайди. Пахта аста-секин бошқа экинларни суриб чиқара бошлади. Масалан, 1885 йили Фарғона вилоятида пахта экин майдонларининг фақат 14 фоизини ташкил этган бўлса, 1913 йилга келиб бу кўрсаткич 44 фоизга етди.

Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман минтақада пахтачиликни ривожлантириш ҳақида шундай ёзган эди: «Бу халққа (ўрта осиеликлар – туркистонликлар) иложи борича, имкон қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хоҳиши қолмасин»¹.

Совет даврида сув муаммоси ва ҳашар. Тарихдан маълумки, совет ҳокимиятининг дастлабки давридан бошлаб минтақада пахтачиликка асосий урғу берилди. Айнан мазкур соҳани ривожлантириш учун нафақат янги пахта навларини экиш, балки янги ерларни ўзлаштириш ҳам зарур эди. Бунинг учун водийдаги ирригация ва мелиорация тизимини такомиллаштириш, янги каналлар, сув омборларини қуриш лозим эди. Аммо ушбу ғояни амалга ошириш машаққатли меҳнат ва замонавий техника билан бирга ўта катта миқдордаги моддий таъминотни ҳам талаб қилар эди. Лекин советларда бундай имконият мавжуд бўлмаган. Шу боис Фарғона водийсидаги асосий сув артерияси ҳисобланган Сирдарёдан Катта Фарғона каналини қазийда қадимий ҳашар усулидан фойдаланилди. Жумладан, 1939–1940 йилларда ҳашар усулида рекорд муддатда, яъни 45 кунда йирик гидротехник иншоот қазилди, аввал сувсизликдан ҳансираб, қақраб ётган минглаб гектар ерларга обиҳаёт етказиб берилди. Хуллас, бу канал барпо

¹ Мажид Ҳасаний. Юрт бўйнидаги қилич ёки истило. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 42.



Катта Фарғона канали қурилишига кетаётган меҳнаткашлар.
Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат кинофотофоно архиви.

этилиши натижасида водийнинг суғориш тизими анча такомиллаштирилгани тарихдан маълум.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, водийда ҳашар йўли билан нафақат Катта Фарғона канали, балки бошқа қатор сув иншоотлари ва ариқлар ҳам қазилган. Жумладан, 1939 йилнинг бошларида мироб Усмонжон Расулов Олой тоғ тизмаларидан бошланадиган Исфайрамсой сувидан унга ёндаш оқувчи Шоҳимардонсойга ўтказиш таклифи билан чиққан. Натижада 1939 йил 10 мартда 14 минг колхозчи бор-йўғи 17 кунда 32 км узунликдаги Лоғон каналини қазиб бўлиб, 338 минг кубометр тупроқ ишларини бажарган.

Шунингдек, водий қишлоқ ва маҳаллаларида барча анъанавий турмуш меъёрларини сақлаш, миллий анъана, удумларга риоя этилишини назорат қилиш ҳамда барчага дахлдор жамоат ишларидан бош тортганларни жазолаш маҳалла зиммасидаги вазифалардан бири ҳисобланган. Маҳалла оқсоқоли ва мироб бошчилигида турли жамоавий

ишлар, хусусан, ободонлаштириш, ариқ, ҳовузларни бир-галиқда тозалаш, янги кўчалар қуриш ишлари биргалиқда бажарилган. Чунки ариқлар қазилиши томорқа ва дала-ларни суғориш билан боғлиқ муҳим иш эди. Умуман олган-да, барчанинг манфаатига хизмат қилажак бу ишларнинг ҳаммаси анъанавий, кишиларни бирдамлик ва ҳамкорлика чорловчи ҳашар воситасида амалга оширилиб, унда асо-сан аҳолининг катта ёшдаги вакиллари иштирок этган. Бу меҳр-муҳаббат, хайр-саховат, мурувватга таяниладиган фаолиятдан болалар ҳам четда қолиб кетмаганлар. Улар дастёрлик қилиб зарур иш қуроллари ва уйдан бериб юбо-рилган егуликларни ҳашарда тер тўкиб ишлаётган отаси ва бошқа яқин кишиларига етказиб турганлар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда сув соҳаси-да ўз даври учун юқори технологияга таянган қишлоқ хў-жалиги техникасидан фойдаланишга мўлжалланган, катта ўлчамли суғориладиган ерларда янгича суғориш тизими қўллана бошланди. Совет ҳокимияти Фарғона водийсини пахта етиштирувчи марказга айлантириш билан бирга бу ҳудудга хос бўлган табиий географик хусусиятларни ва аҳолининг иқтисодий ҳамда ижтимоий манфаатларини мутлақо эътиборга олмаган, писанд қилмаган. Совет ҳу-кумати водийдаги халқ хўжалигининг пахтачилик тармоғи-ни жадал ривожлантириш, монокультурани куч, дағдаға, ваҳима, аҳолини партиядан ўчириб ташлаш (агар аъзо бўлса), ишдан ҳайдаб юбориш орқали қўрқитиб ўрнатиш, барча саноат қурилиш ишларини пахта етиштириш билан мустаҳкам боғлаш кўзланган эди. Қолаверса, ўша замон-ларда бирор жойда ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаслик жиноят ҳисобланганини кекса авлод вакиллари яхши билади.

Пахта монокультураси ва сув муаммоси. Фарғона водийси ҳудудида ирригация ва мелиорация тизими ри-вожининг кейинги босқичи Марказий Фарғона чўлларида олиб борилган. Давлат миқёсида комплекс равишда йирик чўлларни ўзлаштириб, минг йиллар мобайнида фойдала-

нилмай келган ерларни очиш ишлари шиддат билан бошланганди. Ушбу жараёнда суғориш, мелиорация, инфратузилма объектлари ва коммуникация тармоқларини қуриш, ернинг ҳолатини талаб даражасида яхшилаш, соғломлаштириш каби тадбирларнинг барчаси, турган гапки, юқоридан туриб, марказлашган ҳолда бажарилганди.

XX асрнинг 60 – 80-йилларида Ўзбекистоннинг сув хўжалиги қурилиш ишларининг ҳажми бўйича ҳам, техник тараққиёт даражаси бўйича ҳам мамлакатнинг асосий тармоғига айланди. Иккита энг қудратли ташкилот – Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Главсредазирсовхозстрой» асосий ишларни бажаришга компартиянинг олдида мутассади сифатида белгилаб қўйилганди. Улар чўлларни ўзлаштириш учун янги сув ҳавзаларини қуриш ва мелиорация соҳасига янги технологияларни имкон даражасида жорий қилди. Суғориш ишларидаги аввалги замонлардагига унча хос бўлмаган янгиликлар билан бир қаторда мелиорация тизими ҳам анча такомиллаштирилди. Ўзбекистонда биринчи марта комбинацияланган дренаж тизимлари ўзлаштирилди ва жорий этилди¹. Бунда таъмирлаш-фойдаланиш ишлари иншоотлар, зовур, қудуқ ва каналларни профилактикадан ўтказиш жадвалига кўра бажариладиган бўлди. Бундай чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, сув хўжалиги таъмир индустриясининг янада тараққий этишига хизмат қилиб, такомиллаштирди.

Ўша даврда Москвадаги Госплан (Давлат режа қўмитаси) мансабдорлари компартия топшириғини кулоқ қоқмай бажариб, бизнинг ота маконимизда «оқ олтин» деб аталмиш пахта тайёрлаш режасини маҳаллий шароитларни мутлақо ҳисобга олмай ошириб бораверган. Хусусан, 1956 йилда Ўзбекистонда 2 миллион 900 минг тонна пахта етиштирилди, бу эса 1955 йилга нисбатан 400 минг тонна кўп эди. Республикадаги ирригация тизими пахтачилик соҳаси манфаатларига йўналтирилганди. Натижада 1960 йилда

¹ Жўрабеков И., Духовний В. Обиҳаёт – ўтмишимиз, бугунимиз ва келажгимиз // xs.uz/uzkr/post/obihayot-otmishimiz-bugunimiz-va-kelazhagimiz.

суғорма майдонлар ҳажми 2474 минг гектарга етиб, ушбу кўрсаткич 1954 йилга нисбатан 274 минг гектарга ортди¹.

Кейинчалик «ҳар йили марказ талабига кўра, 5 – 6 миллион тонна пахта ҳосили етиштириб берган Ўзбекистондаги кам сонли корхоналарининг ўзида бор-йўғи 150 минг тоннагина тола қайта ишланар эди»².

Совет ҳокимияти иқтисодий сиёсати қоқ марказида турган, улар учун стратегик аҳамиятга молик ҳисобланган пахта яккаҳокимлиги оқибатида юртимиз қишлоқ хўжалигидаги бошқа ҳаётий зарур тармоқлар қаттиқ азият чекди. Бу эса, ўз навбатида, ердаги сизот сувининг кўтарилиши натижасида шўрланиш даражасининг кескин ошиши ва экологик вазиятнинг издан чиқишига олиб келди. Бир сўз билан айтганда, минтақада сув инқирози юз берди. Таниқли ҳуқуқшунос олим Акмал Саидовнинг қайд этишича, «сув инқирози флора ва фаунанинг ноёб турлари йўқолишига, тупроқ, сувнинг минерал ва органик таркиби ўзгаришига, ҳавонинг ифлосланиши, тирик организмлар мутацияси частотаси ошишига, микроорганизмлар янги патоген турларининг кўпайишига олиб келди»³. Ўз даврида хорижлик тадқиқотчи Э. Фридман ҳам Фарғона водийси экологиясини илмий ўрганиш давомида тупроқ, сув ва ҳавонинг турли саноат чиқиндилардан ифлосланганлигини танқид қилиб ўтган эди⁴.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, ушбу даврда Фарғона водийсида ҳам ирригация ва мелиорация тизими

¹ Комилов О. К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951 – 1990 йй.). Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати. – Тошкент, 2017. – Б. 17.

² Давлетов С. XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 16.

³ Саидов А. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғиқ инқирозлар... – Б. 139.

⁴ Freedman E. *Environmental Issues in the Ferghana Valley of Centria Asia. Applied Environmental Edication & Communication.* – Michigan USA, 2014. – №3. – P. 48.

технологик жиҳатдан такомиллашган бўлишига қарамай, сув ҳақидаги халқ билимлари унутиб юборилиши ажабланарли ҳолдир. Агарда ушбу ҳолат мантақавий тарзда баҳоланадиган бўлса, хўжалик тармоқлари ривожланиши жараёнида у билан боғлиқ ижобий билимлар ҳам ривожланиши керак эди. Минг афсуски, аслида, амалиётда ушбу жараён юз бермади.

Совет тузуми даврида сув билан боғлиқ маҳаллий тажриба. Юқорида таъкидланганидек, совет даврида ирригация тизими марказлашган ҳолда олиб борилди ва ер-сув билан боғлиқ минглаб йиллар мобайнида кўп машаққатлар билан тўпланган маҳаллий тажриба ҳамда билимларга деярли эътибор берилмади. Айниқса, сув ва ундан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланишга оид маҳаллий билимлар умуман инобатга олинмаганди. Бу борада шуни айтиш керакки, сувдан унумли фойдаланиш билан боғлиқ халқ билимлари асосида ер ва сув, инсон ва табиат, макон ва замон ҳақида йиллар давомида тўпланган беҳад ижобий ҳаётий амалий тажриба мужассамлашган эди. Ушбу йўналишда қадим замонлардан маҳаллий деҳқонлар томонидан мироб институти билан боғлиқ тартибқоидалар амал қиларди. Маҳаллий миришкор деҳқонлар «деҳқон тақвими»га амал қилган ҳолда ерни алмашлаб экиш усуллари, экинга сув бериш ёки қантариш (сувсиз қолдириш) вақти, ерни қишда «чилла суви», «яхоб суви» қўйиш орқали шўрини ювиш технологияларини мукамал равишда ўзлаштирган эди.

Ушбу усулнинг аҳамияти ҳақида I бобда сўз юритган эдик. Шунингдек, қишки чилла вақтида боғбонлар ўз боғларидаги барча мевали дарахтларга «чилла суви» беришга ҳаракат қилганлар, бу ҳақда ҳам I бобда қайд этиб ўтган эдик. Хуллас, маҳаллий аҳолининг сув билан боғлиқ қарашлари кўп ҳолларда фенологик кузатишлар асосида шаклланиб келган бўлиб, минтақамизнинг табиий географик шароити, иқлими ва ёғин миқдорини ўз кўзи билан кўриш, билиш, керак бўлса, ёзиб қўйиш ва кейинги авлод-

ларга етказиш заминида яратилган. Афсуски, коллективлаштириш ва атеистик сиёсат натижасида сув билан боғлиқ халқ билимлари маълум даражада унутилган ва кўп ҳолларда кекса ёшли заҳматкаш деҳқонлар орасидагина сақланиб қолган. Қувонарлиси, мазкур билимлар сўнгги ўттиз йил давомида маълум маънода аждодлардан авлодларга маданий мерос сифатида сақланиб, қайта тикланмоқда, ҳудуд аҳолисининг сув билан боғлиқ маданияти ҳам ривожлиб бормоқда.

Хўш, сўнгги йиллардаги водий деҳқончилигида анъанавий халқ билимларининг оммалашиши нималар билан боғлиқ? Бизнингча, бунинг қатор сабаблари мавжуд. Биринчидан, айнан сўнгги ўттиз йилликда водийда сув танқислиги ўта катта муаммога айланди, шу боис сувни тежаб-тергаб ишлатиш ва уни исроф қилишнинг олдини олишга қаратилган билимлар ҳамда амалиёт долзарб аҳамият касб этмоқда. Иккинчидан, айнан миллий мустақилликка эришилганидан сўнг экологик муаммо глобал аҳамият касб этгани боис сув билан боғлиқ билимларни ўрганишга эҳтиёж ва зарурат туғилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар, тожиклар орасида «биз бир дарёдан сув ичамиз» деган ибора кенг тарқалган. Бу эса «халқ қилинмайдиган ҳеч бир муаммо йўқ, чунки минтақадаги барча халқларнинг илдизи ягона» деган маънони англатади¹.

Фарғона водийсида сув танқис бўлган йиллари барча ўрнатилган тартиб-қоидага қатъий равишда амал қилинган. Ҳар бир «навбат» ўрталарида сув берилмаган ариқларга истеъмол учун «оғиз суви» ёки «хўр оба» суви ўтказиб турилган, холос. Водийда ўша ўтган даврларда томорқа ёки уй-жой сотиладиган бўлса ҳам ернинг ярми сув ҳуқуқи билан бирга қўшиб сотилган.

Қадимдан Фарғона водийси қатор қишлоқ ҳамда маҳаллалари марказида оқар сувни сақлаш ва ичимлик сифати-

¹ Саидов А. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар... – Б. 138.

да фойдаланиш учун махсус ҳовузлар қазилган. Ҳовузлар кўп ҳолларда тўрт томони бир хил айлана шаклда, яъни 5x5 ҳажмда, 2 метргача чуқурликда қазилган бўлиб, уларнинг атрофига шу жойга мос келадиган дарахтлар, кўп ҳолларда мажнунтол экилган. Мажнунтол экилишининг асосий сабаби, бу дарахт соя-салқинга бой бўлиши билан бирга сувнинг тиниқ ва тоза, муздек бўлишига ёрдам берган. Шунингдек, ҳовузлар ёзнинг жазирама иссиқ вақтларида ён-атроф об-ҳавосини мўътадил тарзда ушлаб туришда ҳам жуда катта аҳамиятга молик бўлган.

Афсуски, совет даврида буларнинг барчаси гўёки эски усуллар ва ўтмиш сарқити сифатида қораланди. Хуллас, сув билан боғлиқ кўп асрлар давомида тўпланган билим ва кўникмаларнинг анча-мунчаси унутиб қўйилди.

Нима учун сув қадрсизланди? Минтақада сув билан боғлиқ янги ирригация тизимининг яратилиши маҳаллий аҳоли орасида сувга бўлган эҳтиёжни бирмунча қаноатлантирди. Сувга бўлган эҳтиёж ўзининг олдинги нуфузини йўқотганлиги боис унга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Бу эса сув билан боғлиқ азалий маҳаллий анъаналарнинг маълум маънода кундалик турмуш тарзини тарк этиб, чиқиб кетишига сабаб бўлди. Масалан, XX аср 70-йилларида водийнинг дашт ҳудудларида баҳор фаслида анъанавий равишда ўтказилган ёмғир чақириш усули ҳисобланган «Суст хотин» маросими умуман унутиб юборилиб, фақат кекса ёшли одамлар хотирасидагина сақланиб қолди. Қолаверса, сувни қадрлаш, унга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш ҳам кўп ҳолларда рамзий аҳамият касб этди. Бора-бора шу ҳолга келдики, ҳатто одамлар турли маиший чиқиндиларни ҳам сувга ташлашни одатга айлантиришди. Айниқса, баҳор фаслида кўплаб қишлоқ жойларида кучли сел келиб, адирларда уюлиб ётган чиқиндиларни оқизиб кетгудек бўлса, «Яхшиям, сув бор», – дея хурсанд бўладиган даражада ёмон одат ҳам шаклланди.

Асрлар давомида халқ маданиятининг ажралмас қисмига айланиб улгурган «Сувга тупурма, чиқинди ташлама,

қудуққа тош тўкма, мағзавани оқар сувга тўкма» деган ўғитларни қўпчилик унутди. Энг ачинарлиси, одамлар сувнинг ҳам сўроғи, уволи борлиги, уни қадрламаса, сув билан боғлиқ муаммо келиб чиқиш мумкинлиги ҳақидаги тушунчаларни эсламай қўйишди.

Сувни исроф қилмаслик ҳақида болалик хотиралари. Шоир ёзганидек, «инсоннинг умри оқар дарёга ўхшаб» тез ўтиб кетади. Айнан шу боис баъзан киши ёши катта бўлгани сари ўз ирмоқлари, яъни болалик дамларини ёдга олар экан. Юқорида айтганимиздек, болалик йилларим ўтган маскан, водийнинг тоғли хушманзара жойларидан бири – Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғида ҳам бир ариқ бор эди. Гарчи ҳажми унча катта бўлмаса-да, ҳамқишлоқларимиз орасида «Катта ариқ» номи билан машҳур бўлган. Болалик чоғларимда ушбу ариқдаги сувда баъзан турли хил чиқиндилар, хас-хашақлар оқиб келса, оқсоқоллар доимо бизга уларни сабоқ сифатида кўрсатиб: *«Сувни ифлос қилган, унга турли чиқиндилар ташлаган одам кўр бўлади, ҳамма нарсани ўз жойига қўйишга ўрганинглар, болаларим»*, – деб насиҳат қилиб, энг оғир гуноҳлардан бири мусаффо сувни ифлос қилишдир деб уқтирар эдилар.

Шу боис ҳам биз тенгқур болалар доимо «кўр бўлиб қолиш»дан қўрқиб, ариқни ифлослантирмасликка ҳаракат қилардик ва асосан ичимлик суви сифатида ариқ сувини ичардик. Афсуски, XX асрнинг 80-йилларидан кейин водий аҳолиси каби бизнинг ота маконимизда ҳам ариқлардаги сув ифлосланди ва улардан ичимлик суви сифатида фойдаланиш ҳам кескин камайиб кетди. Бунга асосий сабаб, аввало, ичимлик суви манбаларидан асосан хўжалик, яъни деҳқончилик ва чорвачилик билан бирга саноатда кенг миқёсда фойдаланилиши, шу мақсадларда сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши эди. Иккинчидан, оқар сув манбалари бўлган дарё, канал, сойлар ва ариқларнинг ифлосланиши, учинчидан, айнан сув билан боғлиқ, амалий тажрибадан муваффақиятли ўтиб келган анъанавий қарашларнинг аҳоли дунёқарашида унутилиши бўлса керак.

Шунингдек, сувни бемаврид исроф қилмаслик ҳақида ўзбекларда «Отанг мироб бўлса ҳам, сувни исроф қилма» деган мақол бор. Айнан мазкур нақл замирида гарчи отаси сув «хукмдори» ёки сув тақсимлайдиган мироб бўлган шахс ҳам сувни исроф қилишга ҳаққи йўқ эканлиги таъкидланган. Афсуски, совет даврида бебаҳо неъмат – сувга бўлган муносабат ўзгариши билан бирга сувни бошқарувчи «мироблик институти» ҳам жиддий трансформацияга учрагани боис у билан боғлиқ мақолларнинг ҳам амалий аҳамияти унутилди.

Хуллас, совет тузуми даврида пахта монокультурасининг авж олиши ҳамда қаттиқ атеистик сиёсат туфайли сув билан боғлиқ анъанавий қарашлар бирмунча унутилди. Сўнгги йилларда сув муаммоси янада долзарб масалага айланиши баробарида обираҳмат билан боғлиқ кўплаб анъанавий қарашларга бўлган эътибор ошди ва уларнинг кўпи кундалик ҳаётга қайтди.

Пахтачилик ва сув. Совет ҳукмронлиги йилларида пахта майдонларини суғориш ҳамда сув ресурсларини тўплаш мақсадида кўплаб гидротехника иншоотлари қурилди. Мазкур ишларнинг амалга оширилиши водийда ҳам пахтачиликни интенсив эмас, экстенсив равишда ривожлантирган бўлса-да, сув омборлари ва каналлар қурилишида асосан инсон омили эмас, совет ҳукуматининг пахтачилик соҳасидаги манфаати устувор бўлди.

Мазкур даврда водий ҳудудларида ҳам пахта етиштириш мақсадида ирригация тизими такомиллаштирилиб, янги каналлар қазилди ҳамда сув омборлари қурилди. Мисол учун, XX асрнинг 60-йилларида Андижон вилояти Сирдарё ҳавзаси сув омборларининг ҳажми 1,75 куб метрда, Фарғона вилояти сув омборлари ҳажми 0,25 куб метрда, Наманган вилоятида 0,23 куб метрда сув сарфланган¹. 1980 йилга келиб Ўзбекистонда 40 дан ортиқ сув омборлари бунёд этилган эди. Энг йирик сув омборлари

¹ Эргашев А. ва бошқалар. Сувнинг инсон ҳаётидаги ўрни. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 114.

Сирдарё оқимидаги Андижон вилояти ҳудудларида жойлаштирилганди. Сирдарё сувини кўплаб сув омборлари орқали тарқатишга ўтилиб, Орол денгизига бориб тушувчи сув ҳажмининг кескин равишда камайиб кетишига, натижада минглаб йиллар мобайнида тўлиб-тошиб турган буюк денгизнинг деярли қуриб қолиб, қўни-қўшни, ёндош ва узоқ минтақаларда жойлашган юртлар аҳли, дунё жамоатчилигини ташвишга солган экологик фалокат юзага келишига сабаб бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, пахта етиштириш даврида ғўза экилган ерларга ўғитларни оқизиш, ерларнинг шўрини ювиш ҳамда сувга тўйинтиришда сувдан белгиланган меъёридан кўп баравар ортиқ, ҳаддан ташқари исрофгарчилик билан фойдаланилганди. Кимёвий ўғитларни пахта майдонларида ошиқчаси билан қўллаш ҳосилдорлик ошишига ижобий таъсир қилса-да, бироқ тупроқ таркибини бузди. Оқибатда унинг самарадорлигига путур етказилди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган хлор бирикмалари жуда заҳарли бўлиб, сув ҳавзаларига тушиб, сувнинг таркибий қисмига ҳалокатли таъсир кўрсатди¹.

Энг муҳими, водийда асрлар бўйи барқарор бўлиб келган экологик мувозанат бузилиб кетди. Фарғона водийсининг табиий географияси «қозон» кўринишида бўлганлиги боис асрлар давомида унинг теварак-атрофидаги тоғлардан бошланган сой ва дарёлар ўзининг оқими бўйлаб нафақат сувни, балки маълум миқдордаги тузларни ҳам Сирдарёга олиб келиб қуйган. Юқоридаги қисмларди қайд қилинганидек, Сирдарё водийдаги энг катта коллектор, яъни сувлар ва ундаги тузларни йиғиб олувчи дренаж вазифасини бажарган. Бу борада бир қатор мутахассислар ҳам фикр билдирган бўлиб, уларнинг таъкидлашича, қадимда Жанубий Фарғонанинг тоғ дарёлари Сирдарёга

¹ Раҳимова Г. С. XX аср 50 – 90-йилларида Фарғона водийси sanoat ривожининг экологик ҳолатга таъсири. Тарих фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий жаражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018. – Б. 76.

етиб борган. Дарё эса жануброққа оққан ва ҳудудни маълум маънода дренажлаб турган. Марказий Фарғона кўл, ботқоқлик ва тўқайзорлардан иборат бўлган. Бундай шароитда гипс ва енгил эрувчи тузлар водийнинг марказий қисмида тўхтамасдан, дренажловчи дарё тарафга ўтиб кетаверган. Тектоник ҳаракатлар тоғ ўрамларини кўтариб, эрозия базасини пастлатган, Сирдарё эса шимол томонга силжиган. Тоғ дарёларининг сувлари камайган ва Сирдарёгача етиб бормай қолган. Марказий Фарғона маҳаллий оқимнинг охириги минтақасига айланган, сувлари кўпроқ турғун ҳолатига ўтиб қолган ва буғланиш кучайган. Натижада сувларнинг минераллашуви ошган, гипс ва бошқа зарарли тузлар тўплана бошланган. Иқлимнинг қуруқланиши (аридланиши) билан сув ва тупроқларда тузларнинг тўпланиши кучайган¹.

Шу билан бирга, XX аср 50-йилларидан минтақада пахтачиликнинг экстенсив равишда ривожлантирилиши туфайли янги сув омборлари қурилди ва асосий сув ҳавзаларининг суви Сирдарёга етиб бормасдан, асосан, пахта майдонларини суғориш учун сарфланди. Совет ҳукуматининг марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизими республикани хомашё тузилмаси сифатида ривожлантиришга йўналтириб юборган халқ хўжалигининг нуқсонли, бир томонлама тизимини шакллантирган эди.

1952 йил 13 мартда СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда суғориш шохобчаларини қайтадан қуриш ва янги суғориш тизимига ўтиш ишларининг бориши тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ республикамиздаги 1,5 миллион гектар майдонда 570 млн м³ ҳажмида тупроқ ишлари амалга оширилди². Бироқ ҳар доим ҳам малакали мироблар ва сувчиларнинг етишмаслиги ёки борларининг ҳам тажрибасизлиги туфайли сувдан бемақсад фойдаланишга, исрофгарчиликларга йўл

¹ Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари... – Б. 169.

² Комилов О. К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари. – Б.16.

қўйилди. Бунинг оқибатида табиий дренаж тизими издан чиқиб, пахта экиладиган ер майдонларига ниҳоятда кўп кимёвий дорилар солиниши боис минтақадаги экологик вазият издан чиқиб кетди.

Табиатни бўйсундириш ва унинг салбий оқибатлари. 1955 йилдан совет давлатида «Табиатни халқ измига бўйсундириш» шиори остида кураш бошланиб, «Экинларни суғориш мақсадида манбалардан хоҳлаганча сув олиб ишлатиш мумкин, унинг миқдори чексиз-чегарасиз» деган кўрсатмага кўра бемаъни таълимот шаклланди. Бунақа ҳолатга тушиб қолишга кичик ва ўрта ҳажмли майдонларнинг ўзлаштирилгани, завод ва фабрикалар тегишли даражада ривожланмаганлиги ҳам сабаб бўлганди. Шу билан бирга, саноатнинг тараққий этиши ҳамда аҳоли сонининг кескин ортиши ҳам сув ресурсларини катта ҳажмда аёвсиз ишлатишни талаб қиларди. Бироқ юқорида таъкидланган салбий ҳолатларга деярли эътибор берилмасдан, пахта майдонларидан ялпи ҳосил олиш асосий мақсад қилиб қўйилган эди.

Янги ўзлаштирилган ерларнинг зах сувлари қумликлар ҳамда тўқайларга оқизиб юборилган. Оқибатда янги зах сувлар эски кўлмакларнинг сувига қўшилиб кўлмакларнинг янада катталашишига сабаб бўлган. Шу билан бирга, аҳоли тураржойларига зах чиқиш ҳолатларини келтириб чиқди. Наманган, Қувасой ва Қўқон шаҳарларида уйлар захлаб кетган, бу эса одамларнинг нафақат хўжалиги, турмуш тарзига, соғлигига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатарди. Хусусан, маҳаллий аҳоли орасида ички сув ҳавзаларининг турли оқова сувлар билан ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир этиб, уларда меъда-ичак касалликлари, вабо эпидемияси, сил, гепатит инфекцияси ва бошқа касалликларнинг тарқалишига ҳам сабаб бўлган¹.

Советлар даврида сувларнинг ифлосланиши ва турли минтақалардаги соф табиий ҳолатнинг издан чиқишига са-

¹ Комилов О. К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари... – Б. 27.

ноат корхоналари ҳам ўз «муносиб улушини қўшган». Хусусан, Фарғона водийси сувлари айна саноат корхоналари чиқиндиларидан ифлосланган. Чунки марказий шаҳарларнинг деярли қоқ марказида «унумли» фаолият кўрсатган кимё корхоналари, фуран бирикмалари, нефтни сақлаш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари ичимлик сувлари манбаларининг нақ устига қурилган эди¹. Масалан, 1986 йилда Қўқон шаҳрининг аҳоли яшаш ҳудудида сульфат кислота ва фосфогипс кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи Қўқон янги кимё корхонаси ишга туширилган. 1988 йилда корхонанинг кимёвий чиқиндилари теварак-атрофга сув орқали катта тезлик билан тарқалган. Чиқиндининг аҳоли ичимлик сувига тушиши сабабли одамлар ичимлик сувидан заҳарланиб, хўжалиқдаги чорва моллари нобуд бўлган².

Албатта, ушбу ҳолатлардан, энг аввало, маҳаллий аҳоли азият чеккан ва бу ҳудудларда турли-туман иқтисодий муаммолар кўпайиши билан бирга одамларнинг соғлиғи ёмонлашишига сабабчи бўлган. Турли хасталиклар, айниқса, болалар орасида вирусли гепатит ва бошқа юқумли касалликлар кўпайган. Бу каби экологик фалокатлар миллат генофондига ҳам салбий таъсир қилган.

Сув ва таълим. Совет даврида халқ таълими (маориф) тизими, хусусан, болалар боғчалари ва ўрта мактабларда сув билан боғлиқ экологик маданият ва билимлар деярли ўргатилмас эди. Бунинг оқибатида болалар ва ёшлар кундалик ҳаёти ҳамда дунёқарашида сувга бўлган муносабат ўзгариб, олдинги аҳамиятини йўқотди. Айниқса, сув билан боғлиқ маҳаллий тажриба ва асрлар давомида устоз-шогирдлик орқали ўзлаштирилган мироблик институтининг анъанавий шакллари ўзгариб кетганди. Тўғри, сув ишларини ўргатувчи институт ва техникумлар ташкил

¹ Эргашев А., Эргашев. Т. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 258.

² Раҳимова Г. С. XX аср 50 – 90-йилларида Фарғона водийси саноат ривожининг... – Б. 125.

этилган, бу ўқув юртларида ҳам сув билан боғлиқ умумий тушунчалар, сувни бошқариш технологияси ҳамда ирригация назариясига доир билимлар берилган бўлса-да, айнан турли ҳудудларга хос ирригация тизими ва сув билан боғлиқ илмлар ўрганилмаган эди. Шунингдек, ўрта мактаб ва мактабгача таълим тизимида ёш авлоднинг экология, сув муаммолари ва уларнинг ечимига доир билим ва кўникмалари шакллантирилмади, уларга бу борада сабоқ берилмади. Бу эса маҳаллий аҳолининг экологик билим ва дунёқараши, табиатга, хусусан, сувга бўлган муносабати ҳамда қарашлари салбий тарафга ўзгариб кетишига олиб келди.

Марказий Осиё давлатлари миллий мустақилликка эришганидан сўнг Фарғона водийси ҳудудида ҳам сувдан адолатли, оқилона фойдаланиш муаммоси янада долзарб масалага айланиб қолди. Ушбу вазиятда минтақада зудлик билан ечими топилмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган низолар, жиддий муаммолар пайдо бўлди. Чунки дарёлар трансчегаравий аҳамиятга эга ҳисобланади. Афсуски, суғориш ишларини кенг миқёсда ривожлантириш жараёнида мавжуд барқарорлик ва экологик мувоzanатнинг бузилиб кетиши эътибордан четда қолдирилди.

XI асрда яшаб ўтган ижодкор Фахриддин Гургоний ўз даврида сувни ифлос қилмаслик ҳақида улуғ ўғит сифатида:

*«Бугун чашма сувни қилсанг агар хор,
Бошқа ичолмассан бу сувдан зинҳор», –*

деб ёзган эди. Айнан ўрта асрларда ёзилган бу ҳикматни ўқир эканмиз, «сабр косаси» тўлган сув бугунги кунда одамлардан росмана қасд олаётганга ўхшайди. Ҳозирги ҳаддан ташқари глобаллашиб кетган ва, афсуски, худбинлик иллатлари тантана қила бошлаган замонда одамлар орасида сув билан боғлиқ ечими анча мушкул янгидан-янги муаммолар пайдо бўлмоқда.

IV.2. ҲОЗИРГИ ДАВРДА СУВ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

*Оби ҳайвон қиблайи жон, эй рафиқ,
Сув ила яшнайди бўстон, эй рафиқ.
Жалолиддин Румий*

XXI аср ибтидосига келиб бутун дунё аҳли Ер сайёрасининг чекланган ресурсларидан қандай фойдаланиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ беҳад мушкул муаммога дуч келиб қолди. Ҳамма жойда сув иқтисодиёт равнақ топиши ва жамият соғлом бўлишининг зарур элементи эканлиги ҳамда экосистеманинг сақланиб қолишида ҳал қилувчи ўрин тутиши шак-шубҳасиз эътироф этилади. Бироқ, эътибор тобора ошиб боришига қарамай, сув ресурслари янада камайиб бормоқда¹. Шунинг учун керакки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, саноат ва технологик жараёнларни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши эса унинг етишмовчилиги ва ифлосланиши билан боғлиқ экологик муаммоларни кескинлаштирмоқда.

ЮНЕСКО берган маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб сайёрамизнинг 3 миллиарддан ортиқ аҳолиси сув ресурслари етишмаслигидан азият чекади. Гарчи БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари Декларацияси «сув ресурсларидан нооқилона фойдаланишни тўхтатишга» ва «сувдан алоқатли фойдаланишни таъминлашга кўмаклашишга» чақирса ҳам, бугунги кунда Ер юзи аҳолисининг қарийб ярми сув билан боғлиқ муаммога дучор бўлмоқда, Ҳозирда 1 миллиардга яқин киши тоза ичимлик сувидан фойдалана олмайди, 2,5 миллиард киши эса санитария-гигиена мақсадлари учун етарли даражада сувга эга эмас. Дунёдаги барча касалликларнинг 80 фоизи ичимлик суви

¹ Саидов А. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар... – Б. 135.

йўқлиги ёки сув ифлосланганлиги сабабли келиб чиқади. Жаҳонда ҳар сонияда бир бола ичимлик суви етишмаслиги, тақчиллиги туфайли ҳаётдан кўз юмади¹.

БМТ таснифига кўра, Ўзбекистон ҳам сув тақчил бўлган мамлакатлар қаторига киради. Дунё ресурслари институти (World Resource Institute) томонидан 2020 йили эълон қилинган маълумотга биноан, Ўзбекистон сувга муҳтожлик сезаётган 164 давлат орасида 25-ўринни эгаллаган². Буларнинг баридан англашиладики, биз тирикчилик қилаётган, ўзимиз яшаётган минтақамизда сув муаммоси йиллар ўтган сари мураккаблашиб бормоқда. Бу эса иқтисодиёт ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг кўнгилдагидек юксалишига монелик қилмоқда.

Агар мавжуд сув захираларига диққат-эътибор қаратиладиган бўлса, сув ресурсларининг келгуси баланси, мувозанатига минтақанинг асосий дарёлари шаклланадиган музликларнинг жадал равишда эриши, иқлим ўзгаришининг бошқа жиҳатлари, шунингдек, аҳолининг сувга нисбатан эҳтиёжлари ортиб бориши ва саноатнинг ривожланиши таъсир кўрсатишини кўриш мумкин. Соҳа мутахассисларининг тахмин қилишларича, сув таъминотининг 10 – 20 фоизга қисқариши суғориладиган ер майдонлари ўлчами ва аҳолининг иш билан бандлиги таъминланишига доир жиддий оқибатларга олиб келиши, натижада ялпи миллий даромаднинг камайишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Суғорма деҳқончилик, коммунал хизмат ва саноат тараққиёти, атроф-муҳит ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мавжуд сув хўжалигини самарали, оқилона ва одилона бошқариш мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини кафолатлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Марказий Осиё минтақаси, шу билан бирга, бутун дунёда тобора жиддий тус олаётган сув танқислиги муаммоси ҳамда экин майдонларининг шўрланиши оқибатида

¹ Саидов А. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар... – Б. 136.

² <https://www.wri.org/applications/aqueduct/country-rankings>.

яроқсиз ҳолга келиши, фойдаланишдан чиқиб кетиб, чўл ва саҳроларга айланиши каби экологик хавф-хатарлар ортиб бораётган пайтда Фарғона водийси аҳолисининг ер ва сувни асраб-авайлаш, эъзозлашга доир тарихий ҳамда миллий қадриятларни яна қайта тиклаш, ривожлантириш ҳамда асрий урф-одат, анъана ва миллий қадриятлар негизида замонавий экомаданиятни шакллантириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, сув муаммоси демографик портлаш туфайли янада мураккаблашмоқда. Жумладан, Фарғона водийси Марказий Осиёда аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд бўлиб, бу ҳудудда 9,8 миллиондан зиёд аҳоли киши яшайди. Биргина Андижон вилояти аҳоли зичлиги бўйича республика ўртача даражасидан 10 баробар кўпроқ.

Бугунги кунда сўз экосистемани тўлиқ тиклаш ҳақида эмас, балки умумий ҳаракатлар билан минтақада бунданда аянчлироқ емирилиш, ҳалокатнинг олдини оладиган тенгликка, мувозанатга эришиш ҳақида бормоқда»¹.

Сув ҳавзаларининг ҳолати. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида, аниқроқ қилиб айтганда, 1993 йил 6 майда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди². Ушбу қонуннинг асосий вазифалари сифатида «аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат» деб қайд қилинган.

¹ Саидов А. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар... – Б. 139.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837-сонли Қонуни // <https://lex.uz/docs/12328>.

Ўзбекистонда ички дарёларнинг сув ресурслари умумий эҳтиёж миқдорининг 18 фоизини ташкил қилади. Умумий сув эҳтиёжининг 82 фоизга яқини давлатлараро оқиб ўтувчи Амударё ва Сирдарё ресурслари ҳисобидан қопланади. Ушбу дарёларнинг устки оқими миқдори 123,08 километр деб белгиланган. Мазкур кўрсаткичдан келиб чиққан ҳолда Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларининг давлатлараро битимига мувофиқ минтақа давлатлари ўртасида сувни истеъмол қилиш лимитлари ва сувни тақсимлаш мутаносиблиги белгиланган.

Фарғона водийсидаги сув ресурсларининг асосий манбаси Сирдарё ва унга келиб қўшиладиган сой ва дарёлардан иборат. Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш керакки, водийдаги турли дарёлар сувининг бугунги сифати, ҳолати унчалик яхши деб бўлмайди.

Хусусан, бу борада қишлоқ хўжалиги химикатларининг ташланиши ҳисобидан ифлосланиш даражасининг ошиши, аҳоли пунктлари ҳамда саноат корхоналаридан келадиган тозаланмаган оқова сувлар билан, шунингдек, оқимдан юқорида жойлашган тоғ-кон саноатининг чиқиндилари натижасида дарёлар суви янада ифлосланиши борасида муайян жиддий хавотирлар бор. Шу билан бирга, дарё, сой ва бошқа сув манбаларига ифлослантирувчи модда ва чиқиндилар тушишининг олдини олиш борасида муайян амалий чора-тадбирлар кўрилиши ва хатти-ҳаракатларнинг амалга оширилиши эвазига манбалардаги сувнинг сифати ҳозирча барқарор ҳолатда сақлаб қолинмоқда.

Сирдарё ҳавзасида бир гектар ерни суғориш учун умумий сув истеъмоли 10,4 минг кубометрни ташкил этади. Сувдан нооқилона фойдаланиш ҳамда унинг самарадорлиги пастлиги суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардандир. Шу боисдан ҳам миллий мустақиллик йилларида, аниқроғи, 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сирдарёнинг мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам

қабул қилинди¹. Мазкур қарорда Фарғона водийсида суғориладиган ерларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги экинларини оммавий суғориш даврида сув билан кафолатли таъминлаш, шунингдек, Сирдарёнинг республика ҳудудидаги мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан бирга янги Резаксой ва Кенкулсой сув омборлари қурилишига оид йўриқномлар қайд қилинган.

Ичимлик суви муаммоси. Марказий Осиё минтақасининг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари, Фарғона водийсида ҳам сув билан боғлиқ энг долзарб муаммолардан бири ичимлик суви билан боғлиқдир. Сув ресурсларининг фақат тахминан 10 фоизи мамлакатимизнинг ўзида ҳосил бўлиши туфайли Ўзбекистон қўшни мамлакатларда шаклланиб, бизнинг ҳудудга оқиб кирадиган сув миқдорига юқори даражада боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, 2017 – 2022 йилларда Фарғона водийси аҳолисини сув билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Наманган ва Фарғона вилоятларида ерости сув захираларини қайта баҳолаш бўйича гидрогеологик ишларни ва Фарғона водийси ҳудудида ерости сувларидан фойдаланиш ҳамда гидрогеологик тадқиқотларнинг реал ҳолатини баҳолаш бўйича ҳудудий гидрогеологик тадқиқотларни амалга оширишга асосий эътибор қаратилди².

Хуллас, экологик имкониятларни ҳисобга олмасдан, сув ресурсларидан экстенсив тарзда фойдаланиш ҳам сувнинг сифати ёмонлашувига, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда танг вазиятга олиб келади. Чунки водийда асосий сув ҳавзаси бўлган Сирдарёга бошқа айрим сув манбаларидан етарли даражада сув келмаётгани сабабли

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 январдаги «Кафолатланган сув таъминотини яхшилаш ва Сирдарёнинг мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №46 қарори // <https://nrm.uz/>

² 2017 – 2022 йилларда ерости чучук сув захираларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига Фарғона водийси аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш // <https://www.norma.uz/>

аҳолини сифатли чучук сув билан таъминлаш минтақадаги энг жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қолаверса, ичимлик суви бўлган чучук сув шўр босган ва камҳосил ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида ҳал қилувчи ресурс ҳисобланади. Мазкур ҳолат, айниқса, Наманган вилояти Поп шахри ва Мингбулоқ туманида ҳанузгача долзарб аҳамиятга эга бўлиб турибди. Шу боис маҳаллий шароитда сув хўжалиги бошқарувида янги ва илғор, самарали, она табиатга зиён келтирмайдиган ёндашувда иш олиб бориш, бунинг учун ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш мақсадида халқаро ҳуқуқий асосларни яратишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Шўрланиш муаммоси. Республика ҳудудларида пахта етиштиришда ўта кенг миқёсда кимёвий моддаларнинг фаол равишда қўлланилиши, самарасиз ирригация ва яроқсиз дренаж тизими ифлосланган ва шўр сув ниҳоятда кўп миқдорда қайта ерга сизиб кетишига олиб келди. Натижада чучук сувга янада кўпроқ ифлословчи моддалар ҳам туша бошлади. Ҳозирги даврда барча суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи шўрланган деб таснифланади, ушбу типдаги ерларнинг тахминан 5 фоизи юқори даражада шўрхок (шўртупроқ) ҳисобланади¹.

Фарғона водийси ер захиралари XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб интенсив (кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ ҳосил олиш) равишда, аммо экстенсив (кўп сарфлаш, бироқ кўп натижага эришмай, маблағ ва меҳнатни исроф қилиш) ўзлаштирилиши натижасида минтақамизда минглаб йиллар мобайнида мўл-кўл ҳосил бериб, ҳазрати инсонни боқиб келган ерларнинг шўрланиш ҳолати кучайди. Мутахассисларнинг фикрича, айнан Фарғона водийсидаги тупроқ эритмаси грунт сувлар таркибида натрий ва магний сульфат тузлар жуда кўп. Гипслашган шохли ва арзикли тупроқлар водий ҳудудида катта майдонларни ташкил этади².

¹ Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. Ўзбекистон. Иккинчи шарҳ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. – Нью-Йорк-Женева, 2010. – Б. 3.

² Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари... – Б. 175.

Биз келгусида бу мавзуга доир мукамал тадқиқотларни тупроқшунос мутахассислар эътиборига ҳавола этган ҳолда 2017 – 2018 йиллар май – август ойларида Фарғона вилоятининг Данғара, Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Косонсой, Чуст ҳамда Поп туманларидан анъанавий деҳқончилик маданияти билан боғлиқ тўпланган халқ билимлари билан ўртоқлашмоқчимиз. Хусусан, бу борада Наманган вилояти Чуст тумани Дамобод қишлоғида яшовчи кекса деҳқон Муротали Шералиев (1938 йилда туғилган)нинг таъкидлашича, келгуси йилга деҳқончилик ишларига тайёргарлик ҳаракатлари кузги ҳосил йиғиштириб олинганидан кейиноқ дарҳол бошлаб юборилиши керак. Айнан кузги экинлар экилганидан кейин қор қанчалик қалин ва эртароқ ёғса, буни Яратганнинг инсонга марҳамати деб билиб, хурсанд бўлиш жоиз дейди М. Шералиев. Бу ҳақда водий деҳқонлари орасида «қор ёғди – дон ёғди», «ер тўйса – эл тўяди» каби мақоллар кенг тарқалган. Шу боис заҳматкаш бободеҳқонлар ҳар йили биринчи қор ёғишини ўзига хос тарзда хурсандчилик билан нишонлаганлар. Улар қор ёққан вақтда шукроналик рамзи сифатида бир-бирларини самимий қутлаганлар, шу кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтишган.

Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи аҳолиси орасида дарё суви ва ерларнинг шўрланиши билан боғлиқ бир ривоят бор. Айтишларича, Аллоҳ ўз баракасини бандаларига улашаётган вақтда, энг аввало, дарёнинг ўнг томонидаги, яъни юқори қисмида яшовчи инсонларга берар экан. Чунки дарёнинг юқори қисми, яъни бошланиш жойлари одам қадами етиб бормагани, ҳар қандай кимса бузғунчилик қилмагани туфайли ҳар доим пок, тоза сув ва шўрланишдан йироқ бўлган ҳудуд ҳисобланади. Ўз навбатида, дарёнинг қуйилиш қисми сизот сувларига яқин, ерларнинг шўрланиш даражаси ҳам анча кучлироқ бўлади. Бу эса маҳаллий аҳолининг иқтисодий аҳволи ва ҳўжалик анъаналарини ҳам белгилаб берар экан.



Ерни шўрини ювиш. Наманган вилояти Косонсой тумани. 2016 йил.

Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғида яшовчи деҳқон Эгамберди Ғаниев (1939 йили туғилган)дан ёзиб олинган маълумотларга кўра, ерга ишлов бериш ҳосилни йиғиб олгандан кейин бошланган ва ушбу жараён анча вақтгача давом этган. Кейинчалик қишки чилла кириб келганидан сўнг шўрланиб кетган ерларни деҳқонлар чилла суви билан шўрини ювганлар. Миришкор деҳқоннинг айтишича, шўр босган ерни уч йил давомида «яхоб суви» бериб ювиш керак.

Шўр босган ерларда барча турдаги экинларни етиштиришнинг имкони бўлмагани боис маҳаллий деҳқонлар айнан шўрли ерларга мос ўсимликларни экишга уринганлар. Хусусан, Наманган вилояти Мингбулоқ туманида деҳқонларнинг ушбу анъанавий тажрибалари хусусида китобнинг I бобидаги «Тупроқлар ва шўрланиш» мавзусида тўхталган эдик.

Сув билан боғлиқ замонавий таҳдидлар. Яқин ва узоқ келажақда сув соҳасидаги асосий хавф-хатар ва таҳ-

дидлар иқлим ўзгариши натижасида сув ресурслари ҳажмининг тобора камайиши, шунингдек, аҳолининг ўсиши ва иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ортидан сувга талабнинг ортиши, яъни сув тақчиллиги муаммосидир.

Мазкур таҳдидларнинг юмшатилиши жараёнида Фарғона водийсида ҳам Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларидаги каби пахта ва буғдой етиштириш учун давлат буюртмасининг босқичма-босқич бекор қилиниши, иқтисодиётга бозор механизмларининг жорий этилиши ва шунга боғлиқ равишда қишлоқ хўжалигининг давлат томонидан тартибга солинишини ислоҳ қилиш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса мавжуд муаммоларни оқилона ҳал қилиш йўлидаги дастлабки қадамлар ҳисобланади.

Сув хўжалиги ташкилотлари, иш усуллари ва кўникмалари сув ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги вазифаларга мослаштирилиши керак. Мазкур вазифалар тўла-тўқис бажарилган тақдирда сув ресурсларини бошқариш ва тақсимлашда ҳам ўзгаришлар содир бўлади, уларнинг самарадорлиги ошади, мавжуд талабга тезроқ мослашиши таъминланади.

Марказий Осиёга иқлим ўзгариши, аввало, худуднинг асосий дарёларини шакллантирадиган асрий тоғ музликларининг ҳаддан зиёд тез эриши билан таҳдид солмоқда. Сўнги 50–60 йил давомида музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Башоратларга кўра, ҳарорат 2°C га ортганда музликларнинг ҳажми 50 фоизга, 4°C га исиганида 78 фоизга камайд. Музликларнинг бундай даражада эриши чучук сувнинг жиддий тақчиллигига сабаб бўлиши тайин, албатта. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида оқимнинг ҳозиргисидан 5 фоизга камайиб кетиши кутилмоқда.

Маълумки, сўнги йилларда минтақа мамлакатлари ўртасидаги сув хўжалиги муносабатлари ҳам аввалги даврлардагига нисбатан сезиларли равишда яхшиланди, трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланиш муаммола-

рини ҳал қилиш бўйича ижобий тенденция кузатилмоқда. Бироқ келгусида Сирдарёнинг юқори оқимларида янги йирик гидроэнергетик объектлар ва сув омборлари қурилиши, шунингдек, уларнинг энергетик режимда ишлатилиши дарёлар қуйи оқимида жойлашган Марказий Осиё минтақаси бошқа давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам сув таъминотида бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Зудлик билан ҳал қилиниши керак бўлган яна бир жиддий муаммо қайтар (коллектор – дренаж ва оқова) сувларини тозалаб туриш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Саноат корхоналари томонидан ишлатилган сувнинг қарийб ярми оқова сув шаклида қайтарилади ва улар атроф-муҳит учун жиддий экологик хавф-хатарларни туғдиради¹.

Фарғона водийси ўзининг беҳад бой ва ранг-баранг флора ва фаунасига эга бўлишига қарамай, ўнлаб йиллар давомидаги атроф-муҳитга бепарволик экологик жиҳатдан номақбул иқтисодий сиёсат билан биргаликда минтақани бир неча бор жиддий экологик инқирозлар марказига айлантirdи. Минтақадаги асосий сув ҳавзалари ҳисобланган дарёлар ва сойлардан асосан суғориш мақсадлари учун сув олиш, қишлоқ хўжалигида кимёвий моддаларни кенг қўламда ишлатиш ва оқова сувларни етарли даражада қайта ишламаслик ниҳоятда жиддий экологик ва инсон соғлиғи билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқда. Натижада ҳозирги кунга келиб Фарғона водийсининг бир қатор ҳудудлари, айниқса, шаҳарлардан оқиб ўтувчи канал ва ариқларнинг суви деярли ичимлик учун ишлатилмайди, ундан ҳатто кир ювишда ҳам фойдаланиб бўлмайди. Баъзан оддийгина қўл ювиш учун ҳам ариқларнинг сувидан фойданилмайди. Одамлар сув ҳавзаларида ҳар турли чиқиндилар уюми кўпайиб кетганлиги сабабли ифлосланган, хор қилинган сув энди,

¹ 2020–2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси // <http://www.water.gov.uz/>.

нақлдагидек, етти марта эмас, балки етмиш марта думаласа ҳам тоза бўлмаслигини яхши билишади.

Шуниси ҳам ачинарлики, дарёларда сув захиралари камайгани сари уни исроф қилиш ҳам мутаносиб равишда ортиб бормоқда. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, республикамизда бир гектар экинзорни суғориш учун ҳар йили ўртача 10 – 12 минг кубометр сув сарфланмоқда. Ҳолбуки, дунёнинг ғоятда серсув ва катта дарёларидан бири бўлмиш Нилни тасарруф қилаётган мисрлик деҳқонларга бу масалада 900 – 950 кубометр сув кифоя қилади. Сувга бўлган бундай шафқатсиз муносабатнинг «меваси» шундоғам долзарб бўлиб турган сув муаммосининг янада чигаллашиши билан намоён бўлаверади.

Хуллас, сўнгги йилларда минтақамизда экологик вазият билан боғлиқ равишда сув ресурсларининг тақчиллиги, ичимлик суви сифатининг пасайиб кетиши, ерларнинг деградацияси, биохилма-хилликнинг кескин камайиши каби ҳолатлар ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларга айланган.

Мазкур бебаҳо неъматни асраб-авайлаш учун, албатта, сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ва узоқ муддатли прогнозларни ишлаб чиқиш зарур. Энг асосийси, суғориладиган майдонларни қисқартириш ё томчилатиб суғориш тизимига тезроқ ўтишимиз даркор. Шунингдек, таълим тизими ва оиладаги экологик тарбия орқали аҳоли, айниқса, ёш авлод онгида бебаҳо, ноёб неъмат – сувни тежаб-тергаб, асраб-авайлаб ишлатиш, уни асло увол қилмаслик ҳақидаги фикрларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш ҳаётий аҳамиятга эга.

ХОТИМА

Азиз китобхон! Мана, юқорида Сизнинг диққат-эътиборингизга сув маданияти таҳлилига оид бир қатор фикр-мулоҳазалар, таҳлил ва хулосаларни баён этдик. Зеро, ҳозирги кунда сув масаласи дунё миқёсидаги глобал муаммога айланганлиги айтилиши ҳақиқат. Иқлим ўзгаришлари бўйича Ҳукуматлараро Комиссиянинг IV маърузасида 2030 йилга бориб бутун Ер шарида 3,9 миллиард инсон сувга муҳтожлик сезиши қайд қилинган¹. БМТ маълумотларига кўра, 2050 йилда жаҳон аҳолисининг қарийб 80 фоизи сув танқис бўлган ҳудудларда яшайди. Шу билан бирга, қарийб 50 фоиз аҳолининг ҳаёт фаолияти у ёки бу даражада сув ресурслари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади².

Фарғона водийси аҳолисининг сув маданиятига бағишланган мазкур монография якунида қуйидаги хулосаларни келтириб ўтмоқчимиз:

Сув – сайёрамиздаги энг қадимий унсурлардан бири, у ердаги ҳаёт ва инсоният цивилизациясининг беҳад муҳим асосларидан бири бўлган. Мана, бир неча миллион йиллар давомида барча тирик мавжудотларнинг, хусусан, инсониятнинг сувга бўлган эҳтиёжи ўзгармади, яъни уларнинг ҳеч бири сувсиз яшай олмайди. Сайёрамиздаги чучук сув миқдори эса камайишда давом этмоқда. Хусусан, ердаги сув захиралари олдингидек жиддий ўзгаришларсиз қолган бўлса-да, тирик мавжудотлар, жумладан, аҳолининг нуфуси бир неча юз марта кўпайиши туфайли сувга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам муттасил равишда ошиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси, саноатнинг шиддатли тараққиёти билан бирга сувга бўлган талаб ҳам кучайиб бормоқда. Шунингдек, сув ўзга

¹ International panel on climate change, Fourth Assessment Report Climate Change 2007, Synthesis Report Summary for Policymakers. URL: http://www.ipcc.ch/pdf/assessment-report/ar4/syr/ar4_syr.pdf.

² Старр Ф. Партнерство в Центральной Азии // Россия в глобальной политике. – 2008. – №3. – С. 72–98.

бир қатор йўналишлар ва иқтисодиёт соҳаларида ҳам асосий ресурс вазифасини беминнат бажариб келмоқда.

Шу боис сўнги ўн йилликларда сув учун манфаатлар ва қарашлар тўқнашуви, сув ва экология, трансчегаравий сув ҳавзаларига оид маҳаллий маданиятларни жиддий ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу жиҳатдан Марказий Осиё минтақаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Минтақада, мана, 4 минг йилдирки, одамлар суғорма деҳқончилик маданиятини ўзлаштириб, ўзига хос ирригация тизимидан фойдаланиб келмоқдалар. Биз ушбу китобда кўп асрлар давомида сувга оид назарий ва амалий билимлар шаклланиб, мазкур изланишлар асосида ўзига хос экологик маданият таркиб топганлиги хусусидаги маълумотларни эътиборингизга ҳавола этишга ҳаракат қилдик. Айнан сувга бўлган муносабат асосида маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётда она табиатни ҳимоя қилиш ҳамда ундан унумли фойдаланиш кўникмалари шаклланганлигига тадқиқотлар жараёнида яна бир бор амин бўлдик. Яна бир томони шундаки, сувга оид қарашлар ва кўникмалар минтақамизда обиҳаётнинг иккига, яъни «оқ сув» ва «қора сув»га бўлинишига оид халқ билимларида ҳам акс этишини кузатдик.

Тарихий манба ва этнографик дала тадқиқотлари Марказий Осиёда сувга бўлган муносабат ҳаттоки эътиқод ва культ даражасигача кўтарилганлигини тасдиқламоқда. Шу сабабдан ҳам сув қадимги мифлардан тортиб дунёвий динларнинг марказида турганлиги айтилган ҳақиқат. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас илоҳлари бўлмиш Ардвисура Анаҳита, Апам-Напат, Хубби, туркий этносларнинг Умай онаси Ер – Сув ҳомийлари ҳисобланган.

Муқаддас ислом дини таълимотида ҳам сувга нисбатан алоҳида тартиб-қоидалар, йўл-йўриқлар муҳим ўрин тутди. Сув шу даражада инсонлар ҳаётига сингиб кетганки, буни халқ оғзаки ижоди, маҳаллий аҳолининг кундалик дуо-тилаклари мисолида ҳам яққол кўрамыз. Эзгу ғоялар келажак авлодлар онги ва қалбига анаъанавий урф-одатлар, халқ оғзаки ижоди намуналари – дostonлар, афсона,

мақоллар, матал, эртак, қўшиқ ва бошқа шу каби тафаккур дурдоналари орқали сингдириб борилганлиги азалдан сув неъматини юксак қадрланиб келинганини англатади.

Тадқиқотлар жараёнида шунга ҳам амин бўлдики, сув Марказий Осиёда «буюк тарбиячи» ролини бажарган ва ҳанузгача бу вазифани шараф билан адо этиб келмоқда. Фарғона водийсида асрлар давомида инсон ва сув ўртасидаги муносабат асосида ўзига хос миллий, чинакам ўзбекона маданият шаклланиб, ушбу маданиятга, беқиёс қадриятга «инсон – ер – сув» кўринишидаги учлик асос бўлганлигини кўрдик.

Энг муҳими, минтақада кўп йиллар давомида сувга бўлган талабнинг юқорилиги туфайли мазкур илоҳий неъмат маҳаллий аҳоли томонидан доимо қадрланган ва унинг негизида фаолияти сув билан боғлиқ бўлган касб (мироб)лар шаклланиб. Бошқача айтганда, минтақа тарихида сув учун курашлар ва сув муаммоси тарихи ўтмишдан то ҳозирги кунга қадар ўз долзарблигини сира йўқотмаган мавзулардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотимиз объекти бўлган Фарғона водийсида ҳам сув нафақат инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликларнинг чанқоғини қондириш, балки тириклик, ҳаёт давомийлиги, покланиш воситаси ҳам ҳисобланган. Қолаверса, маҳаллий аҳолининг онг-шуурида сув дуал (икки хил) вазифани бажарган бўлиб, сув азиз, пок, қадрли неъмат саналган, айни вақтда, оламда ундан даҳшатлироқ ва қўрқинчлироқ бошқа куч бўлмаган. Шу сабабдан ҳам маҳаллий аҳоли доимо кундалик дуоларида сувга муҳтож қилмасдан, сувдек сероб бўлишни сўраш билан бирга сув балосидан сақлашни Аллоҳдан илтижо қилиб сўраган.

Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари, Фарғона водийси аҳлида ҳам оилавий маросимлар тизимида сув асосан покланиш ва инициация вазифасини бажарган. Айнан чақалоқ, келин-куёв ва марҳумни маросимий сув билан поклаш одати замирида уларни бир оламдан иккинчи бир дунёга ўтишининг рамзий ишораси акс этганини кўриш мумкин.

XX асрга келиб Фарғона водийсида пахта етиштиришга жиддий эътибор берилиши натижасида минтақага хос азалий экосистема издан чиқиб кетди. Экологик муаммоларнинг вужудга келишида энг асосий сабаблардан бири ўлкада пахта монокультураси ўрнатилиши ва инсон ҳаётига хавф солувчи оғир саноат (асосан кимё) корхоналари қурилиши бўлди. Табиий ландшафт ва экосистеманинг инсон омили таъсирида ўзгариши натижасида ерларнинг шўрланиш даражаси тобора ортиб борди. Бошқача ифодалаганда, она заминни одамзод ўз худбин манфаатлари йўлида касал қилиб, «пешонасини шўрлатди». Мазкур ҳолат, ўз навбатида, оғир экологик вазиятларни келтириб чиқарди.

Маълумки, ҳозирги илм-фан кўп нарсаларга қодир, афсуски, ҳеч қандай табиий ресурс ҳеч қачон сувнинг ўрнини боса олмайди. Шунга қарамай, ичимлик суви захираларининг камайиб кетиши, ифлосланиши, экин майдонларининг шўрланиши, сув исрофгарчилиги ҳамон давом этмоқда. Деярли тугаб бораётган сув захиралари ҳам мавжудлиги маълум. Ахир дунё бўйича ҳар куни дунёда 6 мингга яқин болакай ичишга яроқсиз сув истеъмол қилгани сабабли оғир касалликка чалиниб, бевақт вафот этмоқда. Сувнинг ўта ифлосланиши туфайли одамлар ошқозон-ичак, буйрак, жигар ва аллергия хасталикларга дучор бўлмоқдалар.

Хуллас, Фарғона водийсида сувнинг тарихи ва маданияти таҳлилига оид ушбу монография Марказий Осиёда сув билан боғлиқ маҳаллий маданиятларни илмий жиҳатдан ўрганишга бағишланган илк тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Келгусида табиий фанлар, географ, гидролог, тарихчи ва антропологларнинг сув ва экология муаммолари доирасида амалга оширган янги илмий натижаларига таяниб, асосланиб ҳамда маҳаллий экологик маданиятларни ўрганиб, соҳадаги нафақат илмий билимлар, шу билан бирга, амалий хулосаларни ҳам келажак авлодларга етказиш энг хайрли амаллардан бири саналади. Ушбу эзгу ният ва мақсадлар йўлида биз ҳам соҳа мутахассисларининг мазкур китоб хусусидаги фикр-мулоҳазаларини, муаммолар ечимига доир таклифларини мамнуният билан кутиб қоламиз.

Глоссарий

Ерости сувлари – ер сатҳидан пастда ер қобиғининг тоғ жинслари қатламларида жойлашган сувлар.

Ерусти сувлари – ер қобиғининг устида жойлашган сувлар.

Мелиорация объектлари – коллектор-дренаж ва ерусти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган, коллекторларни ва коллектор-дренаж тармоғи, вертикал дренаж кудуқлари, мелиорация насос станциялари (агрегатлари)ни ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари.

Сепоя (форс-тож. се – уч ва поя) – тўғон, дамба қуришда, дарё ва анҳорларнинг қирғоқларини сув ювиб кетишидан сақлашда ишлатиладиган мослама. Учта поя бир-бирига учбурчак шаклида мустаҳкамланади. Ҳосил бўлган учбурчакнинг ораси харсанг тош ва бошқа материаллар билан тўлғазилиб, сув йўли тўсилади, қирғоқ мустаҳкамланади. Сепояни ясовчи усталар сепоячи деб аталган. XX асрнинг 40-йилларигача Ўзбекистон ирригациясида кўп қўлланилган. Йирик темирбетон тўғонлар қурилиши билан у ўз аҳамиятини йўқотди.

Сув истеъмолчилари уюшмаси – юридик шахс бўлган сув истеъмолчилари томонидан сувга доир муносабатлар соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти.

Сув объекти – сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган, сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек, коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ерости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовуз-

лар ва бошқалар) сув ҳавзалари, шунингдек, булоқлар ва бошқа объектлар.

Сув объектларини муҳофаза қилиш – сув объектларини сақлаш ва тиклашга қаратилган тадбирлар тизими.

Сув режими – сув объектлари ва тупроқ-грунда сув сатҳи, тезлиги, сарфи ва ҳажмининг вақт бўйича ўзгариши.

Сув ресурслари – фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши лозим бўлган сув объектлари сувлари.

Сув хўжалиги – иқтисодиётнинг сув ресурсларини ва сув объектларини ўрганиш, ҳисобга олиш, бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, шунингдек, сувларнинг зарарли таъсирига қарши курашишни қамраб олувчи тармоғи.

Сув хўжалиги объекти – сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган сув объекти.

Сувдан фойдаланувчи – сув ресурсларини сув объектдан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Сувларнинг зарарли таъсири – сув тошиши, сув босиши, зах босиши ва сувларнинг ўзга таъсирлари натижасида айрим табиий-хўжалик объектлари ва ҳудудларнинг ювилиши, бузилиши, лойқа чўкиши, ботқоқланиши, шўрланиши ва бошқа салбий ҳодисалар.

Трансчегаравий сувлар – икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган ҳар қандай ерусти ёки ерусти сувлари.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абашин Н. С. Семь святых братьев / Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – Москва, 2003. – С. 18–40.
2. Абдулахатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Тошкент: Шарқ, 2005.
3. Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган, 1995.
4. Абдулхамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1990 – С. 102–103.
5. Абрамзон С. М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Ленинград: Наука, 1971.
6. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. – Тошкент: Халқ мероси, 1993.
7. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. Т. 1. – Тошкент: Фан, 1968.
8. Авеста. Избранные гимны / Перевод с авестийского и комментарии проф. И. М. Стеблин-Каменского. – Душанбе: Адиб, 1990.
9. Авеста в русских переводах (1861–1996). – Санкт-Петербург, 1997.
10. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент, 2001.
11. Авесто: Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.
12. Авесто: «Видевдот» китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: ТошДШИ, 2007.
13. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1959.
14. Алибеков У. Ўзбек халқининг даврий дарё тошқинлари билан боғлиқ календарь удумлари хусусида // ЎЗМУ хабарлари. – 2017. – №4. – Б. 11–14.
15. Алишер Навоий. Танланган асарлар. 6-жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент, 1965.
16. Аминов А. М. Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX века до первой мировой войны). – Ташкент, 1959. Кн.2.
17. Анарбаев А., Буряков Ю., Галиева З., Тихонин М., Усова Е. Раскопки на городищах Канка и Шахрухия // Археологическое обозрение. – Москва, 1978. – №1.

18. Анарбаев А. А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтнинг ташкил топиши // Ўзбекистон худудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдиэлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2006.
19. Анарбаев А. А., Максудов Ф. А. Древний Маргилан (Из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Ташкент: Фан, 2007.
20. Анарбаев А. А. Ахсикент – столица древней Ферганы. – Ташкент, 2013.
21. Анарбаев А. А. Қадимги Фарғона давлати ва унинг пойтахти тарихидан лавҳалар // Водийнома. – Андижон, 2016. – №1.
22. Анарбаев А. А. Фарғонанинг антик ва ўрта асрлар даври шаҳар маданияти. Маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси. – Тошкент, 2017.
23. Андреев М. С. Новые данные по установлению значения слова «Фергана» // Сообщения Таджикского ФАН СССР. Вып. 24. – Сталинабад, 1950.
24. Андреев М. С. Таджики долины Хуф (Верховье Амударьи). – Сталинабад, 1953. Вып. 1.
25. Андреев Ю. А. Вода наместника Бога на Земле. – СПб.: Питер, 2008.
26. Андрианов Б. В. Бык и змея (У истоков культа плодородия) // Наука и религия. – 1972. – №1.
27. Андрианов Б. В. Земледелие наших предков. – Москва: Наука, 1979.
28. Антонова Е. В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. Опыт реконструкции мировосприятия. – Москва, 1984.
29. Алам Напат. Мифологический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1990.
30. Аширов А. Фарғона водийси аҳолисининг сув билан боғлиқ қарашлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2017.
31. Аширов А. Фарғона водийси аҳолисининг сув билан боғлиқ мифологик қарашлари ва урф-одатлари // O'zbekiston tarixi. – 2018. – №1. – Б. 22–32.
32. Аширов А. Вода в традиционной жизни и культуре населения Ферганской долины // Вестник МИЦАИ. – 2018. – №2. – С. 34–46.

33. Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. Ўзбекистон. Иккинчи шарҳ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. – Нью-Йорк, Женева, 2010.
34. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990.
35. Ахметьянов Р. Г. Общая лексика духовной культуры народов Среднего Поволжья. – Москва: Наука, 1981.
36. Агзамходжаев С. С. Туркистон мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000.
37. Бабаджанов Б. Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Ташкент, 2010.
38. Бакиев М. Р., Қодирова М. Г. Селга қарши гидротехника иншоотлари (дарслик). – Тошкент, 2008.
39. Баратов Н. Ўзбекистоннинг табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
40. Баратов П. Х., Маматқулов М., Рафиқов А. А. Ўрта Осиё табиий географияси. – Тошкент, 2002.
41. Бартольд В. В. Сочинения. Т.1. – Москва: Восточная литература, 1963.
42. Басилов В. Н. О туркменском «пире» дождя Буркут-Баба // Советская этнография. – 1963. – №5.
43. Басилов В. Н. Культ святых в исламе. – Москва: Наука, 1970.
44. Басилов В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1992.
45. Баялиева Т. Пережитки магических представлений и их изживание у киргизов // Древняя и раннесредневековая культура Киргизистана. – Фрунзе, 1967.
46. Беленицкий А. М. О домусульманских культах Средней Азии. Краткие сообщ. инст-та истории и материальной культуры. Вып. 28. – Москва, 1949.
47. Бернштам А. М. Социально-экономической строй Орхон-Енисейских тюрок VII–VIII веков: Восточно-тюркской каганат и кыргызы. – Москва–Ленинград: Изд.-во АН СССР, 1946.
48. Богомолова К. Следы древнего культа воды у таджиков // ИООН. Вып. II. – Сталинабад, 1952.
49. Бўриев О. Сув – ҳаёт манбаи // Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари. – Тошкент, 2014.
50. Бўриев О., Раҳмонов Ф. Мироб – сув ҳоқими // Мозийдан садо. – 2004. – №4. – Б. 32–33.
51. Бутанаев В. Я. Культ богини Умай у хакасов // Этнография народов Сибири. – Новосибирск, 1984.

52. Величко А. А., Кременецкий К. В., Маркова А. К., Ударцев В. П. Палеоэкология ашельской стоянки Сель-Унгур (предварительное сообщение) // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. – Ташкент, 1988.
53. Величко А. А., Арсланов Х. А., Герасимова С. А., Исламов У. И., Кременецкий К. В., Маркова А. К., Ударцев В. П., Чиколини Н. И. Советская Средняя Азия. Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии и Америки. – Новосибирск, 1990.
54. Верещагина Н. Г., Щетинников А. А., Мухаметзянова А. М. Антропогенные изменения стока реки Сырдарья и ее составляющих Нарына и Карадарьи // Гидрометеорология и экология. – 2018. – №4.
55. Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. – Санкт-Петербург, 1996.
56. Воҳидов Э. Жунун водийсида // Алишер Навий ғазалларига шарҳлар. – Тошкент, 2001.
57. Гаджиев С. Ш. Кумыки. Историко-этнографический очерк. – Москва: Наука, 1961.
58. Гафуров Б. Г. История таджикского народа. – Москва, 1955.
59. Геннеп А. ван. Обряды перехода. Систематическое изучение обрядов. – Москва: Восточная литература, 1999.
60. Ғойибов М. ва бошқ. Хива табобати. – Тошкент: Абу Али бин Сино, 1995.
61. Губаева С. С. Путь в зазеркалье (Похоронно-поминальный ритуал в обрядах жизненного цикла) // Среднеазиатский этнографический сборник. – Москва, 2001. Вып. IV. – С. 164–175.
62. Гўзалов Ф. Сувнинг ҳаётбахш сеҳри // Ёшлик. – 1990. – №1. – Б. 75–77.
63. Гулёр: Фарғона халқ кўшиқлари / Тўпловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967.
64. Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957.
65. Давлетов С. XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.
66. Джавадова Ю. Народный земледельческий календарь и метрология азербайджанцев в XIX – нач. XX в. // Советская этнография. – 1984. – №3.

67. Древнетюркский словарь. – Л., 1969.
68. Духовный В. А., Юп. Л. Г. де Шуттер. Вода в Центральной Азии. – Алма-Ата, 2018.
69. Евсюков В. В. Мифы о вселенной. – Новосибирск: Наука, 1968.
70. Евсюков В. В. Мифология китайского неолита. – Новосибирск, 1989.
71. Жабборов И. М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003.
72. Жабборов Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси. – Қарши, 2004.
73. Жалолиддин Румий. Ҳикматлар / Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2007.
74. Жданко Т. А. Этнография каракалпаков XIX – начало XX века (материалы и исследования). – Ташкент: Фан, 1980.
75. Жуманазаров У. Сувга сиғинишга доир айрим қайдлар // Ўзбек тили адабиёти. – 1990. – №4.
76. Жўрабеков И., Духовний В. Обихаёт – ўтмишимиз, бугунимиз ва келажакимиз // xs.uz/uzkr/post/obihayot-otmishimiz-bugunimiz-va-kelajagimiz.
77. Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида «сехрли» рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991.
78. Жўраев М. Ўзбек халқи самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995.
79. Жўраев М. Кўздай ёруғ байрам // Соғлом авлод учун. – 2004. – №3. – Б. 36–40.
80. Жўраев М. Ўзбек мавсумий фольклори. – Тошкент, 2008.
81. Жўраев М., Саттиева Д. Ўзбек фольклорида «ҳаёт дарахти». – Тошкент: Фан, 2010.
82. Жўрақулов У. Сув Аллоҳ зикрини «эшитганда» // Оила даврасида. 2020 йил 13 март.
83. Жўрақўзиев Н. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар ва туркий халқларда космогоник мифология. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. – Тошкент, 2019.
84. Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. – Москва, 1962.
85. Залеман К. Г. Легенда о Хаким-ота // Известия АН Таджикистана. Т.Х. – СПб., 1898. – №2.
86. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008.

87. Зуннунова Г. Ш. Таомлар билан боғлиқ маданият // Миндон ва миндонликлар. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – Б. 88–112.
88. Ибн Хавкал. Пути и страны. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касима. Ибн Хавкала // Труды САГУ. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1957.
89. Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии. – Москва, 1958.
90. Имом ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 1-жилд. – Тошкент, 2008.
91. Исламов У. И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур // ИМКУ. Вып. 19. – Ташкент, 1984.
92. Исламов У. И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. – Ташкент, 1988.
93. Исламов У. И., Зубов А. А., Харитонов В. М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгур в Ферганской долине // Вестник археология. – Вып. 80. – Москва, 1988.
94. Исламов У. И., Крахмаль К. А. Некоторые проблемы палеоэкологической реконструкции ашельской стоянки Сель-Унгур // ОНУ. – 1990. – №12.
95. Исламов У. И., Крахмаль К. А. Комплексные исследования древнепалеолитической пещерной стоянки Сель-Унгур. Раннепалеолитические комплексы Евразии. – Новосибирск, 1992.
96. Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. – Тошкент, 1992.
97. Исоқов З. С. Фарғона водийси деҳқончилик маданияти. – Тошкент: Yangi nashr, 2010.
98. Исомиддинов З. Сув // Ҳуррият. 2008 йил 26 март.
99. Исомиддинов З. Сув нафақат тириклик манбаи, балки ҳаётнинг энг улуғ мўъжизасидир // Ҳуррият. 2018 йил 28 март.
100. Исомиддинов З. Она юртим – Қирғизистон, Ўш... – Бишкек: Улуу тоолор, 2019.
101. Исомиддинов М., Мирсоатова С. «Фарғона одами» ва антропогенез жараёни // Водийнома. – Андижон, 2016. – №1.
102. Календарные обычаи и обряды народов восточной Азии. Годовой цикл. – Москва, 1988.
103. Караев С. К. Топонимия Узбекистана. – Ташкент, 1991.
104. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Тошкент, 2008.
105. Кляшторный С. Г. Тонюк-Ашида. Юаньчжен // Тюркологический сборник. К шестидесятилетию А. Н. Кононова. – Москва: Наука, 1966.

106. Коблов Я. Д. Мифология казанских татар // ИОАИЭ. При императорском Казанском Университете. – Казань, 1910. Т. 26. – Вып. 5.
107. Комилов О. К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951–1990 йй.). Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати. – Тошкент, 2017.
108. Леви-Стросс. Структурная антропология. – Москва: Эксмо-пресс, 2001.
109. Кушелевский В. И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. – Новый Маргелан, 1890.
110. Маллицкий Н. Г. О некоторых географических терминах, имеющих отношение с Средней Азии // ИВГО. Вып. 5. – СПб., 1845.
111. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1960.
112. Мифология древнего мира. – Москва: Наука, 1977.
113. Месару Эмото. Сув қуввати // Жаҳон адабиёти. – 2009. – №3.
114. Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882.
115. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
116. Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изоҳлар Ш. Воҳидов. Араб ёзувидан Ш. Воҳидов ва Р. Холиқова табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
117. Мифы народов мира: Энциклопедия. – Москва, 1980. Т. 1.
118. Мифы народов мира. Электронное издание. – Москва, 2008.
119. Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. Сборник. – Москва, 1986.
120. Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010.
121. Мухиддинов И. Земледелие припамирских таджиков Вахана и Ишкамиша в XIX – начале XX (Историко-этнографический очерк). – Москва, 1975.
122. Назаров Р. С., Абдуллаев А. Қ., Холбоев Г. Х. Ўзбекистонда ғўза агротехникаси, агроиклимий шароитлари ва ресурслари. – Тошкент, 2009.
123. Насриддинов Қ. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи (XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярми). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.

124. Неразик Е. Е. Раскопки городища Топрак-кала // Археологические открытия. 1974. – Москва: Наука, 1975.
125. Нуриддинов Ж. Нима учун сувни икки марта қайнатиб бўлмайди? // <http://muslim.uz/index.php/rukn/tabobat>.
126. «Оймомода аждаҳо» // Ўзбек халқ фантастикаси. 1-китоб. – Тошкент, 1983.
127. Орошение // Среднеазиатская жизнь. 1906 г. 15 июль. – №59.
128. Пайзиёва М. Никоҳ тўйи маросимлари // Миндон ва миндонликлар. – Тошкент, 2015.
129. Пайзиёва М. Анъанавий мотам маросимлари // Миндон ва миндонликлар. – Тошкент, 2015.
130. Потапов Л. П. Одежда алтайцев // Сборник МАО. Т. XII. – М-Л.: Изд-во АН СССР, 1951.
131. Потапов Л. П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник. – Москва, 1973.
132. Потапов Л. Алтайский шаманизм. – Москва: Наука, 1991.
133. Пьянков И. В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. – Душанбе, 1975.
134. Рак И. В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. – СПб., 1998.
135. Рассудова Р. Я. Культурные объекты Ферганы как источник по истории орошаемого земледелия // Советская этнография. – 1985. – №4.
136. Рахимов Н. Культ воды у древнеиранских племен Средней Азии // Ученые записки Ходжентского государственного университета. – Ходжент, 2009.
137. Рахманов У. Хозяйственные помещения за пределами крепости Сапаллитепа // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 13. – Ташкент, 1977.
138. Раҳмонова Ю. Хива шаҳри тарихи (Анъана ва ўзгаришлар. XVI аср – XX аср бошлари). – Тошкент: Akademnashr, 2019.
139. Ремпель Л. И. Цепь времен: вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент, 1987.
140. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987.
141. Саидов А. Тоғ сойлари – сугориш манбаи. – Тошкент: Фан, 1974.
142. Саидов А. Х. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2010. – №2.

143. Саидов М. XI–XII асрларда Ахсикентнинг тарихий топографияси // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Наманган, 2012.
144. Сайфуддинов Р. Сув – неъматларнинг улуғи // <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/9489-suv-ne-matlarning-ulu-i>.
145. Саримсоқов А. А. Ўзбек халқи тақвимий маросимлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2014.
146. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент, 1986.
147. Саҳиҳи Бухорий. 2-китоб. – Тошкент, 2008.
148. Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва: Наука, 1969.
149. Снесарев Г. П. По следам Анахиты // Советская этнография. – 1971. – №4.
150. Соколов В.И. Водное хозяйство Узбекистана: прошлое, настоящее и будущее. – Ташкент, 2015.
151. Солиев Э. Фарғона водийси дарёлари суви оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш. – Наманган, 2017.
152. Солиев И. Р. Фарғона водийси ерости сувлари режимига иқлим ўзгаришининг таъсири. Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.
153. Старр Ф. Партнерство в Центральной Азии // Россия в глобальной политике. – 2008. – № 3. – С. 72–98.
154. Стариков Н. П. Проблема режима эксплуатации водохранилищ в водном хозяйстве Узбекистана. [Электрон. ресурс]. – 2005. – URL: <http://water-salt.narod.ru> (дата обращения 20.10.2018).
155. Сув – арзон дори, текин шифокор // <http://manzur.uz/>
156. Сувнинг сўроғи. – Бишкек: Айгине маданий-тадқиқот маркази, 2017.
157. Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2004.
158. Султонходжаев А. Н. Ферганский артезианский бассейн. – Ташкент, 1972.
159. Сўфиев Ў. М. Сўх тожикларининг сув култи билан боғлиқ урф-одатлари // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2014.
160. Табобат дурдоналари / Тузувчи-таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тайёрловчи М.Ҳасаний. – Тошкент: Ибн Сино, 1990.

161. Татары Среднего Поволжье и Приуралья. – Москва: Наука, 1957.
162. Толстов С. П. Древний Хорезм. – Москва: Наука, 1948.
163. Толстов С. П. По следам древнехорезмской цивилизация. – Москва, 1948.
164. Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – Москва, 1962.
165. Традиционное мировоззрение тюрков Южной Сибири: Пространство и время. Внешний мир. – Новосибирск: Наука, 1988.
166. Троицкая А. Л. Первые сорок дней ребёнка (чилля) среди оседлого населения Ташкентского и Чимкентского уездов // В. В. Бартольд – друзья, ученики и почитатели: сборник. Ташкент, 1927.
167. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
168. Турсунов Б. Р. Конибодом воҳаси муқаддас масканлари тарихидан (Хўжа Такривут мазори мисолида). – Хўжанд, 2007.
169. Тюркологический сборник. 1972. – Москва: Наука, 1973.
170. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. II том. – Тошкент, 1989.
171. Ўзбекистон тарихи. Иккинчи китоб (1917–1991 йиллар). – Тошкент, 2019.
172. Улуқов Н. М. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008.
173. Умар Хайём. Наврўзнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019.
174. Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги. – Тошкент: Navro'z, 2017.
175. Файзиева Д. Ўзбек фольклорида илон образи. – Тошкент: Фан, 2010.
176. Фильструп Ф. А. Из обрядовой жизни киргизов начала XX века. – Москва: Наука, 2002.
177. Фрэзер Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. 2- изд-е. – Москва: ИПЛ, 1986.
178. Фрэзер Дж. Фольклор в ветхом завете. – Москва: Политиздат, 1990.
179. Хабиба Фатхи. Смысл женских ритуалов Биби Мушкулькушод и Биби Сешанбе в современной Центральной Азии //

- Марказий Осиёдаги анъанавий ва замонавий этник жараёнлар. – Тошкент, 2005. – С. 13–24.
180. Халилов Х. М. Историческая общность и национальное своеобразие обрядовой поэзии народов Дагестана и Северного Кавказа // Дагестанский фольклор во взаимосвязи с иноэтническим фольклором. – Махачкала, 1985.
181. Халмуратов Б. Р. Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши ва миллий қадриятлари тизимида сув // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2010. – №2. – Б. 129–134.
182. Халмуратов Б. Р. Сув илмининг билимдонлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2018. – №1. – Б. 67–68.
183. Хўжаев А. Қадимги Паркона (Юан-чэнг) шаҳри ҳақида Хитой манбалари // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2012.
184. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. – Фарғона, 2013.
185. Чепелевская Г. Сузани Узбекистана. – Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1961.
186. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мўминнинг қалқони – муфассал рўза китоби. – Тошкент, 2018.
187. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. – Тошкент: Ҳилолнашр, 2017.
188. Шамсиддин Камолиддин. Фарғона қадимда ва ўрта асрларда / Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2014.
189. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974.
190. Шониёзов К. Холбиби мироббоши // Саодат. 1980. №4 – Б 24–25.
191. Шульц В. Л. Реки Средней Азии. – Ленинград: Гидрометеоиздат, 1965.
192. Эргашев А., Эргашев Т. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти. – Тошкент: Фан, 2009.
193. Ғулломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1959.
194. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002.

195. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
196. Ҳасанов И. А., Фуломов П. Н., Қаюмов А. А. Ўзбекистон табиий географияси. 2-қисм. – Тошкент, 2010.
197. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981.
198. Ҳикматов Ф. Ҳ., Айтбаев Д. П. Ўрта Осиё сув илми тарихига оид маълумотлар. – Тошкент: Университет, 2006.
199. Ҳомидий Ҳ., Аширов А., Умаралиев М. Косонсой тарихи. – Тошкент: EXTREMUM PRESS, 2010.
200. Ҳудуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи) / Таржимон О.Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
201. O'zbek xalq maqollari. – Toshkent: Sharq, 2005.
202. A. van Genner. The rites of passage. – Chikago, 1960.
203. Afnan R. Zoroaster's Influence on Greek Thought. – New York, 1965.
204. Biesterfeld W. Der Platonische Mythos des Er (Politeia 614b–621d). – Münster, 1970.
205. Freedman E. Enviromental Issues in the Ferghana Villey of Centria Asia. Applied Enviromental Edication & Communication. – Michigan. USA. – 2014. – №3.
206. Conti R. Cosmogonie orientali e filosofia presocratica. – Roma, 1967.
207. Duchesne-Guillemin J. The Western Response to Zoroaster. – Oxford, 1958.
208. Leonid Pavlovič Potapovs Materialien zur Kulturgeschichte der Usbeken aus den Jahren 1928 – 1930: mit begleitenden Worten des Sammlers. von Jacob Taube. Turcologica, Bd. 25.
209. Ranov V. A. Decouverte des civilizations d'Asie Centrale. Les dossiers d'Archeologie. No185 / Septembre. – Paris, 1993.
210. Schmeja H. Iranisches und Griechisches in den Mithramysterien. – Innsbruck, 1975.
211. Watson P. Total body water volumes for adult males and females estimated from simple anthropometric measurements // The American Journal for Clinical Nutrition. – 1980. – Vol. 33. – №1.
212. West M. L. Early Greek Philosophy and the Orient. – Oxford, 1971.

Илмий-оммабоп нашр

Адҳамжон Аширов

ЎЗБЕК МАДАНИЯТИДА СУВ

Муҳаррир: Дилором МАТКАРИМОВА
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусахҳиҳ: Алишер ТУРСУНОВ

Нашриёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 10.05.2020 й.
Босишга рухсат этилди: 08.07.2020 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 $\frac{1}{32}$.
Агіал гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 10,2. Шартли б.т.: 12,6.
Адади: 1000 нусха.
Буюртма № 106

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz

«Javohir nashr» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Зиёлилар кўчаси 6-уй.

Адхамжон Аширов – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти «Этнология ва антропология» маркази бошлиғи.

Асосий илмий тадқиқот ишлари Ўзбекистон этнологиясига бағишланган бўлиб, республиканинг турли тарихий-этнографик минтақаларида яшовчи аҳолининг диний эътиқодлари, турмуш тарзи, маданияти ва оилавий маросимларини ўрганишга қаратилган.

e-mail: sirdarya2015@gmail.com

<https://www.facebook.com/adham1972>

Telegram: @AdhamjonAshirov

Ўзбек маданиятида СУВ

Адхамжон Аширов

ISBN 978-9943-6498-2-8



9 789943 649828